



Абдулла Улугов

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ
МУҲТАШАМ АДАБИЙ
ОЛАМИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛА УЛУҒОВ

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ МУҲТАШАМ АДАБИЙ ОЛАМИ

Монография



Тошкент – 2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Абдулла Улуғов

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ
МУҲТАШАМ АДАБИЙ ОЛАМИ

Монография

Тошкент – 2023

УЎК.....

КБК.....

У..

Улуғов, Абдулла

Чингиз Айтматов муҳташам адабий олами [Матн] / А.Улуғов: - Тошкент “Muharrir”

nashriyoti, 2023. – ... б

ISBN.....

Дастлабки асарлари билан дунё миқёсида шон-шухрат қозонган Чингиз Айтматов худди Алишер Навоий сингари туркий халқларнинг фахри, ифтихоридир. Унинг қисса ва романлари худди “Хамса” ва “Хазойин ул маоний” сингари жаҳон адабиёти манзарасига алоҳида жозибба бағишлаб туради. Истеъдодли адиб, улкан давлат ва жамоат арбоби сифатидаги жўшқин фаолияти билан мағриб-у маширқда маишур бу буюк ижодкор асарлари Ер шаридаги миллионлаб китобхонлар эътиборини оҳанрабодек ўзига тортиб келади. Уларда миллий ва умумбаширий қадриятлар юксак инсонпарварлик зоялари асосида санъаткорона маҳорат билан акс эттирилади. Алишер Навоий газал ва достонларида башарият шоири сифатида кўринса, Чингиз Айтматов ўзининг муҳташам адабий оламида инсониятнинг улуг адиби эканини намоён этади. Буюк ёзувчининг бетакрор адабий олами ранг-баранг манзараларга бой бўлиб, у ҳар бир кишини беихтиёр ўзига мафтун қилади.

Адабиётшунос Абдулла Улуғовнинг мазкур монографиясида ана шу муҳташам адабий оламнинг айрим жиҳатлари тўғрисида мулоҳаза билдирилади.

Шунингдек, китобда ўқувчилар эътиборига буюк адибнинг “дунёдаги энг гўзал севги қиссаси” деб эътироф этилган “Жамила” асари ҳам тақдим қилинади.

:

Масъул муҳаррир:

Шухрат Сирожиддинов,

филология фанлари доктори, профессор.

Такризчилар:

Баҳодир Каримов,

филология фанлари доктори, профессор.

Абдумурод Тилавов,

филология фанлари номзоди, доцент.

Мазкур монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети кенгашининг 2023 йил ... январдаги ... – қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN.....

© А. Улуғов.

“Muharrir”nashriyoti,

Тошкент, 2023.

Чингиз Айтматов мухташам адабий олами

XX аср иккинчи ярми – XXI аср боши жаҳон адабиётида Чингиз Айтматов ижоди мухташам адабий олам сифатида ўзига хос ўрин тутди. Туркий халқлар адабиётини бу адибнинг асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Унинг қисса ва романлари қирғиз адабиётини дунёга танитди ва ўзига хос янгилик сифатида Ғарбу Шарқнинг миллионлаб китобхонлари муҳаббатини қозонди. Чингиз Айтматов бу икки асрда жаҳоннинг энг машҳур адибларидан бирига айланди. Адибнинг асарлари дунёнинг 178 тилида нашр этилган (Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 420 б. – 104-бет). Ёзувчининг дастлабки асарларидан бири “Жамила”ни Луи Арагон “Дунёдаги энг гўзал муҳаббат қиссаси” деб баҳолаган. Машҳур француз адибининг бу таърифни бошқа ижодкорлар ҳам таъкидлашган ва у оммалашиб кетган. Чингиз Айтматов ижоди тўғрисида сўз кетса, албатта, ушбу таърифни келтириш анъана тусини олган. “Дунёдаги энг гўзал муҳаббат қиссаси” муаллифининг ҳар бир асари кенг жамоатчилик томонидан ҳамиша катта кизиқиш билан кутиб олинган ва у турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Баъзи ижодкорларнинг асарлари тўғрисида баҳс бошланади-ю, ўз-ўзидан тўхтайтиди. Аксарият қаламкашларнинг ёзганлари эса кўпчиликнинг эътиборини тортмаганича унутилиб кетади. Чингиз Айтматовнинг қисса, романлари ҳамиша адабиёт ва ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги турли баҳс-мунозалар, ўзаро суҳбат, мулоқотлар учун мавзу бўлиб келади. Бу адиб асарларининг фавқулодда таъсирчан эканлиги, улар кишиларнинг қалби, руҳига сингиганидан далолат беради. Чингиз Айтматовнинг асарлари инсонни улуғлаши, унинг заҳматкашлиги, яратувчанлигини шарафлаши билан эътиборни тартади. Адиб асарларининг асосий қаҳрамонлари – оддий



одамлар. “Жамила”, “Алвидо, Гулсари!” қиссалари қаҳрамонлари қишлоқда яшашади. Жамила, Дониёр буғдой ўриб, хирмон кўтаради, Танабой – чўпон, отбоқар. “Оқ кема” қиссаси қаҳрамонлари – Бола, Мўмин чол ҳам шаҳардан узоқдаги тоғлар орасидаги овлоқ гўшада ҳаёт кечиришади. Адиб ана шу оддий одамларнинг турмуш тарзини кўрсатиб, умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятлар тўғрисида сўз юритади. Унинг Танабой (Алвидо, Гулсари!), Мўмин чол (“Оқ кема”), Дуйшен (“Биринчи муаллим”) каби қаҳрамонлари ўзининг юксак маънавий эътиқоди, қалби меҳр-шафқат, муҳаббатга тўлалиги билан кишиларни ҳамиша ҳаяжонга солади. “Асрга татиғулик кун” романи қаҳрамонлари Эдигей, Абутолиб, “Қиёмат” романидаги Авдий, Бўстон тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Улар нафақат қирғиз ёки қозоқларнинг, балки барча миллат кишиларининг адабий тимсоли бўлиб кўринади. Худди мана шу жиҳати билан ҳам Чингиз Айтматовнинг мухташам адабий олами замонавий жаҳон адабиётига ўзига хос кўрк, жозиба бағишлаб туради. Чингиз Айтматов қаҳрамонларининг машаққатли умр йўлини, қувончу изтиробларини кўрсатиш орқали кишиларнинг инсон сифатида ўз-ўзини англаши ғоят мураккаб жараён эканини гавдалантиради ва одамзод минг йиллардан бери маънавий жиҳатдан улғайдими ёки йўқми, деган муаммо тўғрисида мушоҳада юритишга ундайди. Адиб асарларини мутолаа қилиш жараёнида ҳар бир ўқувчи фан-техника юксак тараққий этган ахборот асрида ҳам одамлар аждодларини азоблаган, турли қирғин-барот урушларни келтириб чиқарган шуҳратпарастлик, бойликка ўчлик, ҳокимиятпарастлик каби зарарли иллатлардан халос бўлолмагани, худбинлик, манфаатпарастлик кишиларнинг қон-қонига сингиб кетгани, барча замонлардаги муаммолар ана шу давосиз маънавий-руҳий касалликдан келиб чиқаётгани тўғрисида ўйлаб қолади. Адибнинг “Оқ кема”, “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат”, “Охирзамон нишонлари”, “Тоғлар қулаётган замон (“Абадий қаллик”) асарларида ҳозирги даврда умуминсоний аҳамиятга эга долзарб ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муаммоларга эътибор қаратилади. Уларда

глобаллашган ҳозирги замондаги ҳаёт мураккабликлари турли ракурсларда кўрсатилади. Санъаткор инсониятнинг бугунги аҳволи, унинг келажаги тўғрисида мушоҳада юритар экан, ўзи англаган ҳақиқатларга диққатни жалб этиш мақсадида афсона, ривоятларга мурожаат этади, ҳар бир кишининг ҳаёти бутун коинот билан чамбарчас боғлиқлиги, инсоният бутун борлик, Ер шаридаги табиат учун масъул ва жавобгар эканлигини таъкидлайди. Қисса, романларнинг сюжетига сингиб кетган ушбу афсоналарда бугунги кун кишилари учун сабоқ, ибрат бўладиган ҳақиқатлар ифодаланади. Адиб афсона ва ривоятларни ўтмиш ва бугунги кун воқелиги билан боғлар экан, инсон тақдирнинг бешафқат ҳукмига ташлаб қўйилгани, шу боис унинг ҳаётида муттасил эзгулик ва ёвузлик кураши кечиши, зулм ва зўравонлик, хўрлик ва ҳақорат инсонни беҳад абгор қилиши, ёвузлик ва бемехрлик хунрезлик ва бешафқатликка йўл очишига эътибор қаратади. “Қиёмат”, “Асрга татигулик кун”, “Оқ кема”, “Тоғлар қулаётган замон”нинг айна шу ўринларида Чингиз Айтматов адабий оламининг ўзига хос муҳташам манзараси ёрқин намоён бўлади.



Халқ оғзаки ижоди ёзма адабиётнинг асоси эканлиги, барча халқларнинг ёзма адабиёти эртак, достон, қўшиқлар асосида шаклланганини барча яхши билади. Эртак, достонларда эса ҳаётини воқеаларга ҳаёлий тус бериш, бўрттириш устун туради. Уларда кишиларнинг орзу-хаёли, тасаввуридаги олам манзаралари акс этади. Шунинг учун эртак, достонлар “хаёл тўқимаси, уйдирма” дейилади. Эртак, достонлардаги учаргилам, очилдастурхон аслида ҳаётда бўлмаслиги ҳаммага аён. Лекин “хаёл тўқимаси, уйдирма” ичидаги қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракатини тасаввур қилиб, барча уларга ҳавас қилади. Чунки Алпомиш, Манас, Гўрўғли юзлаб, минглаб кишилар қилолмайдиган ишларни бир зумда бажаради. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони қаҳрамонлари ҳам ўзларининг фавқулодда куч-қудрати, ақл-заковати, адолатпарварлиги билан ҳайратлантиради. Халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам, ёзма мумтоз

достонларда ҳам хаёлий воқеалар худди ҳаётда бўлиб тургандай қилиб тақдим этилади. Бундан аён бўладики, ҳаётий ва хаёлий воқеаларга ишонтириш ва улардан таъсирлантириш адабиётнинг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Сўз санъати халқ оғзаки ижодидан бошлангани боис унда эртак, достон, кўшиқ, латифа кабилар асосий ўрин тутади. Улар эса ҳаётий воқеага эмас, кўпроқ тўқимага асосланади. Бу эса эртак, достонлар замирида ҳам афсона ётишидан далолат беради.

Адабиётшуносликда “афсона” худди эртак, достон, ҳикоя сингари алоҳида жанр экани таъкидланади. Жумладан, “Афсона – хаёлий уйдирмалар асос бўлган кичик ҳикоя” дейилади. “Афсона” форсча “фусун” сўзидан олинган бўлиб, “сеҳр, авраш, макр” маъноларини билдиради. Афсоналар асосида муайян тарихий, ҳаётий воқеалар туради. “Тўмарис”, “Широқ” афсона жанридаги асар саналади. Дарслик ва қўлланмаларда ривоятлар афсоналарга қараганда тарихга яқинроқ туриши қайд қилинади. Бу афсона ва ривоятнинг ўзаро яқинлигини билдиради. Адабиётшуносликда “миф” термини ҳам қўлланади. Ушбу термин “афсона”, “ривоят” атамаларига нисбатан кўпроқ ишлатилади. Антик адабиёт тўғрисида мулоҳаза билдирилганда ҳам, замонавий адабий жараён тўғрисида сўз юритилганда ҳам “миф” термини фаол қўлланади. “Миф” адабиётшуносликда “образ”, “сюжет”, “жанр” терминлари сингари фаол атама саналади. “Миф” айрим ўзбекча дарслик, қўлланмаларда “асотир”, “Русча-ўзбекча луғат”да эса “миф– миф, афсона” деб берилади. (Русча-ўзбекча луғат. Икки томлик. Биринчи том. – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакцияси, 1983. – 808 б. – 562-бет). Аслида эса “миф” юнонча сўз бўлиб, “сўз, нақл, ривоят” маъносини англатади (Словарь иностранных слов – М.: “Русский язык”, 1986. – 608 с. – с. 317).


Қадимги одамларнинг олам пайдо бўлиши, табиат ҳодисалари моҳияти, инсониятнинг илк ибтидоси тўғрисидаги хаёлий тўқималари “миф (асотир)” дейилади. Афсона, ривоят ва миф маъно жиҳатидан нимани англатиши солиштирилса, улар мазмун-моҳиятига кўра ўзаро ўхшаш

тушунча эканлиги аёнлашади. “Қадимги мифлар” деганда “қадимги афсоналар” назарда тутилади. “Прометей тўғрисида миф”нинг “Прометей тўғрисида афсона” дейилиши хато ҳисобланмайди.

Жаҳон адабиёти тарихи ва замонавий адабий жараёнга назар ташланса, унда азалдан афсона, ривоят, мифлар алоҳида ўрин тутгани ва энг яхши асарлар асосида, албатта, афсона, ривоят, мифлар тургани аён бўлади. “Илиада”, “Одиссея” қадимги юнон афсоналарига асосланса, “Рамаяна”, “Маҳобҳорат” ҳинд, “Шоҳнома” форс, “Алпомиш”, “Манас”, “Қўрқут ота китоби” туркий халқлар афсона, ривоятлари заминида яратилган. Шарқ шоирларининг “хамса”лари, Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”сидан ҳам афсона ва ривоятлар “қизил ип” бўлиб ўтади.

Афсона, ривоят, эртақларда халқ ҳаёти, кишиларнинг орзу-армонлари, муайян ҳақиқат акс этади. Шу боисдан “афсона – тарихнинг асранди қизи” дейилади. XX асрда афсона, ривоятлар санъат ва адабиёт учун мислсиз манба экани янада аёнлашди. Бу даврда Ж. Жойс, Т. Манн, Ф. Кафка, А. Камю, С. Беккет, Г. Маркес каби машҳур адиблар миф, афсона, ривоятлар орқали инсон дунёсини бадиий идрок этишда адабиётда жиддий кашфиётларга эришишди. Уларнинг роман, қисса, ҳикоялари асосида афсона, мифларнинг турганлиги, инсоннинг ички олами, қалб жумбоғини очишда ривоят, афсоналарнинг асосий омилга айлангани, асарларнинг энг кизиқарли, ёдда қоладиган жиҳати айнан афсона, ривоятлар билан боғлиқ экани кишини ҳайратга солади. Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема”, “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат”, “Тоғлар кулаётган замон (“Абадий қаллиқ”) асарлари тилга олинганида дастлаб улардаги афсоналар эсга тушади. Адибнинг “Оқ кема” қиссасида “Шоҳдор она буғу”, “Асрга татиғулик кун” романида “Найман она”, “Раймали оғанинг иниси Абдилхонга айтгани” ва “Чингизхонинг оқ булут”, “Қиёмат” романида “Исо алайҳиссалом ва Понтий Пилат”, “Тоғлар кулаётган замон” романида “Абадий қаллиқ” афсоналари берилади. Аниқроғи, ушбу афсоналар мазкур асарларнинг мазмун моҳиятига сингдириб юборилади. Бугунги кун кишилари ҳаёти асос

килиб олинган айни асарларда афсона, ривоятлар сюжетнинг муҳим тармоғига айланиб, инсон нега бу ёруғ дунёга келгани, унинг укубат, изтиробга тўла ҳозирги ҳаёти хусусида ўйлантиради. Адиб афсона, ривоятлар мисолида бугунги кун кишилари ва уларнинг олис аجدодлари дунёқараши, маънавий-ахлоқий оламини таққослайди. Чингиз Айтматовнинг мухташам адабий олами тарихий жараён кутилмаган бир пайтда, ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган манзил-маконда адабиёт ва санъат майдонида беқиёс сиймоларни етиштириб чиқариши, бу даҳолар ўз асарлари билан кишиларнинг дунёқараши, ақл-тафаккур даражасига таъсир кўрсатиб, уларни ўзига, теварак-атрофга сергак бўлиб қарашга ундашидан далолат беради. “Оқ кема”, “Қиёмат”, “Биринчи муаллим” муаллифи ўз асарларида аجدодларимизнинг қайғуси, ҳасратини, замондошларимизнинг дарди, ташвиши, орзу-истаклари, интилишларини ифодалайди. У Аллоҳ ато этган қобилияти, юксак истеъдоди ва журъати туфайли одамларнинг маънавий мададкори, руҳий таянчига айланди. Чингиз Айтматовнинг




мухташам адабий оламида одам ўзини ўзи тарбияламагунича, ўз фаолиятига танқидий кўз билан қарамагунича унинг ҳаёти ижобий томонга ўзгармайди, кишилар маънавий камолотга интилмагунча жамиятда зулм ва зўравонлик, адолатсизлик давом этаверади, деган овоз янграб туради ва барчани огоҳликка чақиради.

Чингиз Айтматовнинг барча асарлари марказида оддий одамлар ҳаёти туради. Адиб уларнинг кундалик турмушда дуч келаётган муаммоларини кўрсатиш орқали бугунги куннинг долзарб масалаларига эътибор қаратади. Ҳар жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга ушбу муаммолар барча кишиларга бирдай дахлдор эканлигини таъкидлайди. Шу боис ёзувчининг қисса ва романлари умумбашарий қадриятларни асраб-авайлашга оташин даъват бўлиб жаранглайди. Уларда афсона, ривоятлар инсон ҳаётининг мазмуни ҳақида ўйлантирадиган салмоқ касб этади. “Оқ кема” қиссасини “Шохдор она буғу”, “Асрга татиғулик кун” романини

“Найман она”, “Раймали оға...” ва “Чингизхонинг оқ булути” афсоналарисиз тасаввур қилиб бўлмайди . Мазкур афсоналар олиб қўйилса, ушбу асарлар анча кемтик кўринади. Айни афсоналар асарда бугунги кун кишилари ҳаётини кўрсатишда зарурий унсурга айланади. Томас Манн, Габриэл Маркес ижодида ҳам ривоят ва афсоналар инсоннинг мураккаб руҳий-маънавий оламини ифодалашда ўзига хос восита вазифасини бажаради ва асарнинг бадиий тўқимасида муҳим ўрин эгаллайди.

“Оқ кема” қиссаси “Эртақдан сўнг” деб ҳам номланади. Ушбу қисса “Унинг икки эртаги бўларди. Бири ўзиники бўлиб , уни ҳеч ким билмасди. Иккинчисини эса бобоси сўзлаб берганди. Кейин бирортаси ҳам қолмади. Гап шу хусусда” деб бошланади. (Айтматов Ч. Танланган асарлар. Икки томлик. Т.2. Қиссалар ва хикоялар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 392 б. – 192-бет). “Жамила” “жаҳондаги энг гўзал севги қиссаси” сифатида эътироф этилган бўлса, “Оқ кема” адибнинг ушбу жанрдаги энг баркамол асарларидан бири саналади. Унда ҳаёт мураккабликлари анча кенг қамровда кўрсатилиб, инсон ва табиат, инсон ва жамият муносабатлари, эзгулик ва ёвузлик кураши юксак маҳорат билан тасвирланади ва бу муаммолар хусусида теран фалсафий мушоҳада юритилади. Қиссада олис тоғлар орасидаги овлоқ бир жойда яшайдиган одамлар ҳаёти қаламга олинади. Қиссанинг асосий қаҳрамонлари: бола, унинг бобоси Мўмин, ўрмон хўжалиги бошлиғи Ўразкул ва унинг хотини. Адиб уларнинг ўзига хос характерини очиш орқали меҳр-муҳаббат ва зулм-зўрлик, хокисорлик ва ёвузлик курашини ёритади. Қиссанинг асосий қаҳрамони исмсиз. У “Бола” дейилади. Боланинг, унинг бобоси Мўмин чолнинг қалб кечинмалари, одамларга муносабатида инсоний фазилатлар барқ уриб туради. Уларнинг адолатни ёқлаши, эзгу амалларга интилиши, турмушдаги эзгулик ва ёвузлик кураши тўғрисида фикр юритишида ўзаро яқинлик, ўхшашлик кузатилади. Бола ёш авлоднинг, унинг бобоси эса кекса авлоднинг ўз инсоний қиёфасини сақлаб



қолган виждони тоза вакиллари тимсоли бўлиб кўринади. Уларнинг хатти-харакати, ўй-кечинмаларидан ўзининг инсоний фазилатларни қадрлайдиган кишилар ёши, касб-коридан қатъи назар, барча замонларда ҳаётнинг устуни. Улар борлиги туфайли осмондан қут-барака ёғилади, ердан ризқ-насиба униб чиқади ва турмуш давом этади. Агар ҳамма одамлар Ўразқул сингари шафқатсиз, жоҳил, ёвуз бўлиб қолса, фалокат рўй бериб, ер юзида ҳаёт барҳам топади, деган маъно англашилади. Худди мана шу жиҳат Чингиз Айтматов муҳташам адабий оламида алоҳида бўртиб кўриниб туради. Айни ҳақиқат “Оқ кема”, “Алвидо, Гулсари!”, “Асрга татигулик кун”, “Қиёмат”ни бошқа ижодкорлар асарлари билан қиёслаганда яққол кўринади. Етти ёшни тўлдириб, саккизга қадам қўйган, “бўйни ингичка, боши катта ва юмалоқ, шалпангқулоқ” бу боланинг ота-онаси ажрашиб, у бобосиникида қолган. Онаси ишлаш учун шаҳарга кетган. Отасини эса бола кўрмаган. Унинг матрос эканини эшитган, холос. Шунинг учун бола отасини доим оқ кемада тасаввур қилади. Боланинг ўртоғи, ўйнайдиган тенгдоши йўқ. Лекин у зерикмайди, турли ўйинлар топиб, ўзи билан ўзи ўйнаб овунади. Кўлига дурбинини олиб, кўлни томоша қилади. Атрофдаги харсангларни ўзича “туя”, “бўри”, “танк” деб тасаввур қилади. Ўсиб ётган ўтларни ҳам “севимли”, “ботир”, “хуркак”, “ёвуз” деб ажратади. Унинг назарида “оқ, оч кўк, бинафша ва бошқа тусли печак гулларнинг олдида сукут сақлаб ўтирсанг, гўё бу гуллар уйқудан уйғониб, алланималар ҳақида шивирлашаётгандек туюлади. Чумолилар ҳам буни сезади. Улар эрталабдан печак гуллар ҳузурига чопиб, қуёш нурларидан кўзларини қисиб, гулларнинг ўзаро нималар ҳақидадир шивирлашаётганига қулоқ солади. Балки кўрган тушларини сўзлашаётгандир” (Ўша манба. 194-бет). Асарда боланинг беғубор олами шу тарзда очиб берилади. Чингиз Айтматов муҳташам адабий оламининг ўзига хос қирраларини ўзида мужассамлаштирган Мўмин чол образи дунёдаги барча хокисор, бечора



одамларнинг ёрқин тимсоли бўлиб кўринади. Улуғ адиб ушбу образда барча замонда, барча манзил-маконда исталганча топиладиган бечора одамларнинг характери, дунёқараши, кўнгил кечинмаларини акс эттиради. “Оқ кема”даги Мўмин чол образи тўғрисида ўйлаганда беихтиёр хаёлга Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясидаги Қобил бобо образи келади. Қобил бобо ҳам худди Мўмин чол сингари камсукум, камтар, бечора одамларнинг типик тимсоли экани яққол билинади. Чингиз Айтматов Мўмин чолнинг, ўзбек адиби Қобил бобонинг бошига тушган кўргиликларни кишиларнинг маънавий дунёсидаги чиркинликлар ва ижтимоий турмушда чуқур илдиз отган иллатлар тўғрисида ўйлантирадиган воситага айлантиради.



Бола фақат бобосига суянади. Чунки “Бутун умри эрта тонгдан қора кечгача ишда, ташвишда ўтган, лекин ҳурмат талаб қилишни ўрганолмаган Мўминнинг ташқи кўриниши мўйсафид кексаларга сира ўхшамайди. Унинг сипогарчилиги ҳам, жиддийлиги, баджаҳллиги ҳам йўқ. Ҳар доим кулимсираб турадиган юзларида ажинлари қат-қат бу қариянинг кўзлари мўлтиллаб туради. Бурни ҳам юмалоқ, ўрдақникидек япалоқ, бамисоли кемирчаги йўқдай, бўйи ҳам кўп баланд эмас, ўсмирлардай, иягида иккита-учтагина сариқ туки бор” Мўмин набирасининг кўнглини топишга ҳаракат қилади. У сойнинг саёз жойини тош билан ўраб, боланинг чўмилиши учун қулай қилиб беради. Бола мактабга бориши учун портфель харид қилади. Ўқишга олиб бориб келади. Унга эртақлар айтади. Болага, айниқса, унинг Шохдор она буғу ҳақидаги эртаги ёқади. Бобоси ўзини Шохдор она буғунинг авлоди деб билади. Бола Шохдор она буғу тўғрисида бобосидан эшитган эртақни портфелига айтиб беради. Ушбу афсона худди эртақ сингари “Бу жуда қадимда бўлиб ўтган” деб бошланади. Унда эзгулик ва ёвузлик кураши нақл қилинади. Зўравонлик, шуҳратпарастлик, азал-азалдан кишиларни азоблаб келгани қирғизларни қирғин қилган душманларнинг шафқатсизлиги мисолида гавдалантирилади. “Ўзга қабиланинг сўнгги

одамигача қирган, молу мулкини тортиб олган киши энг ақлли, уддабурон, ботир саналган замон”да кечган хунрезликлар хақидаги бу афсона ўзининг бутун даҳшати билан хаёлни эгаллаб олади. Ўшанда киши қирғинбарот урушлар беҳад фожиали эканини тасаввур қилиб, одамлар ёвузлашганида нақадар тубанлашиб кетишидан даҳшатга тушади. Душманлар қирғизларнинг ер-суви, бойликларини эгаллаш учун уларни битта ҳам қолдирмасдан ўлдиришади. Лекин бир ўғил ва бир қиз бола душманлар хужум қилмасидан аввал қўлсават тайёрлаш учун пўстлоқ шилишга кетгани боис омон қолади-ю, ўрмондан чиқиб, мислсиз фожеанинг устидан чиқади. Душманлар “бу икки болани ўрмонга олиб бориб, шундай қилгинки, шу билан қирғиз зоти тугасин, хаёлга ҳам келмасин, номи абадий ўчсин” деб Чўтир Баймоқ кампирга топширишади. Кампир болаларни ўрмон оралаб, Энасой қирғоғидаги чуқур жарлик олдига олиб боради. Болаларни тубсиз жарликка итариб юборишдан олдин: “О, муаззам Энасой дарёси! Сенинг қаърингга тоғни кулатса, у бир харсангдай жо бўлади... Кел, энди икки қум заррасини–икки одам боласини ўз бағрингга олгин. Уларга Ер юзида жой йўқ... Йўқ, улар бу манфур дунёмизни гўдакликда, тоза қалб билан, болалик хаёси билан, ёвуз ният ва ёвуз ишлар билан ўз номига иснод келтиришга улгурмасданоқ тарк этишсин, токи инсон азоб-уқубатини кўриш ва бошқаларнинг ҳам ғам-аламига сабабчи бўлиш уларга насиб этмасин”, деб мурожаат қилади. Асарнинг айна ўринлари ўқувчини, албатта, хаяжонга солади. Шохдор она буғу хақидаги афсона бу жиҳатдан “Асрга татиғулик кун” романидаги Найман она афсонасига ўхшайди. Унда ҳам кишилар қадимдан бир-бирининг устидан ҳукмронлик қилиш учун шафқатсизликнинг турли усулларини ўйлаб топишгани хусусида сўз кетади. Найман онанинг қабиладошлари душман билан бўлган жангда енгилади. Унинг жанг майдонида ҳушсиз ётган ярадор ўғлини душман асир қилиб, сочини қириб олиб, бошига сўйилган туянинг ҳовури чиқиб турган бўйин терисини кийгизиб, калласини ерга тегизиб, терини тушириб юбормаслиги учун бўйнига ёғоч бўйинтуруқ боғлаб, оёқ-қўлини маҳкам чандиб, жазирама

офтоб тушиб турган майдонга ташлаб қўйиб азоблайди. Бир неча кун шу холда қолган асирнинг сочи ўсиб, туянинг қалин бўйин терисидан чиқолмай, бошига қайтиб суқилиб, миясига таъсир этиб, хотирани ишдан чиқаради. Мислсиз азобдан ўлмаб қолган асир, натижада, ўзининг исмини, ота-онасини, бутун кечмишини унутиб, бошидаги теридан уни халос қилган кишини хўжайини билиб, унинг ҳар қандай ҳукмини сўзсиз ижро этадиган ҳолатга тушади. Одамлар бир-бирларини ана шундай муте кул – манқуртга айлантиришни исташади. Чингиз Айтматов “Асрга татигулик кун” романида Найман она тўғрисидаги афсонани нақл қилиш орқали “манқурт” деган сўзга фаол ҳаёт бошлади. Қўхна манбалар қатида қолиб кетган ушбу сўз қирғиз адиби асари туфайли XX аср сўнгги чорагидан оммавий ахборот воситаларида ҳам, одамларнинг ўзаро мулоқотида ҳам кенг қўллана бошлади. “Манқурт” “зомби” сўзининг маънодошига айланди. “Зомби” ҳодисасининг илдизи қадим замонларга бориб боғланиши, одамзод азал-азалдан бир-бирига жабр-зулм ўтказишнинг энг мудҳиш усулларидан фойдаланиб келгани, болани она-отасига душман қилиш қўйишдек тубанлик, разиллик турли шаклларда турмушда ҳукм суриб келиши барчани изтиробга солади. “Манқурт”, “зомби” ҳодисаси одамларнинг бир-бирига нисбатан шафқатсизлиги, аёвсизлигини намоён этади. Жонзотлардан ҳеч бирининг ўзаро муносабатлари, яшаш тарзида манқуртлик, зомбилик ҳодисаси кузатилмайди. “Асрга татигулик кун” романидаги манқурт образи ҳам Чингиз Айтматовнинг мухташам адабий олами ўзига хос бетакрор манзараларга бой эканлигига далолат бўла олади. Чингиз Айтматов романда манқуртлик турли шаклларда намоён бўлиши ва у ҳамisha инсоният учун фожеа эканини ўз онасини отиб ўлдирган Жўломон ва отаси вафот этганига қайғурмаган Собитжон, кишиларни қийнаш, азоблашдан ҳузур қиладиган Тансиқбоевнинг хатти-ҳаракатларини кўрсатиш асосида гавдалантиради. Чингиз Айтматовнинг мухташам адабий оламида одамларнинг ҳур, эркин, озод бўлиб яшашига тўсқинлик қиладиган, ўзининг хоҳиш-истаги, шахсий ҳузур-ҳаловати йўлида бошқаларни топтаб ташлайдиган, зўравонлик,

зулмкорликни касб қилиб олган кимсалар қиёфаси ҳаққоний гавдалантирилади. Бундай ёвуз, тубан кимсаларнинг хатти-ҳаракати уларга нисбатан ҳам нафрат, ҳам ачиниш ҳиссини уйғотади. “Оқ кема”даги Ўразкул, “Асрга татиғулик кун”даги Тансиқбоевнинг худбинлиги, манфаатпарастлиги улар маънавий мажруҳ эканлигини билдиради. Чунки Ўразкул ҳам, Тансиқбоев ҳам, феъл-атвори уларга ўхшаган кимсалар ҳам одамларга озор бериш, зулм ўтказиш, бошқаларга зўравонлик қилиш гуноҳ экани, ўзи ҳам ўзгалар сингари инсон экани, “Кучлилар ҳамма нарсага ҳақли” деган “чангалзор қонуни” инсон шаънига номуносиблигини англамайди.

Афсона, ривоятларда инсоннинг пайдо бўлиши, унинг ҳаёти бевосита табиат билан боғланади. Шохдор она буғу тўғрисидаги афсонада ҳам бир қабиланинг омон қолишига табиат, ундаги ўсимликлар, жонзотлар сабабчи қилиб кўрсатилади. Шунинг учун табиат онага қиёсланиб, “она табиат” дейилади. “Оқ кема”даги афсонада ҳам, Найман она тўғрисидаги ривоятда ҳам онанинг вужудига фарзандга чексиз меҳр жойлангани ва шу илоҳий куч туфайли она ҳар қандай машаққат, азоб-укубатга чидаб, инсон наслини сақлаб келаётгани, ҳаёт айнан она туфайли давом этаётгани таъкидланади. Шохдор она буғу тўғрисидаги афсонада хон Чўтир Баймоқ кампирга кичкина бола ва қизчани ўлдиришни буюради. Кампир ҳукмдорнинг буйруғини бажаришга мажбур. Лекин у она бўлгани учун бола ва қизчага ачинади. Болаларга бу ишни ўз ихтиёри билан қилмаётганини айтиб, “мени кечиринглар” дейди. Кампир шохдор она буғуга ҳам: “Сен одамларни билмайсан. Улар ўрмон ҳайвонларигагина эмас, ҳатто, ўз-ўзларига ҳам раҳм-шафқат қилишмайди” дейди. У она бўлгани учун кишиларнинг бири-бирига шафқатсизлиги, бераҳмлигидан азобланади. Чўтир Баймоқ кампир нафақат одамларга, балки жонзотларга ҳам ачинади. У Шохдор она буғуни одамларнинг ёвузлиги, улар яхшилиқни унутиши, ўз нафси, манфаати учун




хар қандай тубанликдан тап тортмаслигидан огоҳлантиради. Унга бола ва қизчани кўрсатиб: “Булар ахир одам боласи-ку. Булар катта бўлишади, кейин сенинг болаларингни ўлдиришади... Бу одам болалари сенинг яхшилигингга ёмонлик билан жавоб қайтаришса, ўзингдан кўр” дейди.

Ушбу афсонада Шохдор она буғу табиат тимсолидир. Одамлар қанчалик зарар етказса-да, табиат одамлардан неъматларини аямайди. Шохдор она буғу ҳам кишилар унинг иккита боласини отиб ўлдиришса-да, одам болаларига яхшилик қилади. У Чўтир Баймоқ кампирнинг огоҳлантиришига қарамасдан, қирғин қилинган қабиланинг омон қолган болаларини узоқ жойга олиб кетиб, сути билан боқиб, кечалари бағрига босиб, иситиб улғайтиради. Улар фарзанд кўрганида оппоқ қайиндан ясалган, бандида кумуш кўнғироқча жаранглаб турган бешик келтиради. Шохдор она буғу Чўтир Баймоқ кампирга: “Одамлар эгизларимни ўлдиришди, мен ўзимга бола излаб юрибман. Шу бола ва қизчани бер. Мен уларга она, улар эса болаларим бўлишади” дейди. Чингиз Айтматов Шохдор она буғу тимсолида табиат ва оналик бир-бирига бевосита боғлиқлигини шу тарзда кўрсатади.

Онанинг вужуди, қалбида ҳамиша фарзандига интилиш жўшиб туради. Бу ҳиссиёт уни ҳеч қачон тарк этмайди. Айни ҳиссиёт онани доим безовта қилади ва унга куч-қувват беради. Шохдор она буғу оналик ҳисси туфайли унга душманлик қилган одам болаларини асраб қолади. Болаларга меҳри унга қувват бахш этганидан бўрилар ва овчилар таъқибидан қочиб кутилади. Найман она ҳам ўғлини соғинганига чидолмасдан, ёлғиз ўзи душман қабила турган жойга йўл олади. Унинг оналик меҳри турли таҳлика, ваҳима, қўрқувдан устун келади.

Шохдор она буғу афсонасида қуш ҳам эслатилади. “Ўрмонда бир фаройиб қуш пайдо бўлиб қолди. Инсон овозига ўхшаш аянчли овоз билан тундан тонггача сайрар ва йиғлар, шохдан-шохга сакраб сўйларди: “Катта бахтсизлик бўлади! Катта бахтсизлик бўлади!” Шундай бўлди ҳам, ўша кун келди” дейилади (Ўша манба. 231-бет). Ҳаётда ҳам ноҳуш воқеалардан

олдин унга ишора этувчи аллақандай ҳаракат, аломатлар кўринади. Аксарият фожеалар тунда рўй беради. Лекин одамлар бу белги-аломатларга унчалик этибор беришмайди. Фалокат содир бўлганидан кейингина ишораларни эслаб қолишади. Найман она афсонаси манқурт ўғли томонидан отилган ўқдан йиқилаётган онаизорнинг бошидаги оқ рўмоли



учиб кетиб, ҳавода қушга айланиб: “Кимнинг фарзандисан, эслаб кўр! Отинг нима?” деб қичқирганини нақл қилиш билан тугалланади. Бу афсонада ҳам адиб жонзотларнинг одамларга меҳрибонлиги, Худо уларни инсонга шу тарзда боғлаб кўйгани, афсуски бу ҳақиқатга одамзод ханузгача эътибор қилмаслигини таъкидлайди. XXI аср бошида асарлари жаҳон мамлакатларида энг кўп ўқилган Пауло Коэлонинг “Алкимёгар” асарида ҳам ҳаётда инсоннинг тақдир-қисматига турли ишоралар қилиниши тўғрисида сўз юритилади. Афсона, ривоятларда жонзотлар ишорачи вазифасини ўташи аён бўлади. Уларда бойўғли, калхат, каптар, қалдирғоч, ғоз, ит, от, бўри каби жонзотлар одамларни хавф-хатарлардан огоҳ этгани нақл қилинади.

“Асрга татигулик кун” романида Найман она афсонаси алоҳида ўрин тутса, “Қиёмат” романида Исо алайҳиссаломнинг қатл қилиниши тўғрисидаги ривоят шундай аҳамият касб этади. Мазкур ривоятда ҳам ушбу қатл манзарасини осмонда бир қуш кузатиб тургани таъкидланади. Бу қушни Исо алайҳиссалом ҳам, уни қатл этишга ҳукм этган прокуратор Понтий Пилат ҳам кўради. Понтий Пилат Исога “Бошингда ажал қуши айланяпти” деганида, Исо оҳисталик билан: “У ҳаммамизнинг бошимизда айланяпти” дейди. Қуш соқчилар қуршовида қатл қилиш учун олиб борилаётган Исо ортидан ўша жойга бориб, атрофни айланиб учиб юради. Понтий Пилат бу ҳолатдан таажжубланиб, ташвишга тушади. Мўмин чол ва Боланинг ўй-кечинмаларидаги изтиробларда, Понтий Пилат билан Исо (а.с.) ўртасидаги савол-жавобларда, Авдий Каллистратовнинг ўзи ўқиган ўқув

юрти мутасаддилари, гиёҳвандлар тўдаси раҳнамолари билан баҳс-мунозараларида, Танабой, Эдигейнинг маҳаллий маъмурлар билан тортишувларида қалби, дунёқараши, ҳаётдаги мақсади, интилиши турлича кишиларнинг ақл-тафаккур даражаси кўринади. Бу муросасиз мунозараларда Чингиз Айтматов мухташам адабий оламининг бошқа ижодкорларникига ўхшамайдиган ёрқин манзараси очилади.

Чингиз Айтматов асарларида афсона, ривоятларнинг мазмунини сақлаган ҳолда, улардаги воқеликка бадиий тус бериб, қаҳрамонларнинг қиёфаси, хатти-ҳаракатини ҳаётӣй, таъсирчан кўрсатади. Шу боисдан Шохдор она буғу, Найман она афсонасидаги персонажлар худди ҳаётдаги кишилар каби тасвур уйғотади. Улардаги эзгулик тарафдорлари ҳам, шафқатсиз, ёвуз кимсалар ҳам ҳаётдаги одамларга айнан ўхшайди. Эртак, дostonларда ёвуз кимсаларнинг қиёфасига ҳам, исмига ҳам бўрттириб, қора бўёқ берилади. “Оқ кема” да эса Чўтир Баймоқ кампир инсоний қиёфада кўринади. У болаларга ачинади, кишиларнинг бир-бирига шафқатсизлигидан изтироб чекади. Чўтир Баймоқ кампирнинг юрагида эзгуликка интилиш, кишиларга яхшилик қилиш истаги бўлгани учун хон унга ўлдиришни буюрган бола ва қизчани Шохдор она буғуга беришга рози бўлади. Чунки у она сифатида етим қолган бола ва қизчанинг аҳволига ачинади. Сутини эмадиган болаларидан жудо қилинган она буғунинг нақадар азобланаётганини ҳис қилади. Шунинг учун ҳам Шохдор она буғу: “Елинларим тўлиб турибди. Сутим болаларни орзиқиб кутяпти. У болаларга интизор” деганида “Ҳа, майли, ундай бўлса... Буларни тезроқ олиб жўна. Етимларни ўзингнинг узоқ юртингга олиб кет” деб айтади (Ўша манба. 237-бет). Исо алайҳиссаломни қатл қилишга фармон берган прокуратор ҳам жоҳил мустабид эмас. У Исо алайҳиссалом қатл қилинишини истамайди, бундай фармон беришга ботинмайди. Понтий Пилат Исо билан инсоннинг моҳияти, феъл-атвори, эртанги куни тўғрисида суҳбатлашади, у баҳс-мунозарада чоғида ҳукмдорларга хос такаббурлик қилиб, Исо(а.с).га зуғум ўтказмайди. Понтий Пилат руҳонийлар, амалдорларнинг куткусига берилиб,

Исони азобламасликни сўраб, хотини жўнатган мактубни ўқигач, қандай мушкул аҳволда қолгани ҳақида ўйлаб, боши қотади. Исо Понтий Пилатга “Сен билан иккимиз турли-туман одамлармиз –худди ўт ва сувдек” деса-да, прокураторни эртақ, дostonлардаги ҳукмдорлар сингари “жоҳил, мустабид” деб бўлмайди. Чингиз Айтматов Понтий Пилатни ҳамма одамлар каби дунёвий фикр юритиб, аксарият кишилар каби ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қиладиган инсон сифатида гавдалантиради. “Қиёмат” романидаги ушбу ривоятда ҳам фарзанд учун онасидан меҳрибон зот йўқлиги, она ўғил-қизининг бошига тушган кулфатни ички сезимлари билан ҳис қилиб, безовталаниши қайд қилинади. Исо (а.с). онаси Марям кечаси билан йўл юриб келаётганини айтади. Исо (а.с). мунозара қилиб, уни аҳдидан қайтармоқчи бўлган прокураторга: “Билиб қўйки, Рим ҳукмдори, охир дунё мен туфайли эмас, табиий офатлар туфайли эмас, одам болаларининг бири-бирига душманлигидан келади” дейди. Унинг ушбу сўзларида Шохдор она буғу, Найман она афсоналари ва Исо алайҳисалом тўғрисидаги ривоятнинг мазмун моҳияти мужассамлашади. Чингиз Айтматов асарларида афсона, ривоятлар ўтмиш ва бугунги кун бевосита боғлиқлигини кўрсатадиган муҳим восита вазифасини бажаради. Уларда одамзод ҳаётининг фожиаси, инсон табиатининг зиддиятлари, кишилар ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблиги, инсоннинг умр йўли адашишлар, хатолар, худбинона антилишлар, манфаатлар тўқнашуви ичида кечиши диққат марказига қўйилади. Қирғиз адиби ижодий олами муҳташамлиги асарларининг худди шу жиҳатларида ҳам акс этади.

XX асрга келиб, афсона, ривоятлар яна бадиий асарларнинг марказидан жой олиши ҳозирги пайтда санъатнинг барча турларида ўз ўтмишига интилиш жараёни кечаётганлигидан далолат беради. Тасвирий санъатда ҳам, халқ амалий санъатида ҳам қадимий безак, шакл, нақшларга қайта мурожаат яққол сезилади. Санъатдагина эмас, маданиятнинг бошқа турларида ҳам ўтмишга қайтиб, унга замонавий тус бериш тамойили кўринади. Замонавий кийим-либосларнинг бичим-андоза, безакларида

аввалги шакл, унсурлар янгича кўринишда ўрин эгаллаётгани, сунъий матолардан кўра пахта, ипак кийимларга эҳтиёж ортиб бораётгани ҳам шундан далолат беради. Афсона, ривоятлар ҳам эндиликда ўзининг янги “хаёт”ини бошламоқда. Чингиз Айтматов асарлари бунинг ёрқин далили бўла олади. “Оқ кема” қиссаси, “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат” романларидаги афсона, ривоятлар улар турли назариялар намояндаларининг тўқимаси эмас, балки халқнинг ижоди эканлиги, асотир-мифларда бир неча авлоднинг хаёл-тасаввури қудрати, жўшқин илҳоми мужассам эканини билдиради. Адиб афсона, ривоятларни инсониятнинг маънавиятини кўрсатадиган ўзига хос кўзгуга айлантириб, бугунги кун кишилари билан уларнинг аждодлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ришталарини кўрсатади. Унинг асарларида афсона, ривоятлар ҳаёт мураккаблиklarини, кишилар феъл-атворидаги зиддиятлар, ноқисликларни очишда таъсирчан восита вазифасини бажаради. Эرتак, достонларда фаришта, Хизрнинг кишиларга бахт бахш этиши, мушкул пайтларда қутилмаганда пайдо бўлиб, уларга ёрдам кўрсатиши таъкидланади. “Оқ кема” қиссасидаги афсонада Шохдор она буғу шундай халоскор бўлиб кўринади. У ҳам бола ва қизчанинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган пайтда тўсатдан пайдо бўлади ва уларга ғамхўрлик кўрсатиб, парваришлаб улғайтиради. Шохдор она буғу унга душманлик қилган одам болаларини бағрига олиб, уларга меҳр кўрсатади. Фариштагина шундай қилиши мумкин. Фаришта турли қиёфада кўринади. У одам ёки бошқа жонзот қиёфасида намоён бўлади. Эртак, достонларда фаришта энг кадрли, энг эъзозли хилқат бўлиб кўрингани айтилади. Қайси халқ нимани муқаддас деб билса фариштани ўшанинг қиёфасида тасаввур қилади. Туркий халқлар фольклорида дев от кўринишида, оху, кийик гўзаллик, нафосат, меҳрибонлик рамзи сифатида таърифланади. Кийик, охунинг одамлардан жабр чеккани тўғрисида ривоятлар талайгина. Аммо ҳеч бир эртак, афсонада бу жонзотнинг кишиларга жабр қилгани нақл этилмаган. Чингиз Айтматов шунинг учун ҳам бола ва қизчага бошқа жонзот эмас, буғу оналик қилганини кўрсатган. Улуғ адиб туркий халқларининг қадимий

инонч-эътиқодига ҳурмат-эҳтиромини шу тарзда ифодалаган. Агар айти афсонада буғу эмас, айиқнинг бола ва қизчага оналик қилгани айтилса, бу ҳақиқатга мос келмасди. Чунки айиқ қўпол, йирткич бўлиб, у жуда узок муддат уйқуга кетади. Пана жойдаги ўнгир, ғорга кириб, уч-тўрт ой ухлайдиган, ҳамма нарсани еб кетаверадиган бу мечкай, сассиқ ҳайвоннинг ёш бола ва қизчани парваришлаб улғайтириши ишонарли бўлмасди. Шохдор она буғу тўғрисидаги афсонада буғунинг ёш бола ва қизчани бағрига олиши ҳар жиҳатдан асосланади. Аввало у эгизак фарзандидан айрилган. Болалари эмиши керак бўлган сути елинига тўлиб кетиб, уни қийнайди. Шунинг учун ҳам у Чўтир Баймоқ кампирга “Мен ўзимга бола кидириб юрибман” дейди. Одамлар сут ичади. Буғу ҳам одамлар сутини соғиб ичадиган сигирга ўхшайди. Бола ва қизча Шохдор она буғуни эмиб, катта бўлишади. Акс ҳолда, ҳар иккаласи ҳам очликдан нобуд бўлишарди. Қиссада қайд қилинганидек, “Она буғу болаларни ўз сути билан боқиб, кечалари бағрига босиб иситмаганида улар ҳеч қаерга ҳам етишолмасди”. “Қиёмат” романида она бўри Акбара ҳам кичкинтой Кенжашни кўрганида болалари эсига тушиб, у билан ўйнайди, юзини ялайди, эмдиргиси келади. Кенжаш у билан ўйнай бошлаганида болаларидан, жуфти Тошчайнардан жудо этиб, уни манзил-маконсиз қолдирган одамлардан қасос олиш истаги бирдан сўнади. Асарда она бўри Акбаранинг ушбу ҳолати: “Бўри ўрнидан кимирламай маъюс кўзлари билан болага термулиб ётар, шунда бола яна орқасига қайтиб, унинг бошини силаб-силаб қўяр, Акбара эса уни ялаб-юлқар, бу болага бениҳоя хуш ёқарди. Бўри юрагида йиғилиб қолган барча меҳрини унга тўкиб солмоқчи бўлар, унинг бола ҳидларини кўксини тўлдириб-тўлдириб искар эди. Бу бола менинг қоя тагидаги уямда яшаса қандай соз бўларди, деган ўй ўтди бўри калласидан” деб тасвирланади.

Болалар жонзотларга яқинлашиб, силаганида улар анча ювош тортиб қолади. Чунки жонзотларга кичкина болалардаги жисмоний, руҳий тозалик хуш ёқади. Кичкина болаларнинг вужудидан чиқиб турадиган кўзга кўринмас покиза, шаффоф нур жонзотларни ром этиб, улардаги ёвуз

инстинктларни бир қадар сўндиради. Юришни, гапиришни энди ўрганаётган кичкина болаларда шундай хусусият бўлгани учун барча уларни эркалагиси, бағрига олгиси келади. Болалар беш ёшгача ҳамманинг кўзига қувонч бағишлаб, суйгумчик бўлиб юради. Кейинчалик уларнинг эркаликлари бошқаларга кўп-да хуш келмайди. Бу уларнинг ёлғон сўзлай бошлаши, очкўзлик қилиб, бошқаларнинг улушини еб қўйиши оқибатида келиб чиқади. Дили билан тили, сўзи билан амали мос, мутаносиб бўлмаса, одамнинг ички олами кирланади. Ана шу маънавий бузилиш, айнаш натижасида руҳ хира тортиб, ундаги нур сўнади. Жонзотларнинг сезгиси анча ривожлангани, қоронғуликда ҳам бемалол юра олгани боис улар инсон вужудидан тараладиган ана шу нурни кўради. Романнинг асосий қаҳрамонларидан бири Авдий Каллистратов – маънан покиза. У барчага яхшилик қилишни истайди, ҳеч кимнинг ҳақиға хиёнат қилмайди. Алдамчилик, тилёғламалик унинг учун бегона. Ҳар қанча қийналса-да, ўғрилиқ, фирибгарлик кўчасига кирмайди. Унинг юз-кўзида кичкина болаларга хос хусусият сақланиб қолганини она бўри Акбара пайқайди ва Авдийни аяйди. Она бўри Акбара яхшиликка даъват қилиб, уларга ёрдам бермоқчи бўлгани учун одамлар томонидан аёвсиз калтакланиб, саксовулга осиб кетилган Авдий ҳеч қачон бошқалар сингари ёвузликка қўл урмаслигини ўзининг ички ҳиссиёти билан англайди ва бу ажойиб инсоннинг аҳволига астойдил ачинади. Она бўри ўлаётган Авдийнинг юзига караганида болалари ёдига тушади. Болаларини ўлдирган одамлардан қасос олиш ўтида ёнган она бўри шунда бирданига мулойим тортиб қолади. Романда унинг айна ҳолати: “Булғаб ташланган бу ерни буткул тарк этмоқ ниятида бўрилар жар ёқаси бўйлаб кета бошладилар. Шунда бирдан Акбара ўзини сапчиб четга олди ва турган жойида қотиб қолди – одам! Ундан икки қадам нарида қўлларини ёзиб, бошини солинтирган одам саксовулга осилиб турарди. Акбара ўзини буталар орасига отди, Тошчайнар унинг ортидан хатлади. Дарахтдаги одам қимир этмасди. Шамол шохлар оралаб чийиллар, одамнинг оқ манглайига тушган сочлари ўйнади. Акбара ерга қапишди,

хамла қилишга ҳозирланди. Унинг рўпарасида барча махлуқлар ичида энг дахшатлиси, уларнинг бошига шунча кулфатларни солган қаттол душман турарди. Акбара қаҳр билан ўзини андак орқага олди. У шиддат билан сакрамоқчи, одамнинг бўғзига ўткир тишларини ботирмоқчи эди. Шунда охирги дамда бўри бу одамни таниди. Лекин қачон, қаерда кўрган эди уни? Э, бу ўша ғалати одам-ку, ёзда нашапояга борганларида дуч келган, болалари билан эркалаб ўйнашмоқчи бўлган, Акбара ҳамла қилиб сакраган ва уни аяб, устидан ошиб нарига ўтган. Ўшанда у кўрқиб кетиб, ерга ўтириб қолган, юзини кўллари билан беркитган эди. Акбара унинг хайрат ва кўрқинчдан катта-катта очилган кўзларини эслади. Шилинпоча бўлиб, чўлга тирақайлаб қочганди ўшанда... Мана энди, ўша кимса қанотлари тарвақайлаган қуш каби ғалати осилиб турибди. У тирикми, ўликми, бўри билолмади. Одам қимирламас, ҳеч қандай сас чиқармас, боши ён томонга қийшайиб тушган, оғзининг бир четидан қон сизиб оқарди. Тошчайнар одамга ташланмоқчи эди, Акбара уни нари итарди. У одамга яқинлашиб, унинг юзига тикилиб қаради ва оҳиста увлаб юборди: ҳалок бўлган болалари ёдига тушди. Ҳаёт эса Мўйинқумда тўс-тўполон, абгор бўлди. Кимга йиғласин, кимга арз қилсин, ахир! Бу одам унга ҳеч ёрдам беролмайди. Унинг ҳаёт шами сўниб боряпти, лекин ҳали жони буткул чиқмаган эди. Одам шишиб кетган қовоқларини базўр кўтарди ва секин ув тортаётган бўрига қараб пичирлади: – Келдингми?.. – сўнг унинг боши шилқ этиб тушди. Бу унинг охирги сўзи эди” (Айтматов Ч. Асрга татигулик кун; Қиёмат: Романлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 560 б. – 458-бет) деб кўрсатилади. Асарнинг бу каби ўринлари адибнинг юксак маҳоратини намойиш этади. “Оқ кема”, “Алвидо, Гулсари!”, “Асрга татигулик кун”, “Қиёмат”, “Тоғлар қулаётган замон” саҳифаларидаги драматик саҳналарда Чингиз Айтматов муҳташам адабий оламини намоён этадиган одам табиатининг бешафқат ҳақиқати, кишилар ҳаёт тарзининг адолатсизликларга тўла манзараси мужассам кўринади.

Онанинг меҳри ҳамиша унинг қаҳридан устун келади. Одамларда ҳам, бошқа жонзотларда ҳам кузатиладиган ушбу ғаройиб сир-синоат халқ кўшиқлари, эртақ, достон, афсона ва ривоятларида мадҳ этилади. Шохдор она буғу, она бўри Акбаранинг одам болаларига меҳрибонлик кўрстиши заминида аввало уларнинг табиатидаги оналик ҳисси ётади. Чингиз Айтматов афсона, ривоятлардаги одамлар ва жонзотларнинг айни жиҳатига эътибор қаратиш орқали онани улуғлайди. У шохдор она буғу, она бўри Акбаранинг алам-қайғуси, дарду изтироби, меҳрини қаламга олиш асносида барча оналарнинг ҳолатини кўрсатади. Оналар эса ҳамиша бутун инсониятнинг дарди, ташвиши билан яшайди.

Шохдор она буғу, Найман она тўғрисидаги афсонада миллат тақдири ҳақида сўз юритилади. Ватан ва тил эса ҳар бир миллатнинг энг катта бойлиги саналади. Мана шу беқиёс бойликка беписанд муносабат миллатни таназзулга элтади. Шўро даврида миллий қадриятлар топталди. Рус тилининг таъсирини кучайтириш ниятида бошқа халқларнинг тили ривожига йўл берилмади. Ўз тилини қадрлайдиганлар “миллатчи” сифатида таъқиб этилди. Рус тили барча иттифоқ давлатлари учун давлат тили қилиб кўйилди. Идора, ташкилот, муассасаларда иш қоғозлари рус тилида юритилар эди. Мактаб, муассасаларда ҳафтанинг бир куни рус тили куни сифатида белгилангани туфайли ўша куни ҳамма фақат шу тилда гапириши лозим эди. Чингиз Айтматов бошқа миллатларни маънавий мажруҳ этиб, ўзлигини унуттиришга қаратилган мустабид шўро тузумининг ушбу ғайриинсоний сиёсатини инкор қилган. Шохдор она буғу бола ва қизчани уларнинг душманлари қўли етмайдиган жойга олиб келиб: “Мана шу янги ватанингиз бўлади. Мана шу ерда яшайсизлар. Унда сизларнинг авлодингиз яшайди, кўпаяди. Сизлар келтирган тилни авлодлар унутишмайди. Уларга ўз она тилларида сўзлаш ва куйлаш ёқимли бўлади” дейди. Шўро даврида “ўз тилида сўзлаш ва куйлаш ёқимлидир” дейиш миллатчилик, русларга қаршилик, деб қаралди. Чингиз Айтматов афсоналарга бадиий тус бериб, уларнинг ичига ўзининг мақсади, айтмоқчи бўлган энг муҳим гапини

сингдирган. Адиб афсона, ривоятларни санъаткорона маҳорат билан қайта ишлангани боис улар турли талқинларга имкон беради. Чингиз Айтматов мухташам адабий оламида салкам бир аср давомида собиқ шўро салтанатида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, одамларнинг



маънавияти, дунёқараши, ўзаро муносабатида юзага келган мураккабликлар акс этади. “Жамила”, “Юзма-юз”, “Алвидо, Гулсари!”, “Асрга татигулик кун”, “Қиёмат” асарлари билан танишганлар, албатта, бунга ишонч ҳосил қилади.

Бадиий асарлар воқеликни худди ўзидай аниқ, равшан, ишонarli ва таъсирчан акс эттиргани билан эмас, балки, инсон қалби, руҳияти, ички олами, унинг”мен”ини қанчалик теран тадқиқ этганлиги билан аҳамият касб этади. Чунки айна шу хилдаги асарларда инсон дунёсининг мураккаб сир-синоатлари очиб кўрсатилади. Чингиз Айтматов ҳам афсона ва ривоятларни қисса ва романлари сюжетига сингдириш асносида бугун кун кишиларининг зиддиятга тўла руҳий оламини тадқиқ этишга интилади. “Оқ кема” қиссасида Шохдор она буғу асраб олган бола ва қизчанинг фарзандлари дастлаб буғуларга тегишмагани, ҳеч ким уларни хурқитмагани, ўша пайтларда кишилар буғуга дуч келган жойда отдан тушиб, унга йўл беришгани, ошиқлар севганларини оқ буғуга қиёслашгани таъкидланади. Аммо бу удум бир бойнинг ўғиллари бошқалардан устунлигини кўрсатиб кўйиш ниятида ўлган отасининг қабрига буғу шохини ўрнатганидан кейин барҳам топгани, бошқалар ҳам ўша бойнинг шухратпараст ўғилларига таассуб қилиб, марҳумлар қабрига буғу шохини ўрната бошлагани алам билан маълум қилинади. Адибнинг “Оқ кема”, “Асрга татигулик кун”, “Қиёмат” асарларидаги афсоналарда босқинчилик, зўравонлик қаҳрамонлик саналган замонлар зулмати одамларнинг қалби, дунёқарашини ҳам эгаллаб олгани урғуланади. Бемехр, қўпол, теварак-атрофга қаҳр билан боқадиган, одамларга, жонзотларга, ўсимликларга шафқатсизлик қилишга ўрганган ва буни зарур, табиий ҳол сифатида қарашга одатланган кимсалар зулм ва

мустабидликнинг яратувчилари, асосчилари, ижрочиларидир, дейилади. Чингиз Айтматов мухташам адабий оламининг улуғвор манзараси инсоният ижтимоий турмушида замонлар оша ҳукм суриб келаётган ана шу каби аччиқ ҳақиқатларни очиб ташлашида намоён бўлади.

Одамларнинг табиатида мол-дунё, шон-шуҳратга интилиш ҳисси мавжудлиги боис улар бир-бирларининг бойлиги, мансаб-мартабасига қараб, муомала қилишади. Кўпроқ бой-бадавлат кишиларнинг юриш-туриши, гапириши, турмуш тарзига ҳавас қилишади, уларга таассуб қилишади. Бой-бадавлат кишилар эса бошқалардан ажралиб туриш, атрофдагилардан ўзининг устун эканини кўрсатишдан ҳеч қачон тийилмайди. Муттасил давом этадиган бу жараён ўз-ўзидан турли муаммоларни туғдиради. Одамларнинг табиатдаги мавжуд мувозанатга путур етказиши, фирибгарликни, бир-бирини алдашни “ақллилик мезони”га айлантириши уларнинг бойлик тўплашга ружу қўйиши, шон-шуҳратга ўчлигидан келиб чиқади. “Оқ кема” қиссасидаги Ўразкул буғу шохини отаси қабрига ўрнатган бойваччаларга ўхшайди. Афсонада бойваччаларнинг ҳам, ўғилларига жуда катта бойлик мерос қолдирган бойнинг ҳам исми айтилмайди. Унда шуҳратпараст, мақтанчоқ, зўравон кимсаларнинг тимсоли шу тарзда умумлаштирилади. Ўразкул бошқалардан ўзининг устун эканлигини намоёиш этишдан лаззатланади. У шу мақсадига эришиш учун ўзгаларга зўравонлик қилишдан ҳам тап тортмайди. Барчанинг ўзига сўзсиз итоат қилиши, ҳамма истаклари бажо келтирилишини истайди. Ўразкул фарзанд туғмаётгани учун хотинини айбдор этиб, дўппослайди, қайнотаси Мўмин чолни назар-писанд қилмай, сўкиб таҳқирлайди. Ўразкул кишиларни мансаб-мартабаси, бойлигига қараб баҳолайди. У Мўмин чолга: “Муаллиманг ўзи ким бўлибди? Беш йилдан бери устидан битта пальто тушмайди. Фақат дафтар билан, сумка билан кўрасан. Доимо йўлда қўл кўтариб, машина кутгани кутган” дейди (Айтматов Ч. Танланган асарлар.



Икки томлик. Т.2. Қиссалар ва ҳикоялар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 – 392 б. – 245-бет). Ўразкул мансаб-амални бошқаларга ҳукмронлик қилиш воситаси деб билади. Каттароқ амалдор эмаслиги, овлоқ бир жойда кичкина ўрмон хўжалиги бошлиғи эканлигича қолаётгани уни кўп азоблайди. “Энг муҳими одамнинг амалдор бўлиши” деб қараган бу кимса “Катта амалдор бўлганимда, албатта, ўғлимни юристликка ўқитардим. Болаларим фақат русча гаплашишарди, улар каллаларидан қишлоқ сўзларини чиқариб ташлашади” деб ўйлайди. Қайнотаси Мўмин чол бу золимнинг тазйиқи туфайли эътиқодига қарши иш тутди. Мўмин чолнинг ночор аҳволи, унинг хокисорлиги ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Кимдир унга ачинади. Мўмин чолнинг ҳаддан ташқари камсуқумлигидан кимдир ғашланади. Мўмин чол Ўразкул сингари зўравонларнинг адолатсизлиги, зулми ҳақида ўйлаб эзилади. “Одамлар нега шундай бўлиб қолишар экан-а? Сен унга яхшилик қиласан, у сенга ёмонлик қайтаради. Уялмайди ҳам, уялишни хаёлига келтирмайди ҳам. Худди шундай бўлиши лозимдек ҳамиша ўзиники тўғри деб билади. Фақат унга яхши бўлса, бўлгани. Ҳамма унинг атрофида гирдикапалак бўлиши керак. Агар истамасанг, мажбур қилади” деб изтироб чекади. Ўразкул такаббурлиги, шуҳратпарастлиги билан қирғизлар қавмини қирғин қилиб, Чўтир Баймоқ кампирга бола ва қизчани ўлдиришни буюрган хонга, Найман онанинг ўғлини манқуртга айлантирган золимларга ўхшайди. У хотини, қайнотаси ва атрофидагиларга шафқатсиз, бераҳм бўлгани каби табиатга нисбатан ҳам тажовузкор. Қарағайларни кесиб пуллайди, ўрмондаги қушлар безовта бўлиб сайраганида уларни пулемёт билан қиришни иштайди.

Чингиз Айтматов мухташам адабий оламининг ёрқин манзараси инсон қалбидаги инсонпарварлик ҳиссини кўрсатиш, одам ёши, касб-кори, ижтимоий аҳволдан қатъи назар, ҳамиша меҳрга, эътиборга эҳтиёжманд бўлиб яшаши, бошқалардан фақат яхшилик кутиши, адолатсизликнинг ҳар қандай кўринишидан ранжишини ифодалашда акс этади. “Оқ кема” қиссасидаги Бола образида ҳар бир кишининг қалби болалик чоғларида

жуда покиза бўлиши, шу боис у теварак-атрофдаги ҳамма нарсадан тезда таъсирланиши диққат марказига қўйилади. Мўмин чолнинг невараси ҳаётга покиза нигоҳ билан қарайди, ундаги норасоликларни кўрганида ич-ичидан изтиробга тушади. Чингиз Айтматов қиссада Боланинг одамлар орасидаги муносабатлар мураккаблиги тўғрисидаги азобли ўй-кечинмаларини очиб беради. Ўразкулнинг ўй-кечинмаларидан кишининг феъл-атворидаги такаббурлик, манфаатпарастлик заминида унинг табиатидаги худбинлик ётиши, бу иллат эса ўзгаларга нисбатан беписанд муносабатни юзага келтириши, натижада, у одамларга тазйиқ, таҳдид қилишга одатланиши англашилади. Адиб Боланинг, Ўразкулнинг, бошқа персонажларнинг руҳиятига кириб бориш орқали китобхоннинг кўнгил дунёсини ёриштириб юборади. “Оқ кема”, “Алвидо, Гулсари!” қиссалари, “Қиёмат”, “Асрга татигулик кун” романларидан инсон руҳияти жумбоқларига олиб кириш адиб ижодий услубининг муҳим қирраларидан бири эканлиги ойдинлашади. Адиб “Оқ кема” да Боланинг ўлими орқали бир оиланинг маънавий таназзулини кўрсатади. Ёзувчи “Алвидо, Гулсари!” да ҳам, “Асрга татигулик кун” да ҳам бир оиланинг маънавий аҳволига урғу бериб, жамиятнинг умумий манзарасини чизиб беради. “Оқ кема” да Боланинг, “Алвидо, Гулсари!” да Танабойнинг, “Асрга татигулик кун” да Эдигейнинг теварак-атрофидаги воқеаларга муносабати ва изтиробли кечинмалари орқали XX аср ижтимоий, маънавий ҳаётини тасвирланади. Боланинг зиддиятли кечинмаларида ҳаётнинг мазмунини англашга интилаётган одамнинг қарама-қаршиликларга тўла ботини ифодаланади. Танабой, Эдигей, Авдий Каллистратовнинг мавжуд воқелик, одамлар орасидаги муносабатлардаги зиддиятлар, жамиятдаги норасолик, адолатсизликлар хусусидаги ўйларида ўзлигини излаётган, Олам ва Одам аслида нима эканлигини билишга уринаётган кишиларнинг изтиробга тўла дунёси акс этади. Улар одамнинг одамга зуғум ўтказиб, таҳдид этишини қабул қилишолмайди, зўравонлик, босқинчилик ашаддий адолатсизлик эканини англамайдиган, бу ҳақиқатни тушунишни истамайдиганларга қарши

курашда ожиз эканликларидан азобланишади. Лекин бундан асло тушкунликка, кўрқувга тушишмайди, адолатсизлик қаршисида таслим бўлишмайди. Бу жиҳатдан улар Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” асари қаҳрамони балиқчи чол Сантьягога ўхшашади. Танабой, Бола, Авдий Каллистратов, Эдигейнинг алам, изтиробга тўла ички кечинмалари Чингиз Айтматов мухташам адабий оламининг ёрқин манзаралари бўлиб кўринади. Улар муаллифнинг замондошларига мурожаати, китобхонларига дил изҳори бўлиб туюлади. Чингиз Айтматов Бола, Танабой, Эдигей, Авдий, “Момо ер” қиссасидаги Тўлғаной образларида инсон турмушдаги барча тўсиқларни енгиб ўта олишига ишонишини ифодалайди. Одамлар ўттиз, қирқ даражали совуқда, худди шундай жазирама иссиқда бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланиб келаётгани, бир неча минг чақирим олисдаги сайёраларга мунтазам бориб тургани инсон табиатан матонатли мавжудот қилиб яратилгани, Чингиз Айтматов ўзининг мухташам адабий оламини яратишда ана шу ҳақиқатга таянганини аён этади.

Қиссада Ўразкул одамзодни қадимдан азоблаб келаётган ёвузликнинг замонавий намунаси сифатида кўрсатилади ва унга Мўмин чол ва Бола образи қарши қўйилади. Бобо ва набира қалбида Ўразкулга нисбатан кучли норозилик ғалаён қилади. Бола бобоси ва холасини хўрлайдиган Ўразкулдан нафратланади. У холаси ҳамда бобосининг Ўразкулдек ярамас кимсани ҳамиша кечиравериши сабабини тушунмайди. “Одамлар нега шундай яшашади? Нега бировлар қаҳр-ғазабли, бировлар мўмин-мулойим! Нега бахтли ва бахтсиз бор? Нега шундайлар борки, улардан ҳамма чўчийди, яна шундайлар борки, улардан ҳеч ким хайиқмайди. Нега бировларнинг бола-чақаси бор, бировларда йўқ. Нега айрим кишилар бошқаларга маош бермасликка ҳадди сиғади? Эҳтимол, энг катта мояна олувчилар энг яхши кишилардир” деб эзилади (Ўша манба 291-бет). Чингиз Айтматов мухташам адабий оламининг ўзига



хос бетакрор манзараси “Алвидо, Гулсари!”даги Танабой, “Оқ кема”даги Бола, Мўмин чол, “Асрга татиғулик кун”даги Эдигей, Казангап, “Қиёмат” романидаги Авдий Каллистратов, Бўстон сингари қахрамонларнинг қалби худбинлик, шуҳратпарастлик сингари иллатлар билан кирланмагани, улар шахсий хузур-ҳаловатидан эл-юрт манфаатини устун қўйиб, халқумини ҳалол сақлаб ҳаёт кечирishi, ўзини жамиятнинг бир аъзоси деб билиши, ундаги муаммолар тўғрисида теран мушоҳада юрита олиш қобилияти ва изтироб чекишида кўринади.

Ўразқул сингари кишиларнинг асосий мақсади бошқалардан устидан ҳукмронлик қилишдир. Чингиз Айтматов барча асарларида мансаб-мартаба, бойликни бошқалар устидан ҳукмронлик қилиш воситаси деб қарайдиган кишилар шафқатсиз, бераҳм бўлишини очиб беради. Адибнинг “Алвидо, Гулсари!” қиссаси келини ва ўғли томонидан ноҳақ ранжитилган кекса Танабойнинг изтиробли кечинмалари баёни билан бошланади. Келини Танабойга “Бутун умрингиз чўпонликда, йилқичиликда ўтар экан, партиёга ўтишнинг нима ҳожати бор эди сизга? Сизнинг касрингиз уриб, ўғлингиз каттароқ мансабга ўтолмаяпти” деб таъна қилади. Танабой ўғлининг уйдан хафа бўлиб қайтаркан, ўтган умрини, ўзининг кечмиш-кечирмишини хаёлидан ўтказиб, “арзимаган нарса учун кишини хафа қиладиган, ҳақорат қиладиган, фақат ўзини юқори тутиб, сўзини ўтказадиган одамлар”нинг унга берган азоблари, бу тоифадагилар жамият учун қанчалик зарарли эканлиги хусусида ўйлайди. Ижодкор бошқа қисса, романлари марказига ҳам шу муаммони қўяди. У шуҳратпарастлик, ҳокимиятпарастлик турлича кўринишда намоён бўлиши, бу иллат айрим одамларнинг феъл-атворига чуқур сингиб кетганини таъкидлайди. Бугунги кун воқеаларига ҳам, афсона, ривоятларга ҳам шу мақсадда ёндашади. Шу боисдан адиб асарлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Чингиз Айтматовнинг бошқа ижодкорларникидан алоҳида ажралиб турадиган муҳташам адабий олами ўзгаларни ўзига муте, итоаткор этишни истайдиган, атрофдагилардан устунлигини билдиришдан лаззатланадиган, ўзининг шу худбинона

мақсадига эришиш учун ҳар қандай шафқатсизлик, разилликдан қайтмайдиган кимсалар қанчалик қаҳри қаттиқ, такаббур, шуҳратпараст бўлишини кўрсатишда намоён бўлади. “Оқ кема”даги Ўразкул, “Асрга татиғулик кун”даги Чингизхон, “Қиёмат”даги Обер Кандалов ёвузликнинг ҳаётӣ тимсоли сифатида тасаввурда жонланади. Улар кишиларнинг эрки, ғурурини топтайдиган, ўзидан кучсизларни оёқ ости қилиб ташлашга одатланган мустабид, зўравонларнинг мужассам образи сифатида дунё норасолиги, ижтимоӣ турмуш барча замонда адолатсизликларга тўлалиги тўғрисида ўйлатади.

Чингиз Айтматов асарларининг барчани мафтун этиши, доимо баҳс-мунозараларга сабаб бўлишининг боиси шундаки, уларда ёвузлик, шафқатсизлик, шуҳратпарастлик каби қабоҳатлар фош этилибгина қолмасдан, барчани азоблайдиган, турли муаммолар туғдирадиган ушбу иллатларнинг пайдо бўлиши ва кенг ёйилишига асос бўладиган омиллар хусусида ҳам сўз юритилади. Қисса ва романларнинг айни ўринларида адибни азоблаётган ижтимоӣ, маънавий муаммолар, унинг дарду



ташвишлари аниқ акс этади. “Оқ кема” қиссасидаги Бола ва унинг бобоси Мўмин ишонувчанлиги, ҳеч кимни ранжитмаслиги, бировга озор етказмаслиги, бошқаларнинг таҳқирлашига тоқат қилиши, барчага яхшилик соғиниши билан “Қиёмат” романи қаҳрамони Авдий Каллистратовга ўхшайди. Авдий Каллистратов Худо ва инсон тўғрисида янгича фикрлайди. Шунинг учун уни диний семинарияда ўқишдан ҳайдашган. Худо ва инсон тўғрисидаги анъанавий қарашларни ўзгартириш, янгилаш ғоясини кўтариб чиққани учун Авдийни черков раҳнамоси “муртад” деб эълон қилган. Авдий ўзининг ҳақлигини исботлаш учун черков руҳонийлари билан баҳс-мунозара қилади. Бу билан чекланмасдан гиёҳвандлик, ичкиликбозликка берилган кишиларни, ёвуз ниятли манфаатпараст кимсаларнинг алдовига учиб адашган ёшларни тўғри йўлга солмоқчи бўлади. Уларга ҳамма бир-бирига ёрдам бериши, қадрлаши,

чунки Худо инсонга унинг бошқаларга меҳр кўрсатиши, ўзгаларга муҳаббати орқали намоён бўлиши, шунда ҳар бир одам тирикликнинг энг олий саодатига эришишини англатишга интилади. Лекин у бу мақсадни амалга оширмоқчи бўлганида шафқатсиз, жоҳил кимсаларнинг кескин қаршилигига учрайди. Гиёҳвандлар “Нима, сўфи қилмоқчимисан бизни?... Исойингни ҳам шу тарзда қатл қилишган” деб Авдийни саксовулга ошишади. “Ҳаёт йўлида қилиши мумкин бўлган бирдан-бир улуг иш – одамларга ҳақиқат ва яхшилик сўзини ўзи билган, англаган даражада етказиш деб тушунган”, “яхшилик ёмонлик йўлига кирганларга ёрдам бермоқчи бўлганда ҳам ёмонлик барибир яхшиликка қарши туравериши”ни билган Авдий шунда Исо алайҳисалом қисматини эсга олади. Чингиз Айтматов муҳташам адабий оламининг ёрқин саҳифаларини белгилайдиган “Қиёмат” романида одамларнинг феъл-атворида кўпинча жоҳиллик устунлик қилиши, улар шу боис бир-бирларинигина эмас, ҳатто, пайғамбарлар, авлиёларни ҳам асоссиз равишда айблашдан ҳам тоймаслигининг хунук манзараси чизиб берилади.

Чингиз Айтматовнинг қисса, романларининг ҳеч бири тарихий мавзуда эмас. Лекин адиб ахборот асри одамлари ҳаётидаги мураккаб маънавий-ахлоқий муаммоларни таҳлил қилиш асносида ўтмишга алоқадор афсона, ривоятларга мурожаат қилади. У эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги муросасиз кураш тўсатдан пайдо бўлиб қолмагани, бу зиддият жуда қадимий эканига эътибор қаратади. “Қиёмат” муаллифи барчани бирдай қийнаб келаётган муаммолар илдизини миф асосида очишга интилади. Чунки дов-дарахтларнинг илдизи бўлгани сингари кишилар феъл-атворидаги ижобий ва салбий хусусиятлар ҳам нимадандир озиқланади. Жумладан, ёвузлик, риёкорлик каби иллатлар ҳам фақат бугунги кун эмас, жамият тарихи, олис ўтмиш билан боғлиқдир. “Асрга татиғулик кун” романидаги Собитжон характери, дунёқараши жиҳатидан ўз онасини отиб ўлдирган Жўломондан фарқ қилмайди. Уларнинг бири замонавий, иккинчиси ўтмишдаги манқуртдир. Собитжон урф-одат, қадриятларни

назар-писанд қилмайди. Уларни одамлар ўтмишда эрмак учун ўйлаб топишган, дейди. Отаси вафот этганидан қайғурмайди. Марҳумни унинг васиятига кўра Она байит қабристонига элиб, дафн этишга қаршилиқ қилади. “Узоқдаги Она Байит қабристонига олиб бориш шартми? Ўлган одамга қаерга кўмилишнинг нима аҳамияти бор?” дейди. Собитжон ёшлигидан ота-онасидан узоқда бўлгани, мактаб-интернатда ўқиб, шаҳарда яшаб қолиб кетгани туфайли яқинларига меҳрсиз, урф-одат, таомилларни тушунмайдиган кимсага айланади. “Идорада зарур ишлар қолиб кетяпти, вақт бўлса тиғиз. Бошлиқларимиз қабристоннинг узоқ-яқинлигини суриштириб ўтирмайди, ишга фалон куни келасан, бошқасини билмайман, дейди. Бошлиқ нима бўлганда ҳам бошлиқ, ҳар холда, шаҳарнинг шароити бўлак” деб ўзини оқлайди. (Айтматов Ч. Асрга татиғулик кун; Қиёмат: Романлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 560 б. – 28-бет).

Собитжон дафн маросимида ўзини худди меҳмонга келгандай тутади. Онани ўлдирган Жўломон ўтмиш замонларнинг манқурти бўлса, отасининг ўлимига бефарқ Собитжон бугунги куннинг – замонамизнинг манқуртидир. Жўломон хотирасидан айрилгани учун эл-юртининг душманларига қул бўлиб қолган бўлса, Собитжон ота-онаси, элдошлари олдидаги бурчи, вазифасини англамагани боис миллий ва умуминсоний кадриятларга беписандлик билан қарайди. Собитжоннинг маънавий кадриятларга муносабатида тобора жадаллашиб бораётган техноген ҳодисаси одамларни моддиятпараст қилиб қўяётгани, бунинг оқибатида, кишиларнинг қалби куруқшаб, ҳис-туйғулари сўниб бораётгани, инсоний фазилатлар доираси торайиб, жумиятда худбинлик, манфаатпарастлик кайфияти кенг ёйилиб бораётгани кўринади. “Асрга татиғулик кун”да “чангалзор қонуни” ҳукм сурган, ўлдирган, қирган, босқинчилик, талончилик қилган зўравонлар шарафланган олис ўтмишнинг одами Жўломон ва фан-техника тараққий этган, инсон ҳуқуқлари, демократия тўғрисида тўхтовсиз гапириладиган бугунги давр кишиси Собитжон образи параллел қўйилгани Чингиз

Айтматов муҳташам адабий олами манзарасига ўзига хос кўрк, жозиба бағишлайди.

“Оқ кема” қиссасидаги Ўразкул ҳам миллий кадриятларга беписандлик билан қарайди. Мўмин чол такаббур Ўразкулнинг тазйиқи билан ўз эътиқодига тескари бориб, буғуни отади. Чингиз Айтматов ушбу



образда катта кишилар, ўзлари истамаган ҳолда, эътиқодига тескари бориб, золимларга кенг йўл бериб кўйиши ва ўзини оқлаш учун турли баҳона, сабаблар топиб, тасалли олишини кўрсатади. Болалар эса аксинча. Уларга нимани уқтиришса, ўшанга ишонади ва ҳеч қачон унга зид ишни қилишмайди. “Оқ кема”да болалар табиатига хос ана шу собитлик теран очиб берилади. Бола эътиқодининг топталишига тоқат қилолмайди. Унинг покиза қалби катталарнинг риёкорлигини қабул қилмайди, тушунмайди. Бола зўравонлик, алдамчилик ҳукмрон муҳитни тарк этиш учун балиққа айланишни истаб, дарёга тушиб кетади. Ҳаётдаги барча нохуш ҳодисалар кишиларнинг эзгу эътиқод, азалий кадриятлардан чекиниши оқибатида рўй беради. Ёвузлик, шафқатсизлик каби иллатларга фақат эзгу эътиқодларга собит туриш орқалигина тўсиқ бўлиш мумкин. Ёвуз кишиларни қатл қилиш билан муаммолар барҳам топмайди. Ёвузлик ҳар бир одамнинг табиатида яширин туради. Худбинлик илллати кишиларни турли кўйга солади. Одам алдамчилик, риёкорлик туфайли тубанлашиб боради. Кишиларни бу тубсиз чоҳдан эзгу эътиқод, аждодлар эъзозлаган кадриятларгина сақлаб туради. Барча ҳамжиҳат, фаровон яшашини орзу қиладиган Бола: “Бобом, агар одамлар ўз ота-боболарини билмаса, улар айниб кетади, дейди... Бобом айтдики, унда ҳеч ким ёмон ишлардан ҳазар қилмайди, чунки болалар ва болаларнинг болалари ҳам уни эсламайди. Шунингдек, ҳеч ким яхши иш ҳам қилмайди. Чунки барибир болалари унинг яхши ишлари ҳақида эсламайди-да” дейди. (Айтматов Ч. Танланган асарлари. Икки томлик. Т.2. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти 1978. – 392 б. – 275-бет).

Миллий ва умуминсоний кадриятларда аждодларнинг ҳаёт тажрибаси мужассамлашади. Аждодлар эъзозлаган кадрият, таомилларни унутиш эътиқодсизликка сабаб бўлади. Шафқатсизлик, ёвузлик эътиқодсизликдан келиб чиқади. Найман она афсонасида шу ҳақиқат таъкидланади. Хотирасидан маҳрум қилгани боис ўзининг исмини ҳам, ота-онаси кимлигини ҳам унутган Жўломон одамлик сиёғини йўқотади. Онаси елкасига осилиб, йиғлаб, нола-фарёд қилганида ҳам у бепарво туради. Чунки Жўломон онасининг аҳволини, уни деб қанча изтироб, машаққат чекканини мутлақо ҳис қилмайди, тушунмайди.

Жаҳон адабиётидаги аксарият афсона ва ривоятлар Ватан озодлиги учун кураш ва севги-муҳаббат можаролари хусусида бўлиб, уларда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги зиддият нақл қилинади. Чингиз Айтматов



асарларидаги афсона, ривоятларда ҳам шу хусусда сўз юритилади. Шохдор она буғу тўғрисидаги афсонада бола ва қизча босқинчилар ҳужуми туфайли эл-юртидан ажралади. Найман она афсонасида Жўломон душманлар томонидан манқуртга айлантирилади ва у ўз онасини отиб ўлдиради. Қадимдан кишилар бир-бирларига нисбатан турли ёвузликлар қилиб келади. Калтаклаш, дорга осиб, оёқ-қўл, бўйинни кесиб, қиздирилган темир босиб каби жазо усуллари азалдан қўлланади. Манқуртга айлантириш ҳам одамлар ўйлаб топган шафқатсизликларнинг бир тури саналади. “Манас” эпосида душманлари Манаснинг бошига хом терини ёпиштириб, манқуртга айлантirmoқчи бўлгани айтилади. Чингиз Айтматов: “Бундан ўн аср олдин куйланган ва ўшандан буён қаҳрамонлик, ватанпарварлик қомуси бўлиб келаётган қирғизларнинг “Манас” эпоси илк бора манқуртчилик тўғрисида гувоҳлик беради” дейди (Айтматов Ч. , Шохонов М. Чўққида қолган овчининг охи зори (Аср адоғида айтилган истиғфор. – Тошкент: “Шарқ”, 1998.– 432 бет. – 140-бет). Кишиларни тарихий ўтмиши, миллий урф-одат, таомилларидан айириш ҳам уларни манқуртлаштиришдир. Шўро замонида халқларни ўз

тарихи, миллий маданияти, тилидан узоқлаштириш сиёсати олиб борилди. Бу зўравонлик сиёсати “Оқ кема” қиссадаги Ўразқул сингари кимсаларни етиштирди. Ўразқулга ўхшаб, аждодлари эътиқод қилган қадриятларни топтайдиганлар шунинг учун ҳам хавфлики, улар ўз манфаати учун бошқаларга зулм ўтказиб, уларни манқуртга айлантиради. “Асрга татигулик кун” романидаги Собитжон ота-онаси, қариндошлари, яқинларини назар-писанд қилмайди. Амалдорларга эса таъзим бажо келтириб, бошлиғига қуллуқ қилади. У “ҳали шундай вақтлар келадикки, радио орқали автоматларни бошқаргандай одамларни ҳам бошқариш мумкин бўлади. Тушундингми, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган одамлар радио орқали бошқарилади... Одам нима иш қилса, марказдан берилган топшириққа мувофиқ қилади. У ўзига гўё ўз ихтиёри, ўз эрки билан яшаётганга ўхшаб кўринади, аслида эса юқоридан берилган буйруқ бўйича яшайди” деб уқтиради. (Айтматов Ч. Асрга татигулик кун; Қиёмат: Романлари.– Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 560 б. – 39-бет). Ўразқул ҳам, Собитжон ҳам манқурт бўлгани учун бошқаларни зўрлаб бўйсундириб, итоат қилдиришни истайди. “Оқ кема” қиссасида Ўразқулнинг мустабидлиги жуда таъсирчан очиб берилади. У: “Замонлар бўлган-ку, ахир, бошлар учиб кетган, ҳеч ким чурқ этмаган. Аксинча, кўпроқ яхши кўришган, кўпроқ куйлашган. Мана бу хўп замон бўлган-да” дейди. Ўразқул худди афсона, ривоятларда образи гавдалантирилган душманлар сингари ўзгаларга ҳукмронлик қилишни орзу қилади.

“Асрга татигулик кун” романидаги Раймали оға ва Бегимой тўғрисидаги ривоят севги-мухаббат мавзусида бўлса-да, унинг ҳам марказида худди Найман она, Шохдор она буғу афсонасидаги каби эзгулик ва ёвузликнинг кураши туради. Ушбу ривоятда жоҳил кимсалар севишганларга бераҳмларча шафқатсизлик билан қаршилик кўрсатишгани таъсирчан нақл қилинади. Мазкур ривоят муайян даражада адибнинг “Жамила” қиссасини ёдга солади. Қиссада эри урушга кетган Жамила урушдан қайтган бошқа эркак – Дониёрни севиб қолгани ҳикоя қилинади.

Ривоятда эса ўн тўққиз ёшли Бегимой ёши олтмишдан ошган Раймали оғани яхши кўриб қолиши билан боғлиқ драматик воқеалар баён қилинади. Қиссада Жамила ва Дониёр бирга кетади. Оқин Раймали оғага эса одамлар “ақлдан озган” деб қарайди. Укаси Абдилхон уни банди қилиб, дарахтга боғлаб ташлайди. Ушбу ривоятда Абдилхон золимлик тимсоли бўлиб кўринади. Жоҳил, бераҳм кимсаларнинг бошқалардан фарқли жиҳати шундаки, улар ҳеч қачон ҳақиқатни тан олишмайди, бошқаларнинг ҳам хоҳиш-истаги, кўнгли борлигига эътибор қилишмайди. Улар фақат ўзларининг манфаатини ўйлашади. Раймали оғанинг укаси Абдилхон, “Оқ кема” қиссасидаги Ўразкул, “Асрга татигулик кун” романидаги Собитжон, Тансиқбоев, “Қиёмат” романидаги Обер Кандалов, Бозорбой ўз манфаати учун бошқаларни бемалол оёқ ости қилиб кетадиган худбин кимсаларнинг ёрқин образидир. Раймали оға қариндошларидан “Куй қуйилиб келса, куйламоқнинг нима айби бор?” деб сўрайди. Унинг бу саволларига ҳеч ким, уруғ оқсоқоллари ҳам жавоб беролмайди. Лекин Раймали оғага: “Бутун умрингни тўй-томошаларда ўтказиб, дўмбирангни қорнини қашлаб, масхарабозлик қилиб келдинг – ҳаётингни бошқаларнинг кўнглини хушлашга сарфладинг, бебошлигингни шу пайтгача ёш деб кечириб келдик. Энди шартинг кетиб, партинг қолди, йўрғалик кетмайди, сендан ҳазар қиламиз, тақдирга тан бериб, охиратни ўйлашинг керак” деб таъна қилишади. Уни жиннига чиқаришади. Абдилхон акасининг дўмбирасини синдириб, тўй, байрамларга миниб борадиган оти Саралани сўяди. Оқиннинг оёқ-қўлини чандиб боғлаб ташлайди. Абдилхоннинг бу ишидан жоҳиллик, золимлик турли кўринишда намоён бўлиши, лекин барчасининг моҳияти бир хил – бошқаларга жабр-зулм ўтказиш эканлиги аёнлашади.

“Асрга татигулик кун” романидаги “Чингизхоннинг оқ булути” қиссаси асосида ҳам афсона туради. Ушбу роман 1980 йилда босилиб чиққан. Лекин ўшанда унга “Чингизхоннинг оқ булути” киритилмаган. Аниқроғи, цензура романнинг ушбу қисми эълон қилинишига йўл бермаган. Чунки унда мустабидлик сиёсати кескин қораланган. Қиссада афсона

мисолида шўро сиёсати зўравонликка асосланганига ишора қилинган. Чингизхон тўғрисидаги афсона роман сюжетида алоҳида тармоқ бўлса-да, лекин у асарнинг умумий руҳига сингишиб кетган. Адибнинг олам ва одам тўғрисидаги фалсафий мушоҳадалари роман сюжетидаги барча тармоқларни, жумладан, ундаги афсона ва ривоятларни яхлит қилиб бирлаштирган. Найман она, Чингизхон тўғрисидаги афсона, Раймали оға ва Бегимой тўғрисидаги ривоят умумбашарий нуқтаи назаридан ёритилиб, ҳозирги даврнинг энг муҳим ижтимоий-маънавий муаммоларига эътибор қаратилади.

“Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат” романларида бугунги кун воқеалари турли усулда ўтмиш воқеалари билан боғланади. Уларда афсона ва ривоятлардан ташқари, қахрамонларнинг ўз кечмиши тўғрисидаги хотиралари ҳам бугунги кун муаммолари билан туташтирилади ҳамда асарнинг асосий моҳияти шу асосда очилади. “Чингизхонинг оқ булут” қиссасида ҳукмдорнинг боши узра бир парча оқ булут сузиб юргани, Чингизхон буни билгани, дастлаб бу хусусда унга бир мусофир қаландар хабар бергани, кейинчалик Чингизхонда бутун дунёга ҳукмронлик қилиш истаги пайдо бўлгани, у ана шу ниятига эришиш учун Ғарбга томон юришда тўла ғалабага эришилмагунча лашкардаги аёллар бола туғишини тақиқлаш тўғрисида фармон чиқаргани, унинг барча буйруқлари ҳамиша сўзсиз бажарилгани, итоат этмаганлар шафқатсиз жазолангани, шундай бўлса-да, юзбоши Эрдене ва байроқ тикадиган Дўғуланг лашкар Ғарбга ҳарбий юришга кетаётган пайтда фарзанд кўришгани, чўри аёл Олтун юзбоши Эрдене ва унинг хотини Дўғулангнинг аҳволига ачинганидан уларга ёрдам бергани, Чингизхон Эрдене, Дўғулангни дорга ошишга буюргани, туядан дор ўрнида фойдаланилгани, беғуноҳ ёшлар омма олдида сазойи қилиниб, азоблаб ўлдирилгани, кекса чўри аёл Олтун чақалоқ билан чўлда ёлғиз қолиб, Худога илтижо қилганида сийнасига сут келиб, чақалоқ уни эмгани, ўша мудҳиш воқеадан кейин Чингизхоннинг тепасида сузиб юрадиган оқ булут кўринмай қолгани, шафқатсиз ҳукмдор буни билиб, хавотирга

тушгани ва Ғарб ўлкаларига ҳарбий юришга ўғилларини юбориб, ўзи орқага қайтгани нақл қилинади. Мазкур афсонада ҳам Шохдор она буғу, Найман она тўғрисидаги афсоналаридаги сингари она ёвузликдан ҳаммадан ҳам кўп азият чекадиган инсон эканлиги кўрсатилади. Она ушбу афсонада ҳам табиатнинг ўзга хос рамзи саналади. Дўғуланг табиат унга ато этган вазифани бажаради ва ёвузликнинг беғуноҳ қурбонига айланади. У жоҳил, мустабид кимсаларнинг хоҳиш-иродаларига, ўзи билмаган ҳолда, қарши чиқади. Найман она ҳам ўғлини душманлар зулмидан қутқармоқчи бўлади. Дўғуланг ва Найман онанинг аянчли қисмати уларнинг қотилларига, барча золим, мустабидларга нисбатан нафрат уйғотади.

Чингиз Айтматов мухташам адабий оламининг ўзига хос жиҳатлари бугунги давр фожиалари илдизи олис ўтмишга бориб боғланиши кўрсатилиши, одамлар ўртасидаги зиддиятлар дабдурустдан юзага келмаслиги урғуланишида намоён бўлади. Афсона ва ривоятлар адиб асарларида шу мақсадда келтирилади. Ёзувчи замонанинг зиддиятли муаммолари хусусида шу куннинг мезонларидан келиб чиқиб, хулоса чиқариш тўғри иш саналмайди. Чунки ҳар қандай муаммо чуқур асосга эга бўлади. ҳеч бир тўсик, ғок, тўсатдан пайдо бўлиб қолмайди. Кишиларни шошириб, гангитиб, низолаштириб қўядиган муаммолар узок вақт давомида зарра-зарра йиғилиб тўпланади. Шу боис улар метиндай мустаҳкам бўлади. Шунинг учун уларни бир уринишда, бир зарб билан ўрnidан кўзғатиб, бартараф этиб бўлмайди. Каттадир-кичикдир, ҳар қандай муаммо, тўсик инсондан шошмасдан, обдон ўйлаб, босиқлик билан иш тутишни тақозо этади, деган фикрни илгари суради.



Чингиз Айтматовнинг санъаткорлиги шундаки, у асарларида шафқатсиз, золим кишилар образини фақат қора бўёқда кўрсатмайди. У бундай кишиларда ҳам озгина бўлса-да, инсоний хусусиятлар мавжудлиги, улар ҳам изтироб чекиши, йиғлашини маҳорат билан очиб беради. Адиб

афсона, ривоятларни қаламга олганида ҳам қаҳрамонларнинг шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратади. Чингизхоннинг номи тилга олинганида барчанинг тасаввурида шафқатсиз, ёвуз кимса жонланади. Чунки бу босқинчи ҳукмдор кўплаб шаҳар-у қишлоқларнинг кулини кўкка совуриб, миллионлаб одамларнинг хунига зомин бўлган. “Қиёмат” муаллифи дунёга ҳукмронлик қилишни истаган ва бу йўлда беҳисоб қон тўккан мустабиднинг кўнгил кечинмалари, армон, изтироблари билан таништириб, унинг инсон сифатидаги мураккаб оламини очган. Чингиз Айтматов ушбу афсонада босқинчининг оддий одам сифатидаги ожизликларини таъсирчан манзараларда чизиб кўрсатган. “Чингизхоннинг оқ булут” ҳажм жиҳатидан адиб асарларидаги энг катта афсона саналади. Шохдор она буғу, Найман она афсоналарида тўқима қаҳрамонлар образи яратилгани ҳолда, ушбу афсонада тарихий шахс – Чингизхон асосий қаҳрамон сифатида гавдалантирилган. “Чингизхоннинг оқ булут” ҳам худди Найман она афсонаси, Раймали оға ва Бегимой тўғрисидаги ривоят сингари ўқитувчи Абутолиб Кутибоев образи орқали роман сюжетиغا узвий бирлаштирилган. Эрдене ва Дўғулангнинг қисмати билан Абутолиб ва Зарифанинг тақдири ўртасида муайян яқинлик сезилади. Улар бир-бирларини жон-дилдан севишади. Лекин золимлар тазйиқи туфайли бахтли ҳаётга эришолмайди. Афсона қаҳрамонлари дунёни забт этмоқчи бўлган Чингизхоннинг амри билан ҳалокат учрайди. Абутолиб ва Зарифа эса XX асрдаги мустабид сиёсатнинг манқурт ижрочилари зулмидан азобланади.



Қирғиз адиби мухташам адабий оламининг ўзига хос ёрқин жиҳатларидан бири инсон ва тақдир, одам ва ижтимоий тарихий воқелик ўртасидаги зиддият диққат марказига қўйилиши ва бу қарама-қаршилик кишиларни бамисоли гирдоб каби ўзига тортиб, ҳар томондан қуршаб олиши кўрсатилишида намоён бўлади. Адиб нафақат “Асрга татиғулик кун” романида, балки бошқа асарларида ҳам қисматнинг

тўсиқлари, аёвсиз зарбаларига қарши курашган, унга қул бўлиб қолишни истамаган инсонлар образини гавдалантиради. “Алвидо, Гулсари!” қиссасидаги Танабой, “Асрга татиғулик кун” романидаги Эдигей, “Қиёмат”даги Бўстон шундай кишиларнинг ёрқин тимсоли сифатида тасаввур уйғотади. Ижтимоий тузумдаги тўсиқлар, шахсий турмушидаги кутилмаган зарбалар, теварак-атрофидаги одамлар феъл-атвориға ўрнашиб олган манфаатпарастлик иллоти уларда фикр уйғотиб, ақл-тафаккурини теранлаштиради. Ўқувчи агар Танабой, Эдигей, Бўстон тақдир тўсиқлари билан тўқнашмаганида, улар тўғрисида мушоҳада юритмаганида турмушдаги ҳодисаларға бефарқ қарайдиган кўпчиликнинг бири бўлиб қолар эди, деган хулоса чиқаради. Чунки Чингиз Айтматовнинг мухташам адабий оламиға алоҳида кўрк бағишлаб турадиган бу қаҳрамонлар инсон шаъниға доғ бўлиб тушадиган, кишиларнинг ҳаётини алғов-далғов қилиб юборадиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фожеликни англайди ва қурб-қуввати, имкони етганча уни бартараф қилишға интилади. Улар дунёда тинчлик ва осойишталик, адолат ва ҳурлик, фаровон турмуш ва ўзаро ишонч, меҳр-оқибат барқарор бўлишини истаган, орзу қилган, шундай эзгу мақсад билан яшайдиган одамларнинг умумлашма тимсоли сифатида тасаввурда жонланади.

“Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат” асарларида ҳаёт ҳодисларини акс эттириш ва инсон дунёсини гавдалантиришда замонавий жаҳон адабиётидаги илғор тажрибалар мужассамлаштирилган. Бу мазкур асарларнинг ўзига хос ёрқин жиҳати композиция ва сюжети қурилиши, уларда афсона ва ривоятларнинг жойлаштирилиши, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати, кечинмаларининг улар хотиралари билан боғланиши ва шу асосда турли характердаги персонажларнинг ички оламидаги зиддиятларға эътибор қаратилишида кўринади. Романда Чингизхон мустабид ҳукмдор эканлигини таъкидлаш баробарида, унинг оддий одам сифатидаги ички изтироблари, уни умр бўйи азоблаган, ҳеч кимға айтолмаган аламларини кўрсатишға кенг ўрин берилган. Ички дардлари, кечирган азоб-уқубатлари Чингизхоннинг

шафқатсиз, золимга айланишига сабаб бўлган, дейилган. Чингиз уйланганида меркет қабиласи босқин қилиб, унинг хотини Бўртени ўғирлаб кетган. Кейинчалик Чингизхон меркет қабиласининг кўп одамларини қириб, қолганини асир олиб, алаmidан чиққан. Бўртени ҳам қайтариб олган. Лекин ўша босқин унинг қалбида тузалмас жароҳатга айланган. Юзбоши Эрдене ва каштачи Дўғулангнинг фармонга итоатсизлик қилиши Чингизхонга ўша мудҳиш босқинни эслатади. Чингизхон ўша мудҳиш воқеа учун хотини Бўртени айбололмаганидек, душманларидан ҳам қасос олиб қаноатланмаган. Асарда Чингизхонни азоблаган алам тўғрисида: “Тақдирнинг ўша зарбасидан етган ўша жароҳатни ҳеч нарса даволай олмади. Хоқон шу битмаган ёмон жароҳат билан яшарди. Бу кўҳна жароҳатдан доим қон силқиб турар, бироқ уни ҳеч ким билмасди. Бўрте кейин унга тўнғич Жўжини туғиб берди. Чингизхон калласини бир жойга қўйиб, обдон ҳисоблаб чиқди – ундай олиб қараганда ҳам, бундай олиб қараганда ҳам тўғри чиқарди. Бола унинг ўз пуштикамаридан ҳам туғилган бўлиши мумкин эди, бўлмаслиги ҳам. Номаълумлигича қолган аллаким унинг номусини ерга уриб, шу билан бир умр уни ҳаловатидан маҳрум этди” дейилган. (Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқ булути: Қисса. – Тошкент: Ғ. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – 128 б. – 77-бет). Романда ёвузлик яна ёвузлик туғдириши ва бу туганмас жараён эканлиги шу тарзда очиб берилган. “Чингизхоннинг оқ булути”да ҳам, “Оқ кема” киссасида ҳам одам табиатан шафқатсиз эмаслиги, уни ташқи муҳит таъсири, хўрлик алами азоблаб ёвузлаштириши қаҳрамон руҳияти таҳлили асосида кўрсатилган. Худди шу мақсадда Чингизхон, Ўразкул сингари кимсаларнинг ҳар хил ҳолати, қалбидаги зиддияти ёритилган.

Чингизхон – Эрдене, Дўғуланг, Ўразкул – Мўмин чол, Бола ўртасидаги зиддиятни кўрсатиш орқали илоҳий тақдир ва ижтимоий муҳит, турлича дунёқараш ўртасидаги муросасиз курашга ишора қилинган. Адиб улар орасидаги қарама-қаршиликни акс эттириш орқали ўзининг муҳташам адабий оламининг ўзига хос манзарасини чизиб берган.

Ҳаёт ҳар бир кишининг олдига ҳар дақиқада кутилмаган муаммони кўяди. Шунинг таъсирида одамнинг кайфияти, борлиққа, кишиларга муносабатида муттасил ўзгаришлар рўй беради. Шу боис “инсоннинг қалби ғоятда нозик” дейилади. Кишининг қалбида эзгулик ва ёвузлик ҳислари бир-бирига жуда яқин туради. Шунинг учун қалбда кутилмаганда, дабдурустдан зиддиятли кечинмалар кечади. Инсон ҳар бир нарсдан хавотир олади, иккиланади, шубҳа, гумонга боради. Одам аслида табиатидаги ана шу жумбоқ боис азобланади. Чингиз Айтматов турли характердаги қаҳрамонлар образини яратишда ана шу ҳақиқатдан келиб чиқади. Адиб асарларидаги Ўразкул, Собитжон, Тансиқбоев, Обер Кандалов, Гришан, Бозорбой, Чингизхон сингари қаҳрамонлар адабиётда аввал яратилган шу типдаги персонажлардан анча фарқ қилади. Масалан, “Ўткан кунлар” романида Ҳомид, Холиқбек кўрбоши, Ўтаббой кушбеги, Содик, Мутал, Жаннат, “Меҳробдан чаён”да Абдурахмон домла, “Қутлуғ қон” романида Мирзакаримбой ва унинг ўғиллари, қизи фақат қора бўёқларда кўрсатилади. “Асрга татиғулик кун” муаллифи эса Ўразкул, Чингизхоннинг ички оламини ҳар тарафлама очиб беради. Натижада, улар кишида ҳам нафрат, ҳам ачиниш ҳиссини уйғотади. Хотини, қайнотасини доим ҳақоратлаб, дўппослайдиган, бошқаларни итоатда тутиб, ҳукмини ўтказишни яхши кўрадиган Ўразкул умри беҳуда ўтаётгани, фарзандсиз эканини ўйлаб эзилади. Портфелли бўлганини айтиб, унга пешвоз чиққан беғубор бола унинг ўғли эмаслиги, энди мактабга боришидан қувончи ичига сиғмаётган бир бечорага “ҳеч бўлмаганда бир оғиз ширин сўз айтиш учун ўзида куч тополмаганидан” ўксиб-ўксиб йиғлайди (Айтматов Ч. Танланган асарлар. Икки томлик. Т. 2.– Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 392 б. – 209-бет). Бутун дунёга ҳукмронлик қилмоқчи бўлган Чингизхон ҳам фарзанд кўрган аёлни бунчалар оғир жазога тортмай, уни афв этса ҳам бўлишини англайди, даҳшатли ўлим жазоси бечора бир аёлнинг чекига тушганини ўйлаб, ич-ичдан кўркувга тушади. Унинг кўнглида меҳр-шафқат ҳисси ва ҳукмронлик иштиёқи ўзаро курашади.

Чингиз Айтматов мухташам адабий оламининг ёрқин жиҳатларини намоён этадиган Ўразкул, Чингизхон образларида эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам аллақандай мавҳум, номаълум маконда эмас, ҳар бир одамнинг ўзида, унинг қалбида, онгида экани кўрсатилади. Улуғ адиб эзгулик ва ёвузлик кураши Ўразкул, Чингизхон қалбида қандай кечгани, бу тўқнашув, зиддият уларни қанчалик азоблаб, изтиробга солганига алоҳида эътибор қаратади. Ҳаётлик чоғида классик сифатида дунё миқёсида шуҳрат қозонган бу улуғ ёзувчи шу тарзда адабиёт ва санъат одамларни доим инсонпарварликка даъват этиши зарурлигини таъкидлайди.

Изтиробли ўйлардан кейин у одамларни итоатда тутиб туриш, улусни ягона тартиб-қоидага қатъиян бўйсундириш учун қаттиққўл бўлиш зарур, деган хулосага келади. Чингизхоннинг ўйлашича: “Ҳар қандай олижаноблик ҳамиша ёмонлик келтиради – ҳокимият заифлашади, одамлар сурбет бўлиб кетади” (Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқ булутии: Қисса. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – 128 б. – 87-бет). Бошқалардан устун туришни истайдиганлар ҳамма замонда ҳам шундай фикрлайди. Улар ўзларининг золимлиги, адолатсизлиги шундай деб оқлашади. Бошқаларга тазйиқ ўтказиш, зўравонлик қилиш эса ҳеч бир замонда одамларга ҳам, Худога ҳам хуш келмайди. “Асрга татигулик кун” романида айна ҳақиқат Чингизхон тўғрисидаги афсона асосида очиб берилади. “Чингизхоннинг оқ булути” афсонасининг асосий ғоясини шу белгилайди. Чингизхон юзбоши Эрдене ва каштачи Дўғулангни фарзанд кўргани учун ўлдиртиради. Дунёга ҳукмдор бўлишни истаган хоқон бу ишни бошқаларни кўрқитиб, итоатда тутиб туриш мақсадида қилади. Бундай ноҳақликдан кейин эса доим тепасида сузиб юрадиган булут Чингизхонни тарк этади. Хоқон буни дарҳол пайқаб, кўк осмон мендан юз ўгирди деб кўрқувга тушади. Унинг бу ҳолати ҳақида: “Хоқон қалтираган кафтларини пешонасига соябон қилиб, хавотир ва ташвиш ичида кўк юзига кўз соларди. Йўқ-йўқ, энди оқ булут на ортда, на олдинда, қайда қолган, қайда тўхтаган, ном-нишонсиз кўринмасди. Мана шундай ҳеч қутилмаганда

ғойиб бўлди. Унинг боши узра соя солган оқ булут. Шу ғойиб бўлганча қорасини кўрсатмай кетди. Булут хоқонни тарк этди” дейилади (Ўша манба. 97-бет). Бу булут Чингизхон ота-онасини қатл қилдирган етти кунлик чакалоқ билан чўлда ёлғиз қолган чўри аёлнинг боши узра суза бошлайди. Шунда фарзанд кўрмаган кекса кампирнинг сийнасига сут келади. Бу ғаройиб ҳодиса: “Қамоли хайрат ичида у эмчагини яна бола оғзига солди, кейин яна уни оғзидан аста олиб, яна сут баралла оқаётганини кўрди. Унинг кўкрагига сут келибди! Энди унинг бутун аъзойи баданига куч-қувват ёйилиб кираётганлигини аниқ ҳис қилди.

–О, Худойим! – беихтиёр тўлқинланиб кетиб деди чўри Олтун. – Сут келибди менга! Чинакам сут! Эшитяпсанми, кичкинтойим, энди мен сенга она бўлдим! Оҳимиз осмонга етиб борди!..

Рўй берган воқеадан лолу хайрон Олтун жимиб қолди, вужуди қизиб кетди, пешонасига тер чиқди. Поёнсиз яйдоқ чўл уфқларига кўз югуртириб, у бирон қимирлаган тирик жонни кўрмади. Фақат қуёш кўкда нур сочар ва боши узра ёлғиз оқ булут айланарди.

Оғзи сутга тўлиб, тўйиб эмган бола кўзи уйқуга толди, чўрининг ярим букилган қўлида қулайгина жойлашиб олган вужудчасини эмин қўйиб юборди, бўшашди, бир маромда нафас олди. Хотин бечора бошига тушган барча кўргилик-шўришларни унутиб, яқингинада қулоғини батанг қилган довулларнинг қаҳрли суронидан қутулиб, ўзини аста-секин ўнглади, илгари ҳеч бир туймаган оналик – бола эмизиш ҳиссиётлари лаззатларига ғарқ бўлди. Шунда у ер, осмон, сут шарофат ва саховатга тўлиқ ягона бир яхлит нарса эканлигини алланечукдир сизди...” деб тасвирланади (Ўша маба. 95 – 96-бетлар).

Она фарзанд кўрганида вужудидан сут сизиб чиқади. У бошқа пайтда ҳар қанча уринганида ҳам бундай бўлмайди. Ерда, сувда яшайдиган жонзотлар ҳам, одамлар ҳам сут эмиб улғаяди. Сут дунёга келган гўдакка ҳаёт бахш этади. Бошқа ҳеч бир нарса унинг ўрнини босолмайди. Бу илоҳий неъматда тирик вужуднинг яшаб улғайиши учун зарур барча унсурлар

мужассам. Она фарзанди эмаётганида вужудида мислсиз лаззат ҳис қилади. Ана шу фароғат онани бир умр фарзандига меҳр ришталари билан боғлайди. Натижада, ҳеч ким она каби фарзандига меҳрибон, ғамхўр бўлолмайди. Она уни ранжитадиган ноқобил фарзандини ҳам яхши кўради, уни кечираверади. Найман она ўғлига меҳри туфайли ёлғиз ўзи душман манзилига йўл олади. Шохдор она буғу ҳам она бўлгани учун бегуноҳ болаларни бағрига олади. Чингиз Айтматовнинг афсоналарни фалсафий талқин этиши улардаги она образининг гавдалантирилишида яққол кўринади. “Чингизхоннинг оқ булути” да чўри Олтун етти кунлик чақалоқ очликдан чинқираб йиғлаганида тоқат қилолмай, бегуноҳ гўдакка: “Сутим бўлса, сен етимчага аллақачон бермасмидим! Чапиллатиб эммасмидинг! Ма, ол! Ўзинг кўр, балки шундан кейин мени қийнашни бас қиларсан!” деб бақиради. Сийнасидан сут чиқиб, гўдак уни тамшаниб эмаётганида эса: ”Оҳимиз осмонга етиб борди! Сен менинг азоб билан топиб олган боламсан!” деб беҳад қувонади.

Адиб шу тарзда инсон дунёсининг мураккабликларини кўрсатади. Найман она ҳам “Ўша манқурт менинг ўғлим бўлиб чиқмасдан бошқа бир бахти қаро гумроҳ бўлиб чиқсин” деб илтижо қилади (Айтматов Ч. Асрга татигулик кун; Қиёмат: Романлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 117-бет). Чингиз Айтматовнинг муҳташам адабий оламида ҳар бири ўзига хос ўрин тутадиган асарлар турлича талқинларга кенг имкон беради. Чунки уларда қаламга олинган воқеалар, персонажларнинг зиддиятли ички кечинмалари, ўзаро баҳс-мунозаралари ҳар бир ўқувчини беихтиёр ўйлантириб қўяди. Китобхон улар тўғрисида мушоҳада юритиб, ўзининг дунёқараши, турмуш тажрибасига мувофиқ хулоса чиқаради.


Адиб барча асарларида инсон дунёсига турли ракурслардан қарайди. У қисса, романларида ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш истаги кишилар табиатига чуқур сингиб кетгани, ҳаётдаги барча муаммолар айнан шу жумбоқ туфайли келиб чиқишини кўрсатади. Чунки ҳар бир одам бутун ҳаёти давомида ўз манфаати ва камолоти сари интилади. Лекин бу ҳеч бир

кишининг қабих, тубан хатти-ҳаракат, истакларини оқлаш учун асос бўлолмайди. Чунки ҳар қандай қабихлик жиноятдир. “Тоғлар қулаётган замон” (“Абадий қаллик”) романида табиат ҳам одамларнинг бир-бирига адовати туфайли азият чекиши таъкидланади. Адибнинг сўнгги асари бўлиб қолган мазкур романда “Абадий қаллик” афсонаси нақл қилинади. Афсонада севишганлар ҳасадгўйлар фитнаси туфайли бир-биридан айрилгани ҳақида сўз кетади. Фитначилар тўй куни “севган йигити билан кечаси қочиб кетди” деб гап тарқатиб, келинни ўғирлаб кетишади. Лекин дарёдан ўтишда фитначилар ҳалок бўлиб, қиз омон қолади. У тўй ўтган жойга қайтганида куёвнинг тоғларга бош олиб кетганини эшитиб, ўша томонга йўл олади. Куёвни ҳам, келинни ҳам ҳеч ким тополмайди. Куёв тоғларга кетишидан олдин одамларга: “Буткул одам зотини қарғайман! Одам бўлгандан кўра ҳайвон бўлганим яхши... Дунёда биронта одамни кўргани кўзим йўқ ва бундан буён мени ҳеч ким кўрмайди” деб айтади (Айтматов Ч. Тоғлар қулаётган замон (“Абадий қаллик”). – Тошкент: “VEKTOR-PRESS”, 2009. – 252 б. – 75-бет). Афсонада одамларнинг фитнасидан бутун борлиқ даҳшатга келиши, куёш ҳам фитнани сезиб қолгудай бўлса, номусдан юзини яшириб, осмонга тескари қараши таъкидланади. Овчи йигит ва гўзал қизни бир-бирдан айирган ҳасадчиларнинг макри ҳақида: “Агар ўша фитнани дарё билиб қолганда эди, дарё ҳам тескари оққан бўларди. Булутлар сезганида эди, бу ердан тўйни узоқроқ пок даштга олиб кетиш учун жала ёғдирган бўлар эди” дейилади. Ушбу афсона асар сюжетини яхлит бирлаштириб туради. Адиб афсона билан боғлиқ саҳифаларда ўзини азоблаган аламли ўйларни ифода этади. Чингиз Айтматов мухташам адабий оламининг бошқаларникидан фарқли жиҳатларини намойиш қиладиган “Қиёмат”, “Асрга татигулик кун”, “Охирзамон нишонлари”, “Оқ кема”, “Алвидо, Гулсари!” ни мутолаа қилиш ҳаёт ҳодисалари, инсон табиати мураккабликлари, мафкуралар ўртасидаги мурасасиз курашлар тўғрисидаги тасаввурни теранлаштиради ва тақдир тўсиқлари ортида, албатта, бир ҳикмат мавжудлигини англашга

ўргатади. Айни асарлардан адабиёт ва санъат инсоннинг қалби ва руҳини поклайдиган, ақл-тафаккурини ёвуз истаклар эгаллаб олишидан асрайдиган муҳим омил эканлиги англашилади.

“Охирзамон нишонлари” романида қаҳрамон океан устида иккита куёш пайдо бўлиб, сувнинг чидаб бўлмайдиган даражада қайнаб кетганини туш кўриши, бу фалокатдан қутилиш учун китлар ўткир учбурчак ҳосил қилганча уфққа қараб сузиши, у қутирган океанда китлар билан ёнма-ён сузиб бораркан: “Океан қайнаб кетади ва биз ҳаммамиз ҳалок нобуд бўламиз!” деб бақириши баён этилади. “Китлар – очик океанлардаги радарлардир, улар коинотдан келадиган сигналларни сезишади, эҳтимол, вулқонларнинг отилиши яқинлашганини худди ўша китлар биринчи бўлиб сезиб олишади ва ернинг ички энергияси сиқувидан сассиз ўкиришади, лекин улар учун, ҳар қандай кемалар ҳам бас кела олмайдиган даҳшатли пўртана ва тўфонларга метиндек бардошли бу жониворлар учун энг даҳшатлиси инсон ақли етмайдиган, пайқамайдиган ҳолат, яъни носоғ ижтимоий муҳитнинг, одамлар қилган ёвузликларнинг сигналлари таъсирида дунёвий руҳ мувозанатининг бузилиши бўлса керак. Афтидан, китлар учун энг даҳшатлиси ана шу... Китлар инсон хулқидаги нопокликларга, шафқатсиз ва даҳшатли ёвузликларга чидай олмайди... Қаердадир бизнинг орамизда, муҳитимизда ўпирилиш, емирилиш, ахлоқий бузилиш рўй беради, ёвузлик ва кўрқинчнинг кўринмас радиацияси ўша ўпирилган муҳитдан дунё бўйлаб тарқалади, дунёвий адолат бузилади, ўйлайманки, шундай адолат бор нарса, ҳаёт издан чиқади, шундан кейин китлар бардош бера олмайди ва жунбушга киради, сузиб келиб, ўзини қирғоққа отади ва ўзини-ўзи ҳалок қилади” дейилади (Айтматов Ч. Охирзамон нишонлари – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 392 б. – 61 – 62-бетлар). Қаҳрамон тилидан айтилаётган айни сўзлар аслида адибнинг азобли ўйлари, унинг дарди, изтироби экани аниқ англашилади.

Одам қандай фикрласа, у шу тарзда ҳаракат қилади. Кишининг интилиши унинг фикри, ички ўйларга мувофиқ кечади. ЧингизАйтматов



хам қаҳрамонлари образида айни ҳақиқатни гавдалантиради. “Оқ кема” қиссасида Ўразкул, “Қиёмат” романида Обер Кайдалов, Гришаннинг кўнглида ўзгаларга зуғум ўтказиш истаги ҳукмрон бўлгани боис улар бошқаларга тазйиқ ўтказиши, аёвсиз азоблаши кўрсатилади. “Асрга татиғулик кун” романида мустабид ҳукмдорларнинг кечинмалари ва ҳаракат-амаллари Чингизхон образи орқали очиб берилади. Адиб афсоналар персонажлари хатти-ҳаракатларини ҳам уларнинг ўй-фикрлари, ҳаётга қарашлари асосида ёритади. Найман она, унинг ўғли манқурт Жўломон образида ижодкорнинг айни маҳорати ёрқин намоён бўлади. Аёл муқаддас зот эканлиги Найман она, “Чингизхоннинг оқ булутини” даги каштачи Дўғуланг, чўри Олтун образида гавдалантирилади. Найман она, Дўғуланг ўзининг фарзанди учун ҳалок бўлади. Чўри Олтун гўдак учун ҳаётини хавф-хатарга қўяди. Уларнинг кечинмалари, хатти-ҳаракатларида фақат аёлларга хос фидойилик, оналаргагина хос меҳр мавжланади. Шунинг учун ҳам улуғ мутафаккир адиб Робиндранат Тҳакур: “Аёллар маъбудалардир... Аёллар ўзларини фидо қилиш учун яратилган. Улар болага ҳаёт бағишлайдилар, сиртдан ҳеч қандай мадад олмай туриб, ўз таналаридан таом чиқариб берадилар” дейди (Тагор Р. Асарлар. Саккиз томлик. 3-том. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1961. – 400 б. – 186-бет). Чингиз Айтматов ҳам асарларида, хусусан, улардаги афсоналарда аёл-она табиатига сингдирилган ана шу сир-саноат тўғрисида сўз юритади.

Халқ оғзаки ижоди мислсиз маънавият хазинасидир. Чунки мақол, кўшиқ, эртак, афсона, ривоят, дostonларда ҳар бир халқнинг турмуш тажрибаси, тарихи, орзу-умидлари, тафаккури мужассамлашади. Мақол, топишмоқ, кўшиқ, афсона, ривоятларда ҳаётнинг муайян ҳақиқатлари ифодаланади. Улар турмуш билан боғлиқ турли муаммо, жумбоқларни англаш, идрок этишга имкон беради. Халқ оғзаки ижоди санъатнинг энг

ажойиб намуналари сингари кишиларнинг ҳиссиётига таъсир этиб, аклини озиклантиради. Мақол, қўшиқ, топишмоқ, афсона ривоятлар ҳар қандай суҳбат ва мулоқотга файз киритиши шундан далолат беради. Улар роман, қисса, ҳикояларга ҳам фавқулодда таъсирчанлик бағишлайди. Чингиз Айтматов роман, қиссаларида ҳам афсона, ривоятлар шундай аҳамият касб этади. Уларнинг барчасида эзгулик ва ёвузлик ўртасида муросасиз кураш кўрсатилади. Афсоналарда нақл қилинган воқеалар ҳаётийлиги билан эътиборни торади. Шохдор она буғу, у улғайтирган бола ва қизча, Найман она, унинг манқурт ўғли Жўломон, Раймали оға ва Бегимой, Исо алайҳиссалом ва Понтий Пилат, Чингизхон, Эрдене ва Дўғуланг, чўри аёл Олтун, ҳасадгўйлар фитнаси туфайли бир-бирига етишолмаган овчи йигит ва қиз образи жуда таъсирчан яратилган. Уларнинг бошидан кечганлари, хатти-ҳаракатлари аниқ баён этилгани боис ушбу афсона, ривоятлар худди ҳаёт воқелиги каби кишини ўйга толдиради.

Инсон образи адабий-бадиий асарларида қаҳрамонларнинг муайян замон ва макондаги хатти-ҳаракати, ўй-кечинмалари, ўзаро муносабатлари орқали гавдалантирилади. Инсоннинг адабий асардаги ўзига хос инъикоси, рамзи бўлмиш адабий қаҳрамонларнинг қиёфаси, характери, ўзаро муносабатлари маълум даврдаги, муайян жойдаги кишилар тўғрисида тасаввур уйғотади. Шу боис эртак, достонлар, ёзма адабиётдаги аксарият асарлар замон ва макон таъриф-тавсифи билан бошланиб, сўнг қаҳрамонлар номи айтилиб, уларнинг кечмиш-кечирмишлари баён қилинади.

Чингиз Айтматовнинг қисса, романлари ўзбек китобхонларининг ҳам севимли асарига айланган. Бу улуғ адиб асарлари дунёдаги кўплаб халқларнинг тилига таржима қилинган. Унинг роман, қиссалари миллионлаб нусхада босилиб чиққан. Чингиз Айтматовнинг асарларини зиёлилар ҳам, ишчилар ҳам бирдай севиб ўқишади. Чунки уларни талабалар ҳам, мактаб ўқувчилари ҳам ўқиб бемалол тушунади. Адиб асарларидаги

қахрамонлар тақдирига ҳеч бир китобхон бефарқ қарай олмайди. Уларни, албатта, ўзига яқин олади. Қахрамонларнинг қувончи, қайғуси, дарди, ташвишини чин дилидан ҳис қилади. Негаки улар ўзларининг кечмиш-кечирмишлари, ҳаёт муаммолари тўғрисидаги зиддиятли ўй-кечинмалари билан қалбга кириб боради ва беихтиёр ўйлантириб қўяди. Адиб ҳар бир асарида даврнинг энг мураккаб муаммоларини кўтариб чиқади ҳамда ҳаётнинг ҳаққоний манзарасини кўрсатиш орқали ҳаммани ўйлантирадиган масалаларга эътибор қаратади. Чингиз Айтматов ҳаёт ҳодисаларини миллий ва умуминсоний қадриятлардан келиб чиққан ҳолда, таҳлил қилади. Уларни олис ўтмиш, ҳозирги давр ва келажак билан боғлайди. Фан-техника тараққиёти, иқтисодий ривожланиш таъсирида кишиларнинг ҳаётга қарашлари, ўзаро муносабатлари жиддий тарзда ўзгариб бораётгани, афсуски, бу ўзгариш ижобийдан кўра салбий томонга қараб кетаётганлигини таъкидлайди. Ана шу ҳодисани кўрсатиш учун инсоннинг табиатга муносабати масаласини асарлари марказига қўяди. “Оқ кема”, “Алвидо, Гулсари!”, “Соҳил ёқалаб чопайётган олапар” сингари қиссалари, “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат”, “Охир замон белгилари”, “Қулаётган тоғлар” романлари адибнинг замон ва макондаги ўзгаришлар жараёнини жуда синчковлик билан кузатиши, табиатнинг ҳар бир ҳодисасидан теран маъно, ҳикмат топа олиши, жонзотлар ҳаётини жуда яхши билиши, улар билан одамлар ўртасидаги боғлиқликни ғоят чуқур ҳис қилишидан далолат беради. Чингиз Айтматов инсон ва табиат вобасталигини мутафаккирона мушоҳада қилади. Унинг асарлари аввало айни жиҳати билан жаҳондаги миллионлаб кишиларнинг муҳаббатини қозониб келади. Инсон ва табиат тўғрисида салмоқли асарлар талайгина бўлса-да, қирғиз адибининг асарлари улар орасида худди тоғларнинг юксак чўққилари каби алоҳида ажралиб туради.



Чингиз Айтматов улуғвор тоғлар бағридаги овулда дунёга келган. У дашту далаларнинг кенглигини қалбига жойлаб, улуғвор тоғларнинг

мусаффо хавосидан баҳра олиб, тезоқар дарё, сойларнинг зилол сувларни симириб, табиатнинг турфа ўзгаришларини кўриб, кузатиб улғайган. Шу боис борлиқнинг ҳар бир ходисаси, заминдаги ҳар бир гиёҳ, жонзот мислсиз мўъжиза экани, уларнинг бағрида ҳаёт жўш уриши, тинимсиз ҳаракат мавжудлиги ва кишиларга қаратилган кўпдан-кўп белги-ишора, аломатлар борлигини бутун вужуди, қалби билан пайқаган ва асарларида бу ҳақиқатни кўрсатишга интилган. Ерга, қуёшга, булутларга (“Момо ер”), буғуга, балиққа, денгизга (“Оқ кема”), отга (“Алвидо, Гулсари!”), мурожаат қилиб, уларга кишиларнинг қувончи, дарди, ташвишини айтган. Туя, тулки, калхат, ит (“Асрга татигулик кун”), бўри, от (“Қиёмат”), қоплон, қалдирғоч (“Қулаётган тоғлар”)ни одамлар ҳаётини кузатаётган, уларнинг кундалик турмушига аралашиб, бирга нафас олаётган ҳолатда кўрсатган. Бу жиҳатдан ҳеч бир ижодкорни Чингиз Айтматов билан тенглаштириб бўлмайди. Унинг асарларида ер, дала, бургут, қуёш, ой, сой, тоғ-тош, от, туя, бўри худди одамлар каби қаҳрамонга айланиб, ҳаракат қилади.

Кишининг ҳар қандай ҳаракати, фаолияти бевосита унинг шахсиятидан келиб чиқади. Шоир, адибнинг асарларида ҳам унинг шахсияти акс этади. Чунки ижодкор асарида кўриб кечирганлари, кузатишлари, ўй-мулоҳазаларини қаламга олади. Ҳар қандай асарнинг марказида ижодкорнинг ўзи туради. У асарларида турли қаҳрамонлар киёфасига киради. Чингиз Айтматов асарлари ҳам шундай дейиш учун тўла асос беради. У тоғлар, дашту далаларда яшамаганида, жонзотлар ҳаётини кузатиб ўрганмаганида “Алвидо, Гулсари!”, “Қиёмат” ёки “Асрга татигулик кун” каби асарларини ярата олмас эди. “Сомон йўли” сингари асарларни ёзиш учун ерни, қуёш, ойни шунчаки кўриб туриш камлик қилади. Бунинг учун тупроқнинг нафас олишини, Ой ва Қуёш заминдаги ҳар бир нарсага таъсир кўрсатишини, ердаги ҳаёт, тириклик айнан уларга боғлиқлигини бутун вужуди билан қалбдан ҳис қилиш керак. Чингиз Айтматов ер ва осмон ўртасидаги боғлиқ тўғрисида мутафаккирона мушоҳада юритади. Инсон ҳаёти ҳаво, сув, тупроқ, нурга бевосита боғлиқлиги, табиатнинг ҳар

бир унсурида ҳаракат мавжудлиги, демак, улар ҳам худди одамлар каби жонли эканлиги, ҳамма нарсани сезишини таъкидлайди. Адибнинг Тўлғаной (“Сомон йўли”), Танабой (“Алвидо, Гулсари!”), Эдигей (“Асрга татиғулик кун”), Бўстон (“Қиёмат”) каби қаҳрамонлари ер, тоғ-тошдаги ҳар бир гиёҳ, жонзотнинг тириклигини, улар ҳаётни ҳис қилиши, яшаш учун курашини идрок этишади. Тўлғаной “Она-Ерим, бугун менинг сиғинадиган куним... Ер, жон ато этган Ер, бизни кўтариб турган Ер, сен бизга бахт



бермасанг, нега Ер аталгансан, биз нечун дунёга келганмиз?! Биз сенинг болаларингмиз, Ер, тилакдош бўлгин, орзу-истакларимизга етказгин!” (Айтматов Ч. Танланган асарлар. Икки томлик.

Т.2.–Тошкент: Адабиёт ва санъат

нашриёти, 1978.–392 б.–102-бет). деб мурожаат қилиб, у билан дардлашади. Энг яқин кишиларига ҳам айтолмаган сирларини айтади. Адибнинг қаҳрамонлари табиатни, ундаги бошқалар эътибор қилмайдиган нарсалар, жонзотларни худди яқин кишиси каби кўради. “Оқ кема” қиссаси қаҳрамони: “Кечқурунлари, ишдан қўл бўшаганда, бобом менга эртаклар айтиб беради. Биламан, уйдан ташқарида зим-зиё, совуқ тун. Изғирин изиллаб турибди. Энг улкан тоғлар ҳам бундай тунларда ваҳимага тушиб, бир тўп бўлиб тўпланишиб, уйимиз олдига – дераза остига ёруққа яқинроқ келиб олишади. Менга бу ҳам кўрқинчли, ҳам севинчли туюлади. Паҳлавон бўлганимдами, катта пўстин киярдим-да, ташқарига чиқардим. Мен у тоғларга бир овоз билан дердим: “Кўрқманг, тоғлар! Мен шу ердман. Майли, изғирин, қоронғу зулмат, довул бўлсин, мен ҳеч нимадан кўрқмайман, сизлар ҳам кўрқманглар. Бир жойга ғуж бўлиб тўпланмасдан жойларингда тураверинглар!” Мен кейин қор уюмларидан юриб, дарё хатлаб ўтиб, ўрмонда пайдо бўлардим. Тунда ўрмон дарахтлар учун жуда ваҳимали, ахир. Улар ёлғиз, бир сўз айтадиган жонзот йўқ. Совуқда яланғоч

дарахтлар музлайди, уларга бош суқадиган жой қайда? Мен эса ўрмонга бориб, уларга айтарлик ваҳимали бўлмаслик учун ҳар бир дарахтнинг танасига қўлим билан уриб-уриб қўярдим. Кўкламда кўкармай қоладиган дарахтлар – бу ўша кўрқинчдан қотиб қолган дарахтлар бўлса керак” дейди (Ўша манба. 224-бет). Инсон ҳаёти табиат билан бевосита боғлиқлиги шу тарзда теран тасвирланган асарларни мутолаа қилаётганда кишининг туйғулари беихтиёр тиниклашиб, мушоҳадалари ўз-ўзидан кенгая беради. Ўшанда унга атрофидаги барча нарса бошқача кўринади, аввал эътибор қилмаган нарсалари ҳам аллақандай сирли, маъноли туюлади. Чунки бу пайтда киши оддий, жўн нарсалардан ҳам таъсирланади. Оёқ остидаги оддий ўт-ўлан, тикан ҳам унда ажиб ҳиссиётлар уйғотиб, ҳаёлида турли воқеа-ҳодисаларни жонлантиради. Чингиз Айтматов мухташам адабий оламининг ёрқин манзаралари қиссалари, “Асрга татигулик кун”, “Қиёмат”, “Охирзамон нишонлари”, “Тоғлар қулаётган замон” романларидаги замон ва макон тасвирида ёрқин акс этади. Уларнинг айна саҳифаларида муаллифнинг борлиққа чексиз меҳри, ўзини башариятнинг бир вакили сифатида ҳис қилиши, табиатдаги мувозанат муттасил бузилиб бораётганидан ҳавотирда эканлиги, одамнинг одамга таҳдид қилиши, тазйик ўтказиши, инсонни хўрлаш, алдаш, ҳақ-ҳуқуқларини топташнинг ҳар қандай кўринишларидан нафратланиши яққол билиниб туради.

Чингиз Айтматов асарларида коинотдаги ана шу мустаҳкам боғланишга эътибор қаратилади. Одамлар таъкиби туфайли ҳеч бир жойда яшашга имкони қолмаган бўри Акбара осмондаги Ойга қараб увиллайди ва унда худди ўзига ўхшайдиган бўри Онани кўриб, унга: “Бу ёққа туш, бўри она, ёнимга туш, ёлвораман, қўшилишиб йиғлайлик, қўшилишиб нола қилайлик. Ў, ёнимга туш, туша қол, сени ўзим туғилган юртга бошлаб бораин, бўриларга яшаш учун жой қолмаган чўлларини кўрсатаин. Ў, туш, мана шу тошлоқ тоғларга туш, бу ерларда ҳам энди бизга жой йўқ, бизга ўзи ҳеч қайда бошпана қолмади, шекилли... Агар тушмайдиган бўлсанг, ё бўри она унда мен афтодани, болаларидан жудо Акбарангни ўз

ёнингга ол. Сен билан бирга, майли, Ойда кун кечирайин, Сен билан бирга ватанимиз – Ерни соғиниб йиғлашайин!” деб илтижо қилади” (Ўша манба. 508-бет). Ҳақиқатан ҳайвонлар ҳам худди одамлар сингари ўзининг болаларини боқиб парваришлайди, яхши кўради, азият чекканида нола қилиб, кўзига ёш олади. Қўйлар кўзичоғини, сигирлар бузоқчасини, товуклар жўжаларини йўқотиб қўйса, безовта-бесаранжом бўлиб, овозининг борича шовқин солади. Ўша пайтда уларнинг кўзидан тинимсиз ёш оқади. Болаларини топгач, бирдан тинчиб, овози ҳам мулойимлашиб, кўзи – нигоҳи, қараши ҳам бошқача бўлиб қолади. Ҳайвонлардаги бу каби хусусиятлар уларда ҳам муайян даражада онг борлигини, улар ҳам ўзининг ҳаракатини назорат қилишини билдиради. Бошқа жонзотларда ҳам одамнинг калла суяги, умуртқаси ичидаги “мия” деб юритиладиган “энг олий материя”нинг мавжудлиги ҳам шундай дейишга асос беради. Албатта, ҳайвонларда онг йўқ, нафс бор, деган қараш кенг тарқалган. Бу ақида аслида одам барча ҳайвонлардан устун, чунки у табиатдаги мавжуд нарсаларни истеъмол қилиш билан қаноатланмай, уларга ишлов бериб, ўз эҳтиёжига мувофиқлаштиради, деган фикрни таъкидлаш натижасида келиб чиқади. Ҳақиқатан, одам гўштни туз сепиб, сувда қайнатиб ёки оловда пишириб ейди. У ўсимликларни ҳам тўғридан-тўғри эмас, балки саралаб, тозалаб, ювиб, сўнг истеъмол қилади. Бошқа бирор бир жонзот ўзи истеъмол қиладиган нарсаларга бу тарзда “ишлов” бермайди. Аммо бу одамдан бошқа жонзотлар онгсиз дейиш учун асос бўлолмайди. Маълумки ҳеч бир ҳайвон ҳар қанча ташна бўлса ҳам ўзини қудуққа ташламайди ёки ботқоқ ўртасида, ўпқоннинг остида ўсган ўтти ейишга интилмайди. Аниқроғи, бундан ўзини тияди. Чунки ҳаракати ўзи учун ҳалокатли эканлигини сезади. Ҳайвонларнинг бу каби хусусиятлари уларда ҳам худди инсонлардаги каби хис-туйғу ва муайян даражада онг борлигини билдиради. Ҳайвонларда онг борлигини эътироф этишдан кўра, уларда инстинктлар мавжуд, жонзотлар шартли рефлекс асосида яшайди, деган қараш кенг ёйилган. Лекин жонзотларнинг жуфт-жуфт яшаши, оиласи осойишталиги, хавфсизлиги

учун кураши, бир-бирига турли муносабати уларда ҳам одамларга хос талайгина муҳим хусусиятлар мавжудлигидан далолат беради. Агар эътибор қилинса, ҳайвонларнинг ҳаёт тарзи муайян жиҳатдан одамларнинг турмушига ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам Чингиз Айтматов “Ҳайвонлар ҳаётида ҳам қизиқ воқеалар кўп бўлади. Афсуски, ҳайвонларга фақат ҳайвон сифатида қараймиз, холос. Уларнинг ички дунёсини тушунишга ҳаракат қилмаймиз” дейди (Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг охи-зори. – Тошкент: “Шарқ”, 1998. – 432 б. – 276-бет).

Жонзотларнинг об-ҳаво ўзгаришлари, zilзила ёки бирор нохуш ҳодиса рўй беришини олдиндан сезиши хусусида кўп гапирилади. Балиқ, ари, қушлар, от, итларнинг айна ҳаракатлари бадиий асарларда ҳам акс эттирилади. Бу ҳам жонзотларда одамлар ҳали англаб етмаган аллақандай сир борлиги, эҳтимол, бу уларни онги билан боғлиқлиги тўғрисида ўйлантиради. Жонзотларнинг хатти-ҳаракатлари, айниқса, ўзаро муносабатлари, бир-бирига оқибати, садоқати, яшаш учун кураши уларни “онгсиз махлуқ” дейиш адолатсизлик эканини билдиради. Чингиз Айтматов асарларида от, туя, бўри, калхат, тулкини худди одамлар каби кузатиб, мўлжаллаб, муайян мақсад асосида ҳаракат қилиб яшайдиган мавжудот сифатида кўрсатади. Ўқувчи адиб асарларидаги от Гулсари, Она Буғу, туя Қоранор, бўрилар Акбара ва Тошчайнарни худди яқин кишилари сингари яхши кўриб қолади. Бу жонзотларнинг хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб, уларнинг кечинмаларига ишонади. Жонзотлар ҳам худди одамлар каби мавжудот эканини ҳис қилиб, кишиларнинг борган сари манфаатпараст истеъмолчи бўлиб бораётгани ва табиатга мислсиз зарар келтираётгани тўғрисида беихтиёр ўйлаб қолади.

Акбара ва Тошчайнар “Қиёмат” романининг асосий қаҳрамонлари каторида туради. Авдий Каллистратов асарнинг икки қисмида бош қаҳрамон сифатида кўринса, Бўстон учинчи қисмдаги воқеалар марказида туради. Акбара ва Тошчайнарнинг кечмиш-кечирмишлари эса “Қиёмат”нинг учала қисмини яхлит бирлаштиради. Бўрилар ҳаёти нақли

сюжетнинг салмоқли қисмини ташкил этиш баробарида, романнинг ғояси, муаллифнинг мақсадини очишда ҳам муҳим ўрин тутди. Адиб даврнинг долзарб ижтимоий муаммолари ҳақидаги ўзининг дардли мушоҳадаларини, оғриқли ўйларини, айнан Акбара ва Тошчайнар қисмати орқали ифодалайди. Бўрилар кечмиши тасвири асарнинг энг таъсирчан саҳифалари саналади. Акбара ва Тошчайнар образи романдаги бошқа қаҳрамонларга қараганда кўпроқ диққатни жалб этади. “Акбара ва Тошчайнар тўғрисида ёзишдан аввал бўриларнинг табиатини, юриш-туришини, ҳаётини ўргандим. – дейди Чингиз Айтматов. – Кўплаб ҳар хил китобларни ўқиб чиқдим. Умуман, бўриларнинг ҳаёти қатъий интизомга бўйсундирилган. Қизиқ ҳаёт кечирадилар. Масалан, агар қиш ниҳоятда қаттиқ келиб, очлик силласини қуритмаса, бўрилар ўзлари яшайдиган ҳудуддаги ҳайвонларга ҳеч қачон хужум қилмайдилар. Аксинча улар бу ҳудудга бегона бўриларни яқин йўлатмайдилар, ўз ҳудудини ҳимоя қиладилар. Бўрилар гала-гала бўлишиб, тун бўйи навбати билан ўз ҳудудини кўриқлаб чиқадилар: ҳар-ҳар жойга нажас ташлаб, чегарани белгилаб борадилар. Айниқса, бўри болалаган пайтлари навбатчилик янада кучайтирилади. Ҳудудда бегона бўри пайдо бўлган заҳоти уни қувлаб юборадилар. Чунки агар бегона бўри бирорта ҳайвонни ярадор қилиб қўйса, чўпон ўшанинг учун маҳаллий бўриларни ёки ёш бўриваччаларни айбдор қилиши мумкин. Бўрилар мантиқ бўйича фикр юритадилар” (Ўша манба. – 265 – 266-бетлар).

Чингиз Айтматов “Алвидо, Гулсари!” асарида Танабойга саман оти кадрдон кишиси каби ҳамдардга айланиб қолганини ҳикоя қилади. Эл-юрт



манфаатини ҳамиша ўз манфаатидан устун қўйиб яшаган кекса Танабой Бекасов умри тугаб бораётган отига қараб, ўзининг ўтган умрини кўз ўнгидан бир-бир ўтказди ва фақат Гулсари унга садоқатли бўлганини англаб, изтироб чекади. Ўзининг шу отга бўлакча меҳр қўйганини, у энг яхши кишиси каби кадрдони бўлганини

ўйлаб эзилади. Ўғли, келинидан, атрофидаги бошқа кишилардан оқибат кўрмаган қария отига қараб, у билан боғлиқ кечмишини хотирлаб, гоҳ таскин олади, гоҳ ғамга ботади. Танабойга оти Гулсари тилсиз бўлса-да, унинг дилини тушунадигандай туюлади. Шунинг учун унга меҳр кўяди.

Чингиз Айтматов “Алвидо, Гулсари!” қиссасида ана шу ҳақиқатни санъаткорона маҳорат билан акс эттиради. Асарнинг: “Танабой идорадан қош-қовоғи осилиб чиққанида эгарга зарб билан ўтириб, жиловни силтаб тортганида унинг кўнглидан нималар кечаётганини йўрға билмасди. Лекин у эгасининг аҳволи жуда ёмонлигини сезарди. Гарчанд Танабой уни ҳеч қачон урмаган бўлса ҳам, саман бундай пайтларда эгасидан чўчиб турарди. Йўлда ўша жувонни кўриши билан хўжайини анча енгил тортиб, кўнгли юмшашини, уни тўхтатиб, аёл билан нималар ҳақидадир секин гаплашиб туришини, жувоннинг қўллари эса Гулсарининг ёлларини тараб, бўйнини силаб-сийпашини от биларди. Ҳеч бир одамнинг қўллари бунчалик мулойим эмасди. Бу қўллар юлдуз кашкали хув ўша жийрон қунаннинг лаблари сингари ёқимли ва юмшоқ эди. Танабой эгардан эгилиб, у билан гаплашар, жувон бўлса гоҳ жилмаяр, гоҳ хўмраяр, нимадандир рози бўлмас, бошини тебратар, кўзлари тез оқар дарёнинг тубидан ойдинда кўриниб турувчи тошлар каби ялтирарди. Кетаётиб у қайрилиб қарар ва яна бошини тебратар эди. Шундан сўнг Танабой от устида ўйчан кетади. У жиловини эркин кўйиб юборар, йўрға ҳам ўз эркига қараб, туёқларини тақиллатиб бамайлихотир юриб борарди. Гўё эгарда хўжайини йўқдек. Гўё уларнинг ҳар бири ўз ҳолича кетаётгандек. Шунда қўшиқ ҳам ўз-ўзидан кела қоларди. Танабой от туёқларининг бир маромдаги тақ-туқи остида аллақачонлар ўтиб кетган одамларнинг чеккан азоб-уқубатлари ҳақида, сўзларни аниқ талаффуз этмай, секин хиргойи қилиб борарди. От эса машқини олган юриш билан уни дарё ортига, йилқилар томонга олиб кетарди. Гулсари хўжайинининг кайфияти шундай чоғ бўлишини севар, бу жувонни ҳам ўзича яхши кўрарди. У жувонни қадди-қоматидан, қадам ташлашидан танирди, ҳатто, ундан тарқалувчи нотаниш ўтнинг қандайдир ғалати ҳидини

сезгирлик билан пайқаб оларди. Бу – қалампирмунчоқ эди. У қалампирмунчоқдан маржон тақиб юрарди” (Айтматов Ч. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.–408 б.–271–272-бетлар) каби ўринлари кишини ҳаяжонга солади.

Чингиз Айтматов асарларида жонзотларнинг ҳамма ҳам эътибор беравермайдиган бу каби ҳиссиётлари, уларнинг сезувчанлиги нозик идрок этиб кўрсатилади. Адиб нафақат ҳайвонлар, балки борлиқнинг кўз ҳам, кулоқ ҳам илғай олмайдиган, фақат руҳгина сеза оладиган тебранишларига эътибор қаратади. “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат” ёки “Сомон йўли”, “Оқ кема” асарларни иштиёқ билан мутолаа қилган ўқувчи бунга, албатта, ишонч ҳосил қилади. Бу асарларда теварак-атрофдаги барча нарса-ҳодиса бир-бири билан занжир ҳалқалари сингари туташ эканлиги, одамлар жонзотларни кўриб кузатгани сингари, ҳайвонлар, қушлар ҳам кишиларнинг хатти-ҳаракатига бефарқ эмаслигига эътибор қаратилади.

“Асрга татиғулик кун” романида бир кунда бўлиб ўтган воқеалар ёритилади. Асарда Казангапни дафн этиш маросими нақл қилинади. Кекса темирйўлчининг ўлими билан боғлиқ маросимдаги барча хатти-ҳаракатларни калхат осмондан кузатиб боради. Адиб нафақат одамлар, балки осмондаги қушлар ҳам ўзлари гувоҳ ҳодисаларга муайян муносабатда бўлишини: “Калхат навбатдаги кузатув парвозида тагин Маллақумдичоп жарлиги тепасида пайдо бўлди. Одамлар ҳамон ўз ишлари билан банд, белкуракларда ер қазиларди. Экскватор бўлса, катта тупроқ уюмини қазиб чиқарган, энди чўмичини ҳандакнинг чуқур еригача чўзиб, сўнгги тупроқ қолдиқларини олаётганди. Охири, тариллашини секинлатди-да, бир четга чиқди, одамлар бўлса, ҳандакнинг тубига тушиб олиб, яна қўшимча ниманидир кавлай бошладилар. Туя шу ўрнида турар, аммо малла ит кўринмасди: қаёққа кетиши мумкин? Калхат яқинлаб учиб, жарлик тепасида оҳиста айланди, бошини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга буриб қаради, ниҳоят, малла итнинг тиркилма арава остида, шундоққина ғилдиракларининг ёнгинасида чўзилиб ётганини кўрди. У дам олаётганга ўхшайди, балки мудраётгандир?

Калхат билан унинг нима иши бор? Калхат устидан кун бўйи неча бор айланиб учиб ўтди, у бўлса, бирор марта бошини кўтариб осмонга қарамади ҳам. Ҳатто, юмронқозиқ ҳам тик туриб олиб, бирор хавф-хатар йўқмикин, дегандек теварак- атрофга синчков қараб олганидан сўнг осмонга бир қараб олди. Ит бўлса, одамлар орасида яшашга ўрганганлигиданми, ҳеч нимадан хавотирланмайди ҳам, ташвиши ҳам йўқ. Керилиб ётганига қарамайсанми! Калхат унга бир сония ҳасад билан қаради-да: “Мана сенга!” дегандек думи остидан “пирт” этказиб оқ-кўкиш паталоғини отди ва енгил парвоз қилаверди. Нимадир осмондан Эдигей Бўроннинг енгига тап этиб келиб тушди. Қараса, қушнинг ахлати экан. Бу қаёқдан тушди? Эдигей енгини қоқиб ташлади-да, бошини кўтариб осмонга қаради. “Яна ўша оққуйрук, ўшанинг ўзи. Боядан бери тепадан кетмай учиб юрибди. Бу ниманинг аломати бўлсайкин? Унга қандай мазза-я! Ҳавода қанот сирпаб сузиб юрибди” (Айтматов Ч. Асрга татигулик кун; Қиёмат: Романлар.— Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. — 560 б. — 271-бет) деб тасвирлайди. “Қиёмат” романида ҳам, “Сомон йўли”, “Оқ кема”, “Алвидо, Гулсари!” киссаларида ҳам борликдаги ҳар бир ҳодиса, табиатдаги ҳар ўзгариш кишиларни яшаш учун кураш ва ҳаёт маъносини англаш ҳақида мушоҳада юритишга даъват этиши таъкидланади. Авдий, Бўстон (“Қиёмат”), Эдигей, Казангап, Абутолиб, Найман Она (“Асрга татигулик кун”), Тўлғаной, (“Сомон йўли”), Бола, Мўмин чол (“Оқ кема”), Танабой (“Алвидо, Гулсари!”) каби қахрамонлар образида қалбига эзгулик хиссини сингдирган кишилар шу ҳақиқатни англаши кўрсатилади. Улар ўзларини табиатнинг ажралмас зарраси эканлигини ички бир туйғу билан ҳис қилишади, турмуш ташвишлари, тақдирнинг синов-тўсиқларидан толиққан пайтларида табиатнинг улуғворлигига қараб, таскин-тасалли олишади, ундаги мавжудотларни эъзозлашади. Табиат ҳам мақсади эзгу кишиларнинг сабр-тоқатини синовдан ўтказди. Адибнинг қахрамонлари табиат синовларида матонат кўрсатишади. Эдигейнинг бошқоронғи хотинига мекре балиғини олиб келгани воқеаси бунга мисол бўла олади. Эдигей ноёб мекре балиғини


тутиш учун денгизнинг ичкарасига борганида довул бошланади. Сув юзи оппоқ кўпикланиб, денгиз бамисоли қайнаб тошадигандек чайқалади. Эдигей совукдан титраб қақшаса-да, хотинининг хоҳишини адо этишга тиришади. Балиққа ёлборади, денгизга илтижо қилади. Сидки дилдан нола қилгани, изғирин совукқа дош бергани учун даҳшатли довул пайтида унинг қармоғига балиқ илинади ва Эдигей соҳилга соғ-саломат етиб келади. Асарнинг айна ўринларини ўқиётганда киши: “Эдигейнинг аҳволи қандай кечаркан, хотинига мекре балиғини олиб борармикан? Хотини эрининг тортган азобларини ҳис этармикан? Уккубола балиқни нима қиларкан?” деб ўйлаб ҳаяжонланаверади. Денгиз ўртасида довулда қолиб, совукдан титраб-қақшаган Эдигейнинг балиққа: “Сени пишириб ейиш учун тутаётганим йўқ... Тушунасанми, биринчи фарзандимиз туғилади. Куни-кеча сен тушига кирибсан, ўшандан бери у орому қарорини йўқотган, буни менга атайлаб айтмаса-да, билиб турибман. Нега шундай эканини сенга тушунтиролмайман, лекин хотиним сени кўлига олиб кўрмоғи лозим. Сенга сўз бериб айтаманки, шундан кейин дарҳол денгизга кўйиб юбораман... Сен ҳам бизнинг ҳолимизни тушунгин. Хотиним сени ўнгида ҳам жуда-жуда кўргиси бор. У сенга кўл тегизиб кўрмоқчи, сени ушлаб, силаб-сийпаб, қандайлигингни сезмоқчи, олтин мекре. Балиқман, буларга нима алоқам бор, деб ўйлама. Сен балиқ бўлсанг ҳам, у негадир синглисини соғингандай, инисини соғингандай соғиниб юриб, фарзанди туғилгунча сени кўргиси бор. Қорнидаги бола ҳам мамнун бўлади. Ҳамма гап ана шунда. Олтин мекре, яхшилигингни аяма... Таъмини узоқдан сезгин, деб бир оз ҳидланган гўшт кўйганман... Агар сени алдамоқчи бўлиб, ялтироқ темир балиқчани кўйганимда, биринчи навбатда, ўшанга интилардинг, лекин бу мен учун виждон юзасидан бўлмас эди. Сен уни ютишга ютардинг-у, бироқ сувга кўйиб юборганимдан кейин ичингда темир билан қандай яшардинг?.. Ташвиш тортма, мен катта саноч олиб келганман. Саночни сув билан тўлдираман, сен вақтинча ўша ерда ётасан, кейин денгизингга кўйиб юбораман, сузиб кетасан... Тўлқинлар кучайиб, шамол авжига чиқаётганини

наҳот сезмаётган бўлсанг, боламнинг отасиз етим бўлиб туғилишини хоҳлайсанми? Яхшилаб ўйлаб кўр-да, менга ёрдам бер...” (Ўша манба. – 199 – 200-бетлар) дея илтижо қилиши яраланган қушнинг чинқириғи сингари қалбни тешиб ўтади. Бошқоронғи Уккиболанинг “боши олтин, қўруғи олтин, орқасидаги кемирчак тароқлари-ю, сузгич қанотлари олтин, денгиз ҳиди келиб турган” мекре балиғини икки қўллаб кўтариб, кўксига босиши ва “Ма, Эдигей миннатдорман, жуда миннатдорман. Муродимга етдим. Уни тезроқ сувга қўйиб юбор!” дейиши кишини мамнун қилади. Адиб инсон кўзга кўринмас илоҳий ришталар орқали табиат билан бевосита боғлангани, одамзоднинг ҳаёти нафақат ён-веридаги, балки денгизлар тубидаги, саҳролар саҳнидаги, тоғлар бағридаги мавжудотлар билан ҳам туташтириб қўйилгани, шунинг учун коинотдаги ҳар бир нарсага эҳтиром билан қараб, барчасини авайлаб муносабатда бўлиш зарурлигини шу тарзда таъкидлайди.

Фақат шахсий манфаатини ўйлайдиган, ўз маишати йўлида инсонликка номуносиб турли пасткашликлардан тап тортмайдиганлар табиатга ҳам ёвузлик қилади. Чингиз Айтматов ана шундай кишиларнинг фожиасини, уларнинг қабихликлари бошқаларга қанчалик азият етказишини Эдигей, Танабой, Бўстон, Авдий сингари қаҳрамонлари чеккан укубат, изтиробларда акс эттиради. Адибнинг жаҳон адабиёти саҳифасига мангу муҳрланиб қоладиган бу ажойиб қаҳрамонларининг энг юксак фазилати аввало уларнинг ўз сўзи устидан чиқишга интилишида кўринади. Танабой, Бола, Мўмин чол, Эдигей, Бўстон, Авдий жонзотларга меҳр билан қарайди. Улар табиат билан ўзлари ўртасида муштарак алоқадорлик борлигини ички туйғу билан ҳис қилишади. Танабой одамларга айтолмаган дардларини отига, Тўлғаной ўзи ўсиб улғайган, меҳнат қилган даласига, Мўмин чол ва Бола Она Буғуга, Эдигей туяси Қоранорга айтади. “Қиёмат” романи қаҳрамони Авдий Каллистратов “Инсон кудрати ўзининг энг юксак нуқтасига етган, саноат ҳукмрон кучга айланган даврда одамлар ўзларининг Худога бўлган муносабатини аниқлаб, билиб олиши керак” дейди. Шу фикри учун уни диний семинариядан ҳайдашади. Черков уни “муртад” деб


эълон қилади. Авдий уйсиз-жойсиз, ишсиз саргардон бўлиб қолса-да, аламзадага айланмайди. У гиёҳвандликка гирифтор бўлганларни бу фожиали йўлдан қайтармоқчи, уларни янги ҳаётга қайтармоқчи бўлади. Мўйинқумдаги сайғоқларни ваҳшийларча қирғин қилаётганлардан бу хунрезликни дарҳол тўхтатишни талаб қилади. Овчиларга: “Ҳар биримиз Худони, Оллоҳ Каримни ўйлайлик, Унинг беадад раҳм-шафқатидан умидвор бўлайлик, тирик табиатга етказган зиён-заҳматимиз учун, қилган гуноҳларимиз учун Ундан мағфират тилайлик, инчунун, чин дилдан тавба-тазарру қилибгина марҳаматига етишмоқ мумкин” (Айтматов Ч. Асрга татиғулик кун; Қиёмат: Романлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 560 б. – 452-бет) деб ялиниб ёлворади. Аммо қалби тош қотиб, раҳм-шафқатни унутган овчилар Авдийни калтаклаб азоблашади. Улар сайғоқларни қиргани камдай, бу йўлдан қайтармоқчи бўлган Авдийни бўри инни олдидаги саксовул шохларига осиб қўйишганидан мамнун ҳолда, ароқ ичиб, байрам қилишади. Одамлардан оқибат кўрмаган Авдий савқитабий тарзда унга Акбара ва Тошчайнар яқинлашаётганини аниқ ҳис қилади ва “Мени қутқар, бўрижон!” дейди. Адиб қалби эзгулик тўлалигидан ёвузликка қарши чиққан ажойиб инсоннинг “бўғзидан чиққан охирги сўзи шу эди” деб таъкидлайди. Болаларидан айрилган, инидан маҳрум бўлиб, сарсон-саргардонликдан аламзадага айланган йиртқич бўри ҳам қўл-оёғи боғланган, мажруҳ Авдийга ҳеч бир азият етказмайди. Ёввойи йиртқичлар ҳам эзгуликка интилган, қалби тоза одамларни авайлайди. Бу жиҳатдан улар, ҳатто, ибрат олишга арзийди, дейди адиб. Акбаранинг Авдий ва Бўстоннинг ўғли Кенжешга муносабатида ана шу ғаройиб жумбоқни гавдалантиради. Айни ўринлар асарнинг энг драматик сахналари сифатида кишини ўйлантириб қўяди. Чунки боласидан, жуфтидан, инидан жудо бўлиб, “Қашқирлар илоҳаси Бўри Онага нола қилиб, аккиллаб, увлаб, бадбахт толеидан тўхтовсиз арз этиб, илоҳадан ўзини Ойга олиб кетишини, одамлар йўқ жойга олиб кетишини ёлвориб сўраб юрган” Акбаранинг жўжалар орқасидан дўмбиллаб чопиб юрган кичкинтой Кенжешга дуч

келган пайтдаги ҳолати: “Одам сиёқи демаса, у ўз болаларининг баайни ўзгинаси. Болакай ушбу каттакон итнинг бошини силамоқчи бўлиб, қўлини чўзганида, Акбаранинг аламдан ўртанган юраги патирилаб кетди. У болакай олдига келиб, унинг юзини ялади. Кичкина унинг эркалашидан хурсанд бўлиб, кикир-кикир кулди-да, бўрининг бўйнидан кучди. Ана шунда Акбара тамомила ийиб кетди, бола оёғи тагига чўзилди, у билан ўйнаша бошлади – унга жуда ҳам эмдиргиси келди, лекин болакай эмиш ўрнига, унинг устига чиқиб олди. Кейин сакраб тушиб, орқасидан эргаштириб чақиришга тушди: “Юр! Юр!” деб кичкиради у кикирлаб маза қилиб кулганча. Аммо Акбара нари кадам ташлашга юраги бетламас, у ёқда одамлар бор эди. Бўри ўрнидан қимирламай, маънос кўзлари билан болага термулиб ётар, шунда бола яна орқасига қайтиб, унинг бошини силаб-силаб қўяр, Акбара эса уни ялаб-юлқар, бу болага бениҳоя хуш ёқарди. Бўри юрагида йиғилиб қолган барча меҳрини унга тўкиб солмоқчи, унинг бола ҳидларини кўксини тўлдириб-тўлдириб искамоқчи эди. Бу бола менинг қоя тагидаги уямда яшаса, қандай соз бўларди-я, деган ўй ўтди бўрининг калласидан. Шунда бўри боланинг нозик бўйнини тирнаб қўймаслик учун оҳиста унинг камзули ёқасидан тишлади-да, кескин бир ҳаракат билан ёли устига отди – бўрилар сурув ичидан кўзиларни шундай йўл билан олиб кочадилар. Болакай худди яраланган куён сингари қиска чинқирди” (Ўша манба. – 542 – 543-бетлар), деб тасвирланади.



Чингиз Айтматов асарларида воқеликни ана шундай санъаткорона маҳорат билан гавдалантиради. Ўқувчи ҳодисаларни худди кўз олдида рўй бераётгандек тасаввур қилади. Адиб воқеалар жараёнини худди рассом каби чизиб кўрсатиш билан кифояланмасдан уларнинг моҳиятини очиб, сабабларини ҳам таҳлил қилади. Меҳрсизлик, алдамчилик одамлар ўртасидаги қадрдонлик, оқибатга путур етказиши, шафқатсизлик янада

баттароқ шафқатсизликни келтириб чиқаришини таъкидлайди. Аммо бу хақиқатни тўғридан-тўғри эмас, қахрамонларининг ўзаро муносабатини кўрсатиш асосида ифодалайди. Одамзоднинг табиати ғоят ўзгарувчанлиги, шу боис у ўзини англолмаслиги, рўй берадиган кўнгилсизлик, кулфатлардан дарак бериб, кўнгилда лаҳзалар ичида намоён бўлиб сўнадиган белги-аломатларга у кўпинча эътибор бермаслигига ишора қилади. Адиб асарларида файласуф инсоншунос, синчков табиатшунос сифатида ҳаёт ходисаларини таҳлил этади. У кишиларинг ички кечинмаларини, жонзотларнинг ҳаёт тарзи ва хатти-ҳаракатини тасвирлашда беназир сўз санъаткорига айланади. “Оқ кема”да Ўразкул, “Қиёмат”да Гришан сингари гиёҳвандлар, Обер Кандалов каби арокхўрларнинг шафқатсизликларини гавдалантириш орқали кишилар ёмон тарбия таъсирида худди йиртқичлар каби ваҳшийга айланиши, бўри, калхат (“Қиёмат”), қор қоплони (“Қулаётган тоғлар”) каби жонзотлар фақат қорнини тўйғазиш ва ҳаётини сақлаш учунгина одамларга ёки бошқа ҳайвонларга ташланиши, лекин ўшанда ҳам, бу ишидан шодланиб кулмаслиги, бундай пайтда уларда, ҳатто, ҳеч қандай хурсандчилик аломати сезилмаслиги, аммо айрим одамлар кимки уларни ёвузликдан қайтармоқчи бўлса, унинг қўл-оёғини боғлаб, ваҳшиёна азоблаб, байрам қилиб, хурсанд бўлишини кўрсатади. Жонзотлар нафақат хамжинсларини, балки одамларни ҳам аниқ танишини Акбаранинг ҳаёт шоми сўниб бораётган Авдийга муносабати орқали гавдалантиради. Асарнинг: “Акбара ерга қапишди, ҳамла қилишга ҳозирланди. Унинг рўпарасида барча махлуқлар ичра энг даҳшатлиси, уларнинг бошига қанча кулфатларни солган катта душман турарди. Акбара қаҳр билан ўзини андак орқага оди. У шиддат билан сакрамоқчи, одамнинг бўғзига ўткир тишларини ботирмоқчи эди. Шунда охирги дамда бўри бу одамни таниди. Лекин қачон, қаерда кўрган эди уни? Э, бу ўша ғалати одам-ку, ёзда нашапояга борганларида дуч келган, болалари билан эркалашиб



ўйнашмоқчи бўлган, Акбара ҳамла қилиб сакраган ва уни аяб устидан ошиб, нари ўтган. Ўшанда у кўрқиб кетган, ерга ўтириб қолган, юзини қўллари билан беркитиб олган. Акбара унинг ҳайрат ва кўрқинчдан катта-катта очилган кўзларини эслади. Шиллингпоча бўлиб, чўлга тарақайлаб қочгани ўшанда... Мана энди, ўша кимса пастак саксовулда қанотлари тарвақайлаган қуш каби ғалати осилиб турибди. У тирикми, ўликми, бўри билолмади. Одам қимирламас, ҳеч қандай сас чиқармас, боши ён томонга қийшайиб тушган, оғзининг бир чеккасидан қон сизиб оқарди. Тошчайнар одамга ташланмоқчи эди, Акбара уни нари итарди. У одамга яқинлашиб, унинг юзига тикилиб қаради ва оҳиста ушлаб юборди, ҳалок бўлган болалари ёдига тушди. Ҳаёт эса Мўйинқумда тўс-тўполон, абгор бўлди. Кимга йиғласин, кимга арз қилсин, ахир? Бу одам унга ҳеч ёрдам беролмайди. Унинг ҳаёт шами сўниб боряпти, лекин ҳали жони буткул чиқмаган эди. Одам шишиб кетган қовоқларини базўр кўтарди ва секин ув тортаётган бўрига қараб пичирлади:

– Келдингми... Сўнг унинг боши шилқ этиб тушди. Бу унинг охириги сўзи эди” (Ўша манба. 459-бет) каби ўринларни ўқиётганида кишининг йиртқичлар тўғрисидаги тасаввури бутунлай ўзгариб, она бўри Акбарани худди яқин кишиси каби яхши кўриб қолади. Болаларидан, жуфтидан айрилиб, манзил-маконсиз қолган бўрининг ночор аҳволига ҳар бир одам дил-дилидан ачинади. Унинг кўнгил тубидан ҳамдардлик ҳисси қалқиб чиқади. Ҳаёт ҳодисалари юксак санъаткорона маҳорат билан тасвирланган асарларгина кишида шундай эзгу ҳиссиётлар уйғотади. Уларда ижодкорнинг ҳодисаларни юрагидан ўтказиб, нурлантириб тасвирлаётгани яққол билиниб туради. Чингиз Айтматов воқеани шунчаки баён этмайди, балки жараённи чизиш орқали уларнинг моҳиятини очиб, инсон ҳаёти бутун борлиқ билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Адиб ҳамма ҳам англайвермайдиган ана шу ҳақиқатни санъаткорона гавдалантиргани учун унинг инсон ва табиат ҳақидаги мулоҳазалари теран ҳикмат каби кишиларнинг қалбини тўлқинлантириб, уларнинг онгу шуурини нур каби

ёритади. Ҳаётнинг маъносини англашга интиладиган, ўтган умри, кечаётган кунлари тўғрисида мушоҳада юритадиган одамларнинг қалби ва руҳи бундан чексиз лаззат олади. Улар табиатнинг ҳар бир ҳодисасида чексиз ҳикмат мавжудлиги, жонзотлар одамлар сезмайдиган ўзгаришларни олдиндан пайқашидан ҳайратга тушиб, Яратувчининг мислсиз қудратини, У борлиқдаги барча нарсаларни бир-бири билан мустаҳкам боғлаб қўйганини ҳис қилишади. Чунки ҳаётдаги барча ўзгаришлар қандайдир сабаб билан юзага келади. Дафъатан рўй бергандай, бир-бирига алоқаси йўқдай кўринган воқеалар ҳам аслида кишининг ўтмиши, кўрган-кечирганлари, ўй-кечинмалари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. Афсуски бу узвийлик кейинчалик сезилади. Чингиз Айтматов Казангапни дафн этишга бораётган Эдигейнинг кечинмаларида инсон табиатининг ана шу мураккаблигини, у теварак-атрофидаги барча ҳодисалар билан кўзга кўринмас мустаҳкам ришталар орқали боғлаб қўйилганини, одам ҳаёл-тасаввури орқали ўзининг ўтмиши, аجدодларининг олис тарихи билан кутилмаганда сониялар ичида боғланишини ва аввал англамаган ҳақиқатларини дафъатан идрок этишини гавдалантиради.

“Асрга татиғулик кун” романи сюжетида Эдигейнинг бир кун ичида кўнглидан кечган ўтмиш хотиралари асосий ўрин тутди. У туяси Қоранорга қараб, ҳаётининг қувончли дамларини, уқубатли йилларни эслайди. “Алвидо, Гулсари!” қиссаси қаҳрамони кекса Танабой қариб, сўнгги нафасини олаётган саман отининг олдида ўтириб, ўтган умрини ўйлайди. Ҳаётдан маъно ахтарган бу оддий одамлар файласуф-мутафаккир бўлиб кўринади. “Сомон йўли” қиссаси қаҳрамони Тўлғаной ҳам шундай таассурот қолдиради. Чунки улар даврнинг мураккаб ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муаммолари, инсон тақдири турфа хил тўсиқ, чигалликларга тўлалиги тўғрисида, кишилараро мунособатлар ҳамиша зиддиятли кечиши, пайти келиб, ҳар бир одам ўзининг қилган ишларига ўзи жавоб беришига тўғри келиши, ўшанда азобланиб, афсус-надомат чекиши ҳақида мушоҳада юритишади. Чингиз Айтматов ҳар бир одам, у чўпонми,

деҳқонми, темир йўл ишчисими, ким эканлигидан қатъи назар, жумбоқ, сир экани, бирор ўқув юртини битирмаган, институт, университетда таҳсил олмаганлар ҳам ижтимоий турмуш тўғрисида чуқур мулоҳаза юритиши, уларнинг дилида ҳам мутафаккирона мушоҳадалар мавжланиб туриши, шундай экан, фақат ҳукмдорлар, амалдорлар, магнат, олигархлар, қатор-қатор қасрлари, дўконлари бор бойлар эмас, ҳар бир киши юксак эҳтиромга лойиқлиги, ҳаётнинг меҳварини айнан ҳалол, меҳнаткаш кишилар тутиб туришини таъкидлайди. Адиб “Асрга татигулик кун” романининг сўз бошида Эдигейнинг ҳаёти ўз даври билан пайванд бўлиб кетганини қайд қилади. Ўқувчи адибнинг Танабой, Тўлғаной, Бўстон сингари қаҳрамонлари ҳам ўз замонасининг фарзанди экани, уларнинг таржимаи ҳоли давр билан чамбарчас тутшиб кетганини ҳис қилади. Инсон ҳаётининг моҳияти эса унинг ўз даврига муносабати, унинг тўғрисида мушоҳада юритиши ва эзгуликка интилишида намоён бўлади.

Адиб оддий одамлар ҳам теварак-атрофдаги ҳодисаларга бепарво, лоқайд эмаслиги, улар ҳам ҳар бир нарсани синчковлик билан кузатиши, табиат ҳодисалари ва жонзотлар ҳаётидаги ўзгаришларни яхши билишини Танабойнинг саман отига, Эдигейнинг ҳайбатли туясига муносабатида кўрсатади. Танабой Гулсарини, Эдигей Қоранорни авайлайди. Бу тилсиз жонзотлар ҳам соҳибларининг дилини, хоҳиш-истакларини савқитабий ҳис қилиб, итоат этишади. “Асрга татигулик кун” романининг: “Туяни жабдуқлаш керак эди. Эдигей шунга овора бўлиб, ўзини енгил ҳис қилди ва туясига завқ билан қараб қўйди. Туяси қурмағур, ўзиям баҳайбат ва келишимли эди. Гарчи Эдигей бўйчан бўлса ҳам, туясининг бошига қўли етмасди. У туянинг бўйнига осилиб олганча овоз солиб, қамчи дастаси билан қадоқ босиб кетган тиззаларига секин урди-да, охири уни чўктирди. Туя бўкириб қаршилиқ кўрсатса ҳам, барибир эгасининг амрига бўйсунди. Оёқларини букиб, ерга чўккач, Эдигей унга жабдуқ ура бошлади. Туяни росмана жабдуқлаш ҳам иморат қуриш сингари ўзига хос санъат. Жабдуқ ҳар сафар янгитдан урилади. Ҳадисини олмаган киши бунинг уддасидан

чиқолмайди. Яна бунинг устига, анча-мунча куч сарфлашга тўғри келади. Айниқса, Қоранорга ўхшаш ҳайбатли туяларни айтмайсизми? “Қоранор” деб уни бежиз айтишмайди. Жингалак юнгдор калласи қоп-қора, бўйин остидан тиззасигача осилиб тушган қалин ва дағал ёллари – бу нортуянинг асосий беагаги ҳисобланади. Минора сингари юқорига кўтарилиб турган эгилувчан қўш ўрқачининг чўққиси қоп-қора, ва ниҳоят калтагина думчасининг учи ҳам қоп-қора. Қолган ҳамма қисми – устки лаби, тўши, ён томонлари, оёқлари, қорни аксинча қорамтир тусда, оч каштан рангда эди” (Ўша манба. 30 – 31-бетлар) каби ўринлари ҳаётнинг айна жонли манзараси каби беихтиёр кишини мамнун қилади. Уларда адиб воқеликни жуда чуқур ўргангани ва уни санъаткорона ифодалагани сезилади. Сўзнинг бениҳоя катта таъсир кучига эга эканлиги асарларнинг худди шундай нуқталарида яққол билинади. Романда туянинг қиш чилласида қони кўпириб, қутуриши билан боғлиқ воқеалар ҳам таъсирчан тасвирланади. Эдигейнинг Қоранорга меҳр қўйиб қолгани, бўталоклигида унга қиш пайтларида қорин остидан қадаб қўядиган тугмачалари бор иссиққина ёпқич тикиб кийдиргани таъкидланади. Эдигейнинг туясига бу қадар боғланиб қолгани уларнинг эмикдош эканлиги билан боғлиқлиги қайд қилинади. Бу хусусда: “Кайфи чоғ бўлиб турган пайтлари Эдигей бўталокнинг бўйнидан қучоқлаб, эркалатиб бундай деб ҳазиллашарди:

– Иккаламиз эмикдош, оға-инимиз. Оқбошнинг сутини эмиб, сен канақа катта бўлиб кетдинг, мен бўлсам контузия балосидан қутулдим, чоғи. Худоё худовандо, бир умрга қутулганим рост бўлсин. Фарқимиз шундаки, сен онангни эмдинг, мен бўлсам, онангнинг сутини соғиб, шубат ичдим...” (Айтматов Ч. Асрга татиғулик кун; Қиёмат: Романлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 560 б. – 73-бет) дейилади.

“Асрга татиғулик кун” романида Эдигейнинг ҳаёт йўли Қоранорнинг ўсиш йилларига боғлиқ тарзда гавдалантирилиб, унинг насли, бу хусусдаги афсона Казангап тилидан: “Ривоятларга қараганда, зотдор Оқмоя еттита бўталок тукқан бўлиб, уларнинг тўрттаси урғочи, учтаси нортуялар экан.

Ўшандан буён барча мода туяларнинг боши оқ тусда, нортуяларники – аксинча қора тусда, танасининг қолган қисмлари эса кўнғир тусда туғилар экан. Демак, Қоранорнинг бу хилда туғилиши ҳам бежиз эмас. Оқбош онадан қорабош бўта туғилдими, буни Оқмоянинг уруғи дея бер. Оқмоядан туғилганининг аломати шу. Ундан бери икки юз йилми, уч юз йилми, беш юз йилми, балки ундан ҳам кўпроқ вақт ўтгандир, ким билсин. Бироқ Сариўзак чўлида Оқмоянинг насли давом этиб келаётир” (Ўша манба. 76-бет) дея қизиқарли баён қилинади.

Жонзотлар табиатнинг ўзидаги тайёр нарсаларни бор ҳолида истеъмол қилишади. Улар одамлар сингари ўзларига озуқа бўладиган ўсимликлар, мавжудотларни парваришлаб кўпайтиришмайди. Ҳайвонлар, бир қарашда, фақат бугунги куни учун яшайдигандай кўринади. Улар эртанги куни, келгуси авлодларини ўйлаб, иш тутмагани, уй-жойини кенгайтириб, захира жамғармагани боис кишиларнинг назарида ақлсиз, онгсиз туюлади. Чунки оламни ўзгартиришга интилиб, ундаги нарсаларга турли шакл бериш одамларнинг тасаввурида ақллилик аломати саналади. Чингиз Айтматов “Алвидо, Гулсари!” қиссасида от, “Оқ кема”да буғу, “Асрга татигулик кун” романида туя, “Қиёмат” асарида бўри онгли, ғурурли мавжудот эканлиги, уларнинг ўзаро муносабатларида ҳам одамларга хос хусусиятлар борлигини кўрсатади. “Қиёмат”да бўри оиласининг ҳаёт йўли тасвири роман сюжетининг салмоқли қисмини ташкил этади. Бошқа қахрамонлар сингари бўриларга ҳам Акбара, Тошчайнар деб ном қўйилади. Адиб кекса Танабойнинг кадрдон отини “Гулсари”, Мўмин чол эътиқод қўйган буғуни “Она Буғу”, Эдигей меҳр қўйган туяни “Қоранор” деб атаб, жонзотларга эҳтиром кўрсатади. Ҳайвонлар ҳам онгли, ғурурли эканини гавдалантириш мақсадида бўриларнинг оилавий ҳаётидаги қуйидаги каби воқеаларни мисол қилиб келтиради: “Арлон кечаси йўқ бўлиб кетди-да, тонг азонида бутунлай бошқа қанжиқнинг бадбўй исини эргаштирганча қайтиб келди. Дайдиган арлон бўриларни ўн чақиримлаб узоқ ерлардан мараз ҳидига чақирадиган ўша еб тўймас юҳо бўрининг исига Акбара сира

тоқат қилолмади. Ёмон ғаши келиб, аччиғи чикди, нафрати кўзиди, тўсатдан шартта эркагининг елкасига тишларини қаттиқ ботирди. Сўнг бир неча кунгача унга рўйхуш бермай, орқасидан ялинтириб юрди. Сўлжайган, обрўсини тўккан аҳмоқни ўзига яқинлаштирмади. У “дод”, деб қанча ув солмасин, бир марта қайрилиб қарамади. Тўхтамади. Агар Тошчайнар шунда унга яқинлашиш ва қўнглини овлаш учун яна осилгудай бўлса, Акбара чиндан у билан тап тортмай олишарди. Ҳозир эса Тошчайнарнинг кенг бағрига ётиб, пича ҳуши ўзига келди. Кўрқинчли дамларда эркагининг бирга бўлганидан, унга далда берганидан рози эди. Шунинг учун арлонининг эркалашларига қаршилик қилмади, ҳатто, унга жавобан ўзи ҳам унинг тумшуғини бир-икки бор ялаб қўйди” (Ўша манба. 288-бет).

Жонзотларни ақлсиз, онгсиз дейиши аввало кишиларнинг ўзини борлиқдаги барча нарсаларнинг афзали, султони, коинотнинг гултожи санашидан келиб чиқади. Ана шу такаббурлик иллоти уларнинг қони, суякларига сингиб кетган. Шунинг учун кўпчилик жонзотларга эътиборсиз қарайди, айримлар чумолиларни атайлаб босиб ўтади. Баъзилар ўрмон, тоғ, дашт, чўллардаги ҳайвонларни овлаб, ҳордик чиқаради.

Чингиз Айтматов Акбара ва Тошчайнар муносабатлари орқали ҳайвонларда ҳам худди одамлардаги сингари меҳр-оқибат, ғазаб-нафрат, ғурур, ҳамият каби ҳиссиётлар мавжудлигини гавдалантиради. Сигир, қўй, от, мушук сингари уй ҳайвонлари ҳаётини кузатган киши уларнинг муносабатларида ҳам худди кишиларнинг турмушидагига ўхшаш жиҳатлар кўп экани, яъни улар ҳам гоҳида бир-бирига меҳр кўрсатиб, гоҳида жанжаллашиб қолиши, маълум вақтдан кейин, муроса-мадорага келиб, ярашишига гувоҳ бўлади. Табиатга аёвсиз муносабат кишиларнинг ўсимликлар дунёси, ҳайвонот оламига беписанд қараши уларни жонли, тирик унсур сифатида ҳис қилмаслиги оқибатида юзага келади. “Қиёмат” романида Обер Кандалов ва унинг йўриғига юрган ҳамтовоқлари хатти-ҳаракатида ана шу ҳақиқатга эътибор қаратилади. Обер Кандалов армияда жазо батальони казармаларида мавқеидан фойдаланиб, эркакларни

зўрлагани учун ишдан ҳайдалган. Лекин у бошқаларни мажбурлаб, номусига тажовуз қилгани учун ўзини асло айбдор санамайди. “Хўп, муддатдан ташқари қолган старшина айб қилиб кўйибди, хўп, баъзи мафқураси шубҳали шахслар ва айникса, турли-туман мазҳабчилар-у гиёҳвандларни зўрлабди, хўп, шунга шунчами, уларнинг нимасига ачиниб ўтириш керак? Қачонгача шуни деб, уни оқ калтак-қора калтак қилиш мумкин?” (Ўша манба. 448-бет) дейди у. Айримлар ҳақиқатан ҳам шахсий устунлиги боис ўзини бошқаларга ҳукмронлик қилиш, зуғум ўтказишга ҳақли деб ҳисоблайди. Уларнинг нуқтаи назарига кўра, кучлилар ўзидан кучсизларга нисбатан ҳар қандай ишни қилиши мумкин. Ваҳоланки, кучли шахслар жирканч ҳашорат сифатида қараб, назарига илмайдиган, масхара қилиб топтайдиган, содда ва заиф, камбағал-қашшоқ одамларни ҳам Худо яратган. Шундай экан, ожиз, бечораларнинг ғурури, ор-номусини топташ, уларга жабр-зулм ўтказиб, зўравонлик қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Обер Кандалов каби зўравонлар эса бу ҳақиқатни тушунишни ҳам истамайди. Улар фақат жисмоний кучни зўрликни тан олади. Ўзидан кучлиларга итоат қилади. Кучсизларни эса эзиб, таҳқирлашдан лаззат олади. Обер Кандаловлар ўзларининг туганмас хоҳиш-истаклари йўлида зўравонлик қилиб, бошқаларни таҳқирлашдан лаззатланади. Ҳар қандай ўзбошимчалик, жабр-зулм эса кишилар қалбида нафрат, адоват ҳиссини кучайтиради. Бу ўз навбатида, норозилик, жиноятчиликни урчитади. Кишилар ўртасидаги ўзаро ишонч ҳиссига путур етказилади. Обер Кандаловлар ўзини бошқаларга ҳукмрон бўлиш учун туғилган, деб ҳисоблайди. Шунинг учун улар одамларни ҳам, табиатни ҳам топтайверади. Ваҳоланки, нафақат ўсимликлар ва мавжудотлар, балки Ер, ундаги тупроқ ҳам нафас олади. Денгиз ва дарёлар, тоғлар, дашт-у далалардан буғ кўтарилиши шундан далолат беради. Шудгор қилинган даланинг тупроғидан бир сиқимини олиб, кулоққа тutilса, ундан аллақандай майин гувиллаган овоз эшитилади. Бизни улғайтирган, кўтариб турган, аждодларимиз яшаб ўтган ер шундай нафас олади. Ернинг жонли эканлиги, унинг уйғонгани кунлар илиб, баҳор

бошланганида якқол билинади. Манманликка берилган, такаббур кимсалар кўнгил кўзи кўрлиги боис бунга бепарво қарашади. Чунки улар табиатнинг тирик эканлигини ҳис қилишмайди. Табиатни ана шу золим, жоҳил, кимсалар бузади. Бундан эса миллионлаб кишилар, авлодлар азият чекади. Обер Кандаловлар маънавий қашшоқ бўлгани туфайли бошқаларга зўравонлик қилади. Улар шу орқали ўзларини устун кўрсатишга уринишади. Маънавий қашшоқ кишилар ҳеч қачон ўзининг хатти-ҳаракати устидан адолатли ҳукм чиқаришолмайди. Улар доим масъулиятдан қочиб, ғайриқонуний ишларнинг пайдан бўлишади. Барча динларда кишиларга зўравонлик қилиш, бошқаларга зарар, азият етказиш гуноҳ эканлиги таъкидланади ва бу ғайриинсоний ҳаракат сифатида ман этилади. Демак, Обер Кандаловлар диний нуқтаи назардан ҳам, дунёвий қонунларга кўра ҳам ашаддий жинойтчи саналади. “Қиёмат” романи қаҳрамони Авдий Каллистратов ўз манфаати учун ёшларни гиёҳвандликка бошлаётган Гришанга, ўзгаларни азоблашдан роҳатландиган, сайғоқларни қирғин қилаётган Обер Кандаловга қилаётган иши нотўғри эканлигини тушунтирмоқчи бўлади. Афсуски, бу ёвуз кимсалар ҳақиқатни кўра-била туриб, уни тан олишни исташмайди. Исо алайҳиссалом ҳам гуноҳга ботган одамларни тавба қилишга, бир-бирлари билан кадрдон бўлиб яшашга даъват қилади. У: “Одамларнинг гуноҳларини ювиш, уларнинг кўзларини очиш ва илоҳий хислатларини уйғотмоқ учун мен бугун жонимни қурбон қиламан... Мен одамзод ўтадиган йўллардаги шамчироқман. Шамчироқ бўлмоқ учун дунёга келганман. Одамлар мендан имдод кутиб яшайдилар ва азоб-уқубатлар чека-чека, ўзларидаги ёвузлик билан олиша-олиша, иллатлар, зўравонликлар, қонхўрликлардан нафрат қила-қила мен сари келажаклар. Худога муҳаббат билан тўлмаган дил иллатларга тўлади. Инчунун, инсонга муҳаббат билан тўлмаган дил ҳам вовайлоким ўликдир... Мен ҳам, аниқроғи, жамийки башарият Худонинг ердаги тажаллисидир” (Ўша манба. – 412 – 413-бетлар) деса, жоҳил, зўравон, ёвуз кимсаларнинг мужассам тимсоли Понтий Пилат: “Дунёнинг жиловини зўрлар ўз

кўлларида тутадилар... Одамларни на ибодатгоҳлардаги воизлар ва на кўкдан тушган ваҳийлар халос этади! Худди пода чўпон ортидан боргандай Қайсарларга эргашадилар, неъматлар ва куч-қудрат олдида таъзимда турадилар. Ҳаммадан кўра бераҳмроқ ва ҳаммадан кўра шафқатсизроқ кимсани кўкларга кўтарадилар, саркардаларни ва инсон қонларини дарё-дарё оқизган, бировларни ҳукмрон, бошқаларни қул қилган, хўрлаганларни “қахрамон” деб атайдилар, авлодлардан авлодларга қўшиқ битиб қолдирадилар, ғолиблар шарафига яловлар кўтарадилар, карнай-сурнайлар чалиб олқишлайдилар” (Ўша манба. 415-бет) деб уни инкор этади.

Агар ўтмишдаги ва бугунги кундаги муаммолар моҳиятига назар ташланса, уларнинг барчаси одамларнинг ўзаро муносабатларидаги қарама-қаршилиқ, зиддиятдан келиб чиққани, кишилар ҳамиша бир-бирига ҳукмрон бўлишга интилгани туфайли келиб чиққани аён бўлади. Кишилар ўзларининг устунлигини кўрсатиш учун ҳамма нарсага – ерга ҳам, ундаги ўсимликларга ҳам, ҳайвонларга ҳам дахл қилишади. Энг қизиғи, улар ўзларининг ҳар қандай хатти-ҳаракатларини оқлашга асос, сабаб ҳам топишади. Чингиз Айтматов “Қиёмат” романида гиёҳвандлар



ҳам, сайғоқларни қираётганлар ҳам тўғри иш қиляпмиз, деб ўйлашини таъкидлайди. Гиёҳвандлар, сайғоқ овлаётганлар Гришан ва Обер Кандаловнинг кўпол, ёвуз, шафқатсиз эканини билишади. Шундай бўлса-да, уларга итоат этишиб, буйруқларини бажаришади. Чунки улар Гришан ва Обер Кандаловдан кўрқишади. Жуда кўп кишилар зўравонларга таассуб қилиб, ўшаларнинг измидан юради. Барча фожиа шундан келиб чиқади. Чунки зўравонлар ҳеч ким бизнинг ишимизни тафтиш қилолмайди, деб кўнгли тусаган ишни бажараверади. Чингиз Айтматов эса дунёда ҳеч бир иш пинҳон қолмаслиги, ҳар бир кишининг ҳаракати, амалини кўриб-билиб турувчи қудратли зот борлиги Казангапнинг дафн маросими (“Асрга

татигулик кун”) ва Исо алайҳиссаломнинг суд қилиниши (“Қиёмат”) воқеаси орқали уқдиради. Ҳар иккала воқеани осмонда қуш қузатиб боради. Эдигей иймон-эътиқодли, диёнатли инсон бўлгани учун бунга эътибор беради ва: “Кафтларимизни ёзиб, Казангап билан видолашаётганимизда осмондан оққуйруқ қушинг қизиқиб қараб турибди. О, яратган эгам, агар ўзинг бор бўлсанг, бизни афв эт, гуноҳимизни кечир, банданг Казангапни ўз даргоҳингга қабул эт, агар у шунга лойиқ бўлса, руҳига мангу ором бағишла” (Ўша манба. 273-бет) деб илтижо қилади. Икки минг йил аввал Қуддусда ўтган судда Исо алайҳиссалом “бундай иссиқ кунда... кўкда айланиб юрган қушга бехос кўз қирини ташлаганини” пайқаган прокуратор Понтий Пилат тутоқиб кетади. Чунки у барчанинг ўзига сўзсиз бўйсунуши, унга сажда қилишини хоҳлайди. Бошқаларга зўравонлик қилишни касб қилган бу кимса оламда ҳукмдорлардан бошқа олий куч йўқ, деб ўйлайди. Шунинг учун Исо алайҳиссаломга беписандлик билан қарайди. Лекин ҳукмдорнинг ноибни эканлигига ғурурланиб кетган бу таккаббур кимсани ҳам Худо у ҳам бошқалар сингари ожиз банд эгани ҳақида ўйлантиради. Адиб прокураторнинг Исо алайҳиссалом билан мунозарасидан кейинги ҳолатини: “Понтий Пилат елкасига ташлаган кенг ридосини тўғрилаб, сарой ичкарасига кириб кетди. У суюклари йирик, боши катта ва тап-тақир, улуғвор, ўз шаъни-шавкати ва куч-қудратига ишонган киши эди. Арк айвони ҳовлисидан ўтиб бораркан, унинг кўзи яна осмон бағрида парвоз қилиб юрган қушлар шоҳига тушди. Бу бургутмиди ёки шунга ўхшаш қуш, у билолмади, бунга ҳозир қизиқаётгани ҳам йўқ эди, ҳозир хаёлини қушга асло кучи етмаслиги, уни ўз измига бўйсундиrolмаслиги тамомила банд этганди – рост-да, уни на қўрқита олади ва на ҳайдаб юбора олади ва на чақириб қўлига қўндира олади” (Ўша манба. 405-бет) деб тасвирлайди. Чингиз Айтматов бу билан кишига теварак-атрофи асл ҳақиқатни англашга ишора қилувчи турли белги-аломатларга тўла экани, мушоҳада қилган ҳар бир одам буни, албатта, англашини таъкидлайди.

Санъат асарларининг таъсирчанлигини таъминлаб, уларга бадий-эстетик жозоба бағишлайдиган табиат манзараси тасвири адабиётда қахрамонларнинг кайфияти, кечинмаларини кўрсатишда муҳим восита вазифасини бажаради. Шеърятда табиат манзараси, хусусан, гул рамзий маъно касб этса, дoston, роман, қисса, ҳикояларда у қахрамоннинг руҳий ҳолатини ифодалашда зарур фон саналади. Бадий асар композициясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган пейзаж бадий асарларда қахрамонларнинг интилиши, жўшқин ёки тушкун кайфиятини ифодалашнинг зарурий унсури саналади. Пейзаж тасвири аслида макон ва замон манзарасидир. “Пейзаж” французча *paysage* сўз бўлиб, “мамлакат, жой” деган маънони билдиради. Адабиётшунослик, санъатшуносликда “пейзаж” деганда асарда акс эттирилган табиат манзараси, жой кўриниши тасвири назарда тутилади. Адабиёт асарларида асосий мақсад инсон образини гавдалантириш бўлгани боис, албатта, уларда маълум бир жойнинг муайян пайтдаги кўриниши тасвирланади. “Қиёмат” романида бўрилар, сайғоқлар, “Қулаётган тоғлар” романида қор қоплонига қилинган тажовуз мисолида жонзотларга етказилган ҳар қандай зиён табиатни таҳқирлаш, демак, Яратгувчининг мулкига хужум қилиш эканлиги ва бу оқибатсиз қолмаслиги, ҳайвонларнинг осойишталигини бузганлар фикри бузук, бахтсиз, аламзада кимсалар эканлиги кўрсатилади. “Оқ кема” киссасидаги Ўразкул каттароқ амалдор бўлолмаганидан азобланади. Маънавий мажруҳ, фикри бузук бу кимса хотинини хўрлаб, аёвсиз калтаклагани етмагандай, қайнотаси Мўмин чолни ҳам доим таҳқирлайди, буғуларни отади. “Қиёмат” романидаги Обер Кандалов ҳам ифлос ишлар билан шуғуллангани учун бахтсиз. Уни хотини ташлаб кетган, армиядан ҳайдалган, ичкиликка берилган. Обер Кандалов ҳаммани ўзига итоат қилдиришни истайди, бошқаларни эзиш, хўрлашдан хурсанд бўлади. Кишилар ҳаётидаги энг зиддиятли муаммолар эса айнан Обер Кандалов сингари худбин, зўравонлар туфайли келиб чиқади. Ҳамиша ўз шахсий

манфаатини ўйлайдиган худбин, зўравонлар барча замонларда табиатга ҳам мислсиз зарар етказди. Бундан эса барча бирдай жабр чекади. Чингиз Айтматов бу фожиани Исо алайҳиссалом тилидан ифода қилади. Исо алайҳиссалом: “Билиб қўйингки, Рум ҳукмдори, охир дунё мен туфайли эмас, сен туфайли эмас, табиий офатлар туфайли эмас, одам болаларининг душманчилигидан келади” (Айтматов Ч. Асрга татигулик кун; Қиёмат: Романлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 560 б. – 417-бет) дейди. “Охир дунё” деганда қиёмат қоим назарда тугилади. Ҳақиқатан, кишиларни эзгуликка бошлаган пайғамбарлар, авлиёлар, олимлар ҳам, ҳаммани кўрқувга солган ҳукмдорлар, зўравон қароқчи, ўғрилар ҳам табиий офатлар ёки ҳайвонлар ҳужуми эмас, одамлар қўли билан ўлдирилади. Бу ҳам қиёмат аслида одамлар феъл-атворининг айниб, ёвузлашиши туфайли рўй беришини билдиради. Кишиларнинг бир-бирини, табиатни асраб-авайламаслиги, табиийки, тузатиб бўлмас фожиаларни келтириб чиқаради. Инсониятнинг олис тарихи ҳам, бугунги куни ҳам шундан далолат беради. Чингиз Айтматов “Қиёмат” романида Авдийнинг аянчли ахволида инсониятнинг бугунги шафқатсизлигини, Исо алайҳиссалом қисматида одамзоднинг азалдаги жоҳиллигини кўрсатади. Шу асосда олис тарих ва ҳозирги замоннинг ўхшашлигига, орадан шунча замонлар ўтса-да, одамлар хануз шахсий манфаатдорлик ҳиссига, ўзининг тубан нафсига тобе бўлиб қолаётганига, шунинг учун улар бир-бирига ҳам, табиатга ҳам шафқатсизлик қилаётганига эътибор қаратади. Асар қаҳрамони Авдий: “Ер куррасининг ҳар қандай нуқтасида рўй берган ҳар қандай инсоннинг ҳар қандай жинояти, ҳар қандай ёвузлиги, гарчи биз бундан беҳабар бўлсак-да, ва гарчи биз бундан жуда йироқда турсак-да, ва бу ҳақда ҳеч нарса билишни истамасак-да, барибир барчамизга тааллуқлидир” (Ўша манба. 444-бет) дейди. Чингиз Айтматов мухташам адабий оламининг ёрқин манзараларини акс эттирадиган “Қиёмат” романидаги Авдий Каллистратов образи, унинг устозлари, бошқа кишилар билан баҳс-мунозаралари, ички кечинмалари ўқувчиларни ўзининг қалбига, амал, фаолиятига назар солишга, эътиқоди

тўғрисида ўйлашга, эзгуликка интилиши, ёвузликни англаши хусусида фикр юритишга ундайди. Бу эса улуғ адиб асарлари умуминсоний аҳамиятга эга эканлигини блдиради.

Адиб “Қиёмат” романида қаҳрамони Авдий тилидан: “Тавба – инсоният руҳияти тарихининг улуғ неъматларидан биридир. Бизнинг кунларда унинг сариқ чақалик эътибори қолади. Ҳозирги замон кишисининг маънавий дунёсидан у тамомила бадарға қилинди. Лекин одам тавба-тазаррусиз одам бўлиши мумкинми? Хоҳ хатти-ҳаракатда, хоҳ ўй-фикрларда, хоҳ ўзини қийнаб ўртанишларда, хоҳ изтироб, пушаймонликларда айби, хатосини тан олиб, ларзага тушмоғи ва кўзи очилмоғисиз инсон инсон бўлармиди?” (Ўша манба. – 444 – 445-бетлар) деса, Мухтор Шохонов билан суҳбатида: “XX асрда инсонпарварлик инқирозга учрагани бор гап... Табиатни қандай қилиб асраш, очликдан, урушлардан, тараққиёт келтириб чиқарадиган кулфатлардан ҳимояланиш тўғрисида бош қотиришдан аввал маънавий маънода инсон қандай қилиб инсон бўлиб қолажagini, нафақат ақл-идрокли мавжудот шаклида, балки ҳис қиладиган, виждонли инсон қандай бўлиши кераклигини билмоқ керак. Маълум даражада ҳайвонларнинг ҳам ақли бор. Виждон ва ҳис-туйғу фақат инсонга хос хусусиятдир” (Айтматов Ч., Шохонов М. Чўкқида қолган овчининг охи-зори. – Тошкент: “Шарқ”, 1998. – 432 б. – 124-бет) деб куйилади. Аслида ҳам бировнинг дардини ҳис қилмайдиган, кўмакка, ёрдамга муҳтож кишиларга бепарво қарайдиган, бечораҳол одамларга ачинмайдиган, бошқаларга жабр-зулм қилганида ҳам виждони қийналмайдиган кимсалар, ҳар қанчалик ақл-идрокли бўлмасин, жамиятга заррача фойда келтирмайди. Ундайларнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ тегади. “Қиёмат” асаридаги Гришан, Обер Кандаловларнинг хатти-ҳаракати бунга мисолдир. Фақат ўзининг ҳузур-ҳаловатини ўйлайдиган бу кимсалар динни ҳам, жамиятда барча амал қиладиган тартиб-қоидаларни ҳам тан олмайдилар. Авдий одамларга ҳақиқатни ва эзгуликни ўзи ҳис қилган, англаган даражада тушунтиришга интилади ва буни ҳаётида қилиши лозим

бўлган энг улуғ иш деб билади. Афсуски зўравонлар бечора кишиларнинг халол, пок яшашига имкон бермай, гўзал инсоний фазилатлар соҳиби Авдийга тўсқинлик қилишади. Лекин қалби эзгу ҳисларга тўла Авдий худди Исо алайҳиссалом сингари шон-шуҳрат, бойликка ҳирс қўйган жоҳилларга бўйсунмайди. Муҳими шундаки, Чингиз Айтматов бошқаларга ҳукмини ўтказадиган жоҳил зўравонларнинг қарашларини инкор этса-да, уларни ҳеч нарсани тушунмайдиган аҳмоқ кимса қилиб кўрсатмайди. Исо алайҳиссаломни суд қилган Понтий Пилат ҳам, Авдийни азоблаган Гришан, Обер Кандалов ҳам ақлли. Улар одамларнинг феъл-атвори, мақсад ва интилишларини жуда яхши тушунади. Шунинг учун одамларни ўзларига эргаштиришади, буйруқларини бажартиришади. Гришан Авдийни гиёҳвандларга аёвсиз калтаклатади, Обер Кандалов уни худди икки минг йил аввал Понтин Пилат Исони хочга михлатгани сингари саксовул шохларига боғлатиб, саҳрога ташлаб кетади. Понтий Пилат Исонинг устидан ҳукм чиқарса-да, ғолиб сифатида хотиржам, мамнун бўлолмайди. У осмондаги қушни кўриб, ўзининг аҳволи аянчли эканини англайди. Романда унинг бу ҳолати: “Ҳукмдор эса ҳамон Арк айвонида Ғулқоф томон кетиб бораётган кимса изидан учган мутағаййир қушга ҳайрат ва кўрқув ичра тикилганча турарди... Бу не синоатдир?”, деб пичирлади ҳукмдор таажжуб ва ташвиш ичида” (Айтматов Ч. Асрга татигулик кун; Қиёмат: Романлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 560 б. – 420-бет) деб тасвирланади.

Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема”сидаги Бола, “Сомон йўли”даги Тўлғаной, “Алвидо, Гулсари”сидаги Танабой ҳамда романларидаги Эдигей, Авдий сингари қаҳрамонлари бу ҳақиқатни ғайришуурий идрок этади. “Асрга татигулик кун”да Эдигейнинг тоғлар қаршисидаги ҳолати ҳақида: “Бу тоғлар шу қадар чиройли эдики, одамнинг кўзи қувонарди! Эдигей Бўрон темир йўл билан ёнма-ён то Олмаотагача чўзилиб кетган қорли чўққиларнинг улуғвор қиёфасини кўриб, ҳар қанча севинмасин, уларга қараб тўймайди. Унинг учун, сариўзаклик чўл кишиси учун бу бир мўъжиза

бўлиб, абадийликни томоша қилаётгандек эди. Олатов тоғлари уни фақат мафтун этибгина қолмасдан, чуқур ўйга толдирди ҳам. Тоғларга қараб туриб, ўй суриш унга ёқар эди” (Айтматов Ч. Танланган асарлар. Икки томлик. 2-том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 252-бет) дейилади. Адибнинг Эдигей, Авдий сингари ўйчан қаҳрамонлари борлиқдаги ҳар бир унсурга, табиатдаги нозик ўзгаришларга ҳеч қачон бефарқ қарашмайди. Чунки қалби эзгу ҳисларга тўла кишиларга теварак-атрофдаги нарсалар, албатта, таъсир ўтказди. Шунда улар беихтиёр мушоҳадага берилиб, Яратгувчининг чексиз қудрати ва инсон ҳаёти тўғрисида ўйлай бошлайди. Бу пайтда улар инсонга жуда кўп нарсалар бериб қўйилгани, лекин одамлар уларга ато қилинган неъматларнинг кадрига етмаслиги, мавжудлиги имкониятлардан фойдалана олмаслиги, кишилар ҳаётидаги муаммоларнинг боиси аслида шунда эканини англаб етишади. Одамларни эмас, табиатни ўзига яқин олишади, жонзотларга ҳавас қилишади. Уларни эркин, ўйсиз, ғамсиз, дардсиз, ташвишсиз деб билишади. Эдигей “Денгиз ҳаммасини тушунади, нимани айтма, дилдан чиқариб айтсанг, денгизга хуш келаверади”(Айтматов Ч. Асрга татиғулик кун; Қиёмат: Романлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 136-бет) дейди. У ҳар бир нарса ҳаёт ҳақида ўйлашга даъват этишини англагани боис: “Ажабо, инсон бир дақиқа ҳам ўйламасдан туролмайди. У шундай тузилганки, хоҳлайсанми, хоҳламайсанми, ўйлаганинг ўйлаган, бир фикрдан иккинчиси туғилаверади. Шу ҳол, афтидан, ўла-ўлгунча давом этса керак!” (Ўша манба. 92-бет) дейди. Эдигей болалик пайтида Орол денгизи қирғоғида соатлаб ўтириб, денгиз тўлқинларини кузатади, оқ чорлоқ – чайкага айланиб, денгиз узра парвоз қилиб, юқоридан чексиз уммоннинг қудратли ҳаракатини кузатишни орзу қилади.

“Қиёмат” романи қаҳрамони Авдий ҳам бўрилар тилка-пора қилиб ташламагани тақдирнинг унга марҳамати экани ҳақида ўйларкан, ҳаёлига беихтиёр ўзининг ҳеч қандай гуноҳи йўқлиги ва бўрилар буни билгани тўғрисидаги фикр келади. Шунда у мамнун бўлиб, бўриларни ўзининг

кадрдони каби тасаввур қилиб, Инга Федоровнага ҳам озор етказмасликни сўраб, Акбарага: “Сўзларимни тингла, эй гўзал она бўри! Сен шу ерларда яшайсан. Ўзингга қандай яхши бўлса, шундай яша, табиат қандай буюрган бўлса, тириклигингни шундай адо эт. Ёлғиз шуни ўтинаман сендан: агар унинг мотоциклининг мотори ўчиб қолса, Худо ҳаққи, бўрилари ҳақи, унга тегма. Унга зиён-заҳмат этказма! Шундай катта мотоциклни миниб кетаётган ўша гўзал хотинга ҳавасинг келса, унинг ёнгинасида, йўлнинг чеккасида бирга чопиб бор, лекин асло унга кўринма. Қанот чиқаргин-у уч. Буддавийлар айтганларидай, балки сен, эй кўккўз бўри, уни одам қиёфасидаги ўз эгачинг, деб тан оларсан? Нима, шундай бўлиши мумкин эмасми? Нима қилибди сен она бўри бўлсанг, у эса одам, лекин икковингиз ҳам, ахир жуда гўзалсиз, ўзингизга яраша чиройлисиз! Сендан яшириб ўтирмайман, уни чин юракдан яхши кўриб қолишим мумкин. Лекин мен тентакман, ҳа, тентакман, яна ким ҳам бўларди! Ғирт девоналаргина шундай орзу қиладилар. Мабодо менинг нима деб ўйлаганларимни у билиб қолса, кула-кула кўзларидан ёш чиқиб кетарди! Лекин шундан хурсанд бўлса, майли, тўйиб-тўйиб кулсин...” (Ўша манба. 373–374-бетлар) деб мурожаат қилади.

Чингиз Айтматов эзгуликка интиладиган, қалби пок қаҳрамонларини табиатни тинглайдиган, унга мафтун бўлиб қарайдиган ҳолатда кўрсатишга интилади. Айни жиҳат унинг ижодига хос энг муҳим хусусият саналади. “Сомон йўли” қиссасида Тўлғаной, юқорида қайд қилинганидек, Ер билан дардлашади. “Оқ кема”даги Бола ўт-ўланларни “севимли”, “ботир”, деб атайди. Боланинг назарида, булутлар унинг кўнгли нохушлиги, қаёқларгадир жўнаб қолгиси ёки учиб кетгиси келаётганини билади. Боланинг сув босадиган пичанзордаги кумушранг супурги ўтларга раҳми келади. Унинг айтишича, печакгуллар ёввойи, шунга қарамай, энг ақлли ва кувноқ гуллардир. Чунки улар эрталаб қуёшни ҳаммадан ортиқ яйраб қарши олади. Бошқа ўтларга – тонг нима, тун нима, барибир. Оқ, оч-кўк, бинафша яна бошқа рангдаги печакгуллар олдида сукут сақлаб ўтирсанг, улар

уйкудан уйғониб, алланималар ҳақида шивирлашаётгандек туюлади. Чумолилар ҳам буни сезади. Улар эрталабдан печакгуллар хузурига чошиб, куёш нурларидан кўзларини қисиб, гулларнинг ўзаро нималар ҳақидадир шивирлашаётганига кулоқ солади” (Айтматов Ч. Танланган асарлар. Икки томлик. Т.2. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 392 б. – 194-бет). “Оқ кема” муаллифининг роман, қиссалари бошқа адибларнинг асарларидан инсонни табиатнинг ажралмас бир бўлаги, унинг энг муҳим таркибий қисми сифатида гавдалантириши билан фарқ қилади.

“Қиёмат” муаллифи Танабой, Тўлғаной, Эдигей, Авдий, Бўстон сингари оддий одамлар табиат ва жамият, ўтмиш ва ҳозирги замон тўғрисида ўйлашини шундай маҳорат билан тасвирлайдики, уларнинг дардли кечинмалари, ҳаёт ҳақидаги мураккаб мушоҳадалари ўқувчини беихтиёр тўлқинлантириб юборади. Адиб “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат”, “Оқ кема” каби асарларида инсоннинг борлиққа, табиатга муносабати асосида даврнинг чигал ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларини мутафаккирона таҳлил қилиб, санъаткорона тасвирлайди. Бу асарлар сувни ифлослантириш, тупрокни заҳарлаш ёки бир туп дарахтни кесиш одамнинг шахсий иши эмаслиги тўғрисида ўйлантиради. Адибнинг асарлари одамлардаги кўпгина хусусиятлар барча жонзотлар учун ҳам хос экани, кушлар ҳам, уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳам кўп нарсани ҳис қилиши, тушуниши, дов-дарахтлар, тошларда ҳам ҳаёт аломатлари мавжудлигидан огоҳ этади. Чингиз Айтматов ҳар бир кишининг қувончи ва қайғуси, ҳар ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти ёки таназзули кишиларнинг бир-бирига ва табиатга муносабати билан белгиланишини таъкидлайди. Ёзувчининг Мўмин чол, Бола, Танабой, Эдигей, Авдий сингари қаҳрамонларининг кечмиш-кечирмишлари аслида адибнинг дардлари, армонлари эканлиги яққол билиниб туради.

“Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат” романлари, “Оқ кема”, “Сомон йўли”, “Алвидо, Гулсари!” қиссаларида воқеалар бир-бири билан узвий боғланиб, композицион яхлитлик ҳосил қилади. Уларда ҳозирги замон

воқеалари афсона ва ривоятлар орқали ўтмиш билан туташади, қаҳрамонларнинг таржимаи ҳоли замин ва осмон билан, жонзотларнинг ҳаёти билан бевосита боғланиб кетади. Адибнинг Найман она, Бўстон, Тўлғаной, Мўмин чол, Бола каби ажойиб қаҳрамонлари ўзларини табиатга жуда яқин олишади, у билан тиллашишади. Фарзандини излаб, йўлга чиққан Найман онанинг ҳолати: “Найман она сувнинг жилдираб оқишига туни билан қулоқ тутди. Онанинг исёнкорона руҳига ва муножотига унчалик ҳамоҳанг бўлмаган сув нималарни шивирлаётган экан? Қалби таскинга муҳтож ҳаётдай гунг-соқов Сариўзак чўли сари равона бўлиши олдидан шошқин сувнинг мусиқасини тўйиб-тўйиб тинглашга орзуманд эди. Кимсасиз чўлга якка-ёлғиз бориш хавф-хатарли эканини она биларди, аммо шунга қарамай, ўйлаган ниятини бирор кимсага айтишни, кўнгил ёришни истамади. Барибир дардинга дардманд бир кимсани тополмайсан ҳам” (Айтматов Ч. Асрга татиғулик кун; Қиёмат: Романлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.–560 б. – 114-бет) деб тасвирланади. Жунжанглар ваҳшийларча азоблаб, хотирасидан маҳрум қилган Жўломон ҳам ҳар кеча ойга тикилади. Онасини ҳам таниёлмайдиган даражада аянчли аҳволга тушган Жўломон: “Мен ҳар куни Ойга тикиламан, Ой эса менга тикилади. Аммо биз бир-биримизнинг овозларимизни эшитмаймиз... У ёқда кимдир ўтирибди” (Ўша манба. 111-бет) дейди ғулдираб. Манқуртга айлантирилган Жўломон онаси билан ҳам, бошқалар билан ҳам сўзлашмайди. У фақат Ой билан гаплашишни истагини айтади. “Қиёмат” романида она бўри Акбара ҳам иложсиз қолиб, Ойга қараб, илтижо қилади. Адибнинг сўнгги романи “Қулаётган тоғлар”да одамлар таъқибидан қочаётган қор қоплони Жаабарснинг аҳволи ҳақида: “Ўша кеча тоғларда тўлин ой ёғду сочарди. Ғариб Жаабарс мусаффо тиниқ осмонда мингларча милтиллаган юлдузлар қуршаган худди мана шу улкан Ойга қараб, нидо солиб ўкирарди. Ойга ўз дарди ғамидан шикоят қилар, аммо осмон маликаси жавоб бермасди” (Айтматов Ч. Қулаётган тоғлар – “Жаҳон адабиёти” журнали, 2008 йил, 12-сон. – 54 – 55-бетлар) дейилади. Чингиз

Айтматов бу билан одамлар ҳам, жонзотлар ҳам иложсиз, чорасиз қолган пайтларида бир хил бўлиб қолиши, ўшанда самодан, илоҳлардан нажот сўрашига ишора қилади. Адиб ушбу асарида ҳам инсон ва жонзотлар ўртасида “самовий боғланганлик” борлигини таъкидлайди.

“Қулаётган тоғлар” романининг асосий қаҳрамонлари – журналист Арсен Саманчин ва қор қоплони Жаабарс. Адибнинг “Алвидо, Гулсари!” қиссасида чўпон Танабой оти Гулсари билан, “Асрга татиғулик кун” романида темир йўл ишчиси Эдигей туяси Қоранор билан доим бирга бўлгани тўғрисида сўз юритилади. “Қиёмат” романидаги Авдий, Бўстонга бўрилар Акбара ва Тошчайнар ёнма-ён яшайди. “Оқ кема”даги Мўмин чол ва унинг орзулари бепоён, қалби эзгуликка тўла невараси Она буғу улар яшаётган жойда пайдо бўлганидан севинишади. “Қулаётган тоғлар” романи қаҳрамонлари ўртасида эса бундай бевосита яқинлик кузатилмайди. Арсен Саманчин “одамлар минди-минди бўлиб кетган, аҳолисининг зичлигидан тарс ёрилай деб турган, кўчалари бозорга айланган, кабобларининг хидлари кўкка ўрлаган, қовоқхоналари тинимсиз шинавандиларини чорлаган сериздиҳом азим шаҳарда, қор қоплони Жаабарс эса “чўкқилари кўз илғамас юксак тоғларда, ваҳший қоялари уқрайган қояларда, қуюқ қоронғи арчазорлар, олти ой муз-қори эримайдиган терскайларда” (Айтматов Ч. Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллик). – Тошкент: “VEKTOR-PRESS”, 2009. – 6 – 7-бетлар) яшайди. Лекин улар ўртасида кўзга кўринмас узвий яқинлик сезилади. “Қиёмат” романида Авдий ўлими олдидан она бўри Акбарани кўриб, унга “Келдингми?” деб жони узилгани каби Арсен ҳам ҳаётининг охириги дамларида қор қоплони Жаабарсга дуч келади ва у билан ёнма-ён ётиб, оламдан ўтади. “Алвидо, Гулсари!” қиссасида кекса Танабой ҳам оти Гулсари ўлаётганида ўзининг ҳам қариб, куни битиб қолганини ҳис қилганидан тун бўйи отининг ёнида ўтириб, ўтган ҳаётини ўйлаб чиқади. Йўрға Гулсари сингари мен ҳам йўлда ўлиб қоламанми, деб ич-ичидан эзилади. Сочлари оқариб қолган чол отининг совиб қолган кўзларини бекитиб, юганини олиб, елкасига ташлаганча дашт бўйлаб кетаркан, йўрға

оти учун хўрсиниб-хўрсиниб йиғлайди. Кўзларидан оқиб тушаётган кўз ёшлари соқолини хўл қилиб юборса-да, лекин артмайди. Адиб отига меҳр қўйган қариянинг айна ҳолатини: “У кўз ёшлари орқали янги тонгга, тоғ этагига тез учиб бораётган танҳо кулранг ғозга боқди. Ғоз ўз галасига шошиларди. – Учавер, учавер! – деб шивирлади Танабой. – Қанотинг толмай, шерикларингга етиб ол. – Кейин яна хўрсиниб деди: Алвидо, Гулсари!” (Айтматов Ч. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 1-жилд. 405-бет) деб тасвирлайди. Чингиз Айтматовнинг ўзига хос бу топилмаси – тонг чоғида ўлган от ва йиғлаётган чол устидан учиб ўтаётган якка ғоз орқали ҳар бир одам нафақат яшаётган макони, ундаги одамлар, наботот ва ҳайвонот олами билан, балки бутун коинот билан, ўтмиш, бугун ва келажак билан ҳам бевосита боғланиб кетганига ишора қилади. “Қулаётган тоғлар” романи бошида эса бу ҳодисани англашга ақл ожизлик қилишини таъкидлаб: “Ақлдан хориждаги нарсанинг тагига етаман деб уриниб, фақат бир нарсани тахмин этиш мумкиндирки, у ҳам бўлса қиссамиз қаҳрамонлари бўлмиш икки хилқатнинг бир-бирлари билан аллақандай самовий боғланганликлари, самовий туташганликлари, қайсидир маънода, ягона йўл – қазову қадарнинг амри иродаси билан билан битта буржнинг юлдузлари остида ёруғ дунёга келганликларидир. Нима дейсиз, шундай бўлса ҳам ажабмас” (Айтматов Ч. Қулаётган тоғлар. – “Жаҳон адабиёти” журнали, 2008 йил, 11-сон. – 5-бет) деб қайд этади.

Чингиз Айтматов сўнгги романининг номланиши чуқур рамзий маънога эга. Улуғ адиб кейинги асарларини “Қиёмат”, “Охирзамон белгилари” ва “Қулаётган тоғлар” деб атаб, инсониятни фожелиқдан огоҳ этади. У ушбу асарлари марказига инсоннинг табиатга аёвсиз муносабати масаласини қўяди. Кишилар борган сари табиатга тажовузкор бўлиб бораётгани ва бунинг фожиали оқибатларини гавдалантиради. Қалхат, тулки каби жонзотлар ҳам одамларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб туриши, аммо кишилар бунга эътибор қилмаслиги, бефарқлигини тасвирлайди. Адиб “Асрга татиғулик кун” ва “Қулаётган тоғлар” романларида борлиқдаги

барча нарса-ходисалар бир-бирига чамбарчас боғлаб кўйилгани, одамлар ҳайвонларни таъқиб қилгани сингари жонзотлар ҳам кишиларнинг хатти-ҳаракатини синчковлик билан кузатишини кўрсатади. “Қиёмат” романида эса одамларнинг нафси борган сари очилиб, талаб ва эҳтиёжлари кучайиб бораётгани ва табиатга кундан-кун кучлироқ зуғум ўтказишиб, дашт-чўлларни ҳам, тоғ-тошларни ҳам пайҳон қилиб ташлаётганига эътибор қаратади. Ёзувчи замин ва осмон, тонг ва тун, тўрт фасл манзараларини моҳир мусаввир каби чизиб кўрсатар экан, табиат ҳам худди одамлар каби тирик, жонли экани, унга озор етказмасдан асраб-авайлаш, эъзозлаш зарурлигини таъкидлайди. Янги яйловлар топиш мақсадида баҳайбат тоғлардан ошиб ўтмоқчи бўлган Эрназарнинг фожиали қисматида табиат ўзининг муқаддас манзилларини асраб-авайлаши, унга дахл қилганларни асло аямаслигини таъкидлайди. Чингиз Айтматов сўнгги романида ҳам худди дастлабки асарларидаги сингари дашт ва тоғларнинг ҳассос, беназир куйчисига айланади. Адиб бу жойларнинг табиатига, осмондаги ой ва юлдузларга мафтун бўлиб тургандай туюлади. “Қулаётган тоғлар” қаҳрамони Арсен табиатга меҳр билан қараши, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар тўғрисида мушоҳада юритиши билан Тўлғаной, Бола, Танабой, Эдигей, Авдий ва Бўстонга ўхшаб кетади. Адибнинг бу қаҳрамонлари шўро тузуми, унинг мустабид сиёсати тўғрисида ўйлаб, изтироб чекса, Арсен Саманчин мустақилликка эришилганидан кейинги бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги норасоликларни, ўз кадрини билган одамлар кўл бериб сўрашишга ор қиладиган муттаҳам, фирибгарлар бир пасда бойиб, мулкдорга айланиб кетгани, эндиликда кўп кишилар ўшаларга ҳавас қилиб, ибрат олаётганини кўриб қийналади. Арсен Саманчин – журналист. Унинг долзарб ижтимоий муаммоларга бағишланган мақолалари кўпчиликда кизиқиш уйғотган. Арсен ҳаётдаги ўзгаришларни тез илғаб, уларни таҳлил қилиб, ўз муносабатини билдиради. Мустақиллик, сўз эркинлиги ҳамма орзу қилган фаровонликни келтирмаганидан, аксинча, аввалги кўп яхши нарсалар топтаб, яқсон қилинганидан ажабланади. Одамлар орасида меҳр-

окибат, ҳамдардлик ҳисси йўқолиб бораётгани, кишилар бойлик орттириш, айш-ишрат қилиб яшаб қолишга ружу қўяётгани ва бу умумий мусобақа, пойгага айланганидан афсусланади. Арсен бир жойда муқим ишлолмайди. Чунки атрофдагилар уни тушунмайди. Ҳаром-хариш йўллар билан бойлик тўплаганлар унга тазйиқ қўтказишади. Уни, ҳатто, овқатланадиган жойидан ҳам ҳақоратлаб, уриб, ҳайдаб чиқаришади. Чунки бу ресторанни улар сотиб олиб, хусусий мулкига айлантиришган. Ҳалол яшамоқчи эканлиги учун Арсенни хотини ҳам ташлаб кетади. Кўпчиликнинг манфаатини ҳимоя қиладиган таҳлилий мақолалар эълон қилгани учун бойлар унга “Бировларнинг ишига тумшуғингни тикма! Сенга ўхшаган кимсага битта кўрғошин ўқ доим топилади!” деб таҳдид этишади. Кўп қаватли уйнинг еттинчи қаватидаги бир хонада камтарона яшаётганга таъна қилишиб: “Сассиқ ахлатхонада яшайдилар-у яна шляпа кийганларига бало борми!” (Ўша манба. 25-бет) деб масхаралашади. Зиёли, виждонли йигит Арсен мана шундай вазиятда нима қилишни, қандай яшашни, қаердан нажот топишни билолмасдан каловланади. У одамларнинг пулдорларга сажда қилаётгани, харом-хариш йўллар билан бойлик орттираётганлар барчага ҳукмини ўтказиётгани, порахўрлик, таъмагирлик кундалик одатдаги ҳолатга айлангани, у ҳатто, халқаро кўламда кенгайгани тўғрисида ўйлар экан: “Бозор издиҳоми кудрати олдида ҳеч қандай минбар, ҳеч қандай кафедра дош беролмайди. Ана, бозорнинг гаврони билан бўйнингга уриб, ҳайдаб чиқаришди, яна каллангга соламиз, деб дўқ ҳам уришди. Ҳатто, севгини ҳам сотиладиган товардай бозор растасига чиқаришди. Сен эса буни эндигина тушунибсан. Бундан келиб чиқдики, сен бу бизнеснинг даврига тўғри келмас экансан” деб изтироб чекади.

Инсоният азалдан эрк, тенглик, фаровонликни орзу қилади. Аммо унинг бу эзгу орзуси амалга ошмасдан келади. Барча замонларда бир тўда кишилар бой-бадавлат бўлиб, фаровон умргузаронлик қилгани ҳолда, аксарият одамлар камбағал, қашшоқ бўлиб, қийналиб ҳаёт кечиради. Айни тенгсизлик барча даврларда энг мураккаб ижтимоий муаммо сифатида

турли зиддиятларни келтириб чиқаради. Буюк ижодкорлар доим асарларида шу муаммога эътибор қаратишади. Чингиз Айтматовнинг шўро даврида яратган қисса, романларида ҳам худди шу муаммо – тенгсизлик инсониятни азалдан азоблаб келгани таъкидланади. “Сомон йўли” қиссаси қаҳрамони ялангоёқ, ялангбош бир қашшоқнинг қизи Тўлғаной севган йигити Сувонқулга “Биз ҳам бахтли бўламизми?” деб сўраганида, у: “Ер-сув элга тенг бўлса, бизнинг ҳам экин экадиган еримиз бўлса, биз ҳам эл қатори ер хайдаб, экин экиб, хирмон кўтарсак, бизнинг бахтимиз – ўша. Бизга бундан ортигининг нима кераги бор, Тўлғаной” (Айтматов Ч. Танланган асарлар. Икки томлик. Т.2. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 392 б. – 101-бет) дейди. Лекин ер-сув умумхалқ мулкига айлантирилган шўро замонида ҳам кишилар бахтли, фаровон турмушга эришолмади. Чунки аксарият кишилар умумхалқ мулкига бепарво муносабатда бўлишди. Сидқидилдан ишламай қўйишди. Негаки астойдил меҳнат қилганларга ҳам, шунчаки қимирлаганларга ҳам бир хил ҳақ, маош берилди. Кўп кишилар меҳнати етарлича кадрланмаганидан ялқов, дангасага айланди. Одамларда “Давлат бизни боқиши керак”, деган боқимандалик кайфияти пайдо бўлди. Ҳамма нарса умумхалқ мулки бўлгани учун одамлар уларни асраб-авайламай қўйишди. Давлат мулкани талон-тарож қилиш, бажарилмаган ишларни бажарилган қилиб кўрсатиш – қўшиб ёзиш, исрофгарчилик, кўзбўямачилик авж олди. Қанчалик қаттиқўл сиёсат олиб борилмасин, назоратчи ташкилотлар кўпайтирилмасин, сифатсиз, кераксиз маҳсулотлар тайёрлашни тўхтатиб бўлмади. Умумхалқ мулкига асосланган шўро давлатида боқимандалик кайфияти кучайиб боргани туфайли кишиларнинг турмуш даражаси ночорлашиб кетаверди. Хусусий мулкка асосланган капиталистик давлатларда эса бу жиҳатдан тўхтовсиз юксалишга эришилди. “Қиёмат” романи қаҳрамони шу боисдан ҳам ўзининг мулки бўлиши ва бу унинг ихтиёри ўзида бўлишини истайди. Унга доимий фойдаланиши учун ер ажратиб беришларини талаб қилади. Меҳнатсеварлик қон-қонига сингиб кетган бу одам “Кошкийди ўзимнинг яйловим, ўтлоқ-майдонларим бўлса,

кошкийди ўзимнинг сурув ва ўтарларим бўлса, уларга томингдан чакка ўтиб ётса ҳам боши оғримайдиган хўжалик мудирини эмас, шахсан ўзим жавоб берсам... ана ўшанда мен жамоатнинг умум ерига қараганда юз карра кўп иш қиламан” (Айтматов Ч. Асрга татигулик кун; Қиёмат: Романлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 560 б. – 497-бет) деб қуёнади. “Қулаётган тоғлар” романи қахрамони Арсен эса Бўстон орзу қилган хусусий мулкка асосланган жамиятда ҳам жуда жиддий муаммолар мавжудлигини кўради ва “Социалистик бевошликдан қутулиб, бозор деганига йўликдик. Бозор билан тил топишмасанг, сени ўлдиради” дейди. Бозор иқтисодиёти шароитида кишилар ҳаловатидан айрилиб, Эртош Курчалга эргашиб кетганига ҳайрон қолади. Эртош Курчал бозор иқтисоди шароитидан фойдаланиб, ресторан, газета, театр, ТВ ни сотиб олган. У пули кўплиги, бой-бадавлат эканлиги борлиги учун барчага ҳукмини ўтказди. Арсен бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кўпчилик ночор аҳволга тушгани, кишлоқларда одамлар, ҳатто, колхоз давридаги оз-моз тўкинчиликдан ҳам мосуво бўлиб қолгани”, “бойлар учун бозорда ўрни бўлмаган кишиларнинг дайди итчалик ҳам кадри йўқлиги”ни сезади. “Худойимнинг ўзи ҳам шу долларбойларга қайишади, кўзини улардан узмайди, авайлайди, ардоқлайди” (Айтматов Ч. Қулаётган тоғлар. – “Жаҳон адабиёти” журнали, 2008 йил, 11-сон. – 54-бет) дея жиғибийрон бўлади. Арсеннинг кишлоқдаги синфдошлари ишсизлик, қашшоқлик туфайли аламзадага айланган. Улар қор қоплонини эрмакка овлагани келган араб бойларини гаровда тутиб, улардан йигирма миллион доллар талаб қилиш ва бу пулни олгач, оилалари билан хорижга кетиб, фаровон яшашмоқчи эканини айтишади. “Аллаким қудратли, дов-давлати ошиб кетган бўлса-ю, биз кўлимизни қовуштириб ўтираверамизми?.. Бизни йўқчиликка гирифтор қилиш мумкин экан-да? Болаларимиз саводсиз бўлиб қолса, майлими? Бизни даволанишдан маҳрум этишса, майлими? Ҳаётда шундай бўляпти ўзи: бойларнинг бойлиги уммонга сиғмайди, йўқсилларнинг йўқчилигини уммон кўтармайди”

дейишади. Адиб миллионлаб одамларнинг қалбини тўлдириб турган норозиликни шу тарзда ифодалайди.

Арсенни араб бойларининг тўқликка шўхлик қилиб, баланд тоғлардаги қор қоплонларини эрмакка овлаш учун келгани ғазаблантирсада, у ишсизлик, камбағалликдан аламзадага айланган синфдошлари танлаган йўлни маъқулламайди. Ҳаммани сотиб олиб, измига солган пулдор бизнесмен Эртош Курчал зўравонлик қилгани камдай синфдошлари ҳам Арсенга: “Агар бизнинг айтганимизни бажармасанг, сени ҳам араб бойлари билан портлатиб юборамиз” деб таҳдид қилишади. Арсен уларнинг бу гапларига унча эътибор бермайди. Аммо иккита қалдирғоч нималардандир огоҳ этмоқчидай чуғурлашиб, Арсеннинг атрофида айлана бошлайди. Арсен қалдирғочларнинг бу ҳолини кўради, кузатади, шу ҳақда ўйлайди. Арсен шериклари билан тоққа борганида қор қоплони Жаабарс ҳам бирор панага яшириниш ўрнига, қочмай тураверади. “Нега, нега келдингиз? Сизга нима бор бу ерди? Халал берманг, тезда тоғлар қулайди, сизлар ҳам тагида



қоласиз...” дегандай бўғиқ инграб ириллайди. Қалдирғочлар ва қор қоплони олдиндан сезган фожеа юз бериб, қашшоқлик ботқоғига ботиб ётишни истамаган синфдошлар ғорни

портлатишади. Ҳорда Арсен ва қор қоплони ёнма-ён ётиб, жон беришади.

Адабиётда инсон образини гавдалантиришда маконга қиёслаганда замонга кўпроқ эътибор қаратилади. Макон уй-жой, ҳовли, кўча, йўл, дарё ёки хужра, болахона бўлиши мумкин. Уларнинг манзара-кўриниши кўзга аниқ-равшан кўринади. Замон эса шу қадар беқиёс каттаки, унинг чексиз худудини кўз қамраб ололмайди. Кеча-кундуз, баҳор, ёз, куз ва қиш замон-вақтнинг ўзига хос кўринишлари, холос. Замон-вақтнинг ушбу белги-аломатлари одамнинг тасаввурига сиғмайдиган кенгликни эгаллайди.

Замон-вақт ва макон-муҳит кишилар ҳаётидаги муаммоларни ҳам ўз ўрнига қўяди ҳамда айнан у янгича муносабатларни вужудга келтиради. Бадий асарларда ҳам инсон образини гавдалантиришда замон ва маконнинг айна хусусияти, албатта, эътиборга олинади.

Чингиз Айтматовнинг асарлари марказида инсоннинг табиатга муносабати масаласи жиддий ўрин тутди. Адиб жамиятнинг энг долзарб ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муаммоларини шу асосда таҳлил қилади. Давр ҳодисаларига миллий ва умуминсоний қадриятлардан келиб чиқиб ёндашади. У оддий одамларнинг турмуш тарзини мавзу қилиб, уларнинг кечмиш-кечирмишлари, ҳаёт йўли орқали даврнинг ҳаққоний манзарасини чизади. Дехқон (Тўлғаной), чўпон, йилқичи (Танабой), ўрмон ишчиси (Мўмин чол), темирйўл ишчиси (Эдигей), диний семинария ўқувчиси (Авдий), чўпон (Бўстон), журналист (Арсен)нинг таржимаи ҳоли мисолида инсон табиати мураккабликлари, унинг тақдири чигалликлари, кишилараро муносабатлар зиддиятларга тўлалигини кўрсатади. Чингиз Айтматов барчанинг диққатини жалб этадиган воқеаларни қизиқарли баён этиш баробарида, уларнинг моҳиятини очди. Барчани ташвишлантираётган, ҳавотирга солаётган муаммоларга дадиллик билан қараб, ҳақиқатни ёқлаб, муносабат билдиради. Адибнинг Танабой, Тўлғаной, Бола, Мўмин чол, Эдигей, Авдий, Бўстон, Арсен сингари қаҳрамонлари ўз замонасининг зиддиятлари тўғрисида мушоҳада юритади. Уларнинг ҳаёт йўли, кўриб-кечирганларида давр манзараси акс этади. Чингиз Айтматовнинг асарлари ҳаётдаги барча адолатсизлик, норасолик, тортишув, низо, жанжаллар кишиларнинг ўз шахсий истак-хоҳишини бошқалар манфаатидан устун қўйиши, бир-бирининг аҳволини тушунишни истамаслиги, кўмаклашиш, ёрдам беришни хоҳламаслигидан келиб чиқиши тўғрисида ўйлантиради. Адибнинг қисса, романларида инсон табиатнинг ажралмас унсури, жамиятнинг турли тартиб-қоидалари билан ўраб, исқанжага олиб қўйилган аъзоси сифатида гавдалантирилади. “Оқ кема”, “Алвидо, Гулсари!”, “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат”, “Қулаётган тоғлар”

асарлари марказида жамиятдаги мавжуд ҳолатдан қаноатланмаган, уни ўзгартириш, инсонпарвар қилишни истаган инсон образи туради. У ҳар бир киши ҳалол меҳнат қилиши ва бахтли бўлишини хоҳлайди. Одамларнинг фаровон, осойишта турмуш кечирishiга тўсқинлик қиладиганларни иймон-инсофга чақиради. Зўравонлик, қаллоблик қиладиганларга қаршилик кўрсатиб, кўп азият чекади. Лекин кўпчиликнинг манфаатини ўйламайдиган, бойлик орттириш, шон-шухратга эришиш йўлида ўзгалаларни аямай топтаб кетаверадиган кимсалар билан асло мураса қилмайди. Адибнинг бу қаҳрамонлари табиатга бўлакча меҳр билан қарашади. Замин, осмон, сув, шамол, булут, дарахт, тоғ-тош, дала-даштни тирик, жонли деб билишади. Жонзотларни ўзларига яқин олишади, ардоқлашади. Уларнинг ҳолатини ҳис қилишга, ёрдам беришга интилишади.

Санъаткор адиб қаҳрамонлари образини муайян замон ва маконда кўрсатиб, унинг манзарасини чизади ва ҳаракат жараёнига эътибор қаратади. Бу унинг асарларига ўзига хос таъсирчанлик бағишлаб, қизиқишни кучайтиради. Муаллиф ҳаётий воқеаларни қизиқарли нақл қилиш орқали уларнинг моҳияти тўғрисида ўйлантиради. Ҳар бир кишини ўзининг аҳволи, жамият ҳаёти, ундаги ўзгаришлар тўғрисида мушоҳада юритишга ундайди. Бу эса адибнинг асарлари катта таъсир кучига эга эканлигидан далолат беради. Санъат ва адабиёт асарларининг аҳамияти, кадри уларнинг таъсирчанлик даражаси билан белгиланади. Кишиларни ҳаёт ҳақида ўйлантириб, ўзининг фаолиятини тафтиш-таҳлил қилишга туртки берган, турли ҳиссиётлар уйғотиб, олам тўғрисидаги тасаввурини муайян даражада кенгайтирган, уларни ҳаёт гўзалликларини ҳис қилишга, яшашга, курашга рағбатлантирган куй-қўшиқ ва картиналар, фильм, қисса ва романлар эса санъат ва адабиётнинг асл асарлари саналади ва уларнинг кадри, аҳамияти ҳеч қачон пасаймайди. Чунки санъат ва адабиётнинг асл асарлари барча даврлар учун хизмат қилади. Кишилар ҳамиша улрдан

чексиз маънавий-руҳий озуқа олади. Чингиз Айтматовнинг қисса ва романлари ҳам шундай салмоққа эга.

Чингиз Айтматов асарларида воқеалар жуда қисқа вақт оралиғида бўлиб ўтади. “Асрга татиғулик кун” романида Эдигейнинг бир кунда, “Алвидо, Гулсари!” қиссасида Танабойнинг бир кечада бошидан кечирган, хаёлидан ўтган воқеалар қаламга олинади. Эдигей туяси Қоранорга, Танабой оти Гулсарига қараб, ўз хаёти, давр ўзгаришлари ҳақида ўйлаб, кўриб-кечирганлари тўғрисида мушоҳада юритади. “Қиёмат” романида Авдий ва Бўстоннинг ҳаёт йўли бўрилар Акбара ва Тошчайнарнинг ачинарли аҳволи билан боғлиқ ҳолда ёритилади. Авдий ва Бўстон ҳалол яшашга, иймон-эътиқодли, виждонли инсон бўлишга интилади. Лекин улар турли манзилларда тургани боис бир-бири билан учрашмайди. Шундай бўлса-да, Авдий ва Бўстон маънан-руҳан яқин кишилар эканлиги яққол билиниб туради. Уларни ҳаётга фаол муносабат, эзгуликка интилиш, ёвузликка қарши курашиш, кишиларнинг қалбини ҳис қилиш, дардини тушуниш, жонзотларга меҳр билан қараш, уларга ачиниш ҳисси бирлаштириб туради. Авдий ҳам, Бўстон ҳам теварак-атрофдаги воқеаларга бефарқ, лоқайд қарай олмайди. Улар турмуш ҳодисалари, одамларнинг ҳаёт тарзи, мақсади тўғрисида теран мушоҳада юритади. Бугун ва ўтмиш тўғрисида карама-қаршилик, зиддиятларга тўла ўй-хаёлларга берилишади. Кишилар ўртасидаги муносабатлар шу тарзда мураккаблашиб кетаверса, келажак қандай бўлади деб ташвишланади. Адиб Танабой, Тўлғаной, Бола, Мўмин чол, Эдигей, Авдий, Бўстон каби қаҳрамонлари тасаввурида жонланган ҳаёт манзараларида инсон тафаккури олдида ёруғлик тезлиги ҳам жўн нарса эканлиги, чунки кишилар бир зумда хаёлан олис ўтмишга бориб, яна орқага қайтиши, тарих, бугун ва келажакни бир-бири билан туташтиришини кўрсатади.

Адибнинг “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат” романлари, “Алвидо, Гулсари!”, “Оқ кема” қиссалари ҳам қаҳрамонларнинг фожеий қисматини нақл қилиш билан тугалланади. Бу фожеаларнинг заминида кишиларнинг

табиатга тажовузи кучайиб кетаётгани, одамларнинг ўзаро меҳр-оқибати борган сари танқислашиб бораётгани туради. Адиб қаҳрамонларининг бири-бирига муносабатида одамларнинг худбинлашиб кетгани, табиатга зуғум ўтказишаётгани, бунинг оқибатида жиддий глобал муаммолар пайдо бўлаётгани ва бутун инсоният ҳаёти чоҳ олдига келиб қолганини кўрсатади. У “Асрга татиғулик кун”, “Қулаётган тоғлар” романларида Орол денгизининг қуриб бориши бутун дунё учун ҳалокат экани, “Оқ кема” қиссаси ва “Қиёмат” романида эса жонзотларга шафқатсизлик кишиларнинг маънавий мажруҳлиги оқибати эканини таъкидлайди. Романдаги Гришан, Обер Кандалов, Бозорбойлар жамиятга ва табиатга нисбатан тажовуз, жиноят қилаётган бўлса-да, ўзини ҳақ деб билади. Авдий, Эдигей, Танабой, Арсен Саманчин эса камтарона, бечораҳол турмуш кечираётганидан асло ўкинмайди. Улар одамларнинг муносабатлари мураккаблашаётгани, кишилар борган сари манфаатпарастлик домига тушиб бораётгани, уларни тушуниш, ҳаётнинг асл маъносини англаш қийинлашаётганини ўйлаб, изтироб чекади. Ҳозирги пайтда кишиларнинг дунёқарашида манфаатпарастлик, худбинлик кайфияти кучайиб бораётгани туфайли авж олаётган порахўрлик, таъмагирлик, шуҳратпарастлик каби иллатлар олдида қонун ҳам, дин ҳам ожиз бўлиб қолмоқда. Дунё миқёсидаги экологик ҳалокат ҳам, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳам аслида маънавий таназзул туфайли рўй бермоқда. Чингиз Айтматов асарларида шу хусусда сўз юритилади. “Қиёмат” романи қаҳрамони Авдий жамиятдаги барча фожиалар одамларнинг динга ишончи, диний эътиқоди сусайишидан келиб чиқмоқда, деб айтади. У: “Мажусий динлар бугунга келиб мутлақо эскиб қолди. Улар эндигина уйғониб келаётган ибтидоий уруғчилик онгига мурожаат қилган эди... Бизнинг Худо ҳақидаги тасаввуримиз қанчалик мутлоқ ва ўзгармас бўлмасин, улар эндиликда дунё ҳақидаги янгича билимларга сира мос келмай, эскириб қолди. Бу – аён ҳақиқат” (Айтматов Ч. Асрга татиғулик кун; Қиёмат: Романлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 560 б. – 345 – 346-бетлар) деб куйинади. Арсен

“Кулаётган тоғлар”) эса инсоннинг маккорлиги чек-чегара билмаслиги, гаддорлар ҳамма жойда ўзига жой топиб олгани, шу боис азалий кадриятларга путур етиб, санъат ҳам, спорт ҳам бизнес воситасига айлантирилгани, миллионлаб кишилар ишсиз, қашшоқ камбағал бўлгани ҳолда, Эртош Курчал сингари “қанчадан-қанча ресторанлари, эстрадалари, стадионлари, реклама агентликлари, телеканаллари бор мулкдорлар бойлигининг зўридан ўзини бульдозер билиб”, бошқаларни суриб ташлаётгани, матбуот яккаҳоқимлик даврида сўз эркинлиги учун курашган бўлса, энди унинг ўзи бозорнинг қулига айланганини кўради. Эртош Курчалнинг ювиндихўри Ошондой унга “Ҳозир журналистнинг охурдаги чўчкадан фарқи йўқ. Қорнини тўйғизиб кўйсанг, бўлди, газетдами, телевизордами хўриллайверади” (Айтматов Ч. Кулаётган тоғлар. – “Жаҳон адабиёти” журнали, 2008 йил, 11-сон. – 18-бет) деб айтади. Арсен бозор иқтисодиёти туфайли жамиятда мана шундай салбий ўзгаришлар юзага келганидан изтиробга тушиб, “Энди Худойимнинг ўзи ҳам шу долларбойларга хизматда” дея куфрона ўйларга боради. “Одамларга нима бўлди? Орол денгизини хароб қилишди, аммо бу орада Бойқўнғирни қайта яхшилаб қуришди... Итларни ҳам, мушукларни ҳам, каламушларни ҳам бозорга чиқаришди. Энди баланд тоғлардаги қор қоплонларига тажовуз қилишга ўтишди”, деб эзилади.



“Кулаётган тоғлар” романи Чингиз Айтматовнинг сўнгги асари бўлди. Улуғ адиб инсоният юксак тараққиётга эришган бўлса-да, у маънавий таназзулга йўлиққани туфайли барча эришганларини барбод қилиши мумкинлигидан хавотирга тушиб, фарёд қилди. Бировлар эрмак учун қимматбаҳо жип машинасини ёқса, бошқалар болаларининг мактабга қатнаши учун оёқ кийими олиб беролмаса – шу одамгарчиликданми?! Шуми инсондай яшаш?! Кимларнингдир бойиши учун бошқалар қашшоқлик ботқоғига ботиши керакми, деб барчага

муурожаат қилди. Муайян макондаги табиатга тажовуз маълум чегарада содир бўлгандек туюлса-да, аслида у бутун Ер юзи экологиясига таъсир этишидан огоҳ этади. Танабой, Тўлғаной, Мўмин чол, Бола, Эдигей, Авдий, Арсен каби қахрамонларни қийнаган муаммолар, юқорида қайд қилинганидек, аслида Чингиз Айтматовнинг дардлари сифатида янграйди.

Чингиз Айтматов Авдий образида ҳаётнинг мазмуни, диннинг моҳияти тўғрисида мушоҳада юритадиган, бугунги турмушни таҳлил қиладиган эзгу ниятли кишиларнинг мужассам тимсолини гавдалантиради. Авдий диннинг кишилар ҳаётидаги ўрни тўғрисида черков мутасаддилари билан мунозара қилиб, дин тўғрисида асрлар давомида ўзгармасдан келган бир қолипдаги қарашларни ўзгартириш, ақидабозликлардан қутилиш керак, дейди. Бу фикри учун уни шаккокликда айблашиб, диний семинариядан ҳайдашиб, черковдан четлаштиришади. Авдий эса: “Менинг черковим доим ўзимда. Менинг черковим – мен ўзим. Мен ибодатгоҳларни тан олмайман. Руҳонийларни ҳам уларни ҳозирги савиясига кўра тан олишни истамайман”, (Айтматов Ч. Асрга татиғулик кун; Қиёмат: Романлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 560 б. – 353-бет) дейди. Унинг бу эътирозларида дин аҳллариининг мунофиқликларини кўриб-билиб турган миллионлаб кишиларнинг кўнглидаги норозилик акс этади. Мутаассиблар: “Диний аҳкомлар, улар билан боғлиқ турли расм-русмлар қатъий, ўзгармасдир. Улар диннинг асосидир. Давлат ҳокимияти ҳам дин аҳкомлари билан барқарор. Илоҳий китобларда баён қилинганларни таҳлил қилиб, турлича талқин этиш динни инкор этишдир”, деб таҳдид этишади. Улар шу тарзда фикр эркинлигини бўғиб, кишиларнинг мушоҳада юритишига тўсқинлик қилишади. Ўзларини динни садоқатли ҳимоячиси сифатида кўрсатса-да, асл мақсади – ҳокимиятни эгаллашдан иборат мутаассибларнинг бу хил ҳаракатлари ҳам диннинг моҳиятини билишга қизиқишни кучайтирмоқда. Чингиз Айтматов жамиятда юзага келган ана шу ҳолатни Авдий ота Кординатор билан мунозарасида кўрсатади. Авдий черков мутасаддисига: “Нега бўлмаса, У бизни бу қадар ожиз ва нотугал

қилиб яратди? У ўзи бино қилган махлуқларни ҳам иккита тескари томонга – яхшилик ва ёмонликка ажратиб юбормаслиги мумкин эди-ку? Нега ўзи бизни бунчалар шак-шубҳалар, иллатларга гирифтор қилиб қўйди? Худонинг ўзига мурожаат қилганларида ҳам маккорликдан мутаассиблар ўзларини тийиб туролмайдилар. Худога бунинг нима кераги бор?.. Наҳотки биз христианликнинг икки минг йили даврида ўша алмисокдан қолган аҳкомларига бир оғиз ҳам ўз янги сўзимизни қўшолмасак? Сиз ҳақиқатга бир ўзингиз ҳокимлик қилмоқчи бўласиз. Лекин бу оз деганда ўз-ўзини лақиллатишдир. Зеро, ҳақиқатни бир марта ва бирваракай билиб етган таълимотнинг, ҳатто, илоҳий таълимотнинг бўлиши мумкин эмас” (Ўша манба. – 352-бет) дейди. Адиб бугунги кунда кўпчиликнинг кўнглидан кечаётган зиддиятли ўйларни ана шундай ифодалайди. Дин аҳлларининг сўзи бошқа-ю, қиладиган иши бошқа эканлиги, улар пулдорлар измида юриши ҳам кишиларнинг динга муносабатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Порахўрлик, таъмагирлик авж олаётгани, дин ҳам, санъат ҳам пул топиш воситасига айланиб қолаётгани маънавий таназулни кучайтирмоқда. Ижтимоий муаммолар, табиатга тажовуз ҳам маънавий мажруҳлик туфайли келиб чиқмоқда. Экстремистик гуруҳлар, турли жиноятчи тўдалар бундан ўз мақсади йўлида фойдаланиб, кўп кишиларни ўзига оғдириб олмоқда. Гришанлар ёшларни гиёҳвандликка гирифтор қилса, Обер Кандаловлар одамларни шафқатсиз қотилларга айлантirmoқда. Зўравонлик, ёвузликни реклама қиладиган фильмлар таъсирида кўпгина ёшлар, ўзлари билмаган ҳолда, ашаддий жиноятчи бўлиб қолмоқда. Жангарилар тўғрисида фильм ишлаб чиқариш энг даромадли бизнес бўлиб қолди. Чингиз Айтматов “Қиёмат” ва “Қулаётган тоғлар” романларида ана шу аянчли аҳволга эътибор қаратади. Бугунги кун кишиларининг феъл-атворидаги салбий ўзгаришлар тўғрисида мушоҳада юритар экан: “Бозор иқтисоди ўзининг кенг ёйилган турларига одамларнинг ўзинигина эмас, уларнинг юракларини ҳам илинтириб олади... Ҳозирги дунёда ҳамма нарса сотилади ва сотиб

олинади... Ҳозирги кунларда одам ўлдириш сигаретни чекиб улоқтиришдай осон бўлиб қолди”, дейди.

Чингиз Айтматовнинг асарларида замон ва маконда кечаётган долзарб муаммолар диққат марказига қўйилади. Ушбу муаммолар умуминсоний ва миллий хусусиятларга эгадир. Адибнинг “Алвидо, Гулсари!”, “Оқ кема”, “Сомон йўли” каби киссаларида шўро тузumi



давридаги одамлар ҳаёти, қишлоқдаги кишиларнинг турмуши ҳаққоний акс эттирилади. Мазкур асарларда XX асрнинг энг муҳим воқеалари: шўро тузумининг ўрнатилиши, колхозлаштириш воқеалари, иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ва ундан кейинги даврдаги машаққатли ҳаёт кўрсатилади. Танабой, Мўмин чол, Тўлғаной каби қаҳрамонларни ўқувчи кўз ўнгида жонли инсон сифатида тасаввур қилади. Чунки ушбу асарларда замон ва макон манзаралари юксак маҳорат билан чизиб берилади.

Адибнинг “Асрга татигулик кун”, “Қиёмат”, “Охирзамон нишонлари”, “Қулаётган тоғлар” романларида замон ва макон тасвири кенг ўрин тутди. Уларда дашт ва чўллар, тоғ ва даралар, аҳоли гавжум шаҳар, дашт қўйнидаги, тоғлар орасида овлоқ овул ва қишлоқлар кўриниши, одамларнинг яшаш жойи, ҳаёт кечирish тарзи, касб-кори, кундалик машғулоти жуда ишонарли чизиб берилади. Китобхон бу асарларни ўқиётганида айни жойларини ва у ерда яшаётган одамларни худди кўриб тургандай бўлади. Бу ёзувчининг айни асарларда замон ва макон манзарасини санъаткорона тасвирлаганидан далолат беради. Чингиз Айтматовнинг асарлари замон ва макон тасвирини ҳаққоний ва ишонарли акс эттириши билан ҳам ўқувчилар эътиборини қозониб келади.

Адабиёт:

1. Айтматов Ч. Танланган асарлар. Икки томлик. 1-том – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 408 б.
2. Айтматов Ч. Танланган асарлар. Икки томлик. 2-том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 392 б.
3. Айтматов Ч. Асрга татигулик кун; Қиёмат: Романлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 560 б.
4. Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг охи-зори (Аср адоғида айтилган истиффор). – Тошкент: “Шарқ”, 1998. – 432 б.
5. Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқ булути: Қисса. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – 128 б.
6. Айтматов Ч. Охирзамон нишонлари: роман. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 392 б.
7. Айтматов Ч. Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллик). – Тошкент: “VEKTOR-PRESS”, 2009. – 252 б.
8. Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 420 б.
9. Рашидов А. Чингиз Айтматовнинг бадиий олами. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2008. – 184 б.
10. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: “Шарқ”, 2004. – 640 б.
11. Мелибоев Аҳмаджон. Чингиз Айтматов: Давр. Инсон. Ҳақиқат. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 224 б.
12. Мелибоев Аҳмаджон. Айтматовшунослик илми уфқлари. – “Жаҳон адабиёти” журнали. 2022 йил. 12-сон. – 119 – 139-бетлар.

Чингиз Айтматов

ЖАМИЛА

Қисса

Ҳар гал сафарга чиқишим олдидан кичкина ёғоч рамкага солинган сурат олдида туриш менга одат бўлиб қолганди. Эртага овулга жўнашим керак. Мана, ҳозир ҳам ўша суратга тикилиб, гўё ундан оқ йўл тилаётгандек кўзимни узолмай, узоқ термилиб қолдим.

Суратни ҳали бирон марта ҳам кўргазмага қўйганим йўқ. Овулдан қавм-қариндошларим келишганида кўриб қолишмасин, деб яшириб қўяман. Демак, суратда бирор ножўя нарса тасвирланган экан, деб ўйламанг тағин, унинг ийманадиган, шунингдек, бу бир нодир асар, «кўз тегади» дейдиган ҳеч жойи ҳам йўқ, шунчаки ўргамчикка чизилган бир сурат. Унда оддий дала манзарасининг айнан тасвири берилган, холос.



Суратнинг орқа планида сўлғин куз осмонининг чеккалари оқариб кўринади. Шамол парку булутларни узоқ-узоқларга, қорайиб кўринган тоғ чўққилари сари ҳайдаб борарди. Суратнинг олд қисмида сарғиш либос кийган бепоён дала, кенг дарё тасвирланган. Ёғин-сочиндан кейин пўрсиллаб ётган, чеккаларидаги қамишлар бир-бирига айкашиб кетган йўлда икки йўловчининг оёқ излари кўзга ташланади. Йўловчилар узоқлашган сайин, оёқ излари хиралаша боради, гўё яна бир-икки қадам юришса рамкадан чиқиб кетадигандек туюларди. Ҳа, айтмоқчи, йўловчилардан бири... Келинг, бир бошдан гапириб бера қолай.

Бу воқеа болалигимда юз берган эди. Иккинчи жаҳон уруши учинчи йилга қадам қўйган, айниқса, Курск билан Орёл остоналарида даҳшатли жанглар борарди. Ўшанда биз бир гала ўспирин болалар хўжаликда экин суғориб, арава ҳайдаб, ўт ўриб юрар эдик, хуллас, урушга кетган эркакларнинг оғир меҳнати бизнинг зиммамизга тушган эди.

Айниқса, ҳосил йиғим-теримида ҳафталаб уй бетини кўрмасдик, кечаю кундуз хирмонда бўлардик ёки станцияга ғалла таширдик.

Станцияга қатнаб юриб, кўпдан бери уйдагиларни кўрмаганим учун ўроқнинг айна қизиган, саратон кунларининг бирида йўл-йўлакай уйга кириб ўтай, деб бўш аравамни йўлдан бурдим.

Биз азалдан кўчанинг бошидаги ёнма-ён тушган икки уйда турардик. Уларнинг баландлиги уч метрча келадиган. деворлари жуда пишиқ қурилган бўлиб, дарё томони дарахтлар билан ўралган ҳовли бизники эди. Мен катта уйнинг ўғли эдим. Акаларим урушга кетган, улардан хат-хабар йўқ эди.




Иккаласи ҳам балоғатга етиб, айна уйланадиган вақтда кетишган. Кекса отам – дурадгор-уста. Тонг сахарда намозини ўқирди-да, устахонага жўнарди, шу кетганича қош қорайганда келарди. Хўжаликдаги барча аравалар унинг кўлидан ўтарди. Уйда онам билан сингилчам қоларди, холос.

Бериги кичик уйда эса яқин қариндошларимиз туришарди. Қариндошимиз дейишимнинг боиси, орадан икки-уч авлод ўтиб кетган бўлса ҳам, улар билан азалдан мол-жонимиз бир эди. Ота-боболаримиз бирга кўчиб, бирга қўниб, жуда аҳил яшаган экан, бу одатни муқаддас билиб, биз ҳам орага совуқлик туширмай, апоқ-чапоқ бўлиб келардик. Жамоа хўжалиги тузилганда оталаримиз бир жойда ўтроқлашганлар. Бугина эмас, икки сув ўртасидаги Орол кўчада турувчларнинг ҳаммаси бир отанинг фарзандлари эди.

Кейинчалик бериги уйнинг эгаси дунёдан ўтиб, хотини икки гўдак боласи билан қолди. Эски одат бўйича қариндош-уруғлар есирнинг бошини боғлаб қўйлик, деб арвоҳ ва Худони пеш қилиб, уни отамга никоҳлаб қўйганлар. Гарчи у уйнинг қозон-товоғи, мол-жони, чорбоғи бўлак бўлгани билан, аслида биз бир хонадон эдик. Уларнинг ҳам икки ўғли аскарга кетган эди. Содик деган катта ўғли уйланиши билан кетганди. Улар – “биз фронтдамиз” – деб онда-сонда хат ёзиб туришарди. Кичик уйда кичик ойм

билан келини қолган эди. Мен уни доим “кичик ойи” деб чақирардим. Иккаласи ҳам эртадан қора кечгача далада ишлашарди. Кичик ойим (уни овулдагилар ишчан аёл, барака топсин, бунақаси топилмайди, деб мақташарди) бригадир билан ади-бади айтиб ўтирмас, буюрган ишини қилаверар, юр деганига юраверар, анови ёш келинчаклар қатори ариқ чопишга ҳам, экин суғоришга ҳам йўқ демасди, кўлидан сира кетмон тушмасди. Худо билиб берганми, дейман, унинг келини Жамила ҳам серғайрат, бақувват бўлиб, бироқ феъл-атвори сал бошқачароқ эди.

Жамила янгамни чин қалбимдан яхши кўрардим. Бир томони янгам, иккинчи томони мендан бир оз катта, лекин биз худди тенгқур дўстлардек эдик. Мени «кичкина бола», деб ўз укасидек эркалатганини айтмайсизми.



Хуллас, иккала хонадоннинг тирикчилигини, рўзғорини ойим билан сингилчам тебратиб турарди. Сингилчам жуда шўх қиз эди. Лекин ўша оғир кунларда анча қуйилиб, ойимга жон-дили билан ёрдамлашганини сира-сира унутмайман. Икки хонадоннинг кўй-эчкиларига караган ҳам ўша, тезак териб, ўтин-чўп ғамлаган ҳам ўша, дом-дараксиз кетган болаларини қумсаб ғамгин хаёлларга чўмган ёлғиз ойимнинг кўнглига тасалли берган ҳам ўша эди. Энди, ҳар иккала оиланинг бошини қовуштириб, ризқ-рўзини сақлаган ҳам ойим, билармони ҳам ойим эди. У ўлганларнинг арвоҳини ҳурматлаб, сеники-меники демай, икки хонадонга баравар қараб турган, овулнинг кўпни кўрган обрўли, диндор хотинларидан бири эди. Бизга тааллуқли ҳар қандай ишни ойим ҳал қиларди. Отам бўлса ҳеч кимнинг эсига ҳам келмасди. «Ҳой, уста аканга бормай кўя қол, унинг ғилдиракдан бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ, ҳар икки рўзғорни ҳам бойвучча хотини тебратиб турибди; ўшанга бор» дейишардилар. Мен ҳам ёш бўлишимга қарамай, унча-мунча ишларга аралашиб турардим. Дарвоқе, акаларим ҳарбийга кетиб қолганидан, мен икки уйнинг дастёр йигити бўлиб қолгандим. Шунинг учун

хам ўзимда қандайдир масъулият ҳис этардим. Бу ойимга жуда ёқарди, пишиқ бўлсин, ёғочдан бошқани билмайдиган отасига ўхшамай, рўзғор ишларига аралашиб кўзи пишсин, дер эди. Мен аравамни чорбоғнинг четига, кўланкага ҳайдаб келсам, қамчисини қанжиғасига қистириб олган бригадир Ўрозмат оға билан ойим эшик олдида негадир айтишиб турган экан. Уларга яқинлашганимда ойимни овози эшитилди:

– Бормайди! Ахир бу инсофдан эмас-ку.

Худодан кўрқишсин! Хотин кишининг арава ҳайдагани нимаси. Худо хайрингни берсин, айланай, келинимга тегма, ўроғини ўриб юраверсин, шусиз ҳам ёлғизлик азобини тортиб, иккала хонадоннинг тирикчилигидан бош



қаширга ҳам кўли тегмайди! Бунинг устига, бир ҳафтадан бери белим санчиб, анови жўхорилар қаровсиз қолди. Бахтимга, яхшиям ўша муштдек қизча бор экан...

Ойим одатича рўмол учларини кўйлагининг ёқаси остига қистирар эди.

Ўрозматнинг чайқала-чайқала тинкаси қуриди.

– Оббо сиз-ей, – деди у, – агар тўрт мучалим соғ бўлиб, кўлимдан келса, ўзимок илгаригидек қопларни аравага ирғитиб-ирғитиб, отларни чоптириб кетмасмидим! Ҳожи йўқ-да, ёш келинларга арава ҳайдатиб бўладими, десак, ўзи рози бўлган келинингизни сиз йўлдан урсангиз, бунақада план тўлармиди, бошлиқлар фронтга юбориладиган ғаллани нега тўхтатдинглар, деб столни муштлаб бизга дўқ урса, ахир нима қилайлик, сиз ҳам тушунинг-да!

Бригадир менинг қамчини судратиб келаётганимни кўриб, гўё миясига бир яхши фикр келгандек хурсанд бўлиб кетди.

– Агар келинимга йўлда-пўлда тентак аравакашлар тегажоғлик қилади, деб кўрқсангиз, мана, қайин иниси бор-ку, – деди мени кўрсатиб. – Бу иним янгасига бировни яқин йўлатиш у ёқда турсин, қарагани ҳам

кўймас. Сеит ҳам чакана эмас, азамат йигит-ку. Садағаси кетай, жонимизга ора кираётганлар мана шу болаларда....

Ойим мени кўргач, бригадирнинг сўзини бўлиб, ялина бошлади:

– Қаёқларда тентираб юрибсан, болам? Сочларинг ўсиб, девонага ўхшаб кетибсан-ку. Отаси тушмагур боласининг сочини олишга ҳам кўли тегмайди... Ота эмиш...

– Ундай бўлса майли, бугун сочини олиб, чол-кампираблар ёнида бир



дам олсин, – деди Ўрозмат чехраси очилиб, – Сеитжон, ука, бугун уйда қолиб, отларингга бир оз дам бер. Эртага Жамилага арава берамиз, янганни бирга олиб, унга ўзинг бош бўл. Сиз эса, онаси, Сеит бор экан, кўнглингиз тўқ бўлсин, камлик қилса янги келган

Дониёрни ҳам кўшиб берай: ўзингиз биласизки, у бировга зиёни тегмайдиган хокисор одам...Ўзларича уч арава бир бригада бўлиб, станцияга қатнай беришсин, майли, буларнинг ёнига бошқаларни кўшмай... Хўш, Сеит, сен нима дейсан? Бу, ойинг, Жамилага арава ҳайдатайлик, десак, кўнмаяпти. Қани, ўзинг бир нарса де-чи...

Бир томони, бригадир мени роса кўкларга кўтариб мақтагани, иккинчидан, катта кишилардек мендан ақл сўрагани, бунинг устига, янгам ёнимда арава ҳайдаб юрса қандай маза бўлади, деган болаларча хаёл билан ишбилармон одамлардек ойимга дедим:

– Ҳайдаса ҳайдайверсин, нима, бўри еб кетармиди! – деб худди катта аравакашлардек чирт эткизиб тупурдим-да, камчини судраганимча салмоқ билан қадам ташладим.

– Э, жин урсин сени, бўри еб кетармиди, дейди-я! Қўй, болам, сен нимани билардинг! – деди ойим аччиқланиб.

– Ие, нега билмас экан, икки уйнинг азамат йигити бўлади-ю, билмайдими? – деб юборди Ўрозмат. Ойим эндигина кўнганда яна айниб қолмасмикин деган шубҳа билан нима деярини билмай шошиб қолди.

Ойим бўлса оғир бир уҳ тортиб қўйди.

– Э, худойим, шу тирноқдек боламизга ўзинг умр бер... Девдек азамат йигитларимиз қаерларда юрибди: уйларимиз уларсиз хувиллаб қолди...

Шундан кейин мен уларнинг гапини эшитмадим. Бора туриб уйнинг муюлишига камчи урдим, кокилларини селкиллатиб, кичкина қўлчалари билан шипиллатиб деворга таппи ёпаётган, менга очиқ чехра билан жилмайиб турган сингилчамга ҳам назар солмай ўтиб кетдим, даҳлизда турган чўян қумғонни энгаштириб, шошилмай қўлимни ювдим-да, қўлтиғимга артдим, кейин уйга кириб, ҳаш-паш дегунча катта косадаги айронни шимириб ташладим, иккинчисини эса дераза олдига олиб бориб нон тўғраб едим. Ойим билан Ўрозмат ҳали ҳам ташқарида суҳбатлашиб туришарди. Бироқ, бу сафар улар ҳасратлашаётгандек кўринди. Ойим енглари билан йиғидан қизариб кетган кўзларини артиб, тасалли бераётган Ўрозматнинг сўзларини бош ирғаб маъқуллар, ич-ичига ботиб кетган кўзлари билан дом-дараксиз кетган болаларини гўё кўрмоқчи бўлгандек олис-олисларга тикиларди. Ҳайтовур, анча дардлашиб кўнгли юмшаган ойим Жамиланинг арава ҳайдашига кўнди шекилли, бир оздан кейин бригадир кўнгли тинчиб йўрға байталини йўрттириб кетди.

Ўшанда бу ишнинг оқибати нима билан тугашини ойим ҳам, мен ҳам билмаган эдик.

* **

Жамиланинг икки от қўшилган аравани бемалол ҳайдаб кетишига ҳеч ҳам шубҳа қилганим йўқ. Чунки у ёшлигидан йилқичилар орасида ўсиб, катта бўлган, тоғ этагига жойлашган Бақайир овулидаги йилқичининг қизи эди, Содик акам ҳам чавандоз бўлган экан, у бир куни яйловдаги чорвадорлар тўйи муносабати билан ўтказилган пойгада Жамилага етолмай қолган экан. Шундан кейин изза бўлиб, уни олиб қочиб кетганлигини билардим. Овсин-ажинлар бўлса, ҳечам-да, улар бир-бирларини яхши кўриб топишган, дейишарди. Ҳар қалай, нима бўлса ҳам улар уч-тўрт ой бирга туришган, кейин Содик акамни ҳарбийга олиб кетишган эди.

Билмадим, ёшлигидан отаси биан бирга дала-даштларда йилқи ҳайдашиб, от чопишиб эрка ўсганиданми, ёки биттаю битта қиз бўлганлиги учунми, ишқилиб, Жамиланинг хатти-ҳаракатларида аллақандай жўшқинлик, эркаларга хос фазилат бор эди. Ҳар бир ишга астойдил киришар, бошқа келинлардек бошим, белим оғрияпти деб сира зорланмасди. Бироқ ўзи ҳам бировга ҳақини кетказмайдиган, айтишган билан айтишиб, сўкишган билан сўкишадиган ўжар аёллардан эди. Унинг овулдаги келинлар билан юмдалашган вақтлари ҳам бўлганди.

Ён-атрофдаги одамлар:

– Э, бу қандай шаддод келин ўзи! Тушганига ҳеч қанча вақт бўлмай, тилидан захар сочади-я! – деганларида, ойим:

– Майли, шуниси яхши! Келинимиз очик-ёриқ, сира бўш келмайди... Ана шундай кўнглида кири йўқ одам яхши, индамай юрган писмиқлардан кўрқиб керак, ҳамма фисқ-фасод ўшалардан чиқади, – деб жавоб қайтарарди.

Отам билан ҳалиги «ишчан» деган ойим бошқа қайнота, қайноналардек Жамилани тўртмай, сўкмай, аксинча, ўз фарзандларидек эркалатишиб: «Худо ишқилиб ўзига инсоф берсин, тўғри юриб, тўғри турса бўлгани!» – дейишарди. Улар вояга етган тўрт ўғиларини ҳарбийга жўнатишиб, икки хонадондаги яккаю ягона келинини ранжитишадими? Бироқ мен ойимнинг баъзи ишларига ҳайрон қолардим. Бошқаларни қўйиб турайлик, ойим бировларнинг қўлига қарайдиган аёллардан эмас эди. Ҳар йили куз келиши билан одати бўйича отам тайёрлаган олти қанотли қора ўтовни тикиб, арча тутатарди. Бизларни чизган чизиғидан чиқмайдиган қилиб тарбиялаб, ҳаргиз икки оиланинг бошини қовуштириб келарди. Ойимнинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Аммо Жамила орамизда ажралиб турарди. Тўғри, у кампирлардан бир оз тортинар, уларнинг ҳурматини жойига қўяр, бироқ овулдаги кўпчилик келинлардек индамай бошини қуйи солиб ўтирмас ёки тескари қараб пўнғилламас, кўнглида борини яшириб ўтирмай, шартта гапириб қўя қолар эди. Гаплари ўринли

бўлса, ойим уни кўпинча маъқуллар, лекин ўшанда ҳам ўз гапини икки қилмасди. Назаримда, ойим уни бир сўзлиги, тўғрилиги учун ўзига яқин тутар, келажакда уни икки хонадоннинг бошини қовуштириб, рўзғорнинг ризқ-баракасини ўзидек сақлай оладиган уддабурон ўринбосар қилиб қолдириш ниятида бўлса керак.

– Худога шукр, тагли-жойли ерга тушдинг, болам. Бу ҳам бўлса сенинг бахтинг, буни сира ҳам ёдингдан чиқарма. Хотин деган тангрининг берганига шукр қилиб, рўзғорида бирини икки қилиб юрса, шунинг ўзи катта давлат. Биз чол-кампир топган-тутганимизни ўзимиз билан бирга гўрга олиб кетармидик... Ўз кадр-қимматингни билсанг, сира кам бўлмайсан, доим мартабанг баланд бўлади, болам, – деб эслатиб турарди.

Тўғри, чол-кампирларнинг чўчиганича бор эди: Жамила жуда шўх, ёш болага ўхшарди. Бир қара-сангиз ўзидан-ўзи кампирларга суйкалиб эркаланар, ё бўлмаса бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулар, ёки кўчадан кириб келатганида худди ёш қизчалардек ариқдан лорсиллаб сакраб ўтар, ёхуд ўзича хиргойи қилиб юрарди. Кампирлар Жамиланинг бу қилиқларини ўзларича гап қилиб: «Ҳали бола-да, бора-бора қуюлиб қолади» деб кўйишарди.

Менга бўлса янгамнинг шунақалиги ёқарди. Баъзида иккивомиз олишиб, курашиб, қувлашиб ҳам кетаверардик.

Жамила сарвқомат, бежирим аёл эди. Икки ўрим қора сочини бошига чамбарак қилиб ўриб, устидан танғиб олган оппоқ дурраси унинг буғдойранг кулча юзига шундай ярашиб тушар эдики, асти қўяверасиз! Жамила кулганда унинг шахло кўзларида навқирон ёшлик барқ урар, шунда у беихтиёр қаддини ростлаб, овулнинг шўх лапарларини куйлаб юборарди. Овулдаги йигитлар, айниқса фронтдан қайтиб келган йигитларнинг Жамилани кўз остига олишиб, тегишиб юрганларини неча бор пайқардим. Ҳангоматалаб янгам улар билан бемалол ҳазил-ҳузул қилишарди-ю, бироқ ҳаддидан ошганларнинг таъзирини бериб қўярди. Бари бир бу менинг иззат-нафсимга қаттиқ тегар, янгамни рашк қилардим. Шунинг учун ҳам ҳалиги

«безориларга» ўзимни кўрсатиб кўяй деб: «Ҳой, билиб кўйинглар, бу менинг янгам бўлади-я, кўп пашшахўрда бўлаверманглар» дегандек, уларнинг сўзини шартта бўлиб, виқор билан хўмрайиб қарардим. «Энди нима қилдик, бунинг янгаси экан-ку!» деб йигитлар масхара қилиб кулишганида, қизариб-бўзариб, азбаройи хўрлигим келганидан йиғлаб юборай дердим. Буни сезган янгам хурсанд бўлиб, кулгидан ўзини тиёлмай жилмайиб: «Ишларинг бўлмасин, нима, янга деган ерда қолибдими? Юр кетдик, қайиним!» деб уларнинг баттар қитиғига тегар, сўнгра бошини мағрур кўтарганча дадил қадам ташлаб кетарди. У йигитларнинг таъзирини берганидан ҳам хурсанд бўлиб, ҳам ўзига хўрлиги келиб, менга қараб бир кулимсираб кўярди. Балки у: «Э тентақ, янгамга кўз-қулоқ боламан дейсанми? Агар бузиламан десам, минг кўз-қулоқ бўлсанг ҳам бузиламан. Ахир мен чумчуқ эмасман-ку», деган хаёлга борганмикин? Мен ҳам ўшандай вақтларда айбдор қилгандек ғинг демасдим. Аммо бир оздан сўнг янгам хиёл ёзилиб: «Оббо кичкина болаей, жуда ғалатисан-да!» деб мени яна бағрига босиб пешонамдан ўпарди.

Ҳа, чиндан ҳам янгамни ҳеч кимга раво кўрмай рашк қилардим. Унинг қувноқлиги, ўзини эркин тутиши билан фахрланардим. Биз у билан жуда апоқ-чапоқ, бир-биридан ҳеч нарсани яширмайдиган сирдош дўстлардек эдик. Нега шундайлигини ўзим ҳам билмасдим. Ўша кезларда овулда эркаклар жуда оз эди. Шу сабабли баъзи йигитлар кўкрак кериб, баландпарвоз гапириб, овулда«мендан бошқа йигит йўқ» дегандек, аёлларни ҳечам назар-писанд қилишмасди. Бир куни пичан ўримида, юр десам бўлди, орқамдан эргашиб келаверади, деб ўзига ишонганларнинг бири – узоқ қариндошимизнинг ўғли Усмон янгамга тегажаклик қилаверган эди, у Усмоннинг қўлини силтаб юборди-да, ғарам соясида ўтирган жойидан тураркан:

– Тур йўқол! – деб ўшқирди ва тескари қараб олди. – Қўлларингдан модабозлик қилишдан бошқа иш келармиди.

Ғарам остида талтайиб ётган Усмон қалин лабларини нафрат билан буриштириб тўнғиллади:

– Ол-а, мушукнинг бўйи шифтда осифлиқ турган гўштга етмай, пуф сассиқ деган экан... Шунга ўхшаб, кўп ноз қилаверма. Ичингда жон-жон деб турибсану, яна...

Жамила унга ялт этиб қаради-да:

– Жон-жон деб турсам тургандирман. Лекин пешонамга ёзилгани шу



экан, нима қилай. Эй, аҳмоқ, бунинг куладиган жойи борми? Жон-жон дейиш у ёқда турсин, минг йил тоқ ўтсам ҳам сенга ўхшаган шумшукларга назаримни солмайман. Аҳмоқсан. Илгаригидек тинч замон бўлганда шундай деб бўпсан эди! – деди.

– Шуни айтяпман-да! Урушнинг касофати билан қамчи емай қутуриб юрибсан-да, – деди истехзо билан Усмон кўзларини ўйнатиб тамшанаркан. – Менинг хотиним бўлганингдами, нима қилишимни ўзим билардим!

Жамила лаблари дир-дир титраб, Усмонга еб қўйгудек бўлиб қаради, унга бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин «шу аҳмоқ билан айтишиб нима обрў топдим» деб ўйлади шекилли, жирканиш билан «тфу» деди-да, ерда ётган паншахасини елкасига ташлаб, индамай нари кетди. Мен бериги томонда араварнинг устидан хашак тушираётган эдим, Жамила мени кўриши билан бошқа томонга бурилиб кетди. Янгам менинг қай аҳволда эканимни сезган эди. Назаримда, янгамни эмас, мени ҳақорат қилишганларидек изза бўлиб, ғазабим қайнаб кетди. «Нега уларга ёндашасан, нега улар билан гаплашасан?» – деб янгамга жоним ачиди-ю, ичимда уни койидим.



Жамила ўша куни кечгача нохуш юрди, кулмади ҳам, гапирмади ҳам. Мен шоти аравани ҳайдаб ғарам олдига борганимда, Жамила мени

гапирмасин деб атайлаб ишга алахситиб, дилини ўртаётган ўй-фикрларини яширишга ҳаракат қилди, у паншахасини каттакон пичан ғарамига санчдида, гўё тоғни ағдараётгандек уни ердан шартта кўтариб, юзини яширганича ғайрат билан пичанни аравага отаверди. Ундан узоқлашар эканман, қайта-қайта орқамга қайрилиб қарардим: янгам паншаха дастасига суяниб бир оз хомуш турар, ўйланиб қолар, кейин яна ишга тушиб кетарди.

Мен аравага охирги марта пичан босар эканман, Жамиланинг ботиб бораётган қуёшга узоқ тикилиб турганини пайқадим. Қуёш дарёнинг нариги ёғида, қозоқ даштларининг аллақаерида ўт ёқилган тандирнинг оғзидек алангаланиб, ҳолдан тойиб, осмонда сузиб юрган паға-паға булут парчаларини қизғиш рангга бўяб, бинафшаранг даштликка сўнгги шуълаларини сочиб, аста-секин уфқ орқасига ўтиб борарди. Жамила кўли билан қуёшни тўсиб, ўша томонда ажиб бир манзара бордек, кўзларини узмай, кулимсираб қараб турарди. Энди унинг чехраси очилиб, кўнгли анча кўтарилган эди.

Ўшанда Жамила менинг айтмаган, лекин юрагимда тугилиб, тилим учида турган: «Нега уларга ёндашасан, нега улар билан гаплашасан!» – деган таънамга жавоб бераётгандек:

– Ҳалиги гапларимни кўнглингга олма, кичкина бола, – деб қўйди, энг яқин сирдоши билан дардлашаётгандек. – Усмон ҳам одамми? Ит ҳам бир, у ҳам бир.

Жамила ботиб бораётган қуёшдан кўзини узмай, индамай қолди, кейин гўё менга эмас, ўзига гапираётгандек, яна шундай деди:

– Бундай кишилар кўнглингдагини билармиди... Буни ҳеч ким билмайди. Худо билсин, бундай эркаклар дунёда йўқдир ҳам!

Мен аравани қайтаришга ҳам улгурмасдан қарасам, Жамила аллақачон нариги томонда ишлаётган келинлар олдига югуриб бориб, улар билан чакчақлашиб, қувалашиб юрибди. Оловдек товланиб турган кечки шафаққа қараб кўнгли очилдими ёки бугун яхши ишлаганидан хурсанд бўлдими, билмадим, ҳар қалай, кайфи чоғ эди. Хашак ортилган арава устида

ўтирар эканман, Жамиланинг кўлларини кенг ёзганча оппоқ дуррасини хилпиратиб чопиб бораётганини кўриб, кўнглим анча таскин топди: «Ҳа, Усмон ўзи киму унинг сўзи нима бўларди?»

– Чух, жонивор, чух! – деб отга қамчи урдим.

Бригадир Ўрозмат оға айтгандек, сочимни олдириб кетайин, деб отамнинг устахонадан қайтишини кутдим. Лекин у келгунча бекор ўтирмай, деб Содик акамнинг хатига жавоб ёздим.

Дарвоқе, хат ёзишда бизларнинг ўзимизга хос бир таомилигимиз бор. Ҳарбийдаги акаларим хатни отамнинг номига ёзишарди, почталон бўлса уларни онамга берарди, хатларни ўқиб бериш, уларга жавоб ёзиш менинг вазифам эди. Хатни ўқий бошлашим биланоқ унда нималар ёзилганини дарров билиб олардим. Чунки ҳамма хатлар эгиз кўзилардек бир-бирига ўхшарди. Содик акам ҳар доим хатни «Соғинчли салом хат» деган сўздан бошларди. Кейин: «Етиб малум бўлсинки, у томонда, яъни гуллаб-яшнаётган Таласнинг салқин ҳавосида соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрган жондан азиз, меҳрибон отажоним Йўлчибойга», – деб саломни отамдан бошларди, кейин катта ойимни, сўнгра ишчан ойимни, ана ундан кейин қавм-қариндошларимизнинг соғлиғини сўраб, энг охирида: «шунингдек хотиним Жамила ҳам эсон-омон юрибдими?» – деб бир оғиз қистириб ўтарди.


Ота-онаси, қавм-қариндошлари турганда дастлаб хотинини эсга олиш, хатни унинг номига ёзиш одобдан эмас, албатта, бу нарса фақат Содикқа эмас, балки, умуман эркак зотига тўғри келмайди. Бироқ биз шу икки энлик хат олиб турганимизга ҳам минг қатла шукр қиламиз, овулдагилар учун бу бир катта бахт эди. Ойим хатни менга икки-уч марта ўқитиб олгандан кейин, қозон-товоқ, иссиқ-совуққа уравериш ёрилиб кетган қолларига олиб, гўё учириб юборишдан кўрққандек уни авайлаб учбурчак қилиб буклаб кўярди.

– Э-е, тумордек хатларингдан онанг айлансин, – дерди у кўзига ёш олиб, оғир хўрсиниб.

– Ота-она, қариндошларнинг ахволини сўрайди-я! Ахир, биз уйдамыз-ку, бизни жин урармиди! Бахтимизга, ишқилиб, сизлар омон бўлинглар, худо ўз паноҳида сақласин. Икки энлик хат ёзиб: – соғ-саломат юрибман, деб қўйсаларинг, шунинг ўзи ҳам катта ғанимат.

Ойим хатга яна бир оз термилиб қараб турарди-да, сўнгра уни сандиқдаги хатлар сақланадиган халтачага яшириб қўярди.

Агар шу пайт Жамила уйда бўлиб қолса, у ҳам хатни бир карра ичида ўқиб чиқарди. Жамила ҳар сафар хатни қўлига олиши билан ўз-ўзидан кизишиб кетар, уни ҳарислик билан тез-тез ўқий бошларди. Лекин хатнинг охирига яқинлашган сайин юзидаги қувонч алангалари сўниб, ранги ўчиб, қошлари яна чимирилиб қоларди. Баъзида хатни охиригача ўқиб чиқишга ҳам сабри чидмай, хафсаласи пир бўларди-ю, ғинг демасдан, гўё қарз олган нарсасини қайтариб бераётгандек бўшашиб, хатни ойимнинг қўлига тутқазарди.



Хат сақланадиган халтачани сандиққа бекитаркан, келинининг тумшайиб қолганини пайқаган ойим унга тасалли берган бўларди:

– Хабар келганига қувониш ўрнига хафа бўлганинг нимаси, болам. Ёки фақат сенинг куёвинг аскарликка кетганми? Барчага баробар мусибат, сабр қил... Кўз очиб кўрган ёрини ким соғинмайди дейсан, Соғинсанг ҳам сир бой берма, ичингда сақла.

Жамила бўлса миқ этмасди. Лом-мим демаса ҳам, паришон чеҳраси гўё: «Эҳ, кошки эди тушунсангиз!» деяётгандек бўларди.

Содиқ акам бу хатини ҳам Саратовдан, госпиталдан ёзган эди. Худо хоҳласа, кузнинг ўрталарига бориб қоларман, дебди. Илгари ҳам шундай деб ёзганида биз жуда қувонган эдик.

Отам ишдан қайтгач, тезда сочимни олдирдим уйда қолмай, отларни бедазорга қўйиб юбордим-да, ўзим ҳар кунгидек хирмонда тунадим. Раисимиз молларни бедазорга ёйишга рухсат бермасди, бироқ мен отларим яхши тўйсин деб уларни кўздан овлоқ жойдаги бедазорга тушовлаб қўярдим. Буни ҳеч ким билмас-ди. Бу сафар, аравани хирмонда қолдириб борсам, пастлик-да яна тўрт от ўтлаб юрибди. Жаҳлим чиқиб, уларни чеккароқ жойга ҳайдаб юбормоқчи бўлдим. Бироқ отларнинг иккитаси бригадир айтган ўша Дониёрники эканини таниб қолдим. Мен, эртадан бошлаб баримиз бир бригада бўлиб, станцияга бирга қатнаймиз, деган ўй билан отларга текканим йўқ. Сўнгра хирмонга келсам, Дониёр ҳам шу ерда экан. У эндигина аравасининг ғилдирақларини мойлаб бўлиб, ўқнинг гайкаларини бураётган экан.

– Дониёр ака, отлар сизникими? – деб сўрадим ундан.

У менга бир қараб қўйди-да:

– Иккитаси меники, – деди.

– Қолган иккитаси-чи?

– Ҳалиги, ҳа, оти нима эди, Жамиламиди, ўша келинники. Айтмоқчи, у сенинг янганг бўладими?

– Ҳа, янгам болади.

– Бўлмаса, бугун кечаси Сеит қараб турсин, деб бригадирнинг ўзи ташлаб кетди.

«Яхшиям уларни ҳайдаб юбормаган эканман-а!» – деб қўйдим ичимда.

Кеч кириб, тоғдан эсган майин шабада ҳам тиниб, хирмон жимжит бўлиб қолди. Дониёр ҳам мен ётган сомон устига келиб ёнбошлади. Лекин кўп. Ўтмай яна ўрнидан турди-да, сой бўйига томон кетди. У тик жар ёқасига борди-да, бошини сал қийшайтириб, кўларини орқасига қилганича туриб қолди. Орқасидан қараганда унинг гавдаси ой ёруғида кўзга аниқ ташланиб турарди. Дониёр, афтидан, мудроқ, сокин тун уйкусини бузиб, тошлардан тошларга урилиб, шариллаб оқаётган



сой сувининг муסיкий оҳангини ё бўлмаса бошқа бир кулоқ илғамас товушларни тинглаётгандек қимир этмай турарди.

«Одатича сой бўйига бориб тунамоқчи шекилли», деб кулиб қўйдим мен ўзимча.

Дониёр овулимизга яқиндагина келганди. Пичан ўроғи энди бошланган кезлар эди. Бир куни битта бола чошиб келди-да, овулга бир ярадор аскар қайтади, лекин кимлигини ўзим ҳам билмайман, деб қолди. Овулда биров аскардан қайтиб келгудек бўлса, кўргани ҳамма ёпирилиб борарди. Аммо бу сафар фронтдан келган кишининг насл-насаби номаълум бўлгани учун, ўроқчилар тозаям шов-шув кўтаришди.

– Бегона дейишади-ку.

– Бегона бўлса, бизнинг овулга келармиди?

– Шунга айт-а?

Шундай қилиб, у ким экан, ўзимизнинг қариндош-уруғимизда битта-яримтасининг боласи болмасин тагин, дейишиб, бир тўда одам овулга ҳам бориб келишди.

Кейин билишса, Дониёр асли шу ерлик экан. Айтишларича, у ёшлигидан етим қолиб, ҳар кимларнинг эшигида юрган, охири Чақмоқдаги козоқ тоғалариникига кетиб қолган, шу-шу, болани излаб боргудек биронта ҳам жонкуяри бўлмаган экан. Шундай қилиб, у эл-уруғнинг ёдидан ҳам чиқиб кетган экан. Овулдан кетиб қолганидан кейинги ҳаёти тўғрисида эса Дониёр унчалик ёзилиб гапирмаганмиш. Бироқ ҳозир ўйлаб кўрсам, унинг тортмаган азоб-уқубатлари қолмаганга ўхшарди.

Турмуш бу муштдек болани не қўйларга солмаган, тирикчилик дардида у қаерларга бош урмаган. Дониёр кўп вақт Чақмоқ даштида қўй боқиб юриб, вояга етгач, жазирама чўлларда канал қазиган, янги тузилган пахта совхозларида пахта экиб, экин суғориб, охири Тошкент яқинидаги Оҳангарон шахталарида ишлаб, ўша ердан ҳарбийга кетган эди.

Хуллас, Дониёрнинг ҳарбийдан қадрдон овулга қайтиб келганига овулдагилар хурсанд бўлишганди, бечоранинг туз-насибаси узилмаган экан,

мана охири ўз элига қайтиб келди! Шунча йил четда юрса ҳам, тилимизни эсдан чиқармабди-я. Бироқ тили сал-пал қозоқчага тортиб кетади, дейишарди.

«От айланиб қозигини топади, деганлар. Туғишган ер, эл-юртни унутиш осонми? Келганингга биз ҳам, ота-боболарингнинг арвоҳи ҳам хурсанд, гирмонни енгиб, тинчлик бўлса, сен ҳам уй-жой қиларсан, болачакали бўларсан», – дейишарди кексалар. Улар Дониёрнинг етти пуштини суриштириб, унинг қайси уруғдан эканлигини, овулдаги баъзи бир туғишганларининг кимлигини ҳам айтиб беришди. Хуллас, овулдагилар: «Дониёр дунёга янги келгандек бўлди», дейишадиган бўлишди.

Орадан кўп ўтмай бир куни бригадир Ўрозмат шинелини елкасига ташлаб: чап оёғига сал оқсоқлаган новча, бўйни узун бир кишини эргаштириб келди. Йўрға байталини гижинглатиб келаётган пакана Ўрозматнинг ёнида ҳалиги новча аскар салмоғини ўнг оёғига солиб, орқада қолмай, тез-тез юриб келарди.

Бизлар, пичан ўрадиган машинада ишлаётган болалар Дониёрни биринчи кўришимиз эди. Дониёр яраси яхши битиб кетмаганидан оёғини буколмасди. Уни ўроққа ярамайдиган бўлгани учун биз билан бирга машинага қўйишди. Ростини айтсам, биз уни аввалига унчалик ёқтирмадик. Чунки Дониёр жуда одамови эди, гапиришганда ҳам унинг бутунлай бошқа, фақат ўзигагина маълум бўлган нарсалар тўғрисида хаёл сураётгани, кишига тикилиб турса ҳам, кўнгли бошқа ёқда эканлиги шундай сезилиб турарди. У оғир хаёлга ботгандек анграйиб турарди. Буни пайкаган кишилар: «Бечора, фронтдан кейин ҳали ҳам ўзини ўнглаб ололмаса керак», деб юришди. Лекин Дониёрнинг ўзини тутишига, қўли қўлига тегмай чаққон ишлашига, ҳаракатчанлигига қараб, уни очиқ-ёриқ, ақлли, гапга чечан одам экан, деб ўйлайсан киши. Балки етимлик азоб-уқубатини кўп тортганидан у меҳнатчан, лекин камгап, сир-асрорини ҳеч кимга айтмайдиган бўлиб қолганмикин? Эҳтимол, шундайдир. Серсавлат, бўйбасти келишган Дониёрнинг жағи бир-бирига ёпишиб кетган, қовоғи сира

очилмас, кўзлари бир хилда ғамгин боқарди. Фақат доим учиб турадиган қошлари унинг юзига ҳусн бериб турарди. Гоҳо-гоҳо у қандайдир бир сирли товуш эшитгандек ҳушёр тортар, қошлари учиб, гўё бир нарсадан хурсанд бўлгандек кўзлари ярақлаб кетарди. Лекин биз бунинг сабабини билмасдик. Бугина эмас, унинг бошқа қизиқ одатлари ҳам бор эди. Қош қорайганда отларни аравадан чиқариб, овқат қачон тайёр бўларкин, деб ўчоқ атрофида дам олиб ўтирардик. Дониёр бўлса ёнимиздаги Қоровултепага чиқиб, қоронғи тушгунга қадар ўша ерда ўтирарди.

«У ерда нима бор экан? У кимни қўриқлайди, у нимани қўриқлаяпти», деб кулишардик биз. Кунлардан бирида мен ҳам қизиқиб, унинг ёнига чиқиб ўтирдим. Бу ерда айтарли ҳеч нарса йўқ эди. Тоғ этаклари бўйлаб ястаниб ётган бепоён даштлик чуқур денгизга чўкиб бораётгандек, оқшом кўйнида йўқолиб борарди. Дониёр менинг келганимга парво қилмади. У чехраси ёришиб, бир тиззасини кучоқлаганича хаёл суриб ўтирарди. У мен англаб етмаган, маъносига тушунмаган аллақандай сирли товушларни бутун вужуди билан берилиб тинглаётгандек туюларди. Баъзан қошлари чимирилиб, кўзлари чакнаб, кучи танасига сиғмаётгандек тўлғанар, гўё ўрнидан ирғиб туриб, қулочини ёзганча бутун борлиқни кўксига босиб, кучоқламоқчи бўлаётгандек туюларди. Бир қарасанг, қаттиқ чарчаган одамдай яна бўшашиб, ғамгин бўлиб қоларди.

Хўжалигимизнинг пичан ўрадиган машиналари буралиб-буралиб оқаётган каттакон Гуркуров сойининг бўйларида худди шу Гуркуров сойидек гуркираб юрарди. Пичан ўроғи сойларнинг тўлиб-тошиб оқаётган даврига тўғри келди. Тошдан тошга урилиб, кўпикланиб, пишқириб оққан сув кеч кириши билан яна кўпаярди ва ярим кечага бориб шариллаб оққан овозидан қапада ётган еримда уйғониб кетардим. Қаймоғи олинган сутдек осмонда муздек шабада ғир-ғир эсиб, кўкдаги юлдузлар шуъла сочиб мўралаб турарди. Тун оғушида хайқириб оққан сой сувининг тўлқини яна ҳам кучлироқ сезилиб, гўё устимизга босиб келаётгандек туюларди. Биз қирғоқдан олисда бўлсак-да, қапамизни сув оқизиш кетмасмикин, деган

вахима беихтиёр кўнгилга ғулғула соларди. Дўстларим ҳеч нарсадан хабарсиз, донг қотиб ухлашарди. Мен ташқарига чиқиб кетаман.

Тунда сой бўйи ҳам кўркам, ҳам ваҳимали бўлади. Ўтлоқнинг у ер, бу ерида ўтлаб юрган отлар қорайиб кўринарди. Ҳаммаёқ жимжит. Отлар шабнам инган ўтларга тўйиб, дам-бадам пишқиришар ва енгил мудрашарди. Сал нарида Гуркуров суви қутуриб, майда тол новдаларини эгиб, тошларни юмалатиб, сокин тун жимлигини бузиб, гўё ер қаъридан қайнаб чиқаётгандек даҳшат билан шариллаб оқарди. Шундай кечаларда мен доим Дониёрни эслардим. «Дарвоқе, Дониёр қаерда қолди экан,» деб сўрардим ўзимдан ўзим. У доим якка ўзи сув бўйидаги пичан ғарамлари устига бориб ётарди. «Нима бало, у кечаси кўркмайдими, сувнинг шариллашидан қулоғи битмайдими?» – деган фикр хаёлимдан ўтарди. «У ҳозир ҳам ухлаётганмикин ёки уйғоқмикин? Тавба, ёлғиз сув бўйига бориб ётишнинг нима ҳожати бор экан? Бунинг нима ҳаловати бор? Қизик, сира одамларга кўшилмайди-я. У ҳозир қаерда экан?» – деб атрофга назар ташлаб, қулоқ соламан, ҳаммаёқ жимжит. Қирғоқ бўйлаб қия тепалик чозилиб кетган тоғ этакларига қоронғилик чўкмоқда, осмоннинг у ер-бу ерида юлдузлар милтиллаб кўринмоқда.

Овулга келганига бир неча кун бўлса ҳам, ўзини четга тортиб, ҳеч кимга кўшилмай юрган Дониёр ошна-оғайни орттира олмади. Бировга ёндашмас, жанжаллашиш, тортишиш нималигини билмас, бировга яхши ҳам гапирмас, ёмон ҳам гапирмас эди. Овулга яхшилик ҳам қилиб, ёмонлик ҳам қилиб, йиғилишларда сўзлаб, тўй ва маъракаларда қариялар билан ёнма-ён ўтириб, элнинг иссиқ-совуғига аралашиб юрган ўктам йигитлар кадр-қимматли бўлиб, дарров оғизга тушадиган, хотин-қизларнинг назарига илинадиганлар ҳам шулар бўларди.

Дониёрга ўхшаб эртадан кечгача тер тўкиб ишлайдиган, лекин ўзини бошқалардан четга олиб юрадиган, ўзи билан ўзи бўлиб, бировга зарари ҳам, фойдаси ҳам тегмайдиган кишилар тўғрисида: «Бир амаллаб кун кўриб юрган бечора-ку», дейишарди. Бизларга ўхшаган ўзи билармон, маҳмадона

болалар эса ҳалигидек чинакам асил йигитлардек бўлишни ҳавас қилиб, Дониёрнинг юз-кўзи олдида бўлмаса ҳам, орқасидан мазах қилардик. Унинг кўйлагини ўзи ювганига ҳам кулар эдик. У ҳарбийдан битта кўйлак билан келганлиги учун ҳам уни қурир-қуримас кийиб оларди. Бироқ, қизиғи шундаки, Дониёр мўмин-қобил бўлса ҳам, биз у билан бемалол, ботиниб гапириша олмасдик. Гап унинг катталигида эмас эди, албатта. Чунки у, жуда нари борса, акаларим билан тенг келарди. Шунинг учун ҳам биз у билан сансираб гаплашар эдик. Нима, ўзимизни пастга урармидик. Гарчи Дониёр улуғсифат бир одам болмаса-да, унинг шундай ҳеч ким билан гапиришмай, вазмин юришида қандайдир бир хосият бордек, шўх, шайтон болалар ундан хайиқиб туришарди.

Бунга қисман ўзим ҳам сабабчи бўлдимми дейманда. Чунки мен одамлардан, айниқса, фронтга бориб келганлардан кўрган-билганларини ипидан-игнасигача гапириб беришни илтимос қилиб, уларни ҳол-жонига кўймасдим, саволларни ёғдириб юборардим. Шунинг учун ҳам мен «Сеит хира» деган лақаб орттирганман.

Дониёр келган дастлабки кунларда, мен ундан уруш тўғрисида кўп нарсаларни сўраб билиб оламан деб юрдим. Бир кун ишдан сўнг гулхан атрофида овқат ичиб дам олиб ўтирганимизда Дониёрдан сўраб қолдим.

– Дониёр ака, урушда кўрган-кечирганларингдан бир гапириб бермайсанми?

Дониёр ҳадеганда гапира қолмади. Чамамда, менинг бу гапим унга ёқмади шекилли.

– Уруш дейсанми? – деди у ва худди ўзига жавоб бераётгандек паст овоз билан кўшиб қўйди: – Урушнинг номи ўчсин, уни билмаганларинг яхши!

Дониёр нарида ётган хашакдан катта бир тутам олиб гулханга ташлади ва оловни тез-тез пуфлаб ёндирди-да, ҳеч кимга қарамай кўлларини ўтга тоблай бошлади. У алангаланиб ёнаётган оловга тикилганча узоқ жим қолди.

Дониёрнинг нега бундай қилганини ким билсин, лекин унинг ўша икки оғиз гапидан ҳам урушни эртақдек эрмак қилиб гапириб бўлмаслиги, у одамнинг юрак-юрагига сингиб кетиши, у ҳақда гапириш ниҳоятда оғир эканлиги шундай сезилиб турарди. Уялганимдан бошимни ердан кўтара олмадим. Шу-шу Дониёрдан уруш ҳақида сўрамайдиган бўлдим. Болалар ҳам унга тегажаклик қилмайдиган бўлишди.

Бироқ, кўриниши тунд, одамга аралашмайдиган Дониёр ўзича якка-ёлғиз юравергани учун унинг ҳарбийдан келганлигининг қизиғи ҳам қолмади. Қай бир кишилар: «Шунчаки бир одам-да» дегандек қилиб уни назарига илмас, бошқа бировлар эса ундан рўйи-рост кулиб, кўпчилик эса раҳми келиб: «Бошпанасиз, бир амаллаб жон сақлаб юрган бир ғариб-да... Хўжаликнинг далада берадиган иссиқ овқати бўлмаса, тентираб кетиб қолармиди... ўзиям, кўйдек ювош экан...» – деб ачиниб гапиришарди. Бора-бора кишилар Дониёрга кўникиб қолишди шекилли, уни бошқа гап қилмайдиган бўлишди. Одамларнинг у билан иши бўлмай кўйди.

Эртаси сахарлаб Дониёр иккаламиз отларни хир-монга олиб келдик: шу пайт Жамила янгам келиб қолди. У бизни кўриши билан узокдан кичқирди.

– Эй, кичкина бола, қайсиси менинг отларим, бу ёққа хайдаб кел! Хомутлари қани? – деб умри бўйи аравакашлик қилган одамдек, ғилдираклари жойидамикин дегандек тепиб кўрар, у ёқ-бу ёғини синчиклаб кўздан кечирарди. Биз Дониёр билан отларни етаклаб, хирмонга яқинлашиб келганимизда, иккаламизнинг афту ангоримиз Жамилага ғалати кўринди шекилли, у бир кулимсираб қўйди. Дониёрнинг узун ва ориқ оёқларидан кўнжи кенг солдатча этиклари чиқиб кетгудек бўлиб шалвираб турарди, мен бўлсам, қорайиб, тошдек қотиб кетган оёқларим билан отни ниқтаб келардим.

– Ўхшатмагунча учратмас, деганларидек жуда топишибсизлар-ку. – Шу-шу гўё бизнинг жilовимизни кўлига олгандек, у буйруқ қилаверди: –

Қани, тез-тез бўлинглар, урушда туриш йўқ, эртароқ салқинда жўнай қолайлик, – деб отларини аравага қўша бошлади.

Жамила, Дониёрнинг бори ҳам, йўғи ҳам билинмайди, дегандек, уни назарига илмасди. Гапиришса ҳам мен билан гаплашарди. У биздан қолишмай елиб-югуриб ишларди. Жамиладаги бу жасорат, айниқса ўзини катта олиб гапириши Дониёрга каттиқ теккандек бўлди. Дониёр чаккаси тиришиб, уни ҳам ёқтирмагандек, ҳам хайратда қолгандек, тумшайиб тескари бурилиб олди. Жамила буни пайқагани ҳам йўқ. Дониёр тарози устидаги қоплардан бирини индамай даст кўтариб аравасига ташлаганда, Жамила унга ёпиша кетди:

– Бу нима қилиқ, ҳар ким ўз билганича ишлайверадими? Қани, кўлингни бер, кўллашганни худо кўллайди! Ҳой кичкина бола, аравага чик, қопларни жойлаштир!

Жамила Дониёрнинг кўлидан шартта ушлаб, қопни икковлашиб кўтарганида, Дониёр уялганидан кип-қизариб кетди. Шундан кейин ҳам улар қопларни кўллашиб кўтариб босишди, кўллари бир-бирига чирмашиб, қоп устидан аста сирпаниб тушаркан, Дониёр ўнғайсизланиб унга қарамасликка ҳаракат қиларди. Жамила бўлса парвойифалак, ҳар сафар тарозибон хотиннинг ёнига келганида, у билан ҳазил-ҳузул қилиб, ҳиринг-хиринг кулишарди. Жўнаш олдидагина у кўзини бир қисиб қўйиб, Дониёрга:

– Ҳой йигит, исминг нима, Дониёрмиди, кўринишдан эркакка ўхшайсан-ку, қани йўл бошла! – деди.

Дониёр бу сафар ҳам миқ этмади, Жамилага чўчигандек бир қараб қўйди-да, аравани хайдаб кетди. «Оббо шўринг қурғур-ей, мунча уялмасанг!» – деб ачиниб қўйдим унга.

Йўл олис, даштдан йигирма чақиримча йўл босиб, Қоратоғ дарасидан ўтиб, станцияга бориш керак. Шуниси яхшики, хирмондан то станциягача йўл қиялаб боради, отларга ҳам анча енгил эди. Улуғтоғ тоғининг этагидаги



кўм-кўк дарахтлар ичига кўмилган овулимиз то дарадан чиқиб кетгунча, худди кафтдагидек аниқ кўриниб турарди. Даранинг этагидан эса темир йўл кесиб ўтади.

Шундай қилиб, биз ҳар куни станцияга ғалла ташиб юрдик. Овулдан эрталаб чиқиб, станцияга пешинда етиб борамиз. Тақир йўлдаги шағал арава ғилдираклари остида ғичирларди. Кун исиган сайин отларнинг яғринларидан тер қуйилиб оқарди...

Саратоннинг жазирама қуёши ҳаммаёқни қовжиратиб қуйдиради. Станцияга келсанг от-араванинг кўплигидан қадам босолмайсан. Тоғ этагидаги узоқ хўжаликлардан эшак ва хўкизларга ғалла ортиб келган болалар билан хотинларнинг кийимлари тердан шўри чиқиб, чанг босган бетлари қорайиб қуйиб, шамолдан лаблари ёрилиб, ялангоёқ, ялангбош ҳориб-толиб келардилар. Заготзернонинг ҳовлиси қий-чув бўлиб, унинг дарвозасига: «Ҳамма ғалла фронт учун!» деган шиор ёзиб қўйилганди. Пахса билан айлангириб олинган пасқам ҳовлининг ташқарисида вагонларни бир-бирига улаб юрган паровоз қайноқ буғ чиқариб, кумурскадек тинмай ҳаракат қиларди. Сал наридан поездлар кулоқни кар қилгудек даражада бўқиришиб ўтишади. Худди дарвоза олдида чўктирилган туялар ўрнидан тургиси келмай, жини кўзиб, кўпик сочиб овозининг борича бўқирарди.

Каттакон коппоннинг ичига ғалла тоғ-тоғ қилиб уйиб ташланган. Ғалла солинган копларни орқалаб тахта трапдан ана шу уюмларнинг тепасига олиб чиқиб тўқиш керак. Коппоннинг қизиган тунука томидан чиққан бўёқ аралаш темир ҳиди буғдой чанги билан бирга қўшилиб димоғни қичитарди.

Уйқусизликдан кўзлари қизариб кетган омборчи пастда қўлини пахса қилиб сўқинарди:

– Ҳой бола, кўзингга қара, устига чиқариб тўксанг-чи!

У нега сўқинади? Сўқинмаса бўлмайдимми? ўша ерга олиб чиқиб тўқиш кераклигини ўзимиз ҳам биламиз-ку.

Биз бу ердагина эмас, балки даланинг ўзида, ерга дон ташланган кундан меҳнат қиламиз. Ёш-яланг, хотин, болаларимиз ёз бўйи тинмай парвариш қилади, комбайнчиларимиз ҳар куни юз марталаб бузиладиган, парти кетиб, шарти қолган комбайнни бир нафас ҳам тўхтатмай, саратоннинг жазирама кунларида ҳам даладан чиқишмайди. Ҳозир ҳам далада ўроқчилар тонг саҳардан қоронғи кечгача зирқираб оғриган белларини ёзолмай ғалла ўрмоқдалар, бир қарич болалар битта ҳам бошқни қолдирмай териб олмоқдалар. Ўша кунларда биз барча топган-тутганимизни фронтга жўнатамиз. Бу бизнинг ғалабага қўшган тер билан қонимиздир.

Ҳали-ҳали эсимда, ёш бола эканман, забардаст йигитлар кўтарадиган катта-катта қопларни елкамга ташлаб, унинг бир бурчагидан маҳкам тишлаб трапдан юқорига чиқар эканман, қовурғаларим майишиб, кўзларим тиниб кетарди. Қадам сайин трапнинг тахталари эгилиб, коппон ичидан кўтарилаётган чанг аралаш ғубор ўпкани қисарди. Неча марта ҳолдан тойиб, орқамдан сирғалиб тушиб бораётган қопни елкамдан ирғитиб, ўзим ҳам сакраб юборгим келарди. Лекин орқамдан ҳам қоп кўтарган одамлар келарди. У ҳам менга ўхшаган бир ёш боладир, ё бўлмаса тушиб-чиқиб юрган аёлларнинг биридир. Агарда уруш бўлмаганида бундай оғир юкни уларга ким кўтартириб қўярди. Шундай оғир ишга аёллар чидаш бераётганда нолишга ҳаққим борми?

Ана, олдинда Жамила янгам боряпти. Этагини қистириб олган, унинг буғдойранг чиройли оёқ мускуллари таранг тортилиб, пайлари узилиб кетгундек бўлади. У гўё юкини енгиллатаётгандек букилиб, эгилиб оғир кадам ташлаб борарди. Гоҳ-гоҳ у менинг ҳолдан тойиб бораётганимни сезгандек тўхтаб қоларди-да:

– Бўшашма, кичкина бола, оз қолди! – деб қўярди. Бироқ ўзи ҳам қаттиқ чарчаганидан овози бўғилиб чиқарди.

Буғдойни тўкиб, орқага қайтаётганимизда, доим Дониёрга дуч келардик. У одати бўйича ҳеч кимга қўшилмай, жимгина, салмоқ билан оёғини оқсоқланиб босарди. Биз унга ёндашганимизда, оғир тортган бўйнини чўзиб, қистирилган кўйлагининг барини ёзиб келаётган Жамилага Дониёр энкайганича қовоқ остидан тикилиб ўтарди. У Жамилани гўё биринчи марта кўраётгандек ҳамиша ана шундай тикилиб қарарди. Лекин



Жамила бунга сира эътибор бермасди. Бирга ишлаганимиздан буён уларнинг бирон марта ҳам очилиб гаплашганини кўрганим йўқ. Жамила баъзан шунчаки ҳазиллашиб, тегишиб кулиб гапирса, баъзида мутлақо иши болмасди. Бу унинг кайфиятига боғлиқ эди. Хуши келса, йўлда келаётиб Жамила менга: «Қани, чух де, кичкина бола, кетдик!» – дерди-да ўтирган еридан сапчиб туриб, кийқириб, камчинини ўйнатганча аравани хайдаб кетарди. Мен ҳам ундан қолишмасдим. Ҳаш-паш дегунча олдинда бораётган Дониёрни қувиб ўтиб кетардик. Дониёр орқада чанг-тўзон ичида қоларди. Аслида бу ҳазил бўлса-да, лекин бундай ҳазилга ҳамма ҳам чидайвермасди. Бироқ Дониёр ғинг демас, ранжимас эди. Биз чанг-тўзон кўтариб, унинг ёнидан тасира-тусур қилиб ўтиб кетсак ҳам, у гўё айбдор кишидек мулойимгина кулимсираб, аравада тик турганича отларга устма-уст қамчи босиб бораётган Жамилага ажабланиб, индамай қараб қоларди. Унинг жаҳли чиқдимикин деб орқамга кайрилиб караганимда, чанг қуюни ичида қолган Дониёрнинг мамнун бўлгандек Жамиладан кўзини олмай тикилиб турганини пайқардим. Унинг бу қарашида ўта кўнгилчанлик, олижаноблик билан бирга, юрагини куйдираётган аллақандай сирли бир ҳасрат борлиги сезилиб турарди. Жамиланинг бу қилиқларини, истехзоли кулишларини, ёнида гўё менсимаган кишидек индамай ўтишларини Дониёр ҳечам кўнглига оғир олмас, барига чидаб, бир оғиз сўз қайтармас эди. Баъзида Дониёрга раҳмим келиб:

– Кўйдай ювош одамнинг дилини оғритганинг нимаси, янга? – десам, Жамила менга:

– Ке, кўй, шуни гапирма! – деб кўлини силтаб кулиб кўярди? – Э, шунчаки бекорчиликдан ҳазиллашаманда. Нима бирон жойи камайиб қолармиди!

Бора-бора янгамга қўшилиб мен ҳам ҳазил-ҳузул қиладиган бўлдим. Чунки Дониёрнинг Жамилага маъноли тикилиб қарашлари менга ғалати туюла бошлади. Айниқса, Жамила қоп кўтарганида Дониёр кўзининг кири билан унга тикилиб қоларди. Ҳар ким ўзи билан ўзи овора бўлиб, кўпчилик иш билан алахсиб, буни пайқамайди, деб ўйлайди шекилли. Аравакашлар қийқириғи от-араваларнинг кўплигидан станциянинг худди бозорга ўхшаб кетган тўс-тўполон ҳовлисида Жамила қанчалик қийналмасин, сира бўш келмай елиб-югуриб ишлаганидан, қаҳқаҳа уриб кулганидан у ҳаммадан ажралиб кўзга яққол ташланиб турарди. Жамила арава четига кўйилган қопларни кўкрагини кериб елкасига оларкан, қоп-қора, кўнғир соч ўримлари ерга тегай-тегай деб кетар, салмоқ билан орқасига бурилганида эса, қисик кўзларининг қорачиқлари киприклари орасидан ялт этиб кўринарди. Ўшанда қоп кўтарган Жамила қоппоннинг эшигига етгунга қадар Дониёр уни зимдан кузатиб қоларди. Мен буни пайқаб юрардим. Ҳадеганда кўнглимга оғир олмаган бўлсам ҳам, лекин кейинчалик Дониёрнинг янгамга бундай зимдан назар ташлаб юриши менга ёқмади, ҳатто иззат-нафсимга теккандек бўлди. Ҳеч кимга раво кўрмай, кизганиб юрсаму, Жамилага бошқалар қолиб, Дониёрбой кўз тикса-я. «Дониёрки Жамилага кўз тикдими, бошқалардан хафа бўлмасам ҳам бўларкан! Тавба!» – дердим жаҳлим чиқиб ўзимга ўзим.

Энди Дониёрни мўмин-қобил йигит деб айтмоқ у ёқда турсин, ёмон кўра бошладим. Шундан кейин мен яна янгамга қўшилиб, уни масхара қила бошладим. Аммо бу ҳазилимизнинг таги зил бўлди.

Ғалла ташиб юрган қопларимиз орасида олачадан тикилган етти пудлик қатта бир қоп бор эди. Ҳамиша янгам икковимиз уни қоппонга олиб

бориб ерга тўқардик, чунки уни бир киши кўтаролмасди. Бир куни хирмонда араваларга юк ортаётиб, янгам билан бирга ҳалиги катта қопни Дониёрнинг аравасига ташладик-да, устидан бошқа қопларни бостириб қўйдик. Қани, нима қилар экан, деб ўйладик ўзимизча.

Хирмондан кун чиқарда жўнаб кетдик. Йўлда рус қишлоғида бировнинг боғига кириб, Жамила икковимиз олма ўғирлаб чиқдик-да, йўл-йўлакай қаҳқаҳлаб кулишиб кетдик. Жамила бора-боргунча Дониёрга «илиб ол!» деб олма отиб борди. Олма тугагандан кейин биз одатдагича уни чанг-тўзонда қолдириб, анча узоқлашиб кетдик. Дониёр дарадан чиқа беришдагина бизни қувиб етди, темир йўл берк экан, унинг очилишини кутиб туришга тўғри келди. Бу ердан то станциягача бирга келдик. Бу орада ҳалиги етти пудлик қоп ёдимиздан кўтарилиб кетибди, хаёлимизда ҳеч гап йўқ, ғаллани ташиб бўлай деб қолдик. Бир маҳал Жамила биқинимга туртиб, Дониёрни кўрсатиб бир кулиб қўйди. Дониёр арава устида турган экан. «Буни нима қилсам экан?» дегандек ҳалиги катта қопнинг у ёқ-бу ёғига қараб турарди. Сўнгра у Жамиланинг қиқир-қиқир кулаётганини пайқаб қолиб, бизнинг синамоқчи бўлганимизни сизди шекилли, қип-қизариб кетди.

– Ҳой, иштонингни баланд кўтар, тушиб кетмасин тагин! – деб қичқирди Жамила.

Дониёр унга бир ўқрайиб каради-да, қопни нари-бери суриб араванинг четига келтирди, сўнгра уни бир қўли билан суяб туриб, ерга сакраб тушди. Ҳаш-



паш дегунча бўлмай, зилдек қопни бир силтаб елкасига олдида, коппон томон юра бошлади. Биз, қани, нима қилар экан, деб ўзимизни гўлликка солиб, сир бермай турдик, бошқалар ҳам унга парво қилишгани йўқ. Ҳамма ҳам қоп кўтариб юришибди-да, ким билан кимнинг иши бор дейсиз. Аммо Дониёр трапга яқинлашганда Жамила унинг орқасидан югуриб кетди:

– Буни қаерга олиб боряпсан, эсинг жойидами ўзи, шу ерга ташла, нима, ҳазилни тушунмайсанми?

– Нарн тур! – деб Дониёр уни жеркиб солди.

Шохи синган Жамила ўнғайсизланиб, трапдан чиқиб кетаётган Дониёрнинг орқасидан кулиб қараб:

– Бу ўлармонни қаранглар, кўтариб кетди-я! – деб худди айбли кишидек илжайиб, ўзича тўнғиллаб қўйди. Гарчи Жамила ҳадеб қиқир-қиқир кулса ҳам, борган сари унинг кулгиси сунъийлашиб, ўзини зўрлаб кулаётгандек бўлиб туюлди. Дониёр қопни кўтариб борар экан, ярадор оёғига зўр келиб, оқсай бошлаганидагина, биз уни қандай азобга қўйганимизни тушундик.

Дониёрнинг оёғи ярадор эканини нега илгарироқ ўйламадик ахир? Эҳ, болалигим қурсин-а, шу гап мендан чиқди-я!

– Орқангга қайт! – деб қиқирди Жамила кулги аралаш. Бироқ энди бунинг иложи йўқ эди. Чунки орқасидан ҳам қоп кўтарган одамлар келишаётган эди.

Мен эсимдан оғаёзиб, кейин нима бўлганини билмайман. Кўз ўнгимда ўша каттакон қора қопни кўтарган Дониёр. У букилиб, трапдан ер бағирлаб юқорига чиқиб борарди. Ярадор оёғини авайлаб босар, унга зўр келмасин деб қанчалик уринмасин, бари бир, ҳар қадам ташлаганда оғриққа чидаёлмай, тишини тишига қўйиб, бошини чайқарди. У юқорилаган сари устидаги оғир қоп елкасига миниб олган бало-қазодек уни баттар босар, у тобора кўп чайқаларди. Янгам билан ўйламай қилган бу қилмишимизга азбаройи уялганимдан ер ёрилса-ю, ерга кириб кетгундек бўлдим, кўрққанимдан юрагим орқамга тортиб кетди. Қоп кўтарган Дониёр эмасу, гўё мен ўзимдек, оёқларим зирқираб, кўз ўнгим қоронғилашиб кетди.

Дониёр яна тўхтаб, қопни тишлади-да, кўзини юмди. Менинг ҳам бошим айланиб, ер ўпирилиб кетаётгандек бўлди. Бир нафас ҳеч нарсани билмай қолдим.

Кимдир билагимни чангаллаб, синдириб юборгудек сиқиб ушлади. Бундай қарасам, Жамила экан. Кўрққанидан мурдадек оқариб кетган, лаблари дир-дир титраб, кўзларини катта очганча Дониёрга термилиб турарди. Атрофимизни омборчи ва бошқалар ўраб олишибди. Улар ҳам нима гаплигига тушунмай, Дониёрга ҳайрон бўлиб қарашарди.

Мана, Дониёр юриб бораётиб сирғалиб кетаётган қопни ўнглаб олай деб бир силкиди-ю, лекин оғирликка ортиқ тоб бера олмай чўккалай бошлади.

– Ташла! Ташла қопни! – деб қичқириб юборди Жамила.

Дониёр қулоқ солмади. Орқада келаётганларга тегиб кетмаслиги учун қопни трапнинг четидан пастга ташлаб юборса бўларди. Бироқ у ўжарлик қилиб қопни кўтарганича тураверди. Жамиланинг овозини эшитиши билан яна оёқларини ростлаб, олдинга қараб интилди. Бир-икки қадам юриб орқага тисарила бошлаганида, тарозибоннинг жон-пони чиқиб кетиб, овозининг борича қичқириб юборди:

– Ташла! Ташласанг-чи, ит эмган!

– Ташла! – деб бошқалар ҳам қичқиришди.

Дониёр бу сафар ҳам ўз билганини қилиб, чайқалиб-суриниб илгари босди.

– Йўқ, у қопни ташлайдиган эмас. ўз айтганини қиладиган йигитга ўхшайди, – деди кимдир қўл силтаб.

Энди, фақат халиги одамгина эмас, балки ёнимизда турган бошқа одамлар ҳам, унинг орқасидан қоп кўтариб бораётган кишилар ҳам бунда бир сир борлигини сезишиб, Дониёр қоп билан бирга қулаб тушмагунча уни ташламаслигига ишонч ҳосил қилишди.

Ҳамма бир зум жим бўлиб қолди.

Коппоннинг орқасида паровоз зир югуриб вагонларни бир-бирига уламоқда. Дониёр юқорига юк тортиб чиқиб кетаётган отдек илгарилаб борарди. У чайқалиб йиқиладигандек бўлса, шартта тўхтаб, куч тўплар, кейин яна олдинга қараб интиларди. Дониёрнинг орқасидан келаётган

одамлар ҳам ноилож у тўхтаганда тўхтаб, у юрганда юришарди. Уларнинг ҳам тинкаси қуриб, қора терга ботиб кетишганди. Бироқ улардан биттаси ҳам Дониёр билан сен-менга бормади. Улар тойғоқ йўлдан гўё бир-бирларига кўринмас ип билан боғлангандек турнақатор бўлиб жим боришарди. Борди-ю, биттаси тойиб кетгудек бўлса, бошқалар ҳам хароб бўладигандек туюларди. Уларнинг индамай қадам ташиашларида, бир хил чайқалишларида кучли ғайрат ва шижоат, ҳамкорлик сезилиб турарди. Дониёрнинг орқасидан келаётган аёлнинг оёғи чалишиб, йиқилишига сал қолди-ю, шунда ҳам у ўзига эмас, Дониёрга худодан мадад сўраётгандек унга раҳмдиллик билан термилиб қарайди. Мана, оз қолди. Дониёр яна бир зўр берса маррага етадигандек кўринарди. Лекин Дониёр яна гандирак-лаб, ярадор оёғи унга итоат қилмай қўйди. Агар у елкасидаги қопни ташлаб юбормаса, ўзининг ҳам қулаб кетиши мумкин эди.

– Югур! Орқасидан суяшиб юбор! – деб қичқирди Жамила менга. ўзи бўлса гўё Дониёрни ушлаб қолмоқчи бўлгандек қўлларини олдинга чўзарди. Мен трапдан юқорига югурдим; қоп кўтарганлар орқасидан сиқилиб ўтиб, Дониёрга етиб олдим. У қўлтиғи остидан менга бир қараб олди. Бетидан тер куйилиб, манглай томирлари бўртиб чиқиб, кўзига қон тўлиб кетган эди. Мен унга кўмаклашмоқчи бўлган эдим, Дониёр менга:

– Нарн тур! – деди зарда билан, кейин қопни бир силкиди-да, бор кучини тўплаб, яна олдинга интилди.

Дониёр кавариб, қадоқ бўлиб кетган қўлларини шалвиратиб, оқсоқланиб трапдан тушганда, пастдагилар лом-мим дейишмасдан йўл беришди. Фақат тарозибонгина ўзини тутолмай жаҳли чиқиб Дониёрни койиб кетди:

– Нима, сени жин урдими, ё эсингни едингми? Ёки мени одаммас деб ўйладингми, ахир бир оғиз айтсанг, пастга тўктирардим-ку. Бундай оғир қопни кўтарсин деб сенга ким айтди?

– Ишинг бўлмасин, ўзим биламан, – деди Дониёр секингина, сўнгра, чирт эткизиб тупурди-да, араваси томон кетди. Орқасидан Жамила:

– Ҳазилни тушунмаган тентак! – деб пичирлаб қўйди.

Шундай деди-ю, бошини ердан кўтара олмади. Дониёр буни уқдимиди-уқмадими, ҳар қалай, янгам икковимиз унинг юзига тик қарай олмас эдик.

Йўл бўйи ҳам биронтамиз оғиз очганимиз йўк. Дониёрнинг-ку камгаплиги ҳаммага маълум, сўзга нўноқ. Айниқса, бугунгисига тушунолмай ҳайрон эдик, у биздан хафами, юз кўришмайдиган бўлдими, ё оққўнгиллик қилиб, ҳамма гапни унутиб юбордими, билмасдик. Бизнинг сукут сақлашимизнинг боиси бор эди, бир томони, уялганимиздан юзига қараёлмасак, иккинчидан, ҳазилимизни кўнглига оғир олиб юргани учун ундан хафа эдик.

Эрталаб ғалла қоплаётганда Жамила бу касофат қопни олди-да, уни чок-чокидан шир-шир йиртиб юборди.

– Ма, топган матоингни бошингга ур! Бригадирингга айтиб қўй, иккинчи марта бундай қопларни бера кўрмасин, – деб ҳалиги йиртилган қоп парчаларини тарозибоннинг олдига отиб юборди.

– Ҳой, ақлинг жойидами, бу нима қилганинг?

– Ҳеч нима!..

Эртасига ҳар кунгидек станцияга келиб, қош қорайганда яна овулга йўл олдик. Дониёр олдинда кетиб борар эди. Унинг кўнглидаги хижиллик ёзилдими-йўқми, била олмадик, зотан, буни билиш осон эмасди. Худди ўртамизда ҳеч гап ўтмагандек, Дониёр индамай ишини қилаверди. Шуниси борки, ярадор оёғи кўпроқ лат еган бўлса керак, у қаттиқроқ оқсаб, айниқса қоп кўтарганда қийналиб юрди. Гарчи у ҳеч нарса демаса ҳам, унинг юриштириши гуноҳкор эканлигимизни эслатиб, кўнглимизни оғритар эди. Лоақал Дониёр сал-пал ҳазиллашиб, кулиб қараса ҳам майли эди, кўнглимиз равшан тортарди.

Жамила отдан тушса ҳам, эгардан тушмай, гўё кўнглида ҳеч гап йўқдай ҳазил-ҳузул қилиб юраверди. Лекин ич-ичидан эзилиб, хафа бўлиб юрганини аниқ сезардим.

Мана, овулга кетиб боряпмиз. Латофатли ажойиб тун.

Сутдек ойдин август кечаларини ким билмайди дейсиз. Осмондаги юлдузлар узоқ-узоқлардан мўралашса ҳам, гўё улар шундай яқиндан ҳар бири ўзича нур сочаётгандек туюларди.

Юлдузлар чарақлаган шундай гўзал кечада биз дара бўйлаб келардик. Отлар гўё уйга шошилаётгандек тобора тез йўрғаларди. Майда шағал от туёқлари ва арава ғилдираклари остида ғирчиллаб, атрофга учиб чиқарди. Ғир-ғир эсиб турган майин шабада эрманнинг аччиқ иси билан ғарқ пишган хушбўй ҳидини димоққа келтириб урарди. Буларнинг ҳаммаси отларнинг терга ботган эгар-жабдуғидан чиқаётган ҳид билан қўшилиб бошни айлантлар эди. Йўлнинг бир томонида наъматаклар билан қопланган қоялар қад кўтариб турарди, йўлнинг иккинчи томонида, пастликда, тол ва ёввойи тераклар орасидан Гуркуров жўш уриб оқарди. Орқада кўприкдан тарақа-туруқ қилиб ўтаётган поездларнинг янғроқ гудоги олис-олислардан ҳам эшитилиб турарди.

Бундай сўлим тунда йўл юришнинг ўзига яраша гашти бор. Тун кучоғида балиқдек сузиб бораётган отларнинг сағрисига қараб бориш, сон-саноксиз ҳашаротларнинг ёқимли «чир-чирига» кулоқ солиш, шамол димоққа ураётган хушбўй ҳидларни тўйиб-тўйиб шимириш қандай яхши!

Жамила олдимда кетиб борарди. У тизгинни бўш қўйиб атрофга суқланиб қарар, ўзича аллақандай ашулани хиргойи қиларди. Бизнинг оғзимизга талқон солгандек жим келаётганимиздан Жамиланинг тоқати-тоқ бўлаётганини сезиб турардим. Шундай кечада жим юриб бўладими? Юрагида ўти бор одам шундай гўзал табиат манзарасини кўриб жим тура оладими?!

Йўқ, Жамила жим туролмади, у овозини баралла қўйиб куйлаб юборди. Менимча, унинг яна бир бошқа нияти – Дониёрнинг кўнглини очиб, хафачилигини ёзмоқчи бўлса керак. Зотан, одамлар бир-бирларининг гуноҳларини кечирмасмикин, деб иккиланиб турган пайтда қандайдир бир туртки керак бўлади-ку. Эҳтимол, Жамила шу фикрга боргандир, хуллас, у

бир силкиниб кўйди-да, қалбидан қайнаб чиқаётган янгроқ овоз билан куйлаб юборди:

*Шоҳи рўмолинг боғлаб,
Ёнимда юрсанг яйраб...*

Жамила бундай шўх-шўх лапарларни жуда кўп биларди. Унинг ашуласи кишига ором бағишларди. Жамила ашуласини бир зум бўлиб, олдинда бораётган Дониёрга қичқирди:

– Ҳой, бўшанг йигит, овозингни бир чиқарсанг-чи! Йигитмисан ўзинг?

Дониёр аравасини тўхтатди-да, орқасига қайрилиб:

– Куйлай бер, Жамила, қулоғим сенда, – деб кўйди тортиниб.

– Нима, бошқаларнинг кўшиқ эшитгиси келмайди, деб ўйлайсанми? – деди кесатиб Жамила. – Айтмасанг, айтма, таранг қилишини қара-ю!

Шундан сўнг у «сен айтмасанг мен айтаман» дегандек, Дониёрга ўчакишиб яна ашулани олди. Унинг нима учун Дониёрни ашула айт, деб қистаганини билолмадим. Гапга солмоқчи бўлдимикин? Шундай бўлса керак, чунки бир оздан кейин Жамила яна илтимос қила бошлади:

– Ҳой, Дониёр, умрингда бировни севганмисан? – деди-ю, нима учундир кулиб юборди.

Дониёр жавоб қайтармади, Жамила ҳам чурқ этмай қолди. Дара ичига бир нафас жимлик чўкди. Фақат ғилдиракларнинг дукур-дукур овози, отларнинг пишқиргани эшитиларди, холос.

«Жуда одамини топиб сўрадинг-да», – деб кулиб кўйдим мен.

Йўлни кесиб ўтиб, шарқираб оқаётган сойга етганимизда, Дониёр аравани секинроқ ҳайдаб, от тақаларининг кечувдаги кумушдек ярақлаган тошларга тегиб шақиллашига диққат билан қулоқ сола бошлади. Сўнгра «чух» деб отларга бир қамчи урди-да, бирдан титроқ овоз билан:

*Эҳ, Олатоғ, Олатоғ,
Ота-бобом ўсган ер!*

деб куйлаб юборди. Бироқ у яна тўхтаб, йўталиб қўйди, лекин кейинги икки мисрани юракдан чиқа-риб завқ билан айтди:

Эй, Олатоғ, Олатоғ,

Оқ булут қалқиб кўчган ер!

Дониёр нимадандир чўчигандек яна жим бўлиб қолди. Киши деган уялмаса-да, нима энди, шу ҳам ашула айтиш бўлдим, бундан кўра, айтмагани тузук эди. Худо билади, юзи олов бўлиб ёниб кетгандир. Негадир унинг учун ўзим ҳам мулзам бўлдим.

Лекин Дониёрнинг шу бир оғиз куйлашида ҳам қандайдир бир жозиба, нафосат борлиги аниқ сезилиб турарди. Ҳа, овози ҳам яхши эди.

«Қойилман!» – деб қўйдим ичимда ҳайратланиб. Жамила ҳам кичкириб юборди:

– Ие, дурустсан-ку, илгари қаерда юрган эдинг? Қани айт, яхшилаб айт!

Дониёр миқ этмай келаверди. Олдимизда дарадан водийга чиқадиган жой оқариб кўринарди, ўша томондан шабада эсарди. Дониёрнинг ҳали бошлаган куйини яна давом эттиришини сабрсизлик билан кутардим. Дониёр яна куйлай бошлади, мен ўзимда йўқ қувониб кетдим.

Дониёр аввалига тортиниб-тортиниб секин куйлай бошлади. Аммо бора-бора овозини баралла қўйиб, эркин айта бошлади, унинг ашуласи дарада қўнғироқдек янграб, узоқ-узоқлардаги қояларда акс садо берди. Дониёрнинг қўнғироқдек овозигина эмас, балки куйнинг оҳанграболиги, жўшқин ҳис-туйғуларга бойлиги ҳам кишини мафтун этарди. Бунинг нималигини ақлимга сиғдира олмай лол бўлиб қолдим. Бу ашулачининг овозими ё бўлмаса юракдан қайнаб чиқаётган бошқа бир нарсами? Киши қалбининг энг нозик торларини чертиб, унда эзгу ниятлар уйғотаётган бу нима ўзи? Ростини айтсам, бу саволга ҳозир ҳам жавоб бера олмайман.

Қани энди, қўлимдан келса-ю, буларнинг ҳаммасини қоғозга битиб ўтирмай, иложи бўлса ўша ажойиб куйнинг ўзгинасини яратиб берсам.

Унда деярли сўз йўқ, лекин бу куй сўзсиз ҳам самимий, соф ниятли қалб эгасининг бутун қувончи, умид-орзулари ва тилакларини ифодалаб берарди. Мен умрим бино бўлиб бундай куйни эшитган эмасман. У қирғизчага ҳам, қозоқчага ҳам ўхшамасди, бироқ бу куйга азалдан бир-бирига қондош-жондош бўлган қирғиз билан қозоқ халқининг куйларидаги энг нафис, энг дилрабо оҳанглар сингдирилгандек бўлиб туюларди. Бу куй гоҳ қирғиз тоғларидек баланд-баландларга парвоз қилса, гоҳ поёни йўқ қозоқ далаларидек узоқ-узоқларга тараларди. «Ё тавба, Дониёрни шунчалик ашулачи деб ким ўйлаган эди», – дердим мен ўзимга-ўзим.

Дарани босиб ўтиб кенг далага чиққанимиздан кейин, Дониёрнинг ашуласи қанот ёзиб, яна ҳам кучлироқ янгради. Бу дилрабо куй бир-бирига уланиб, бир-бири билан алмашилиб борарди. Бугун Дониёрга нима бўлди, тинчликми ўзи, ҳеч нарса тушуна олмасдим. Гўё у шу кунни, шу дамни кўпдан бери орзиқиб кутгандек, қалбидаги бутун сир-асрорини тўкиб солди.

Дониёрнинг нима учун меров одамдай элга кулги бўлиб юрганини, нима учун кечқурунлари Қоровултепага чиқиб олиб ёлғиз ўйга чўмиб ўтирганини, нима учун киши илғамас товушларга қулоқ осганида қошлари чимирилиб, кўзлари қувончга тўлганини энди бир қадар тушуна бошлаган эдим. У– қалбида юксак инсоний муҳаббат туғён урган бир инсон эди! Менимча, унинг севгиси бирор кишига ишқи тушиб, ўша одамга ато қилинган севги эмас, балки инсонни яратиб, уни камолга етказган кенг оламга, ёруғ дунёга бўлган чексиз, жўшқин севги эди! Ҳа, у бу севгини ўз қалбида ардоқлаб сақлаган, ана шу севги билан яшаган эди.

Агар у шундай юксак қалб эгаси бўлмайд, диди паст, юраги муз бир киши бўлганда эди, табиат уни қанчалик истеъдодли қилиб яратган бўлмасин, бари бир у бунчалик куйлай олмас эди.

Дониёрнинг куйи тунги дашт устида яна жўш уриб, мудроқ далани уйғотаётгандек бўларди. Кенг, бепоён дала ўзи яратиб, ўзи ардоқлаб ўстирган кадрдон куйчисининг ашуласига жим қулоқ солади. Буғдойзор ойдинда денгиз каби чайқалар ва мўл ҳосилдан дарак бериб, ўз

ўроқчиларини кутарди. Йўл четида жойлашган эски тегирмон атрофидаги мирзатеракларнинг япроқлари ҳам нималарнидир шивирлашарди. Сойнинг нариги томонида, узоқ-узоқларда хирмончилар ўт ёқишиб, гўжа пиширмоқдалар. Хув ана, кимдир аллақандай иш билан қишлоққа шошиб кетмоқда. Олдинда қишлоқ боғи кўринар, шабада ғарқ пишган олмаларнинг, айни гуллаган маккажўхориларнинг ёқимли ҳидларини ҳовлиларда ёйилган тезакларнинг ҳидига аралаштириб димоққа келтириб урарди.

Дониёр яна анча вақтгача куйлаб келди. Август тунининг ашуласига маҳлиё бўлгандек жим қулоқ соларди. Ҳатто отлар ҳам гўё мароқли куйни бузишдан кўрққандек юришини секинлаштирганди. Кишига чексиз ором бахш этиб, завқ-шавқ билан куйлаб келаётган Дониёр айни авжига чиққанида, бирдан жим бўлиб, отларни чоптириб кетди. Ўзимча, Жамила яна унинг орқасидан эргашса керак, деб ўйлаб, мен ҳам ҳозирланиб турдим, бироқ Жамила бошини куйи солганча чуқур хаёлга чўмиб, кимир этмай ўтирарди. У ҳавода учиб юрган ашула садоларига ҳамон қулоқ солаётгандек эди.

Дониёр шу бўйи тўхтамай, бир оздан сўнг кўздан ғойиб бўлди. Биз то овулга етгунча оғиз очмадик. Баъзида киши ўз дардини сўз билан ифодалашга ожиз бўлиб қолади.

Шу кундан бошлаб, ҳаётимизда қандайдир бир ўзгариш юз бергандек бўлди. Энди кўнглим аллақандай яхши нарсаларни кўмсаб, юрагим ғалати хис-ҳаяжонларга тўлиб, ўзимдан-ўзим хурсанд бўлиб юрдим. Эрталаб хирмондан жўнаб, станцияга келиб, ғаллани топшириб бўлгач, Дониёрнинг сеҳрли ашуласини қачон эшитаркинмиз, деб кетишга шошилар, ўша дамни сабрсизлик билан кутар эдик.

Унинг ашуласи юрак-юрагимга сингиб, қаерга бормай, қаерда турмай, қулоғим тагида жаранглаётгандек бўларди.

Тонг саҳарда туриб, ялангоёқ, ялангбош шабнам тушган бедазор орқали ўтлоқдаги тушовланган отларнинг олдига бораётганимда ҳам бу куй

менга ҳамроҳ бўларди. Тоғ орқасидан мўралаб кўтарилган қуёш худди менинг қувончимга шерик бўлгандек жилмайиб нур сочарди.

Кекса хирмончиларнинг паншахаларидан олтин доналари каби сачраб тушаётган буғдой доналарининг майин шилдирашида ҳам, кўкда парвоз қилиб юрган ёлғиз калхатнинг қанот қоқишида ҳам, хуллас, кўриб, уқиб, сезиб юрган нарсаларимнинг ҳаммасидан Дониёрнинг куйи эшитилаётгандек бўларди.

Кечқурун дарада арава ҳайдаб бораётганимизда мен ўзимни худди бошқа бир оламга кириб бораётгандек ҳис қилардим. Кўзларимни юмиб Дониёрнинг ашуласига қулоқ солар эканман, она сути билан қонимга сингиб, бир қаричлигимдан таниш бўлган манзаралар кўз ўнгимдан бирма-бир ўта бошларди. Гоҳ овулнинг зумрад осмонидан паға-паға булутлар сузиб ўтишар, гоҳ ўтлаб юрган йилқилар уюри дукурлашиб, кишнашиб яйловда чопиб қолишар, қулунлар кокилларини ўйнатиб қоп-қора кўзларини жовдиратганларича оналарини қидиришиб қолар, гоҳ сурув-сурув қўйлар тепаликларда ўтлаб юришар, гоҳ қоялардан оқиб тушаётган шалола ойнадек ярқираб кўзларни қамаштирар, денгиздек мавжланиб ётган камишзорлар орасига чўкиб бораётган қуёшни лоларанг уфқ сари йўртиб бораётган ёлғиз отлик мана ҳозир қўли билан ушлаб оладигандек бўлиб туюларди, кейин ўзи ҳам қуёш билан бирга буталар орасига кириб ғойиб бўларди.

Ў, жонажон, бепоён далам! Қозоқ жондошимнинг ери билан пайванд бўлган азамат далам. Мана, тоғларимизни икки ёққа айириб ташлаб, қамиш ва шувоқларга кўмилиб, буюк бир денгиздек чайқалиб ётасан. Нималарга кодир эканлигингни ким билади сенинг! Қароғим, сиртингдан қараса қимирлаган жон йўқдек бўзариб ётганинг-ётган. Аммо кечагина қон-кардошларинг униб-ўсган бағрингда уруш бошланиб, душманлар ўлкамизга чанг солганда, кучоғингдаги гиёҳлар ёниб, довжурок чавандозларинг душман устига шердек ташланганда, мусаффо осмонингни иссиқ чанг қоплади, ер-

кўк ларзага келди. ўшанда қирғокнинг нариги бетидан от ўйнатиб келган козоқ хабарчиси:

– Отлан, қирғиз, отлан! Ёв келди! – деб саратон қуюни ичида яна каёққадир отини елдек учириб кетди.

Ўшанда кенг далам, дарёларим, тоғларим ларзага келиб, ўз элини отга мингизди. Йигитлар жангга отланганда осмону-замин титраб, ёвни махв этишга чорлаб бонг урилди. Минглаб узангилар бир-бирига тегиб шақирлашиб, сон-саноксиз чавандозларнинг кўзларидан қахр ва ғазаб ўти чакнаб, эл билан, юрт билан хўшлашди. Уларнинг олдида қизил байроқлар хилпираб, орқада отларнинг туёғидан чиққан чанг орасида оналар ва жувонлар: «Кенг даламиз мададкор бўлсин! Хосиятли она-Ер мадад берсин! Буюк Манаснинг руҳи ёр бўлсин!» – деб бўзлаб қолишди.

Сенга жоним фидо, эй муқаддас далам, тоғларим! Элимга шу куч-қудратни сен ўзинг бердинг.

Мана шуларнинг барисини Дониёр куйга солиб, кўз ўнгимда ёрқин гавдалантириб, сермазмун кенг оламнинг бутун зеб-зийнاتини, кўркини очиб кўрсатди. «Ёпирай, буларнинг барини у каердан ўрганди экан», деб хайрон бўламан. Ўзимча, чет ерларда кўп йиллар сарсон-саргардон бўлиб, ўз эл-юртини кўриш иштиёқи билан яшаган, шу қувончли дами интизорлик билан кутган одамгина ўз она тупроғига шунчалик меҳр кўйиши, уни шу қадар сева олиши мумкин, деган фикрга келдим. Дониёрнинг бу куйларини тинглар эканман, унинг бошпана излаб ўтказган машаққатли етимлик йилларини ҳам, қонли жанг майдонларида босиб ўтган йўлларини ҳам кўз олдимга келтирар эдим. Эҳтимол, унинг она Ватан ҳақидаги жўшқин куйлари ўшанда туғилгандир. Дониёрнинг ашулаларини тинглаб ўтириб, инсон боласи ўз она тупроғини шунчалик сева олганлиги учун ҳам, тиз чўкиб, ўша тупроқни худди ўз онангдек кучоқлаб ўпгинг келади. Ана шунда, биринчи марта юрагимда қандайдир янги бир ҳис уйғониб, қалбимни ўртаб, қани энди ўша ернинг муқаддаслигини, унинг кўркини Дониёрчалик сеза билсам, сева билсам, унинг мадҳиясини

Дониёрчалик тараннум қилолсам, деган бир ҳавас уйғонганигини сездим. Ниманидир орзиқиб кутардим, лекин нималигини ўзим ҳам билмасдим. Бунга ҳам хурсанд, ҳам хуноб бўлардим. ўшанда менда рассомлик санъатининг илк куртаклари пайдо бўлганини, келажакда ҳаётни бўёқлар, суратлар орқали тасвирлашга ҳавас уйғонаётганини билмаган эканман.

Мен болалигимдан сурат солишни яхши кўрардим, болалар ўқиш китобларидан кўчириб солган расмларимни кўришиб: «Вой, худди ўзи-я!» – дейишарди. Муаллимларимиз ҳам мактаб деворий газетасини менга топширишар эди. Лекин кейинчалик сурат солишни бир чеккага йиғиштириб қўйишга тўғри келди. Уруш бошланиб, акаларим ҳарбийга кетгач, мен ўқишни ташлаб, ўз тенгқурларим қатори далада ишлай бошладим, ўша вақтларда сурат солмоқ кимнинг ҳам эсига келарди дейсиз. Келажакда рассом бўламан, деган ўйим йўқ эди, аммо Дониёрнинг куйлари мени ҳаяжонлантириб, ҳаётнинг бутун гўзаллигини сезишга илҳомлантирди...

Мен ўнгимда эмас, гўё тушдагидек бу тотли хаёлга берилиб, худди дунёга янги келиб, кўзим энди очилгандек атрофга суқланиб қарардим. Менинг учун бу жуда катта турмуш сабоғи эди.

Жамиланинг ўзгариб кетганини айтмайсизми! Олдинги шўх, ҳазилкаш, гапга чечан келиндан гўё асар ҳам қолмагандек эди. Унинг ўйноқи ўткир кўзлари энди гўё булутли кундаги қуёш сингари негадир ғамгин боқарди. Йўлда кетиб бораётганимизда Жамила доимо чуқур ўйга толар, лабларида билинар-билинемас табассум ўйнаб, у фақат ўзигагина маълум бўлган аллақандай латиף бир нарсдан хузур қилаётгандек, ундан суюнаётгандек туюларди. Баъзан эса, аксинча, хаёлини бир нарса бузгандек, қопни аравадан елкасига силкиб олиб, шу турганича қотиб қоларди. У шу туришида гўё қутуриб оқаётган сувга дуч келиб, уни кечиб ўтишини ҳам, ўтмаслигини ҳам билмай лол бўлиб турган одамга ўхшарди. Дониёрга эса у нима учундир яқин йўламай, унинг кўзига тушишдан қочиб, четлаб юрди. Жамила ўзини уни аввалгидек назарига илмаётгандек қилиб кўрсатишга

қанчалик уринмасин, охири бир куни сабри чидамай хирмонда Дониёрга гап отди.

– Устингдан кўйлагингни ечсанг бўларди. Ювиб берардим.

Кўйлакни сойга олиб бориб ювди-да, куритиш учун ёзиб кўйиб, буришган жойларини текислаган бўлиб, уни анча вақтгача меҳр билан силади. Кўйлакнинг тўзиган жойларини куёшга тутиб маънос тикилар, нимадандир койингандек бошини чайқаб кўярди.

Кейинги кунларда Жамила бир оз очилиб, қаҳ-қаҳ уриб куладиган, хазил-хузул қиладиган бўлди. Бир куни беда ўроғидан келишаётган бир тўп қиз-жувонлар билан йигитлар хирмонга бурилишди. Ораларидаги харбийдан қайтиб келган йигитлар:

– Ҳой қизлар, буғдой нонни ўзларинг еяверасизларми, қани, бизнинг улушимизни беринглар, бўлмаса ҳаммангни сувга пишамиз! – дейишди хазиллашиб ва паншахаларини ўқталишди.

– Бизларни паншахалар билан кўрқитолмайсизлар. Мана бу қиз-жувонларни нима билан меҳмон қилишни ўзим биламан, сизлар туёқларингни шиқиллатиб қолинглар, – деди Жамила ўрнидан сапчиб туриб.

Йигитларнинг хафсаласи пир бўлди, шекилли:

– Ундай бўлса, қиз-жувонинг билан барингни кўшиб сувга пишамиз, – дейишди баттар ўчакишиб.

Шу заҳотиёқ тапир-тупур олиша кетган ёшлар шовқин-сурон кўтаришиб, бир-бирини сувга итара бошлашди.

– Ушла, кўйиб юборма! – деб қичқирарди Жамила, ҳеч кимга бўш келмай, усталик билан чап бериб. Йигитлар ҳам шунча қиз-жувоннинг ичида фақат Жамилани кўзлари кўргандек, нима учундир, ҳаммаси ҳам унга ёпишар, тортқилашар, ҳар бири уни қучоқлаб бағрига босишга ҳаракат қиларди. Мана, уч йигит биргаллашиб Жамилани ерга йиқитишди-да, оёқ-кўлидан кўтариб, сув бўйига олиб боришди.

– Ҳозир ҳаммамизни ўпасан, бўлмаса, сувга ташлаймиз! Қани, бўл тез! – дейишиб хохлаб кулишган йигитлар уни энкайтира бошладилар.

– Қўйманглар, йигитлар, бўш келманглар!

Ичаги узилиб кулган Жамила балиқдек сирғаниб, кўлдан чиқиб кетар, хотинларни ёрдамга чақириб қичқирар, лекин улар қий-чув кўтаришиб, ўзларининг сувда оқиб бораётган рўмолларини ушлаш билан овора эдилар. Йигитлар хохлашиб Жамилани сувга отиб юборишди, осмонга сачраган сув томчилари худди кумуш доналаридек товланар эди. Ҳали ҳам кулгидан ўзини тўхтата олмаган Жамила сувдан чиқиб келар экан, унинг тўзғиган ҳўл сочи яна ҳам чиройига чирой қўшиб юборган эди. Чит кўйлаги баданига ёпишиб, сийнаси олмадай диркиллаб турарди. Жамила бўлса парвойифалак, кикир-қикир кулар, уст-бошидан сирқиб тушаётган сувни ҳам пайқамасди.

– Ўп, дарров ўп! – деб қисташарди йигитлар!

Жамила уларни ўпар, йигитлар уни яна сувга отишар, у бўлса гўё буни хуш кўргандек, сувдан чиқиб, сочини силкитиб, яна қотиб-қотиб куларди. Ёшларнинг бу қилиғига хирмонда кулмаган одам қолмади. Хирмон совураётган чоллар ҳам ўзларини йигирма беш яшар бўз болалардек хис қилиб, ажин босган юзлари севинчдан порлаб: «Ҳа, ха, бўш келма, ушла! Этагидан торт!» – деб кўпкарида улоқ тортишгандек завқ-шавқ билан қичқирар, шарақлаб кулишарди. Мен ҳам ўзимни тўхтата олмай қотиб-қотиб кулардим. Бу сафар янгамни кўриқлаш эсимга ҳам келмабди. Биргина Дониёр индамай, ковоғини солиб ўтирарди. Унга кўзим тушиши билан мен ҳам жим бўлдим. У хирмоннинг бир чеккасида ёлғиз ўзи ўтирган экан. Дониёр йигитларга еб кўйгудек ўқрайиб қарар, важоҳатидан гўё ҳозир югуриб бориб Жамилани уларнинг кўлидан ажратиб оладигандек эди. Юзига тик боқишга ботинолмай, фариштадек пок деб билган Жамилани йигитларнинг қучоқлаб ўпиши, тортқилашиб ўйнаганлари Дониёрнинг кўнглига жуда қаттиқ ботди. Унинг бутун фикри зикри, эс-хуши Жамиланинг ҳусни жамолида эди. Дониёр йигитлардан қанчалик қизганмасин, хандон отиб кулаётган Жамиладан кўзини олмай, унинг бу

қилиғига ҳам койиниб, ҳам марокланиб, хўмрайган қовоклари остидан мулойим боқиб, тишини тишига қўйиб ўтирди. Йигитлар Жамилага ҳар томондан ёпишиб, бетларини ўптирганларида Дониёр қути ўчиб, туриб кетмоқчи бўлар, лекин оёқлари итоат қилмаётгандек қимир этолмасди. Бир вақт Жамила унинг қараб турганини пайқади шекилли, қаноти қайрилгандек бўшашиб хиралик қилаверган йигитларни силтаб ташлади.

– Етар, ҳазилнинг таги зил бўлмасин тагин!

– Ие, сенга нима бўлди, – деб кимдир хохолаб кулиб, уни яна кучоқламоқчи бўлган эди, Жамила унинг кўкрагидан итариб юборди:

– Нима ишинг бор? Нар итур!

Кейин Дониёрга ялт этиб бир қаради-да, кўйлагини сиққани буталар орасига кириб кетди.

Дониёр билан Жамила ўртасидаги муносабатнинг қандай оқибатларга олиб келишини ўшанда мен билмаган эдим. Ростини айтсам, бу ҳақда чуқурроқ ўйлашга кўрқиб, кўпинча ўзимни бошқа нарсаларга алаҳситишга ҳаракат қилардим. Лекин Жамиланинг Дониёрдан четлаб юргани ва бунга ўзи яна ич-ичидан куйингани негадир кўнглимни ғаш қилар эди. Бундан кўра илгаригидек ҳазиллашиб юраверса бўлмасмиди? Ўзим шундай дейману, бироқ кечалари овулга қайтаётганимизда Дониёрнинг ашуласини эшитарканман, уларни ўйлаб, қалбим қувончга тўлиб-тошар, ҳалиги ғамгин ўй-фикрлар хаёлимдан кўтарилиб, дунёнинг бутун лаззати шу ашулада деб билардим. Дарадан ўтиб, дарё бўйига чиққанимизда Жамила аравадан тушиб, пиёда юрарди. Мен ҳам аравадан тушиб юрардим, яёв юриб, мириқиб куй тинглаганга нима етсин! Бундай пайтда йўлдаги чанг-тўзонлар орасида эмас, худди осмонда, булутлар қўйнида кетиб бораётгандек бўласан киши! Аввал янгам иккаламиз араваларимиз ёнида борамиз, сўнгра аста-секин беихтиёр Дониёрга ён-дашиб қолганимизни ўзимиз ҳам сезмай қоламиз. Қандайдир сеҳрли бир куч бизни Дониёр сари етакларди. Қоронғида унинг юз ифодасини, кўз қарашини кўришни истардик, наҳотки шу қадар юрак билан куйлаётган киши ўша ўзимизнинг камгап, одамови

Дониёр бўлса! Юраги талпиниб, куйдан ором олган Жамила ҳар доим унга яқинлаб борганида Дониёр томон секин кўл чўзганини ўзи ҳам сезмай қоларди. Лекин завқ-шавқ билан куйлаётган Дониёр буни пайқамас эди. Унинг ўй-хаёли қаерлардадир, осмонда кезиб юргандек узоқ-узоқларга кўз тикиб, кўлларини кўксига қовуштирганча, куй оҳангига чайқалиб ўтирарди. Жамиланинг қўли шилқ этиб тушиб, арава четига текканда худди хушига келгандек кўлини тортиб олар ва йўл ўртасида серрайиб туриб қоларди. Жамила хангу-манг бўлиб, анчагача Дониёрга мўлтайиб қараб турар, кейин яна қадам ташларди.

Баъзан менга янгам икковимизни ҳам бир хил, аллақандай ажиб ҳис-туйғу ҳаяжонга солаётгандек бўлиб туюларди. Эҳтимол, бу ҳис-туйғулар икковимизнинг ҳам қалбимизда кўпдан буён яшириниб ётиб, энди вақт-соати келиб туғён ураётгандир.

Жамила иш билан алаҳсираб, унча сир бой бермасликка ҳаракат қиларди. Лекин хирмонда қолиб, кўли ишдан бўшади дегунча, Жамила ўтиргани жой тополмай каловланиб қоларди. Бекорчиликдан нима қиларини билмаган одамдек шу ўртада айланиб юрар, сўнгра хирмон совураётганларнинг ёнига борар, уларга ёрдамлашмоқчи бўлиб, уч-тўрт курак ғалла ташларди-да, кейин бирдан куракни четга ирғитиб, сомон ғарами олдига кетарди. У дам олмоқчи бўлгандек ғарам соясига ўтирарди-

ю, гўё якка-ёлғиз ўтиришдан кўркқандек мени чақирарди:

– Бу ёққа кел, кичкина бола!

Мен, янгам ҳозир менга бутун сир-асрорини очиб, юрагидаги дардини айтса керак, деб кутардим. Лекин у ҳеч нарса айтмас, эркалатиб бошимни ўз тиззасига



кўярди-да, ўзи олис-олисларга узоқ тикилганча қалтираган иссиқ кафтлари билан сочимни, юзимни секин-секин силарди. Мен янгамнинг ташвишли, ғамгин чехрасига қарар эканман, негандир ўзимни унга ўхшатардим. Чунки

унинг ҳам қалбини аллақандай бир хиссиёт ўртаётганини, унинг ҳам юрагида янги умид-орзулар уйғона бошлаганини сезиб қолгандим. Назаримда, Жамила бу оташин ҳисни қалбидан чиқариб ташлашга уринаётгандек бўларди. Бироқ ўз севгисини тарк этолмай, унинг барча заҳматларига чидашга мажбур бўларди. Мен ҳам бунга ўхшаб, бир кўнглим Жамила Дониёрни севса яхши бўларди, деса, бир кўнглим, севмагани яхши, дерди. Ахир, минг қилса ҳам келинимиз-ку, акамнинг хотини-ку. Уни бировга қандай раво кўрай. Бироқ бу хил фикрларни дарров хаёлимдан чиқариб ташлашга ҳаракат қилардим. Жамиланинг тиззасига бош қўйиб ётиб, унинг сал очилган ғунча лабларига, ёш тўла шахло кўзларига термилиб қараш менга дунё-дунё роҳат бағишлар эди. Жамила ўшанда нақадар гўзал, нақадар латофатли эди. Қалбининг нақадар пок, беғуборлиги, ўй-хаёлларининг нақадар теран, ёрқин эканлиги унинг нур ёгилиб турган чехрасидан кўриниб турарди. Ўша кезларда мен шуларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб юрган бўлсам ҳам, аммо туб моҳиятига унча тушуниб етмаган эдим. Лекин ҳозир орадан қанча вақтлар ўтиб кетгандан кейин ўша воқеаларни эслаб, кўпинча ўзимга-ўзим савол бераман: балки севги деган нарса – инсон ҳар томонлама камолотга етиб, ақл-идроқи тўлгандан кейин пайдо бўладиган бир туйғумикин? Бу ҳам шоир ёки рассом илҳомига ўхшаб инсонга куч-қудрат бағишлаб, янги орзу-умидлар, истиқбол сари етакловчи бир куч эмасмикин? Эҳтимол, ошиқликнинг бутун сири ҳам шундадир. Жамиланинг юзига қараб, баъзи пайтларда ўзим ҳам хис-ҳаяжонларига шерик бўлгандек, қандайдир сирли бир нарса юрагимга қувонч бағишлагандек бўлар эди. Ўрнимдан сапчиб туриб, югургим келар, овул четидаги кенг далага чиқиб юрагимга ғулғула солаётган ташвиш билан қувончнинг сири нимадалигини ер ва самодан қичқириб сўрагим келарди. Бир кун мен бу саволимга жавоб топгандек бўлдим.

Кунлардан бирида биз станциядан овулга қайтиб келаётган эдик. Қош қорайиб қолганди. Кўкда юлдузлар жимирларди, атроф жимжит, бу сукунатни Дониёрнинг водий бўйлаб янграган ашуласигина бузарди.

Жамила икковимиз унинг орқасидан борардик. Дониёрнинг ашуласи бу сафар негадир ёлғизлик дард-аламларини ифода қилгандек жуда мунгли эшитилиб, киши қалбини поралар эди. Кўзимга қайноқ ёш келиб, томоғимга бир нарса тикилгандек бўлди. Жамила бу сафар қўлларини Дониёр томон узатиб, унга яқин борди-да, аравага суяниб, бошини қуйи солганича индамай кетаверди. Дониёрнинг овози тобора кучайиб, тунги даштда янгидан тўлқинлана бошлаганда, Жамила қаддини ростлаганча аравага сакраб чиқиб олди. У Дониёр билан ёнма-ён ўтирди-да, қимирлашдан кўркқандек, қўлини кўксига қовуштирганча қотиб қолди. Қани, бу ёғи нима бўларкин, дегандек, мен ҳам улардан кўзимни узганим йўқ. Жамиланинг чиқиб ўтирганини Дониёр пайкамади шекилли, унга қарамай куйлайверди. Бир оздан сўнг Жамила қўлларини аста-секин Дониёрнинг елкасига ташлади-да, унга суяниб, бошини елкасига қўйди. Шунда Дониёрнинг товуши бир зум титради-ю, кейин яна ҳам кучайиб, кўнғирокдек янгради. У севги ҳақида куйларди.



Тонг отиб, гуллаган водий юзидан қора парда кўтарилганда, мен ўша кенг дала ўртасида севишган икки ёшни кўрдим.

Улар менга ҳеч назар солмасалар ҳам, кўз остидан қараб, сеҳрлангандек эргашиб борардим. Севишганлар мен билан иши бўлмай, фақат менигина эмас, балки бутун борлиқни ҳам унутиб юборгандек, жонга ором берувчи куй оқимида чайқалиб, бир-бирига термилишиб секин боришарди. Назаримда, Дониёр билан Жамила бутунлай бошқача бўлиб қолгандек эди.

Булар мен илгари кўрмаган-билмаган қандайдир янги, бахти кулиб боққан кишилар эди.

Ҳа, уларнинг бири, кўзи қоронғида ўтдек ёниб, эски кўйлагининг ёқасини очиб юбориб, дала-даштга янгроқ куй таратиб бораётган Дониёр эди.

Ҳа, иккинчиси, Донёрга эрқаланиб жимгина ўтирган менинг янгам Жамила эди! Унинг киприкларида севинч ёшлари милтирар, юзида бахт нури порлар эди.

Чинакам бахт шу эмасми? Дониёр ўзидаги она Ватанга, ёруғ дунёга бўлган оташин, юксак меҳр-муҳаббатини ҳам, ана шу улуғ севги туғдирган дилрабо куйни ҳам Жамилага тортиқ этди. У Жамила учун, Жамила ҳақида куйларди. Ахир бахт дегани шу эмасми?! Уларга юрагимдан бахт-саодат тиладим. Дониёрнинг куйлари мени яна ҳаяжонга солди-да, бирдан, кутилмаганда миямга ғалати бир фикр келди: «Мен уларнинг суратини чизаман!» – дедим ўзимча ва гўё нодир бир нарса топиб олгандай ўзимда йўқ суюниб кетдим. Лекин шу заҳоти ўз фикримдан ўзим чўчиб кетдим: «Бу иш менинг қўлимдан келармикин, эплай олармикинман?» Лекин орзу-истак кўрқувдан кучли келди. «Ҳа, мен уларнинг суратини албатта чизаман, мен уларни худди ҳозиргидек бахтиёр қилиб тасвирлайман!» дердим.

Мен шундай ширин орзу-хаёллар оғушида маст бўлиб, атрофга назар ташлар эканман, август туни кўзимга яна ҳам гўзал кўриниб, дала гуллаб-яшнаётгандек бўлиб туюларди. Орзу-ниятимга худди ҳозир етадигандек бўлардим. Лекин энди билсам, ўшанда жуда ғўр, ёш бола эканман, келажакда қанчадан-қанча қийинчиликларга дуч келишимни билмаган эканман. Мен ўзимга, она Ерни Дониёр кўзи билан кўра билиш, Дониёр қалби билан сева билиш керак, дердим. Мен унинг ажойиб ашулаларини бўёқлар ёрдамида ҳикоя қилиб бераман. Менда ҳам ўша тоғлар, далалар, майсазорлар, булутлар, дараларнинг жонли тасвири берилади. Бунинг учун жуда катта маҳорат кераклигини ўйламай, «бўёқларни қаердан олсам экан, мактабдан сўрасам беришмас, ахир ўзларига керак-ку!» – деб ташвишланиб юрардим. Энди билсам, ўшанда чучварани хом санаб, болалик қилиб юрган эканман.

Дониёрнинг ашуласи нима учундир бирдан узилиб қолди. Бундай қарасам, Жамила Дониёрни маҳкам қучоқлаб, уни бағрига босиб олган экан. Бироқ, шу заҳотиёқ нимадандир чўчигандек тисарилиб, аравадан сакраб

тушди. Дониёр шошиб қолганидан тизгинни тортиб аравани тўхтатди. Жамила тескари қараганича йўлнинг қоқ ўртасида серрайиб туриб қолди, сўнг бошини шартта бурди-да, йиғи аралаш:

– Нега қарайсан? Менда ниманг бор? Қарама менга, аравангни хайда, жўна! – деди-да, орқада қолган араваси томон кетди. Мен лол бўлиб, оғзимни очиб қолган эканман, янгам мени ҳам койиб берди:

– Хўш, сен-чи, сен нега анграйиб турибсан, аравангга мин! Бошимга битган бало бўлдиларинг-да!

«Қизиқ, унга нима бўлди, чап ёнидан турган-ми», деб ўйлардим йўл-йўлакай. Албатта, чуқурроқ ўйлаган одам Жамиланинг ростдан ҳам изтироб чекаётганини изоҳсиз ҳам тушунар эди: кўз очиб кўрган эри Саратов госпиталларидан бирида ётса, яқинда қайтиб бораман, деса, ахир бу осон гапми? Мен ҳеч нарса тўғрисида ўйлагим келмасди. Мен ўзимдан ҳам, Жамиладан ҳам хафа бўлдим, агар Дониёрнинг бундан кейин ашула айтмаслигини, унинг овозини бошқа эшитмаслигимни аниқ билсам, Жамиладан бутун вужудим билан нафратланган бўлардим.

Ҳозир ўлгудек чарчаб, кўнглим негадир ғаш бўлиб, тезроқ хирмонга етиб, сомонга чўзилсам дердим. Арава тинмай силкиниб, тинкани қуритар, тизгин кўлимдан чиқиб-чиқиб кетарди. Хирмонга етиб келганимизда бир амаллаб отларнинг хомутларини ечдимда, уларни араванинг тагига ташлаб, кейин сомон ғарами устига бориб чўзилдим. Ўша кеча отларни Дониёр тушовлабди.

Лекин эрталаб жуда хурсанд бўлиб турдим, кўнглим мусаффо тонг сингари равшан, қувончга тўла эди. Ҳа, мен Жамила билан Дониёрнинг суратини чизаман. Лекин «ўхшата олармикинман?» деган гумон бутун миямни чулғаб олган эди. Кўзимни юмиб, уларни қандай тасвир қилмоқчи бўлсам, ана ўшандай тасаввур этдим. Ўрнимдан ирғиб турдим-да, каттакон сой бўйига тушиб, кўл-бетимни ювдим. Кейин ўтлоққа тушовланган отларни кўздан кечирдим. Эрталаб шудринг тушган муздек беда оёқларимни савалаб, тиззамгача шилта хўл қилганди. Лекин мен буни

писанд қилмай, олдинга чошиб борар, теварак-атрофдаги ҳар бир нарсани синчиклаб кўздан кечирар, ёдимда сақлаб қолишга уринар эдим. Мана, қуёш тоғ орқасидан кўтарилиб келар, ариқ бўйидаги ёлғиз кунгабоқар эса унга томон бўй чўзарди. Уни какралар ўраб олган, бироқ кунгабоқар бўш келмай кўкка интилар, сариқ гулли бошларини мағрур кўтариб, қуёш нурини шимирарди. Мана, ариқнинг арава ўтган жойидан – ғилдираклар изидан сув жимирлаб оқмоқда. Сув ўртасида кўкариб турган бинафшаранг ялпиздан атрофга муаттар ҳид тараларди.

«Қани энди рассом бўлсаму мусаффо гўзал тонгни, кўк билан ўпишган азамат тоғларни, шудринг қўнган кўм-кўк бедазорни, ариқ бўйидаги бир туп кунгабоқарни сурагга солсам!»

Бироқ хирмонга келишим билан бу ширин хаёлларимдан асар ҳам қолмай, кўнглим ғаш бўлди. Афтидан, Жамила ўтган кечаси ухламай чиққан бўлса керак, кўзлари киртайиб, қовоғидан қор ёғиб турарди. Менга у ҳеч нарса демади, қайрилиб қарамади ҳам. Хирмонга бригадир Ўрозмат келиб, энди отидан тушаётганида, Жамила унинг ёнига борди-да, салом-алик ҳам қилмай, томдан тараша тушгандек гапириб қолди!

– Аравангизни олинг! Қаёққа юборсаларинг ҳам майли, лекин станцияга ғалла ташимайман!

– Ие, сенга нима бўлди, Жамилахон, жин тегдими? – деди Ўрозмат ҳазиллашиб.

– Жин теккани йўғ-у, лекин бормайман дедим-ми, бормайман.

Ўрозматнинг жаҳли чиқди:

– Бу гапингни қўй, ғалла ташийсан, вассалом! – деди у қўлтиқтаёғини ерга дўқ эткизиб уриб. – Агар биров хафа қилган бўлса, айт, мана шу таёғим билан гарданига бир туширай. Бўлмаса, ишингга жўна. Ғалла менга эмас, фронтга керак, эринг ҳам фронтда-ку. – Бригадир жаҳл билан шартта бурилди-да, тез-тез одимлаб кетди.

Жамила ғинг деёлмай, қўлидаги қамчини ўйнатиб, айбдор одамдек, қизарганича туриб қолди. Бериги ёқда турган Дониёрни кўрди-ю, сир бой

бермай, оғир хўрсиниб кўйди. Дониёр ҳамма гапни эшитди-ю, лекин сездирмади. У тескари қараганча хомут ипларини қаттиқ тортиб боғлай бошлади. Жамила ҳам хирмон ўртасида бирпас турди-да, сўнг: «Э, нима бўлса бўлар» дегандек қўл силтаб араваси томон кетди.

Ўша куни биз овулга ҳар кунгидан барвақт қайтдик. Чунки бораётганда ҳам, келаётганда ҳам До-ниёр отларини зовталаб ҳайдаб борди. Жамила ғамгин, гапирмас эди. Мен қақраган бийдай далани кўриб кўзларимга ишонмасдим: ахир куни кеча у худди афсоналарда тасвирлангандек гуллаб-яшнаб турганди-ку... Кечаги ажойиб манзара, Дониёр билан Жамиланинг аравада ёнма-ён ўтирганлари сира кўз ўнгимдан кетмас эди. Гўё ҳаётнинг энг гўзал бир лавҳасини кўлимда ушлаб тургандек бўлардим. Ўша ажиб бир лавҳа бутун фикру ёдимни банд қилган эди. Ўйлаган мақсадимга етмагунимча жоним хотиржамлик топмайдигандек эди. Хирмондаги ҳисобчининг бир варақ қалин қоғозини ўғирлаб олиб, ғарам орқасига яшириниб, ғалла совурадиган курак устига қўйганимда юрагим чиқиб кетаётгандек дукуллаб бўғзимга тикилди. Отам мени биринчи марта от устига мингизгандаги каби «бисмилло!» дедим-да, қаламни қоғозга теккиздим. Ана-мана дегунча Дониёрнинг қиёфасини қоғозга чиза бошладим. Лекин бу ҳали мукамал бўлмаган, шунчаки ўргамчикка чизилган сурат эди. Лекин, Дониёрнинг қомаги ўзига анча ўхшай бошлаганида бошим кўкларга етиб, қаердалигимни, нима иш қилаётганимни ҳам унутиб қўйдим. Ўша август туни, ястаниб ётган бепоён дала қоғоз бетида жилолангандек, Дониёрнинг дилрабо куйи ҳозир ҳам кулоғим остида жаранглаб тургандек бўлди. Кўз ўнгимда аскарча кўйлагининг ёқаси очиқ Дониёр билан унинг елкасига бош қўйган Жамила гавдаланди. Бу менинг умримда биринчи марта чизган мустақил суратим эди! Мана арава, мана ёнма-ён ўтиришган Дониёр билан Жамила, мана бўш ташлаб қўйилган тизгинлар, мана қоронғида сағриси зўрға кўриниб йўртиб бора-ётган отлар, ундан нарида бийдай дала, узоқ-узоқларда юлдузлар

милтиллайди... Ишга шунчалик берилиб кетибманки, кимнингдир тепамга келиб жаҳл билан қичқирганидан ҳушимга келдим. Қарасам, Жамила экан:

– Нима бало, кар бўлиб қолдингми?

У мени излаб юрган экан, шошганимдан суратимни беркитишга ҳам улгуролмай қолдим.

– Буғдойни аллақачон юклаб бўлдик, бир соатдан бери қичқирамиз-а, овозинг чиқса-чи!.. Қўлингдаги нима? – деб Жамила суратни мендан тортиб олди ва: «Бу нима қилиқ!» – деб авзойи бузилиб, қоғозга термилганича қолди.

Ўшанда хижолатдан жуда мулзам бўлдим. Жамила суратга узоқ тикилиб турди-да, кейин ёшланган кўзлари билан менга маъюс боқиб:

– Шуни менга бергин-а, кичкина бола! – деди у секингина. – Сендан менга ёдгор...

Жамила сурат солинган қоғозни икки буклаб қўйнига солиб қўйди.

Биз йўлга чиқиб, овулдан анча узоқлашиб кетгунча ўзимга кела олмадим. Қалбимни шу қадар тўлқинлантирган ўша лавҳани чиндан ҳам қоғозда акс эттира олдимми ёки бу бир туш – хаёлми деб гумонсирадим. Лекин шундай бўлса ҳам қалбимнинг чуқур бир жойида чизган суратимдан фахрланиш ҳисси уйғониб, юрагим севинчдан тўлиб-тошар, яқинда бўёк топсам, жуда кўп суратлар чизиб, мактабга илиб қўярдим, деган ширин хаёллар мени маст қиларди. Энди билсам, бу болаликка хос бир фазилат экан. Мен ўз хаёлларим билан банд бўлиб, жуда тез кетаётганимизни ҳам пайқамабман. Чунки олдинда бораётган Дониёрдан орқада қолмайлик деб Жамила отларга устма-уст қамчи урарди. Кейинги пайтларда Дониёр аравасини ҳар қачонгидан ҳам тез ҳайдайдиган бўлиб қолганди.

Жамила Дониёр билан ёнма-ён борарди. У гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга қарар, баъзан эса бирон айб иш қилиб қўйгандек аянчли жилмайиб турарди. Буни кўриб мен ҳам жилмаярдим ва: «Чизган суратим янгамга ёқди шекилли, хафалиги тарқаб, кўнгли ёзилди. Жамила Дониёрга ашула айт деса, у албатта айтиб беради... Демак, бугун Дониёрнинг ашуласини маза қилиб

тинглар эканман-да... Эҳ, тезроқ айта қолса экан», деган ўй кўнглимдан кечарди!

Бу сафар биз станцияга анча барвақт етиб келдик, лекин отларимиз қора терга тушиб кетган эди. Тарози ҳам бўш экан, Дониёр аравадан туша солиб, қопларни таший бошлади. Унинг бунча шошиб-пишиб ишлашига, индамай тумшайиб юрганига хайрон эдик. Поездлар ўтганда, Дониёр тўхтаб қолиб, уларнинг орқасидан узоқ вақт қараб турар, негадир чуқур ўйланиб қоларди. Жамила ҳам гўё унинг кўнглидагини билмоқчи бўлгандек, Дониёр боққан томонга қаради. Жамила аравасининг ёнига бориб Дониёрни чақирди:

– Бери кел-чи Дониёр, қашқа отнинг тақаси тушай деб турибди, шуни юлиб ташлагин.

Дониёр отнинг туёғини тиззалари орасига қисиб, тақани юлиб олиб, қаддини ростлаётганида Жамила секин шивирлади:

– Нима, ҳеч нарсани тушунмайсанми дейман? Ё мендан бошқа қиз-жувон қуриб қолганми.

Дониёр қиё боқди-ю, лекин ҳеч нарса демади.

– Нима, менга осон деб ўйлайсанми? – деди Жамила хўрсиниб.

Дониёр Жамилага меҳр билан боқиб, алланима деди-ю, лекин мен эшитмай қолдим, чунки юганидан ушлаб турган отим бошини силтаб пишқириб юборди. Дониёр нимадандир мамнун бўлгандек қўлидаги тақани силаб, ўз араваси томон кетди. Мен унга қараб, нахотки унинг юраги Жамиланинг ҳалиги сўзларидан таскин топди экан, деб хайрон бўлардим. Ахир «менга осон деб ўйлайсан-ми?» деган сўзининг нимасига хурсанд бўлади?

Биз қопларни ташиб бўлиб, энди овулга қайтмоқ-чи бўлиб турганимизда, ҳовлига эғнига ёғимланган эски шинел кийган, елкасига халта илиб олган бир ориқ ярадор аскар кириб келди. Ундан сал олдин станцияга бир эшелон келиб тўхтаган эди. Ҳалиги аскар чор-атрофга аланг-жалаң қаради-да:

– Гуркуров овулидан ким бор?! – деб қичқирди. Бу ким бўлдийкин, деб ўйладим-да:

– Мен Гуркуровдан бўламан, – дедим. Аскар қувониб кетди-да:

– Кимнинг боласисан, укажон? – деб сўраб олдимга келмоқчи бўлган эди, бирдан Жамилага кўзи тушиб, турган жойида донг қотиб қолди.

– Кариммисан? – деди Жамила шодланиб.

– Вой, Жамила, сингилжоним! – деб аскар Жамиланинг ёнига югуриб бориб, у билан қўшқўллаб кўриша кетди.

Бу келган йигит Жамиланинг узоқ қариндоши, ҳамқишлоғи экан.

– Буни қара, худди билгандек шу ёққа қайрилибман-а! – деди у хаяжон билан. – Содиқнинг ёнидан чиққанимга

атиғи беш кун бўлди, госпиталда у билан бирга ётдик, худо хоҳласа, у ҳам бир-икки ойда келиб қолади. Мен келаётганимда хотинингга хат ёзиб бер, ўз қўлим билан топширай деб хат



ёздириб олгандим... Жуда яхши қилган эканман-да, мана, омонатингни ол! –

деб хурсанд бўлиб, аскар шинелининг ичидан учбурчак хатни олиб,

Жамилага узатди. Жамила хатни шоша-пиша олди-да, қувонганиданми, ё

уялганиданми аввалига қизариб, сўнгра ранги қув ўчиб, индамай Дониёрга

кўз қирини ташлади. У бояги хирмондагидек оёқларини кериб, аравасининг

ёнида ёлғиз тураркан, Жамилага маъюс боқарди. Бу орада ҳар томондан

югуриб келишган кишилар аскарни ўраб олиб, баъзиси қариндош, баъзиси

ҳамқишлоқ чиқиб, ҳол-аҳвол сўрашиб қолишди.

Жамила ўз ҳамқишлоғига миннатдорчилик


билдиришга улгурмаган ҳам эдики, Дониёр

унинг ёнидан аравасини тақир-тукур қилиб

ўтди-да, чанг-тўзон кўтариб йўлга тушди.

Кишилар унинг эрқасидан:

– Нима бало, уни жин урдими? Эси жойидами ўзи? – деб қичқариб қолишди.



Аскарни ҳам таниш-билишлари олиб кетишди, шекилли, ҳовлида янгам иккаламиздан бошқа ҳеч ким қолмабди. Биз Дониёрнинг араваси кўздан ғойиб бўлгунча, олисда кўтарилаётган чангга қараб турдик.

– Юр, янга, уйга кетайлик, – дедим мен.

– Ўзинг кетавер! – деди Жамила.

Ана шундай қилиб, биз биринчи марта алоҳида-алоҳида кетдик.

Ҳавонинг димлигидан нафас олиш қийин эди. Ердан кўтарилган ҳарорат лабларимни қабарситиб, томоғимни қуришиб юборди. Жазирама қуёш нури эрталабдан куйдириб, қовжиратиб ётган ер бети энди шўрхок туз билан қопланиб, аста-секин совиётгандек бўларди. Қуёш шўрхок ердан кўтарилаётган сароб сингари парда ичида уфқ сари чўкиб борарди.

Узоқда, уфқ тепасида қизил-сур булутлар йиғила бошлади. Баъзан кучли гармсел эсиб, отларнинг тумшукларига чанг аралаш оқиш шўрхокларни келтириб урар ҳамда уларнинг чанг босган ёл ва думларини юлқиб, йўл бўйидаги эрманларни учириб кетарди.

«Ёмғир ёғади, шекилли» деб ўйладим. Шунда ёлғизлик дарди ичимни ўртаб, алланимадан кўрққандек отларни жадал хайдаб кетдим. Менгина эмас, ҳатто узун оёқли тувалоқ қушлар ҳам бир нарсадан чўчигандек камишзорлар орасига кириб яширинишди. Шамол жазирама иссиқдан қовжираган қариқиз япроқларини аллақарлардандир йўл устига учириб келарди. Биз томонларда бундай ўсимликлар ўсмайди. Чамамда, бу япроқлар қозоқ чўлларидадан учиб келган бўлса керак. Теварак-атрофда кимирлаган жон йўқ. Дониёр ҳам кўринмайди, орқада қолган Жамиладан ҳам дарак йўқ. Қуёшнинг охириги нури ҳам сўнди. Толиққан дала ҳам мудраб уйқуга кетди.

Мен хирмонга қош қорайганда етиб келдим. У ер тинч, ғир этган шабада йўқ. Дониёрни чақирган эдим, қоровул жавоб берди:

– У сойга кетди, нима ишинг бор эди? – деди-да, сўнгра бир ютиниб олиб, ўзича минғирлади. – Ҳавонинг димлигини-чи, ҳамма уй-уйига кетишди. Шамол бўлмаса, хирмонда иш бўлармиди...

Отларни бедазорга тушовлаб, сойга бурилдим. Дониёр одатдагидек тик тушган жар тепасида тиззасини кучоқлаб, бошини қуйи солганча жар остида сувнинг шовиллаб оқишига қулоқ солиб ўтирарди. Унинг мустар бўлиб ўтириши юрагимни эзиб юборди. Дониёрнинг ёнига бориб, уни маҳкам кучоқлаб, тасалли бермоқчи, илиқ сўзлар билан кўнглини кўтармоқчи бўлдим. Лекин нима ҳам дея олардим, уни қандай юпатаман ахир. Анчагача иккиланиб турдим-да, сўнгра хирмонга қайтиб кетдим.

Ўшандан кейин ғарам устида ётиб анча вақтгача ухлай олмай, осмонни қоплаб келаётган булутларга қараб хаёл суриб кетдим. «Инсон хаёти нега бунчалик мураккаб, сира тушуниб бўлмайди-я». Жамиланинг бўлса ҳамон дараги йўқ. Нега бунча ҳаяллади экан, қаерларда юрганикин, деб араванинг ғилдирак товушларини эшитишга зор бўлиб қулоқ солиб ётдим. Қаттиқ чарчаган бўлсам ҳам, сира уйқум келмади. Тоғлар тепасидаги булутлар орасидан яшин ялт-юлт этиб чакнарди.

Дониёр келганда ҳали уйғоқ эдим. У нима қиларини билмай, қайта-қайта йўлга қараб, хирмонда бир оз айланиб юрди-да, сўнгра ёнимга келиб, ўзини юзтубан отди.

«Энди у овулда қолмайди, бошини олиб кетса керак», деб ўйлардим. Лекин бечора қаерга ҳам борарди? Бошпанасиз бир мусофир кимга ҳам керак? Бечорага қийин бўлди-да, энди нима қилар экан?

Энди кўзим илинган экан, хирмон томондан арава товуши эшитилди. «Жамила бўлса керак», деб ўйладим уйқу аралаш.

Қанча ухлаганимни билмайман, бир вақт нақ қулоғим тагида шитирлаган товуш эшитилиб, биров келаётгандек бўлди. Қанот серпигандек қандайдир бир совуқ нарса бетимни силаб ўтди. Кўзимни очсам Жамила экан. Чўмилиб келган бўлса керак, кўйлагини ҳам хўллаб олибди, шунинг учун ҳам ёнимдан ўтаётганида салқин шабада эсгандек бўлди. Жамила тўхтаб қолди-да, у ёқ-бу ёққа аланглаб, Дониёрнинг бош томонига ўтирди.

– Дониёр, мана мен ўзим келдим! – деди у секин шивирлаб.

Атроф жимжит, осмонни гумбурлатиб яшин чакнади.

– Хафа бўлдингми? Қаттиқ хафа бўлдингми? Яна жимлик чўкди, қирғоқдан тупроқнинг сувга «шўлп» этиб тушгани эшитилди.

– Лекин менинг айбим нима? Сенда ҳам гуноҳ йўқ.

Тоғлар устида яшин гумбурлади. Жамила чўчиб ялт этиб қараганида, яшин унинг юзини ёритиб юборди. Жамила атрофга бир қаради-да, ўзини Дониёр кўксига ташлади, унинг елкаси Дониёрнинг бақувват кўллари остида дир-дир учарди. Жамила ҳам ғарамга чўзилиб, Дониёр билан ёнма-ён ётди.

Кучли шамол сомонни кўкка совуриб, хирмон четида қийшайиб турган ўтовни ялаб ўтди-да, қуюн бўлиб осмонга кўтарилди. Чақмоқ булутлар орасида кўкимтир из қолдириб, қарағай сингандек қасира-қусур қилиб ҳамма ёқни ларзага солди. Аъзойи баданим титраб, ҳам кўрқиб, ҳам қувониб кетдим. Момақалдироқ, ёзнинг охириги момақалдироғи ёпирилиб келар, илк куз нафаси димоққа уриларди. Энди Жамилани ҳеч қандай куч тўсолмасди. У Дониёрга секин шивирлади:

– Чиндан ҳам гумонсирадингми, наҳотки мен сени унга алмаштираман! У мени ҳеч қачон севган эмас, севмайди ҳам! Майли, ким нима деса деяверсин, лекин мен сеникиман! Ёлғизим, азизим, мен сени ҳеч кимга бермайман. Мен сени кўпдан бери севаман. Ғойибона ошиқ бўлиб келишингни интизорлик билан кўзим тўрт бўлиб кутгандим. Кутганлигимни билгандек, мана, сен ҳам мени излаб келдинг...



Жарлик орқасидаги сой қирғоқларидан ивиб сувга қулаб тушаётган тупроқ чақмоқ ёруғида кўриниб турарди. Дастлабки йирик ёмғир томчилари сомон устига шитирлаб ёға бошлади.

– Жамилам, жонгинам, севгилим, Жамилахон! – деб Дониёр қирғизча ва қозоқча энг нафис сўзлар билан ўз маъшуқасини эркалатарди. – Мен ҳам сени кўпдан бери севиб юрардим. Умримда кўрмаган бўлсам ҳам,

окопларда ётиб сени ўйлардим. Севган ёрим Ватанимда эканлигини билардим. Бу сен экансан, Жамилам!

– Шунқорим, мард лочиним! Бу ёққа қарачи, кўзларингга тўйиб боқай!

Ёмғир шаррос қуйиб берди. Қора уй тепасига ёпилган наमतлар худди қанот қоққан қушдек шамолда учиб кетди. Гоҳ қиялаб, гоҳ тик қуйган жала ерни орзиқиб кутгандек устма-уст ўпарди. Кетма-кет момақалди роқ гумбурлаб, бутун осмон қаърини тилиб ўтгандек бўларди. Узоқ-узоқлардаги тоғлар баҳор лолаларидек қизариб кўринарди.

Ёмғир кучая борди. Мен бўлсам, сомонга кўмилиб олиб, юрагимнинг дук-дук уришини сезиб ётардим. Мен ниҳоятда бахтиёр эдим! ўзимни узоқ касалликдан кейин биринчи марта кўчага чиққан одамдек ҳис этиб, ҳар бир нарсага суқланиб қарар, гўё ҳаёт лаззатини энди билаётгандек эдим.

Ёғин ҳам, чакмоқларнинг ёруғи ҳам сомон остида ётган жойимга етиб борарди, лекин мен ўзимни жуда яхши ҳис ётардим, уйқуга кетар эканман, ўзимча кулимсираб кўярдим. Қулоғимга чалинган шарпанинг нималигини билмасдим. Бу Жамила билан Дониёрнинг шивирлашими ё бўлмаса, тинаётган ёмғирнинг сомонга шитирлаб тушишими?

«Мана энди ёмғир тинмайди, ҳадемай куз ҳам киради!» дердим ўзимга-ўзим. Нам сомон билан эрман ҳиди димоққа уриб, куздан дарак берарди.

Лекин бу кузда бизни нималар кутаётгани ҳақида ўйламабман.

Ўша кузда мен икки йиллик танаффусдан кейин яна мактабга қатнай бошладим. Дарсдан бўш вақтларимда кўпинча ҳалиги сой бўйидаги жар тепасига бориб ўтирардим. Хирмон ҳувиллаб бўшаб қолган эди. Бу ерда мен мактабдан олган бўёқлар билан ўзимнинг дастлабки этюдларимни чиздим. Чизган суратчаларимдан ўзимнинг ҳам кўнглим тўлмас эди. «Бўёқларимнинг мазаси йўқ. Қани энди чинакам, асл бўёқлар бўлса!» – деб ўйлардим ичимда. Яхши бўёқларнинг қандай бўлишини билмасдим ҳам.

Рассомлар ишлатадиган мойбўёқларни фақат кейинги вақтлардагина кўришга муяссар бўлдим.

Бўёқ ўз йўли билан-у, лекин муаллимларнинг гапида ҳам жон борга ўхшарди: рассом бўлиш учун ўқиш керак. Бу гап тўғрилигини билиб турсам ҳам, ўқишимга сира кўзим етмасди.

Ўқиш қаёқда дейсиз: акаларим дом-дараксиз кетган бўлса, мен икки уйнинг ёлғизгина дастёри бўлсам, ўқишга юборишармиди. Шунинг учун ўқиш тўғрисида оғиз ҳам очмасдим. Лекин ўқишни қумсаб, боролмаслигимга ич-ичимдан ачинардим, бунинг устига, бу йил кузнинг бу қадар кўркам келишини айтмайсизми!

Қўлингдан келса, ўтирсанг-у, чизсанг, ажойиб сурат чиқарди-да.

Гуркуровнинг суви камайиб, қозондек-қозондек тошлар туртиб чиқиб, уларнинг усти ям-яшил, сап-сарик йўсин билан қопланганди. Эрталабки изғириндан яланғоч толчаларнинг нозик таналари қизариб кетганди, бироқ теракларнинг сап-сарик япроқлари ҳали тўкилмаган эди.

Йилқичиларнинг ёзи билан ўт ёқилавериб тутундан қорайиб кетган ўтовлари катта сойнинг у ер-бу ерида кўзга ташланарди. Ўтовдан буралиб-буралиб чиқаётган кўк тутун худди тўй-тўйлаган хотинлардек овулма-овул сузиб юришарди. Тойчалар атрофга ёйилиб кетган оналарини қидиришиб, зўр бериб кишнашарди. Энди тойчалар кишнагани-кишнаган. Чунки бияларни то баҳоргача уярда сақлаш қийин. Тоғлардан қайтган моллар хосили йиғиб олинган далаларда пода-пода бўлиб юришарди. Дашт саҳни туёқ изидан илма-тешик бўлиб кетган эди.

Бу йил ҳам куз кузлигини қилди: ҳаммаёқни тўзитиб изғирин шамол кўзғалди ва осмоннинг авзойи бузилиб, қор аралаш ёмғир ёға бошлади. Бир хафта сурункасига ёққан ёмғир бир кун сал тиниши билан, мен Гуркуров томонга қараб жўнадим. Тошлоқдаги бир туп тоғ четани қип-қизил чўғдек ёниб, «мени суратга ол» дегандек бўй чўзиб турарди.

Мен сой бўйидаги буталар орасида сурат чизиб ўтирганимда, қош қорайиб қолган эди. Бир вақт бошимни кўтариб қарасам, нариги соҳилда

икки киши турибди, дарёнинг саёз жойидан ўтишган бўлса керак. Уларнинг Дониёр билан Жамила эканини дарров танидим. Мен уларнинг жиддий ва ташвишли юзидан кўзимни уза олмай тикилиб турдим. Дониёр ҳар галгидек дадил қадам ташлар, юрган сайин шинелининг бари оҳори тўкилган аскарча этигининг кўнжларига шартиллаб тегарди. Жамила бўлса эгнига бозорга борганда киядиган парча-парча қизил гуллик кўйилагини, чийбахмал чопонини кийиб, бошига оқ жун рўмолини ўраб олганди. Бир кўлига тугунчак кўтариб, иккинчи кўли билан Дониёрнинг халтасидан ушлаб бормоқда. Улар йўл-йўлакай нималар тўғрисидадир ўзаро гапиришиб боришарди.

Уларнинг овулимизни ташлаб, қаёққадир кетишаётганини сезиб, юрагим «жиз» этиб кетди.

Мана, улар жарликдан ўтиб, камишзор оралаб кетиб борарди. Мен бўлсам, худди бир нарсани йўқотган кишидек уларнинг орқасидан қараб, нима қиларимни билмай қолдим. Қичқирайин десам, нафасим сиқилиб, овозим чиқмасди.

Қуёш тоғлар ёқалаб сузиб бораётган булутларга қизғиш нурларини сўнгги бор сочди, атрофни қоронғилик қоплай бошлади.

Дониёр билан Жамила орқа-олдиларига қарамай, темир йўл разездини кўзлаб тез-тез одимлаб боришмоқда. Бора-бора уларнинг қоралари узоқлашиб, бир оздан кейин камишзор орасига кириб, бутунлай ғойиб бўлди.

Ана ўшандагина мен ўзимга келиб, орқаларидан овозимнинг борича:

– Жамила-а-а-а! – деб қичқирдим.

Дала устида анча вақтгача: «а-а-а» деган акс садо эшитилиб, бир оздан сўнг тинар эди.

Яна бир марта жаҳл билан:

– Жамила-а-а-а! – деб қичқирдим-да, сўнг уларнинг орқасидан югуриб қолдим. Сувни сув демай, оёқяланг, бошяланг, уларнинг орқасидан қувиб борардим, уст-бошим жикқа ҳўл бўлганди. Шунга қарамай, яна тезроқ чопа

бошладим. Бирдан оёғим нимагадир чалиниб кетди-да, юзтубан йиқилдим. Бошимни кўтармай, икки кўлим орасига олиб, ўксиб-ўксиб йиғлаб юбордим. Кўз ёшларимдан намланган майин тупроқ кўл-бетимни музлатиб ғира-шира қоронғилик кўнглимга ғулғула солгандек, ўпкам қисилиб, аччиқ-аччиқ йиғладим, қамишлар гўё менинг қайғу-ҳасратимга ҳамдард бўлгандек тинмай шитирлашар эди.

– Жамила! Жамила! – дердим мен ўпкамни босолмай пиқ-пиқ йиғлаб. Мен энг яқин, энг азиз одамларим билан хайрлашар эдим. Мана ҳозиргина, ерда ётиб, ўзим ҳам Жамилани севиб қолганлигимни тушундим. Бу менинг илк, болаликдаги севгим эди.

Юзимни кўз ёшидан хўл бўлиб кетган енгимга артиб, яна анчагача йиғлаб ўтирдим. Мен фақат Жамилалар билангина эмас, балки ўзимнинг болалик даврим билан ҳам хайрлашар эдим.

Қоронғида тимирскиланиб уйга келганимда ҳовлимизда шовқин-сурон авжида эди: ит эгасини танимасди. Кимдир отга эгар урарди. Безори Усмон бўлса, ҳар кунгидек маст, отини гижинглатиб, овозининг борича бақирарди:

– Айтмаганмидим, мана оқибати нима бўлди. Йўлчибой ота шармандаи шармисор бўлди. Қани кетдик, бу саёқ ит, чала козокни ушлаб бўйнини узмасам, отимни бошқа кўяман. Ўн йилга кесилсам, кесиламану, лекин ҳар қандай ялангоёқнинг хотинларимизни олиб кетишига йўл кўймайман. Қани кетдик, йигитлар! Қаерга ҳам борарди дейсан?

Улар қайси томонга кетишаркин деган фикр хаёлимдан ўтди-ю, юрагим шув этиб, аъзойи баданим музлаб кетди. Нима қиларимни билмай, отлиқларнинг орқасидан мен ҳам овул чеккасига югуриб бордим-да, уларнинг разезд томонга эмас, станцияга олиб борадиган катта йўл томонга қараб бурилиб кетганларини кўриб, жоним ўрнига тушди. Сўнгра уйга қайтиб келдим-да, йиғлаганимни ҳеч ким билмасин, деб, отамнинг тўнига ўралиб ётдим.

Овулда ҳар хил миш-миш гаплар тарқалди. Ҳамма хотинлар Жамилани қоралашарди:

– Аҳмоқ-да! Ақли бўлса туз ичган жойига туфлаб, санқиб юрган бир мусофирга эргашиб кетармиди.

– Шунисига куяман-да! Унинг нимасига қизиқ-ди экан дейман-да! Эски шинели билан, тешик этигидан бўлак ҳеч балоси йўқ эди-ку!

– Қўтан-қўтан қўйи бормиди! Уйи йўқ, жойи йўқ, насл-насаби бетайин бир дайди-да! Майли, уволи ўзига, ҳали аттанг дейди... Бу танноз хотиннинг ҳолини ўшанда кўрармиз.

– Тавба, Содикдан ортиқ эрни топиб бўпти.

– Қайнонасини айтмайсанми, қайнонаси-чи? Бундай ювош қайнонани қаердан топади! Ўзига-ўзи қилди, жувонмарг, майли!

Бурунги янгамни, Жамилани қораламай, унинг қилмишини тўғри деб топган ёлғиз мен бўлсам керак. Дониёрнинг эски шинели билан тешик этигидан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаса ҳам, лекин унинг маънавий бой, қалби юксак одамлигини мен билмаганда ким билади. Жамила Дониёрнинг этагини ушлаб кетиб, ўз бахтини топтади, деган гапларга ишониш у ёқда турсин, аксинча, мен у ўз бахтини энди топди, деб ишонардим. Фақат ойимга ачинардим, холос. Жамила билан бирга унинг бутун куч-қуввати кетгандек. Ойим ғамгин бўлиб, ўзини анча олдириб, қадди букилиб қолди. Оҳ, бечора ойим. Ҳаёт оқими баъзида эскилик илдизига шафқатсиз болта уриб, янги бахт сари интилишини ойим тушунмаса керак-да. Агар бўрон азим чинорни таг-томири билан кўпориб ташласа, у қайтиб қаддини ростлаёлмайди... Ойимнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан унинг олдинги куч-қуввати қолмаганлиги сезилиб турарди. Илгарилари у ҳеч кимдан игнага ип ўтказиб беришни илтимос қилмас, қарилик ғурури бунга йўл қўймас эди. Бир куни уйга кириб келсам, ойим игнанинг кўзини тополмай, қийналиб йиғлаб ўтирибди.

– Ма, ипни ўтказиб бер-чи! – деди у қалтираган қўллари билан игна ва ипни менга узатиб. Сўнгра оғир хўрсинди-да, кўз ёшларини артиб, ўзича

минғирлади: – Э-э, шўрлик келиним, кўра-била туриб ўзингни ўтга ташладинг-а. Уйимизнинг тўри сеники, еганинг олдинда, емаганинг кетингда эди... Ўзингни ўзинг жувонмарг қилдинг... Бизни доғда қолдириб кетдинг... Нега кетдинг... Уйимизда нима камчилик кўрддинг... Шўрлик Жамила...

Ойимнинг шундай мунғайиб ўтирганини кўриб, ўзимни тутолмай, беихтиёр: «Йўқ, ойи, у шўрлик эмас!» – деб қичқириб юборгим келди-ю, лекин ўзимни босдим. Ойимни маҳкам қучоқлаб, Дониёрнинг кимлигини, уни жонимдан азиз кўришимни айтиб, йиғлаб юборишимга оз қолди. Лекин бу сўзларни айтишга тилим борармиди. Бу гапим билан ойимни бир умрга хафа қилган бўлардим.

Лекин бари бир бу бегуноҳ«қилмишларим» сир бўлиб қолмади.

Орадан кўп ўтмай Содиқ акам ҳарбийдан қайтиб келди. Ростини айтганда, у кўринишда унчалик сир бой бермаса ҳам, лекин номусдан қаттиқ куйиниб, жиғибийрон бўлиб юрди, Усмонлар билан ичишиб қолгудек бўлса:

– Кетган бўлса садқайи сар! Сарсон-саргардон бўлиб юриб, охири бир кун очидан ўлади-кетади. Хотинман деганинг тўлиб ётибди, чертиб-чертиб олиш мумкин. Олтин бошли хотиндан, бақа бошли эр яхши! – дерди жаҳл билан.

– Гапинг-ку тўғри-я, – деб жавоб қайтарарди Усмон. – Афсуски, ўшанда кўлимга тушмади-да: унисининг ичак-чавоғини ағдариб, бунисининг сочларидан отга боғлаб судратардим! Эҳтимол, улар жанубда, пахта далаларида, ё бўлмаса қозоқ ерларида тентиб юришгандир. Саёқлик Дониёрга касб бўлиб қолган. Шунисига доғманки, буни ҳеч ким билмай, ҳеч ким сезмай қолган-а, қандай бўлганига кишининг сира ақли етмайди-я... Бу ишнинг ҳаммасини ўша қанжиқнинг ўзи қилган, исини ҳам чиқармади-я, лаънати, бўлмаса мен уни нақ!..

Бундай гапларни эшитганимда қоним қайнаб, муштларимни қисардим. Кучим етса, ўша Усмоннинг башарасига туфлаб: «Пичан ўроғида

адабингни бергани эсингдан чикибди-да... Энг ярамас, энг разил одам сенсан-ку!» деган бўлардим.

Бир куни уйда мактаб деворий газетасига сурат чизиб ўтирган эдим, ойим ҳам печка олдида чўққайиб ўт ёқиб ўтирарди, бехосдан эшик очилиб, уйга ранги кўкариб, ғазабидан кўзларига қон тўлган Содик акам кириб келди. У мени устимга ёпирилиб келаётганда, елкасига ташлаб олган шинели ерга тушиб кетди.

– Буни сен чиздингми? – деб сўради у бир варақ қоғозни тумшуғимга тикиб. Қоғоздаги суратни кўриб юрагим орқамга тортиб кетди: бу ўша хирмонда ўтириб қаламда чизган Дониёр билан Жамиланинг сурати эди. Суратга кўзим тушиши билан гўё улар менга қараб туришгандек бўлди. «Қизик, Жамила буни нега ташлаб кетдийкин? Уни бир ерга яшириб қўйган-у, кейин эсидан чиқариб кетган бўлса керак!» – деб ўйладим ичимда.



– Ҳа, мен чизган эдим! – дедим.

– Бу-чи, бу ким ўзи?

– Дониёр.

– Э, аблаҳ, сотқин! – деб ўшқирди Содик акам менга ва суратни майда-майда қилиб йиртди-да, оёғи остига олиб топтаб, кейин эшикни каттиқ ёпиб чиқиб кетди.

Уй ичига оғир жимлик чўқди.

– Сен буни билармидинг? – деб сўради ойим бир маҳал.

– Ҳа, билардим.

Ойим печкага ўт ёқиб ўтириб, менга шундай таъна ва хайрат назари билан қарадики, мен нима қилишимни билмай, бош бармоғимни узиб олгудек бўлиб:

– Мен уларнинг суратини яна чизаман! – дедим.

Ойим ғинг демай бошини маъюсгина чайқаб, ерга боқди.

Ерда сочилиб ётган суратга қараб, ичимни ўтдек ўртаётган хўрликка ҳеч чидай олмадим. Майли, мен оиламиз, уруғимиз учун «сотқин» бўлайин,

бирок, мен одамгарчиликка, ҳақиқатга, ҳаёт ҳақиқатига хиёнат қилганим йўк. Аксинча, адолат тарафдори бўлдим. Менинг кўнглим соф, ниятим холис эканлигини ҳеч ким билган эмас, буни одамларга ҳам айтиб бўлмайди, бошқалар тугул, ҳатто ойим ҳам буни тушунмас эди, албатта.

Ойим индамай ўтираверди. Изза бўлганимдан кўзларимга ёш келди, йиртиб ташланган сурат парчалари гўё жонлидай ерда айланиб юрарди. Дониёр билан Жамиланинг ёрқин қиёфаси сира кўз ўнгимдан кетмас, Дониёрнинг ўша август кечаси айтган оромбахш қўшиқларини яна эшитаётгандек бўлардим. Уларнинг овулдан кетганларини эсладим-да, мен ҳам ғайратга тўлиб улар каби ўз истиқболим йўлида қийин сафарга отланишга қатъий бел боғладим.

– Мен ўқишга кетаман! – дедим ойимга. – Рассом бўлгим келади, рассомлик ўқишига бораман, отамга ҳам айтиб қўйинг...

Мен, ҳозир ойим урушда ҳалок бўлган акаларимни эслаб, фарёд кўтариб йиғласа керак, деб ўйлаган эдим. Лекин, бахтимга ойим йиғлагани йўғу, фақат ғамгин, эшитилар-ешитилмас қилиб гапирди.

– Майли, ўзинг биласан, борсанг бора қол... Учирма қанот бўлганларингдан кейин гапимизга кирармидиларинг, ҳар қайсинг ўз билганларингни қиласизлар. Биз нимани биламиз, балки сизларнинг билганларинг тўғридир, балки жуда катта одам бўлиб кетарсанлар... Ҳозир замон ўзи шунақа-ку. Майли, боравер... Эҳтимол, ўша ёқларга борганингдан кейин сураткашлик яхши касб эмаслиги-ни ўзинг тушуниб оларсан... Уйингни, ота-онангни унутма, насихатим шу...

Шу кундан бошлаб кичик уй ўз-ўзидан бўлиниб кетди. Ҳадемай мен ҳам ўқишга жўнадим.


Рассомлик мактабини битириб, ўз маҳоратимни ошириш учун яна Санкт-Петербург академиясига ўқишга борганимда, ўз диплом ишимни топширдим. Бу диплом иши – кўпдан бери орзу қилиб, юрагимда сақлаб юрган суратим эди.

Албатта, сизлар бу суратда Дониёр билан Жамила тасвирланганини дарров фаҳмлагандирсизлар. Улар даладаги ёлғизоёқ йўлдан ёнма-ён кетишар эди. Дониёрнинг шинели шамолда елпиниб, юзидан севинч балқиган Жамила унинг халтасидан ушлаб олганди.

Уларнинг олдида Дониёр куйлаган поёнсиз, ёруғ, кенг дала ястаниб ётарди. Ҳозир оламда Жамила билан Дониёрдан бахтли одам бўлмаса керак!

Тўғри, суратимни ҳар томонлама мукамал, бекаму-кўст ишланган деб айтолмайман, ахир, маҳорат деган ўз-ўзидан дарров келмайди-ку. Бу – оғир, машаққатли меҳнат меваси... Лекин бари бир бу сурат мен учун дунёда энг азиз, энг қимматли нарса эди. Чунки ўзимдаги санъатга бўлган барча меҳр-муҳаббатим, ихлосим, завқимни мен биринчи марта ана шу суратга бергандим.

Мана энди анча тажрибали бўлиб қолган бўлсам ҳам, баъзан чизган суратларим кўнглимдагидек бўлиб чиқмайди, ўзимга ёқмайди, ўшанда ўз кучимга ўзим ишонмай, гумонсираб қоламан. Шундай оғир дамларда ўша сурат – Дониёр билан Жамила мени ўзига чорлайди. Уларга узоқ тикилиб, ҳар гал улар билан маслаҳатлашгандек бўламан.



«Ҳозир қаердасиз, қайси йўлдан кетяпсиз? Ҳозир даламизда янги йўллар кўп. Қозоғистондан тортиб Олтой ва Сибирга қадар чўзилиб кетган! Ҳозир у ерларда чўлни бўстонга айлантириш, янги ерда янги турмуш қуриш учун кўплаб азаматлар мардона меҳнат қилмоқдалар! Балки сизлар ҳам ўша ёққа кетгандирсизлар! Ундай бўлса, оқ йўл! Сафарларинг беҳатар бўлсин! Жамила, менинг Жамилам, сен бошингни баланд кўтариб, кенг даладан мағрур қадам ташлаб кетдинг... Ҳозир ҳам ўшандаймисан, ҳозир ҳам йўл юришдан толиқмайсанми? Ё ўз кучингга ишонмай, чарчаган, иккиланиб қолган кунларинг ҳам бўладими? Бўш келма, бардам бўл, Дониёрдан мадад ол! Дониёр сенга севги, вафо, она Ер, ҳаёт тўғрисидаги жўшқин куйларини куйлаб берсин! Ўшанда кўз ўнгингда кенг дала гуллаб, август тунидаги

кучли бўрон гувилласин! Олис йўлдан қўрқма, Жамила, сенинг йўлинг бахт йўлидир, сен ўз бахтингни топдинг!»

Мен уларга қараб, Дониёрнинг овозини эшитаман, демак, Жамила иккиси мени сафарга чорлайди. Ҳа, мен йўлга чиқишим керак! Ҳа, кенг дала бағридан ўтиб, овулимга бораман! Туғилиб ўсган ерим– куч-қувватим! Мен ундан янги-янги бўёқлар топаман. Чизган суратимнинг ҳар бир бўёғидан, ҳар бир лавҳасидан Дониёрнинг куйи эшитилиб турсин! Чизган суратимнинг ҳар бир бўёғида, ҳар бир чизиғида Жамиланинг қалби уриб турсин.

1958 йил

Илмий нашр
АБДУЛЛА УЛУҒОВ

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ МУҲТАШАМ АДАБИЙ ОЛАМИ

Муҳаррир:

.....

Техник муҳаррир:

.....

Дизайнер:

.....

“Muharrir” nashriyoti, 2023. – ... б

Теришгаберилди

Босишга.....рухсат этилди.

Бичими:

Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.

....шарт.б.т.ҳисоб нашр. таб.

“MUHARRIR NASHRIYOTI” маъсулияти чекланган жамияти
100185, Тошкент ш., Чилонзор тум., 20а-мавзе, Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.
Электрон почта: muharrir@list.ru

Адабий-илмий нашр

АБДУЛЛА УЛУҒОВ

**ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ
МУҲТАШАМ АДАБИЙ
ОЛАМИ**

Мухаррир:
Шахзода Ҳакимова

Техник муҳаррир:
Файзулла Азизов

Дизайнер:
Василий Бурцев

“Muharrir nashriyoti”

6068



Теришга 2023 йил 27 январда берилди.
Босишга 2023 йил 31 мартда рухсат этилди.
Бичими: 60x84 1/16, “PT Sans” гарнитурасида
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.
10,5 шарт. б.т. 9,76 ҳисоб нашр. таб.
Адади 300 нусха, 26-сон буюртма.

“Мухаррир нашриёти” матбоа бўлимида чоп этилди.
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru.

